

*Ҳаср
ғушани*



Ҳайриддин СУЛТОН

ОДАМЛАРДАН ТИНГЛАБ ҲИКОЯ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

*Наср
гургани*

Хайриддин СУЛТОН

Одамлардан тинглаб ҳикоя

Ҳикоялар

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

У - 8834/2

ТОШКЕНТ
«ADABIYOT»
2020

УЎК: 821.512.133-3
КБК: 84(5Ў)6
С 96

С 96 Султон, Хайриддин.
Одамлардан тинглаб ҳикоя [Матн]. *Ҳикоялар*/ Х. Султон.
– Тошкент: «ADABIYOT» нашриёти, 2020. – 400 б.

ISBN: 978-9943-6472-1-3

Ҳассос шоиримиз Ҳамид Олимжон:

“Одамлардан тинглаб ҳикоя,

Ўсар эди шоирда ғоя”, –

деб ёзганида мутлақо ҳақ эди.

Таниқли адиб Хайриддин Султоннинг қўлингиздаги китоби ўттиз битта янги ҳикоядан иборат. Тўпламга киритилган ҳаётномаларни муаллиф тўқиб чиқарган эмас, у фақат одамлардан эшитган ва бор ҳолида қоғозга туширган, холос.

Ҳар бир қаҳрамон тақдирида шундоқ ёнимизда яшаётган турли инсонларнинг тарихи ва қисмати, бахтию бахтсизлиги, қувонч ва қайғуси ўзининг бадий ифодасини топган.

УЎК: 821.512.133-3
КБК: 84(5Ў)6

*Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
«Ижод» жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди.*

ISBN: 978-9943-6472-1-3

© Хайриддин СУЛТОН, 2020
© «ADABIYOT», 2020

БИР САТР ВА БИР КИТОБ ТААССУРОТИ

Умр ўтган сайин инсондан узоқлашиб борадиган, айна пайтда ҳаёт чархида сайқал топиб, одамнинг қалбидан чуқур ва мустаҳкам жой оладиган соғинчли хотиралар ҳамиша азиз ва қадрлидир. Болаликдаги, ёшлик пайтингиз ва ўрта ёш даврларда кўрган, таниган-билган, ҳамсуҳбат бўлган кишиларингиз, ёру ошнолар, бегоналар, турфа хил қиёфалар...

Наинки ана шу сиймолар, балки қачондир ўқиган севимли китобларингиз, мактаб партасида ёд олинган шеърий сатрлар, димоғингизда хиргойи қилиб юрган ашулалар бора-бора қадрдон ҳамроҳларингизга айланиб қолганини ҳам сезмай қолар экансиз. Орадан неча йиллар ўтиб, турмуш ташвишлари аро тасодифан ана шундай бир хотира парчасига дуч келсангиз, беихтиёр чанг босган олис умр йўллари хаёлингиз кўзгусида чарақлаб ёришиб кетгандай туюлади.

Дилбар шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг “Ўзбекистон” қасидасини бундан эллик йиллар аввал биз, саккизинчи синф ўқувчилари Сариосиё пахтазорларида бир-биримизга завқланиб айтиб юрардик. Шундан буён қанча сувлар оқиб ўтди, мустабид тузум, ёлғон-сохта таълимотлар заволга юз тутди. Аммо “Ўзбекистон” қасидаси, бу латиф ва сеҳрли сатрлар, бу гўзал шеърият ҳамон яшаб келяпти.

Бу мулоҳазаларни мен бежиз ёзаётганим йўқ. Таниқли адибимиз Хайриддин Султоннинг янги китоби қўлёзмасининг биринчи varaғини очар

эканман, ўша шеърдаги болаликдан ошно ва қадрдон “Одамлардан тинглаб ҳикоя” деган сатрга кўзим тушди. Ўқиганим заҳоти, худди бир пайтлар бир партада байт талашиб, шеър айтишган, кўпдан буён кўришмаган синфдош дўстим билан юзма-юз учрашгандай ажиб ҳолатга тушиб қолдим.

Мана шу биргина сатр кўнглимнинг туб-тубида хира торта бошлаган олис хотираларни уйғотиб юборгандек, уларга қайтадан жон ато этгандек бўлди.

Дарҳақиқат, улуғ устозларнинг завол билмас ижоди давру замонларнинг синовидан ўтиб, ўзида ҳаётнинг залвори ва шиддати, латофати ва ҳасрат-андуҳларини мужассам этгани билан мумтозлик касб этгандир.

Шубҳасиз, китобнинг “Одамлардан тинглаб ҳикоя” деб номланиши зукко ўқувчининг фикру зикрини ўзига тортади. Ва ўйлайманки, у сўз заҳматкаши бўлмиш донишманд адибнинг мақсад-муддаосини савқи табиий равишда юрак-юракдан ҳис эта бошлайди.

Мен Хайриддин Султоннинг 30-40 ёшлик даврларини – жўшиб ижод қилган, ҳикоя ва қиссалари, публицистик мақолалари, роман ва киносценарийлари мунтазам нашр этилиб турган ижодий камолот йилларини яхши эслайман. Шундан сўнг адибимизнинг зиммасига масъул давлат ишлари юкланиб, кўпчиликнинг назарида у ижоддан бирмунча узоқлашгандай эди.

Аммо адабиёт, сўз санъати шундай бир сеҳрли мўъжиза эканки, унинг илоҳий моҳиятига ошно бўлган ҳақиқий истеъдод соҳиби бу мафтункор, сирли оламни асло тарк этолмас экан.

Шу маънода, Хайриддин Султон кейинги йилларда “Уч юз олтмиш тўрт кун”, “Ҳақиқат жамоли”, “Кўнгил озодадур”, “Бобурийнома” номли янги ки-

тобларини эълон қилгани, муаллифнинг ўқувчилар билан қайта дийдорлашуви барчамизни хурсанд қилган эди. Мана, бугун қўлингиздаги ушбу муаззам мажмуа билан адабий жамоатчилиكنинг, адабиёт муҳибларининг қувончи бардавом бўлиб турибди.

Илк таассурот шулки, китобга нозик дид ва маҳорат билан тартиб берилган. Оддий ўқувчи сифатида илғаганимиз – масалан, тўпламдаги биринчи асар – “Омад” ҳикояси “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” деган табаррук калом билан бошланади ва у гўёки бутун китобнинг мазмун-мундарижасини белгилаб беради. Сўнгги, “Мактуб” деб аталган, куйган кўнгил фарёди каби янграйдиган асар эса Яратганга муножот билан тугалланади.

Қўлёзгани ўқир эканман, аввало, унга ўттиз битта янги ҳикоя жо бўлгани эътиборимни ўзига қаратди.

Қизиқ, нега айнан ўттиз битта? Адибнинг бундан олдин нашр этилган “Уч юз олтмиш тўрт кун” китобига ҳам ўттиз битта ҳикоя, “Ҳақиқат жамоли” публицистик тўпламига ҳам ўттиз битта мақола киритилган эди.

Албатта, бу бежиз бўлмаса керак. Эҳтимол, бунинг замирида фақат муаллифнинг ўзигагина маълум ва маъқул бир маъно мужассамдир? Балки бу рақамда биз билмайдиган қандайдир сирли хосият бордир? Эҳтимол, бунда инсон умрининг тугал бир фасли – ўттиз бир кундан иборат тўлиқ ой назарда тутилаётгандир?

Нима бўлганда ҳам, мен бу саволларга жавобни китобнинг ўзидан излашни афзал топдим.

Ўттиз битта ҳикояда бир-бирини такрорламайдиган, бир-бирига ўхшамайдиган ёрқин характерлар, қаҳрамонларнинг ички дунёси, қалб туғёнлари уларнинг бевосита ўз тили, ўз нутқи орқали очиб

берилади. Бу эса ёзувчининг бир қарашда жуда оддий, содда бўлиб туюладиган, аммо аслида ниҳоятда мураккаб бир ижодий услубни танлаб иш кўрганидан далолат беради.

Маълумки, мумтоз адабиётимизда **“саҳли мумтанеъ”** деган бадий санъат бор. Унинг моҳиятини закий аждодларимиз “Айтмоқ осону енгил кўринади, аммо бундай айтмоқ мумкин бўлмас ё қийин бўлур”, дея шарҳлаганлар. Китобдаги ҳар бир ҳикоя мана шу гўзал санъат асосига қурилган, десак, адашмаган бўламиз.

Насрда фақат бир кишининг айтганига, яъни, монологга таяниб тўлақонли бадий асар яратиш албатта осон иш эмас. Бундай усул қаҳрамоннинг руҳий оламини борлигича, яхшию ёмон барча жиҳатлари билан ҳаққоний акс эттиришга монелик қилиши (ҳар ким ҳам ўзининг салбий хусусиятларини очиқ тан олиб айтишга қодирми?), маълум даражада ёзувчининг ижодий фантазиясини чеклаб қўйиши мумкин. Бинобарин, бундай ифода усули адибдан заргарона маҳоратни талаб қилади.

Тўпламдаги мавзуси ҳам, бадий талқини ва ечими ҳам ғаройиб ҳикояларни ўқиганда, киши ўйланиб қолади: бу ҳаётнома, тақдирнома, дардномаларнинг ҳаммаси бўлган воқеаларми ёки муаллиф хаёлотининг маҳсулларими?

Агар бўлган воқеалар десангиз, уларда шундай антиқа ҳодиса-тафсилотларга дуч келасизки, йўғ-э, ҳаётда бундай бўлиши мумкин эмас, деган фикрга борасиз.

Агар бу ҳикояларни муаллиф ўйлаб топган ёки тўқиб чиқарган, десангиз, ундаги аксарият ровийлар кўпчиликка таниш инсонлардир.

Масалан, китобда “Омад” ҳикоясини машҳур уламо Анвар қори Турсунов, “Отамнинг айтганини қилишим керак”ни шоир Ориф Одилхонов, “Ҳар иш бўлса – Худодан” ҳикоясини маънавият фидойиси

Зокиржон Машрабов, “Одам бўлган одам”ни ҳарбий врач Зикрилла Эгамбердиев сингари реал шахслар сўзлаб берган, деб нақл қилинади.

Ўрни келганда айтиб ўтмоқчиман, Зикрилла акани мен ҳам яхши танирдим. Ўтган асрнинг 80-йилларида “Тошкент оқшоми” газетасида ишлаб юрган кезларимда у киши билан кўп учрашганман, суҳбатлашганман. Энг қизиғи, раҳматли Зикрилла ака ҳикояда ифода топган ҳайратомуз қисмати бизга – таҳририят ходимларига ҳам сўзлаб берган эдилар. Лекин, қарангки, бутун бошли бир асарга арзигулик мана шундай воқеаларни ёзиб қўйиш бизнинг хаёлимизга келмаган экан.

“Монолог”, “Биринчи миллион”, “Отабекнинг жанозаси”, “Икки карра қаҳрамон”, “Миллатчининг жазоси”, “Бир умрнинг уч фасли” ҳикояларидаги қуйма, ёмби характерли бадий сиймолар ҳам қайси бир жиҳатлари билан ҳаётда ўзингиз кўрган, учратган, суҳбатидан баҳраманд бўлган инсонларни ёдингизга солади.

Ёзувчи оддий одамларнинг оддий ҳаётига жуда синчковлик билан теран назар ташлайди, уларнинг дарду дунёсини ич-ичидан англашга, жўнгина ҳаётини воқеалардан жиддий бадий-фалсафий умумлашмалар кашф этишга интилади. Деҳқон ёки уста бўладими, терговчи ёки муаллим, шифокор ёки тадбиркор бўладими, шофёр ёки суғурта агенти бўладими – улар табиатининг шу пайтгача биз сезмаган, кўрмаган янги қирраларини очиб беради.

Муаллиф одамлардан ҳикоя тинглар экан, айни вақтда ҳассос шоиримиз айтганидек, унинг қалби ва онгида ижодий ғоя ҳам ўсиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз.

Тўпلامдаги бошқа ҳикояларни камситмаган ҳолда, “Ўзбек халқининг миллий ғояси” менга айниқса

қаттиқ таъсир қилганини таъкидлашни истардим. Балки бун ҳикоя деб ҳам бўлмас, уни, эҳтимол, кекса файласуф олим Эҳтиром Абдуллаев тимсолида муаллифнинг изтироб билан суғорилган аччиқ ва ҳаққоний ўйлари, халқимизнинг дил дардлари мужассам бўлган сардафтери деб аташ ўринлидир. Очиғи, мўъжазгина бу асарни ўқиб, кулишингизни ҳам, йиғлашингизни ҳам билмай қоласиз.

Китобдаги аксарият асарлар маҳзун оҳанг билан йўғрилган бўлиб, уларда фожиали тақдирлар, хиёнат ва ҳижрон, саробга айланган орзулар ҳақида сўз боради. Айни вақтда муаллиф ҳасрат водийси тасвирида ҳам “зулмат ичра нур” топа олади. Юксак некбинлик ва шукроналик, беозор ва самимий юмор туйғуси бу ҳикояларни ич-ичидан нурлантириб туради. Устоз Абдулла Орипов таъбири билан айтганда, ушбу асарлар шахсан менга **“Лабда табассуму кўзда ёш билан”** яратилгандек туюлади.

Таъкидлаш керакки, ўзбек прозасида шу вақтга қадар жамиятнинг юқори табақасига мансуб бўлган ижтимоий қатлам ҳаётига бағишланган асарлар бармоқ билан санарли эди.

Улуғ адибимиз, раҳматли Шукур ака Холмирзаев суҳбатларининг бирида: “Мен генераллар, министрлар, умуман, киборлар дунёси ҳақида асарлар ёзишни орзу қиламан, аммо баъзан бунга билим ва тасаввурим етармикан, деб ўйлаб қоламан”, деган эди.

Ушбу китобдан ўрин олган “Ички ишлар вазирининг ошга боргани”, “Қишлоқ хўжалик вазирининг таъзияга боргани”, “Мудофаа вазирининг жанозада имомлик қилгани”, “Валижон касал бўлди”, “Байрут хотираси” каби ҳикояларда ана шу адабий орзунинг амалий ифодасини кўргандек бўламиз. Кўз ўнгимизда бугунги куннинг юқори мартабали раҳбарлари,

вазирлар, фавқулодда ва мухтор элчилар, генераллар, олий тоифали учувчилар, дин пешволари, маданият ва санъат арбобларининг бутун бошли бир галереяси намоён бўлади. Ёзувчи уларнинг оддий кишилар кўпинча аниқ тасаввур қилавермайдиган ҳаёт тарзи, ички дунёси, бу одамларга берилган катта ваколат билан бирга, уларнинг зиммасидаги катта масъулият ва мажбурият туйғуси, инсоний изтироблари билан бизни яқиндан ошно этади.

Масалан, ички ишлар вазирининг бир ўринда: **“Мен агар кечаси соат иккида ишдан уйга қайтсам, ўзимни бахтли ҳисоблайман”**, деган сўзлари, ўйлайманки, кўп нарсани англатади.

Хайриддин Султон – дунёнинг жуда кўп мамлакатларини гоҳ расмий, гоҳ норасмий тарзда кезиб чиққан жаҳонгашта адиб. Энг муҳими, кўрган-кечирганларига моҳирлик билан бадиий жило бериб, уларни гўзал, таъсирчан асарларга айлантира оладиган ижодкор. Унинг бу фазилатига “Бобурийнома” маърифий романини мутолаа қилганда амин бўлган эдик.

Мазкур тўпламдаги аксарият ҳикоялар ана шундай сафар ва саёҳатлар таассуроти асосида яратилган бўлиб, ўқувчини нотаниш, янги бир адабий маконга олиб киради. Биз қаҳрамонларга эргашиб, гоҳ Байрутнинг тўрт минг йиллик тангу тор кўчаларини, гоҳ Андаман денгизининг сокин соҳилларини, гоҳ ғоят драматик воқеалар юз берган Нью-Йорк, Куала-Лумпур аэропортларини, гоҳ қирқ йилдан буён ўқ товуши тинмаётган жафокаш афғон заминини кезиб юргандай бўламиз.

Китоб мутолааси адоғига етар экан, унинг саҳифаларида тасвир этилган етти ёт бегона инсонлар энди ниҳоятда яқин одамларингизга айланиб бораётганини, улар сизга нафақат маънавий йўлдош, балки

тақдирдош эканини англай бошлайсиз. Англай бошлаганингиз сайин ўзгара бошлайсиз, ўзгара бошлаганингиз сари янада чуқурроқ англай бошлайсиз.

Тўпламдаги “Таржимаи ҳол” ҳикояси Нисохон Аҳмедова номига нисбат берилган. Магнитофон тасмасидан ёзиб олинган бу асар билан танишган ўқувчи унинг автобиографик характерга эга эканини дарров сезади.

“Мен бор-йўғи уч синф ўқиған бир кампир бўлсам, менда таржимаи ҳол нима қилади”, деб сўз бошлаган оддий бир инсоннинг қисмати – умр баёнини кузатинг.

Мана у – қулоқ қилинган отасининг ёнида муштдай боши билан шўро ошхонасини супурган, аччиқ қисматдан қочиб борар экан, изғиринда пишқирган дарёда чирпирак бўлиб оқиб, бир ўлимдан қолган, илон-чаёнлар, каламуш-калтакесаклар югуриб юрган тўқайзорда ертўла қазиб кун кечирган, от ўрнига ўзининг бўйнига арқон солиб омоч тортган, ойнинг ёруғида ер чопиб, умрида кетмон тегмаган тош тупроқни тозалаб деҳқончилик қилган, даҳшатли урушда арслондай акасидан ажралган, уйдаги бор будини давлат фронтга деб тортиб олган, Фарҳод ГЭСи қурилишида елкасида тупроқ ташиб умуртқаси эзилган, гоҳ чайлада, ертўлада, бировларнинг ижара уйида яшаган, гоҳ бир қариндошининг оғилини ўзига бошпана қилган, гоҳ далада гектарчилик қилиб кун кўрган, гоҳ азим шаҳарда аҳволи танг бўлиб, нонга ҳам пул топа олмай қолган, далада беда ўриб юриб бола туққан, саккизта фарзандини боқиб одам қилган, камқонлик туфайли бошини ёстикдан кўтаришга ҳам мажоли қолмаган, ўттиз олти яшар ўғлини машина уриб ўлдирган бир аёл...

Ўзингиз айтинг, бир инсон шунча азоб-укубат ва кўргиликларга бардош бера олиши мумкинми? Мумкин экан, деб далолат беради ушбу ҳикоя.

Иродаси, сабр-матонати темир каби мустаҳкам бу аёл ўз бошидан шундай оғир кунларни кечирган бўлса-да, ҳеч қачон Худои таолога, ҳаётга бўлган умиди ва ишончини йўқотмайди.

Шунча қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, ношукурлик қилмаган, алалоқибат, яхши кунларни ҳам кўриш насиб этган инсон тақдири ҳақида ҳам қайғули, ҳам қувончли қўшиқ бу!

Мана, мушфиқ она умрининг сўнгида англаб етган тирикликнинг содда, теран ҳақиқати:

“Нима деб насиҳат қилай сизларга? Майли, болаларим, неварачевара, келин-куёвларим, сизлардан битта илтимосим бор: ризқи-насибам битиб, бу дунёдан кетар бўлсам, ўзларингни йўқотиб, юрту элга кулги бўлманглар, билиб-билиб ишларингни қилинглар. Туғилмоқ ҳам, ўлмоқ ҳам – Одам Атодан қолган мерос.

Ўғилларим, невараларимга атаб ўз қўлим билан чопон, белбоғ, дўппиларни тикиб қўйганман. Пахтали чопон ҳам бор, пахтасизи ҳам, керагини сандикдан олиб киярсизлар.

Қизларим, келинларимга гапим шуки, ортиқча доду фарёд солиб оламини бузманглар, ўлганнинг кетидан шаҳид бўлиш динимизда йўқ экан. Бош эгаларингни ҳурмат қилинглар, ўғилдир-қиздир, неварачевараларимни ўқитинглар, тагли-тахтли, ҳалол-пок одамлар билан қуладанда бўлинглар.

Маъракаларимни катта қиламан, деб ҳеч ўзингларни уринтирманглар. Сизлар қийналсангиз, менинг арвоҳим ҳам безовта бўлади...

Болаларим, аҳил бўлинглар – енгилмайсиз, меҳнатдан қўрқманглар, меҳнатдан қочманглар – хор бўлмайсиз. Ўқиб, олиму доно бўлинглар – бутун дунё сизники бўлади. Лекин қўлингизда албатта бир хунарингиз бўлсин – ҳеч қачон ночор қолмайсиз.

Яхши кунларингизда, тўй-томошаларингизда бир кекса онам, эзма бувим бўларди, шу гапларни бизга айтиб кетган экан, деб бир оғиз эсласангиз, мен ҳам сизлар билан бирга хурсанд бўламан...”

Бир ўйлаб кўрайлик: бу ҳикоя ҳар биримизнинг умр бўйи меҳнатдан, ғурбатдан боши чиқмаган, ҳаётда одамлардан кўп ёмонлик, жабру жафо кўрган бўлса ҳам, бировга асло кек сақламаган, ҳеч қачон иймонини йўқотмаган, оққўнгил, инсоф-диёнатли ўзбек оналари – ҳар биримизнинг онамиз, момомиз ҳақида эмасми?

Ҳурматли ўқувчи, мен сиз мутолаа қилишга чоғланган ушбу китобни бошдан-оёқ шарҳлаб ё тушунтириб бериш фикридан йироқман. Аммо ундан ўрин олган асарларни ўқиш асносида дунёдан ўтиб кетган не-не азиз инсонларнинг хотираси ёдимга тушганини, бугун ҳаёт бўлган устозларим ва дўстларимни кўргим келганини, одамзод умри югурик вақт ва ҳаёт шиддати олдида ҳеч нарса эмаслигини яна бир карра юрак-юракдан ҳис қилганимни айтиб ўтмоғим жоиз.

Алқисса, бир сатр ва бир китобдан олган таассурот ва кечинмаларимни – кам-кўстлари учун узр сўраган ҳолда – якунлар эканман, зарофатли адабиёмизга, айна пайтда, миллий адабиётимизга ушбу янги, кўркем ва муҳташам китоб муборақ бўлсин, дейман.

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ОМАД

– Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Одамзодда ҳамма нарсa бўлса-ю, лекин омади келмаса, қолгани бир пул экан.

Машойихлар бекорга: **“Омадинг ёр бўлиб, бахтинг уйғонса, тоққа отган кесагинг тошни синдирар”**, деб айтмаганлар.

Шу хусусда сизларга бир ҳикоя айтиб бермоқчиман. Ривоят ҳам, афсона ҳам эмас, ҳаётда юз берган, ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа.

Биласизлар, Қирғизистоннинг Қорасув шаҳрида менинг устозим, шайх Алоуддин Мансур яшайдилар. Хабаринглар бўлиши керак, ҳазрат ҳали совет даврида Қуръони каримнинг ўзбекча тафсирина тайёрлаб, чоп этган зот бўладилар. Аллоҳ таолога беадад шукурлар бўлсинки, мени Қуръони каримнинг ана шу ўзбекча таржимасига муҳаррир бўлиш саодатига муяссар қилди.

Устозни зиёрат қилиш учун йилда бир-икки марта Қорасувга бориб тураман.

Охирги борганимда ажойиб бир иш бўлди.

Ҳазратнинг хонадонидa суҳбатлашиб ўтирганимизда мени бир одам йўқлаб келганини айтишди. Устоздан ижозат олиб дарвозахонага чиқдим.

Қарасам, оқ юзли, елкалари бир оз букур, сийрак соқолли бир киши ёнида суяги бузуқ, норғул, йигирма ёшлар чамасидаги йигит билан турган экан.

Мен билан худди минг йиллик эски қадрдонлардек самимий кўришишди. Одатий такаллуфлар бўлиб ўтгач, ёши каттаси менга юзланиб:

– Қори ака, ҳаддимиз сиғиб сизга бир илтимос билан келувдик, – деди.

– Хўп, эшитаман, жоним билан, – дедим.

– Менинг отим Шокирбек, қирқ йил муаллимлик қилиб пенсияга чиққанман. Бу бола тўнғич ўғлим Ботирбек бўлади, – деб ёнидаги йигитни кўрсатди. – Кўриб турибсиз, девдек кучи бор, фақат шу... анча бўлди, ишламайди-да...

– Нега ишламайдилар?

– Иш йўқ-да, қори ака. Энди, буни қаранг, кучқувват бор, ақл-идроки жойида, ғайрати қайнаб ётибди. Фақат... шу, Сафар бўзчи айтмоқчи, толе пастлик қилиб турибди-да, толе... Шунга қори акам бир ёрдам қилармиканлар, деб сизга бош уриб келдик-да.

Собиқ муаллимнинг мумтоз адабиётга, айниқса, Абдулла Қодирийга ихлоси борлигини кўриб, ота-болага меҳрим товланиб кетди.

– Ўғлингиз муллами?

– Лаббай?

– Яъни, диний илми борми?

– Йўғ-э, қори ака, диний илм нима қилсин, шу... мактабни амал-тақал қилиб битирган-у ўзи.

– Ҳай, унда мен нима иш топиб беришим мумкин? Бирор касб-хунарлари борми? Ё Тошкентга бориб ишламоқчиларми?

– Йўғ-э, Тошкентда нима қилади, шу ўзимизнинг қишлоқдан биронта иш бўлса, бас. Илтимос, йўқ деманг, тақсир.

– Ахир мен қандай қилиб қишлоғингиздан бу кишига иш топиб бераман? Бу ерда бировни танимасам...

– Зато, – деди суҳбатдошим дона-дона қилиб, – сизни ҳамма танийди, қишлоғимизда Тошкент телевидениеси кўрсатади, “Ҳидоят сари” да чиққангизни кўриб, қойил қолмаган одам йўқ.

Масала тушунарли бўлди. Улардан узр сўраб, устозимнинг ҳузурига кириб, маслаҳат солдим.

– Қайси қишлоқдан экан? – деб сўрадилар ҳазрат.

– Оқёрданмиз, дейишяпти.

– Оқёрдан бўлса, у ерда мулла Ўроз деган мачитнинг имоми бор, қирғизлардан, ўшанга айтсак, бирон иш-пиш топиб берар, – дедилар устоз. – Оқёр – катта қишлоқ, энг ками ўн минг одами бордир.

Савоб учун ота-бола билан бирга Оқёрга йўл олдик. Мулла Ўрозқул Тошкентда, ўзимизнинг маъҳадда таҳсил олган хушфеъл, илмли одам экан, яхши кутиб олди. Анча суҳбатлашиб ўтирдик, ҳазратнинг дуои саломларини етказиб, Ботирбек учун иш сўраб келганимизни билдирдим.

– Жумуш табылат, – деди Ўрозқул, – кўптон бери корустонго мурзочу жок. Кор казышты билесинби?

Ботирбек қўрқа-писа менга мўлтираб қаради.

– Иним, мусулмон бандасини охират йўлига кузатиш кўп савобли иш, – дедим унга тасалли бериб.

– Майли, қори ака, фақат... ўликдан қўрқаман-да, – деди Ботирбек овози қалтираб.

– Йўқ, сиз ўликдан қўрқманг, – деб унга насиҳат қилдим, – тириклардан қўрқинг. Ўликлар сизга ҳеч қандай ёмонлик қилолмайди. Ўлик нима? Бамисо-

ли ухлаб ётган одам, тириклар чатоқ, ҳар балою офат шулардан келади.

Хуллас, мулла Ўрозкул, мен, отаси – учовлон панд-насиҳат билан Ботирбекни кўндириб, уни гўрковликка тайин қилдик. Мен дуони қуюқ қилиб, савобга дохил бўлганимдан хотиржам тортиб, Тошкентга кетдим.

Кўз очиб юмгунча орадан бир йил ўтиб кетди. Яна устозимни зиёрат қилиш учун улуғ айём кунларининг бирида Қорасувга бордим. Икки кун шайх ҳазратларининг файзиёб суҳбатларидан баҳраманд бўлиб, учинчи куни ортимга қайтаман, деб турсам, бир йигит мени йўқлаб келиб, дарвозахонада турганини айтишди.

Чиқиб қарасам, ўша – бундан бир йил аввал ўзим Оқёрдаги қабристонга гўрковликка тайинлаб кетган полвон йигит Ботирбек турибди.

Тавозе-такаллуф билан кўришдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Ботирбек қўли кўксида, бир йил ичида анча-мунча муллаёна гапларни ўрганиб олган экан, отасининг саломларини етказди.

– Тақсир, қиблагоҳим ҳаққингизга дуо қилиб қолдилар, – деди. Ҳа, айнан шундай деб айтди. Ичимдан хурсанд бўлдим. Кечаги тўпори, содда бир йигитнинг бугун исломий одоб билан сўзлаши чиндан ҳам завқли эди.

– Хўш, мулла Ботирбек, ўзингизнинг ишларингиз қалай? Хизматга кўникиб, ўрганиб кетдингизми? – деб сўрадим.

Ботирбекнинг оқ-сарикқа мойил тўғарак юзидаги мулозамат ўчиб, ўрнини ташвиш эгаллади.

– Раҳмат, қори ака, раҳмат. Сиздан миннатдорман, лекин... энди менга бошқа бир иш топиб бермасмикансиз, деб яна олдингизга келувдим.

– Нега? Бу ишингиз ўзингизга ёқмай қолдими?

– Йў-йў, иш-ку ёқади, лекин...

– Нима, ё Ўрозкул домла билан чиқишолмаяпсизми?

– Йўқ, тақсир, у киши мени ўғилларидек кўрадилар, жуда меҳрибонлар...

– Ҳа, унда сабаб нима? Ё ойлиги етмаяптими?

Ботирбек сийрак киприкларини пирпиратиб, анча жимиб қолди, ниҳоят, ўнғайсизланиб, минг бир истиҳола билан тилга кирди:

– Энди, сизга қандай тушунтирсам экан... Энди... шу, сиз ишга қўйиб кетганингиздан кейин... қишлоғимизда... биронта ҳам одам ўлмади-да...

Ботирбек бунинг учун худди ўзи гуноҳкордек, бошини эгиб, яна сўзсиз қолди.


Шайтони алайҳилаъна ғалаба қилиб, ич-ичимдан шундай бир зўр қаҳқаҳа кўзғалиб келдики, уни қандай қилиб тўхтатганимга ўзим ҳам ҳайронман.

Астағфируллоҳ! Энди... бу синоатни қаранг – катта қабристон бор, гўрков бор, кетмон, белкурагу гувала – ҳамма нарсаси бор, имом-хатиб рози, одамлар рози, фақат... фақат ўлик йўқ, холос! Яъни, Ботирбекда куч-қувват бор, ақл-идроки жойида, ғайрати жўш уриб ётибди, фақат толе пастлик қилиб, омад келмай турибди-да, омад!

Шунинг учун, азизлар, Аллоҳ таолодан сўраганимизда омад ҳам сўраш керак экан...

Анвар қори Турсунов,

Тошкент шаҳрининг собиқ бош имом-хатиби



МОНОЛОГ

– Ваалайкум ассалом. Нима қилардим, аканг айлансин, шу, ёмғирда ивиб турибман, сувга тушган бўлкадек. Аксига олиб, троллейбус келмаяпти, зонтик ҳам, плаш ҳам йўқ. Мана шу сигирнинг тилидек узун рўйхатни кўряпсанми, кеннайинг ёзиб берган, Алайскийга кириб бозор қилишим керак. Чўнтагингда ҳемири борми-йўқми, итнинг ҳам иши йўқ.

Бугун сени редакциянгдан уч-тўрт танга гоно-рарим бор эди, оларман, деб келувдим, кассир тётя Клава “Деньга нет!” деб дарчани қарсиллатиб ёпиб олди.

Менга зонтик тутиб туриб, ўзинг йўлдан қолмайсанми, ишқилиб?..

Энди, ука, туриб-туриб хафа бўлиб кетаман-да. Ҳе, ўша, сендан Ғафур Ғулом чиқади, деган Дадавой сўтнинг падарига минг лаънат!.. Аканг айлансин, менга бундай ағрайиб қарама, Акбар аканг, Худога шукур, ҳали жинни бўлгани йўқ. Отамни биласан, эшитгансан-а, кимсан Дадавой сўт, Ўзбекистонда юрист зоти борки, ҳаммасининг пири-устози бўлади. Биринчи бўлиб шу соҳада сўт раиси, кейин кандидат, ўттиз бир ёшида дўхтир наук бўлган. Юстициянинг биринчи профессори, академиги, ўттиз йил юрфакнинг декани бўлди, беш йил министр бўлди.

Мана шу республикада қанча прокурор, қанча сўт, қанча начальник мелиса, шу соҳада нечта кан-

дидат-дўхтир наук бўлса, Худога сиғинмаса сиғинмайди, лекин ҳаммаси Дадавой сўтнинг соясига сиғинади.

Бу Дадавой сўт – одамга шуниси алам қилади-да, болаларининг ҳаммасини юрист қилди. Яъни, одам қилди. Катта ўғли Бакирни прокурор қилди. Ўртанча ўғлини Олий сўтга аъзо қилди. Катта қизини юрфакка кафедра мудири қилди, куёвини начальник мелиса қилди. Кичкина қизи Зурафони академия налкнинг ҳуқуқ институтига бўлим бошлиғи қилиб жойлаб қўйди.

Ҳаммасининг нони бутун, эғни бутун, тагида машина, менга ўхшаб автобусга осилиб юргани йўқ.

Мен аҳмоқ, мен дуррак, ўнинчи синфда ўқиб юрганимда Салима деган сариқ-машак бир қизга ошиқ бўлиб, шеър ёзиб, адабиёт ўлгурсга қизиқиб қолдим. Кечасию кундузи ёзганим ёзган, азбаройи қоғоз қоралашга қизиқиб кетганимдан Салимаям эсимдан чиқиб кетибди, ўнинчини битирганимиздан кейин қарасам, Пирмат кесак деган бир шопирга тегиб кетибди.

Мактабни битириб, сочимни попиратка қилдириб посон бўлиб юрган эдим, бир куни Дадавой сўт чақириб қолди.

“Хўш, Акбарвой, планлар қандай, қаерга хужжат топширасиз?” “Менми? Мен шоир тайёрлайдиган институтга кирмоқчиман, ада”, дедим гердайиб. “Эй! Ўзлари шеър ёзадиларми? Яхши, яхши, қарқуноқдан булбул чиқибди”, деди отам. Мен ишшайиб туравердим. “Майли, ўғлим, шеър ёзишнинг айби йўқ, – деб Дадавой сўт менинг тақди-

римни узил-кесил ҳал қилди: – Ғафур Ғулом ҳам ўлиб кетди, ажабмас, сендан Ғафур Ғулом чиқса... Ғайрат қилавер, ўғлим”.

Отамнинг шу гапи билан университетнинг журфагига ҳужжат топширдим. Фалокат босиб, ҳамма имтиҳондан ўтиб кетсам бўладими!

Беш марта уч ойдан пахтага бориб келгуни-мизча “олтин давр” ҳам ўтди-кетди. Қочиб-қувиб ўқишни ҳам битирдим. Беш йилда мендан Ғафур Ғулом чиқмади, зора, энди чиқиб қолса, деган умид билан иш қидиришга тушдим. Ўша пайтда Ўзбекистондаги энг катта газетанинг редакциясига иш излаб бордим. Бахтимга, газетанинг бош редактори юрист одам экан, ҳойнаҳой, Дадавой сўтнинг шогирди бўлса керак, аризамдан мени таниб, лекин ўзини танимасликка солиб, ишга олди. Ишга олгандаям, биласанми, қаерга олди – нақ фельетонлар бўлимига!

Энди, ука, у пайтда газетада фельетон чиқаришнинг ўзига яраша қонун-қоидаси бор эди. Масалан, бирон ўғри, каззоб-муттаҳам ёки порахўр раҳбар, хотинбоз ёки ифвогар кимса ҳақида партия контроли идораси ёки орган материал тўпларди, унинг отини “компромат” дерди, кейин шуни газетанинг бош редакторига бериб, “фельетон ташкил қилиш”ни буюрарди. Редактор бўлса, фельетонлар бўлимига топшириқ берарди. Биз ана шу материални ўқиб, ўзимиз умримизда кўрмаган, бориб гаплашмаган, ўзимиз текширмаган воқеалар ҳақида фельетон тўқирдик. “Компромат”даги фактлар тўғримиқан, деб сўраш худдики партия органига шубҳа қилиш билан баробар эди.

Фельетон газетада чиққанидан кейин партия идоралари гўё бугагдан мутлақо беҳабардек, ёлғондан ажабланиб, “Ия, шундоқ ишлар бўп кетибди-ю, начора, энди чора кўрмасак, социалистик матбуот танқидига принципиал баҳо бермасак бўлмайди”, деб, фельетон қаҳрамонларининг масаласини бюрога қўйиб, бошига итнинг кунини соларди. Шундоқ замонларни ҳам кўрган бу аканг боёқиш.

Хуллас, бир куни навбатдаги ана шундай топшириқни бажаришга тўғри келди. Яъни, Бухоро шаҳрида яширинча иш олиб борган тиқув цехи фош бўлган экан-у, шу тўғрида фельетон ёзиш керак экан. У пайтларда ўғринча иш қиладиган бундай одамлар “цеховик” деб аталарди.

Мен дуррак, мен аҳмоқ, шу цеховикларни фош қилишга қаттиқ берилиб кетибман, шекилли, краскани аямасдан, орқа-ўнгига қарамасдан роса чаплабман. Эсимда, масалан, бош қаҳрамон тилидан: “Бизлар бир бечора, камбағал одамлармиз, эркакларнинг шимидан чиққанини еб кун кўрамиз”, деган жумлани ҳам ёзворган эканман. Не кўз билан кўрайки, газетада ҳам шундоқ чиқиб кетибди.

Ҳамма ғавғо уч-тўрт кундан кейин бошланди. Мен билмаган эканман, бу цеховиклар бухор жухудлар экан, буям камдек, бош қаҳрамон аёл киши экан, бояги қочирим жумлани кимдир ўрисчага боплаб таржима қилиб берган, шекилли, устимдан нафақат ўзимиздаги, балки Москвадаги цекагаю прокуратурага ариза устига ариза ёзишни бошлаворса, дегин!

Энг ёмони, воқеага сиёсий тус берворишди. Ҳа, нимага анграясан, акаси, сиёсий тус нималигини билмайсанми?

Айниқса, биттаси бор эди, Исидор Абрамович Шуф деган, бутун СССРдаги адвокатларнинг “пирри-муршиди” экан, Ленинграддан атай олдириб келишди. Аммо-лекин Худонинг ғазаби экан бу Исидор Абрамович, Тошкентдаги судда гапиргани-ку, майли, нақ Изроилнинг радиосидан ҳам чиқиб гапирди.

“Бу Акбар Дадавой деган номатлуб шахс буржуа антисемитлари позициясида туриб, бегуноҳ, меҳнаткаш бир инсонни, нафақат оддий инсон, балки ҳурматли бир аёлни, нафақат ҳурматли бир аёлни, балки мўътабар зот – онани ҳақорат қилди. Агар у битта одамни таҳқирласа, майли, бунга чидаш мумкин эди, лекин бутун бир миллатни, совет халқининг ажралмас қисми бўлган бир халқнинг шаънини оёқости қилганига мутлақо чидаш мумкин эмас!” деб оташин наъра тортиб, бир урганида – тиззамгача, яна бир урганида – белимгача, охириги марта урганида – елкамгача ерга кириб кетдим.

“Антисемит” деган гап, энди, мулла, ҳозир ҳам енгил айб эмас-у, у пайтларда жуда даҳшат айб эди-да.

Тағин ҳам бахтимга Дадавой сўт кишибилмас шогирд-погирдларини ишга солиб, мени қамокдан олиб қолди! Цека-чи, дейсанми? Э, одам бунчалар гўл бўлмайди-да, ука! Эски ҳофизларнинг ашуласини эшитмаганмисан: “Ур!” деганда номард қочур, мард қолур майдон ичинда...” Ҳаммаси тумтарақай бўлиб кетди – буюрган партконтрол ҳам, “компромат”ни берган нарконтрол ҳам. Бош редактор бечора ҳам амаллаб жонини сақлаш талвасасига тушиб қолди.

Охири нима бўлди, дейсанми? Нима бўларди, бу фельетон менинг шахсий ташаббусим бўлиб

чикди. Хизмат вазифасига совуққонлик, масъулиятсизлик билан қарагани, факт-маълумотларни етарлича текширмагани, энг ёмони, фельетон қаҳрамони билан учрашмасдан ёлғон, тухматдан иборат, бунинг устига, ҳақоратли, уят гапларни матбуот орқали тарқатгани, совет журналистнинг ахлоқ кодексини қўпол равишда бузгани учун газетанинг катта мухбири Акбар Дадавойга партиявий учет карточкасига ёзиш шарти билан қатъий ҳайфсан эълон қилиниб, ишдан “статья” билан бўшатибди. Бошқалар ҳам бенаиб қолмасин, деб, шу касофат фельетонга қўл қўйган икки-уч кишига ҳам ҳайфсан-майфсанлар берилди.

Фельетон қаҳрамонларининг қавмидан бўлмиш Марьям Ёқубова айтмоқчи, ана сенга сюрпризу ана сенга Ғафур Ғулом!

Гарчи ишдан ҳайдалиб, шармандаи шармисор бўлган бўлсам ҳам, қилмишимга яраша жазоимни берган бу халқнинг ақл-заковатига, бирдамлигига қойил қолдим, тан бердим.

Доно одамлардан бири Дадавой сўтга йўл кўрсатиб, “Энди бу ишлар босди-босди бўлиб кетгунча ўғлингиз кўздан панарокда бўп турсин”, дебди.

Шу доно гапга амал қилиб, чиллалик келинга ўхшаб, нақ икки йил уйдан чиқмасдан, Дадавой сўтга ошга бало, нонга бало бўлиб ўтирдим. Билмадим, сендан Ғафур Ғулом чиқади, деб берган маслаҳатига роса пушаймон бўлгандир.

Энди, ўзинг ўйлагин, акаси жонидан, одамга алам қилади-да. Хўп, мен-ку, ҳали кўзи очилмаган мушук боладек бир нарсга эдим, лекин Дадавой сўт, энди кечирасан-у, бурганинг кўзини кўрган одам эди-ку! Ўшанда мен шоир бўламан, деб хархаша

қилганимда, чакагимга бир шапалоқ уриб, ўчир овозингни, аҳмоқ, деб қўлимни қайириб бўлса ҳам, журфакка эмас, атиги биттагина ҳарф фарқ қиладиган юрфакка обориб топширса, нима, ўлиб қолармиди?! Ё хонликдан тушиб қолармиди?

Нима эмиш, “Майли, ўғлим, шеър ёзишнинг айби йўқ, Ғафур Ғулом ҳам ўлиб кетди, ажабмас, сендан Ғафур Ғулом чиқса” эмиш!

Ҳой, инсон, ҳой, мусулмон, овози дўриллаб, мўйлови чиқа бошлаган қайси йигитча шеър тўқимайди? Ана, Эркин аканг боплаб айтган-ку, “Ким шеър ёзмас менинг ёшимда” деб! Шу Салима сариқ-машакка хуштор бўлиб, мов мушукдек миёвлаб, алмойи-алжойи гапларни шеър деб ёзган бўлсам, нима энди, шунинг учун мен бечорани умрбод жазолаш керакмиди? “Пожизненный” бериш керакмиди? Ҳа-а, лоақал ёзганларимни бир ўқиб чиқса бўлмасмиди бу Дадавой сўт? Хўп, дейлик, шеър-пеърга балки ўзининг ақли етмас, лекин Ғафур Ғулом ўлиб кетган бўлса, Акмал Пўлат деганлар тирик эди-ку, ўшаларга бир кўрсатиб олса, нима, асакаси кетармиди? Ана, “Акмалингман, хур, бахтиёр қизингман”, деган зўр ашулалари бор, биласан-ку. Нимага иршаясан, акаси?..

Бу троллейбус ўлгур қачон келаркин, а? Ё тепамда зонтигингни кўтариб, ярим кечагача тураверасанми қоққан қозиққа ўхшаб? Майли, ўзинг биласан, ука, аммо-лекин эринмаган бола экансан.

Энди, сен ҳам ҳайрон бўлаётгандирсан, бу Акбар акамнинг дарди бева хотиннинг ҳасратидан ҳам узун экан, деб. Албатта, икки йил “уй қамоғида” ғирт бекор ўтирганим йўқ, Худога шукур, қоғоз-қалам сероб, билак бақувват, ичим тўлиб

кетган экан, калламга келган гапни қайтармасдан ёзиб ётдим. Мана, сен мулла йигитга ўхшайсан, адабиётда қанча жанр бор ўзи, билсанг керак, шуларнинг ҳаммасида ёзиб кўрдим. Фақат роман ёзмадим, бунинг учун “темир кет” керак, очигини айтаман, менда йўқ шу нарсас. Бошқа жанрларни билмадим-у, лекин шеърда Ғафур Ғуломга етолмасам ҳам, Акмал Пўлатлардан озгина ўтиб, Пўлат Мўминларга яқинлашиб қолган эдим. Ўзимнинг назаримда, албатта.

Ёзиш дегани, ўзингдан қолар гап йўқ, туғишдек бир азоб. Менга ўхшаб, “уй қизи” бўлиб қолган мирқуруқларга ёзганини машинкалатиш айниқса яна бир азоб. Таниш машинкачи хотинларга ялиниб, насияга кўчиртириб, Тошкентда оти редакция борки, ҳаммасига қўшқўллаб обораман. Мана шу сен ишлайдиган бинода “Неос дромос” деган, ҳозир раҳматли бўлиб кетган грекча бир газет бўларди, чиқмаган жондан умид деб, шунгаям шеърми, ҳикоями, очерк-почеркми, нима бўлса, тиқиштириб кўрардим. Лекин бирон қатор нарсам ҳеч қерда босилмайди. Ҳамма жойда мақтаб-мақтаб қўлимга қайтариб беришади. Баҳона тайин – бирига темаси тўғри келмайди, бирига ҳажми. Сабаби эса менга аниқ – қора рўйхатга тушганим, ишдан “статья” билан ҳайдалганим, номим Масковларда ҳам дoston бўлгани. Сенлар билмайсан, у вақтларда “Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз” деган, ҳафталик программаларни босадиган газетача бўларди. Мен шу газетнинг номини ўзимнинг ҳолимга мослаб олган эдим, яъни, “Тошкентдан гапирамиз – Москвадан кўрсатамиз!” Энди тушунгандирсан, мулла?

Шу орада онам раҳматли йўқ ердан бир ғавғо бошлаб қолди. Яъниким, Акбарвой тенгилар икки-учта боланинг отаси бўлди, қачон бунинг бошини иккита қиласиз, дадаси, деб Дадавой сўтнинг олдиға масалани кўндаланг қилиб қўйди.

Дадавой сўтнинг боши қотиб қолди. Назаримда, ишдан урилган, партиядан сурилган, антисемит позицияда турган, совет журналистикасининг ахлоқ кодексини кўпол равишда бузган ярамас кимсаға қайси тентак қизини берарди, деган ўй-андишалар хаёлини паришон қилган бўлса, ажаб эмас.

Лекин онамнинг қистови, Дадавой сўтнинг кичкина қизи Зурафонинг саъй-ҳаракатлари билан уйда соч тараб, куёв кутиб ўтирган бир келин бўлмиш ҳам топила қолди. Дадавой сўтнинг шогирдларидан бир ғўдайган профессорнинг (ғўдайган эканини албатта тўйдан кейин билдим) қизи экан. Номига бир-икки “свидания”га чиққан бўлдим, кўзимга балодеккина кўринди. Унга бекорчи эр ёки академик қайнота керак эканми, хуллас, икки ўртада рози-ризолик бўлиб, рўзадан кейинга тўй белгиланди.

Бир куни редакциялардан қайтган бир кучоқ қўлёзмани кўлтиқлаб, трамвайда шўлтиллаб уйга кетаётсам, ўзимга ўхшаган шўртумшуқ бир курсдошимни кўриб қолдим. Скверда трамвайдан тушиб, кўримсиз бир ошхонаға кирдик. Чучвара билан яримта ароқни урдик. Курсдошим Сафар мени бир янгиликдан воқиф қилди: мундан икки ой бурун Мирзачўлда янги газета ташкил бўпти. “Рус ва ўзбек тилларида”, деди Сафар алоҳида урғу бериб. Машхур отахон журналист Алижон Холику-

лов бош редактор этиб тайинланган эмиш. Вилоятда маҳаллий кадрлар етишмагани учун Тошкентдаги журналистларни ишга олаётган эмиш. Сафарнинг ўзи ўзбекча газетада масъул котиб эмиш. Агар хоҳласам, мени Алижон Холиқуловичга тавсия қилиши мумкин эмиш, Алижон Холиқулович жуда яхши одам эмиш, ёш кадрларни ниҳоятда кадрлар эмиш.

Сафарбой бу гапни ўзининг хоразмча шевасига солиб, **“кадрларни кадрлайди”**, деб айтди, аммо менинг фикру зикрим унинг таклифида бўлгани учун бунга эътибор қилмадим.

“Мирзачўл замини, – деди Сафарбой худди эски ишхонаси – радиодан гапираётгандек, – сизга ўхшаш олтин қалам соҳибларига жуда-жуда муҳтож”.

“Мазгини қотирма, Сафар, – дедим уни жеркиб, – мен ишдан “статья” билан ҳайдалганман, Алижон Жонқовуличинг мени ишга олармикан?”

“Алижон Холиқулович, – деди Сафар менинг гапимни тузатиб, – жуда принципаал одам, бунақа майда-чуйда нарсаларга мутлақо эътибор бермайдилар, албатта, сизни ишга оладилар”.

Яна икки стакандан ичганимиздан кейин Сафарбой бироз пастга тушиб, редакциясининг сир-асрорини ошкор қилди: умуман, чўл газета-сида кадр қаҳат эмиш, ҳозирча газетани бош редактор, ўзи, Қўшбоев деган бир чол, русчасини эса Галламов деган бир татар амаллаб чиқараётган эмиш.

“Нима бало, ойлик-пойлик бермайдими газетанг?” – дедим шубҳаланиб.

“Ойлик бор, гонорар ҳам ҳар ўн беш кунда нақд, – деди Сафар мақтаниб, – фақат жой масала-

сида, шу... вагончада ётиб турибмиз вақтинча, лекин гап бор, тез орада барак уйлардан биттасини редакция ходимларига квартира қилиб беради, так что...”

“Так что, бўпти, борганим бўлсин, – дедим, – лекин қандай боради Мирзачўлингга?”

“Ҳа-а, ўзимиз студентликда пахта териб юрган жойлар-да. Вокзалдан тўғри электричка қатнайди ҳар куни. Шанба-якшанба кунлари бемалол уйингизга келиб-кетсангиз бўлаверади”.

Ширакайф курсдош билан қўл ташлашиб хайрлашдик.

Тўхта, мулла, анави нечанчи автобус? Йўқ, менга троллейбус керак, тўртинчи, қораси кўринмай-дими? Нима бало, шох-похи узилиб тушганмикан бу лаънатининг?

Хуллас, ука, шундай қилиб десанг, мен Мирзачўл газетасининг мухбири бўлиб иш бошладим.

Сенга ёлғон, Худога рост, лекин чўлда иш юришиб кетди, оғайни. Фақат баъзан каттаконларнинг Москвадан келадиган қулоч-қулоч докладларини пойлаб, редакцияда тонготаргача қолиб кетишимизни айтмаса...

Бу ерда ҳавоям, ҳаёт ҳам, одамлар ҳам бошқача – янги эди-да. Чўлда юрсанг – юрагинг ҳам кенгайиб кетаркан.

*“Кириб кела бошлар қалбингга баҳор,
Кўнгил тўла очилмаган қўриқдай”,*

деб ўшанда ёзганман-да, акаси.

Газетада босилган мақолаю очерклар, шеър хикояларим билан бир йилда отнинг қашқасидек бўлиб ҳаммага танилиб қолдим. Редакциянинг эркаси бўлиб олганман, дегин. Алижон Хо-

ликулович ҳар йиғилишда менга ўхшаган аҳмоқ мардикорни бошқаларга “кўргазма қурол” қилиб кўрсатади. Бошқаларнинг лаб-даҳани осилиб кетади, сезиб тураман. Редакцияда обрў мирзатеракдек баланд. Ҳатто ишхонанинг зиқна бош бухгалтери Зоҳир Ризо ҳам мен билан ҳисоблашади. У бечораям шоирлик касалига йўлиққан, юзинг-ни кўрмоқчи бўлсам, кабинкани ёпиб кетдинг, деган шеърлар ёзиб туради, бўлимга тикиштиради, пиёниста бўлсаям, адабиёт бўлимининг мудири Журъат Шарипов ҳали инсофини ичиб қўймаган одам эди, ўрисча сўкиниб, “Только через мой труп!” дейди – ўтказмайди. Шундан кейин омадсиз шоир Зоҳир Ризонинг жини қўзиб, ўзини ранжитган қалам аҳлидан қасос олишнинг ўта маккор йўлини ишга солади: гонорар ведомостига қўл қўймасдан, оёқ тираб турволади. Шундан кейин редакция ходимларининг кўп сонли илтимосларига кўра, мен бошбухнинг ҳузурига элчи бўлиб бораман.

Лекин баттол Зоҳир Ризо “Элчига ўлим йўқ”, деган гапни ё эшитмаган, ёки эшитган бўлсаям уни икки пулга олмайди, шекилли, пинагини бузмайди. Қия очиқ турган эшигининг олдидан томоқ қириб у ёққа ўтаман, бу ёққа ўтаман, қани энди, қилт этса! Ўзини ниҳоятда банд одамдек кўрсатиб, столининг устидаги бир тўп қоғозга тикилиб ўтираверади. Ҳеч бўлмагандан кейин сўнгги – синалган хунаримни ишга соламан, бошбухнинг эшиги олдидан ашулани варанглатиб, муқом қилиб ўта бошлайман:

*Зоҳир Ризо,
Боқмай қиё,
Куйдирди-ё...*

Йўлакда томошаталаб одамлар тўпланади. Буни кўриб баттар авж қиламан:

*Зоҳир Ризо,
Боқмай қиё,
Куйдирди-ё...
Қўл қўйса-ё,
Ош бўларди-ё.*

Ошнинг дарагини эшитиб, ниҳоят, баттол таслим бўлади, илжайиб, қўл қўйиб беради.

*Зоҳир Ризо,
Капитуляцияга
Қўл қўйди-ё... -*

деб янги байтни тўқийман.

Йўлакда янграган қаҳқаҳа овозини эшитиб, кабинетидан ҳатто Алижон Холиқулович югуриб чиқади: “Тинчликми?” Ҳамма хона-хонасига тумтарақай бўлади. “Тинчлик, хўжайин, – дейман Зоҳир Ризога кўз қисиб, – рассомимиз Лешченко боплаб карикатура чизибди, америка империалистларининг абжағини чиқариб... Шуни муҳокама қилаётувдик”.

“Яхши бўлса, номерга тайёрлаш керак”, дейди бош редактор, кабинетига кириб кетаркан.

Мана шунақа ҳангомалар билан ишлаб юрaverдим. Бу орада тўй ҳам бўлиб ўтди. Келинни онамнинг хизматига қўйиб, ўзим давлат хизматида давом этдим. Бир йилдан кейин хотиним ўғил туғиб берди. Оғзим қулоғимда, чақалоқни туғруқхонадан опчиқиш учун уч кунга жавоб сўраб, Тошкентга келдим. Болани бешикка солдик, чўзма-чалпак пишириб, қўни-қўшнига тарқатдик. Бу ёқда десанг, менинг “одам” бўлиб қолганимни кўриб Дадавой сўтинг ҳам хурсанд.

Уч кун ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Уйдагилар билан хайрлашиб, ўғилчанинг юзидан ўпиб, тўрва-халтамини кўтарганча вокзалга келдим. Қарасам, ҳаммаёқ тўс-тўполон, ваҳима. Нима эмиш, кўшни республикада чума тарқабди, шунинг учун темирйўлда карантин эълон қилинибди, энди поезду электричкалар қачон юради – ёлғиз Худо билармиш...

Бу гапни эшитиб менга жон кирди. Физиллаб уйга қайтдим. Ўғилчанинг дийдорига тўймаган эканман, эркалаб-ўйнатиб ўтираверибман, бир куни қарасам, бир ойча вақт ўтиб кетибди.

Вокзалдан хабар олай-чи, карантин бекор бўлгандир, деб борсам, ана урди Худо! Бу лаънати карантин қуруқ ваҳима экан, эртасигаёқ бекор бўлиб кетган экан-у, мен дуррак ғафлат босиб ётган эканман.

Бетўхтов электричкага миниб, Мирзачўлга равона бўлдим. Ўзимга ўзим далда бериш учун “Пешонамни ялтиратган чўл шамоли, ёр-ёр” деган ашулани хиргойи қилиб бордим.

Тушдан кейин қадрдону жонажон редакциямга етиб келдим. Бир ой кўрмаган ҳамкасбларим ачомлашиб кўришиш ўрнига “тағофилу орифона” қилишади. “Тағофилу орифона”ни билмайсанми? Э, ўқимаган! Бу бир адабий приём, классик адабиётда, хусусан, Алишер Ғиёсиддиновичнинг ғазалларида кўп қўлланади. Алишер Ғиёсиддинович ким дейсанми? А, бу Навоий бобонгнинг замонавий оти-ку. Қисқаси, кўриб – кўрмасликка, билиб – билмасликка олишни “тағофилу орифона” дейди, аканг айлансин.

Курсдошим Сафар бўлса, кўзининг пахтасини чиқариб, қўлини пахса қилиб: “Э, одам бўлмай кетинг, мени подводить қилдингиз!” дейди.

Қабулхонага кирдим – худди ўлик чиққандек ҳаммаёқ жимжит. Котиба қиз жойида йўқ. “Бир бошга бир ўлим!” деб Алижон Холиқуловичнинг эшигини тақиллатиб, секин ичкари кирдим.

Бечора кичкина, муштдек одам эмасми, столда қалашиб ётган қоғозу гранкаларга кўмилиб кетганидан тепакал боши аранг ялтираб кўринарди, менинг кирганимни пайқамасди ҳам.

– Ассалому алайкум, хўжайин! – дедим товушимга бардам тус бериб. Бош муҳарририм шундагина менга ялт этиб қаради. Билмадим, роса тўлиб-тошиб кетган эканми, бирданига бақириб... йўқ, ярадор арслондек наъра тортиб юборди:

– Қайси гўрда юрибсан, саботажник?!

– Гўрда юрганим йўқ, хўжайин, – дедим тумшайиб, – мен ишга келмоқчи бўлиб вокзалга бордим...

– Хўш?! – деб вишиллади Алижон Холиқулович.

– Борсам, чума тарқаган экан...

– Хўш?! Шунга қорангни ўчириб даф бўлиб кетдингми? Ўша чума сени олиб кетса бўлмасмиди, лаънати саботажник?

– Бўларди, лекин... – дедим довдириб, – карантин эълон қилган экан, поезд юрмайди, деб... Шунга...

Алижон Холиқулович гранкаларни тўрт томонга сочиб, кўкариб-бўзариб бақирешга тушди. Товба, ўзи зиғирдек одам-у, бунча овози ўткир бўлмаса!

– Хўв, гўрсўхта, виждонсиз, карантин лаънати бир кун бўлгандир, бир ҳафта бўлгандир, сенинг

бир ойдан бери ўлик-тиригининг дараги йўқ-ку? Сен ўзи бирон нарсани ўйлайсанми, ярамас, безбет, сенда инсофнинг “и” ҳарфи борми ўзи? А?

– Бор, ҳўжайин, – дедим, – фақат шу карантин...

– Э, ўл-э, бошингни есин сени карантин! – деди бош муҳаррир ва кафтининг қирраси билан столга қарсиллатиб урди. Жони оғриди, шекилли, заҳил афти буришиб кетди. – Бўлди, кўп гап эшакка юк! Ёз аризани!

Энди менга алам қилиб кетди. Намунча пиш-қиради, нима, “Правда” газетасими бу! Бунча димоғингиздан эшак қурти ёғилмаса, Алижон Холиқулович!

– Бўпти, ҳўжайин, мана ҳозир ёзамиз-да аризани, – дедим унинг қаршисидаги стулга хотиржам ўрнашиб олгач. – Фақат... шу, бир варақ қоғоз билан ручка берсангиз.

Бош муҳаррир мендан бу гапни эмас, аксинча, кўзимнинг сийдигини оқизиб, ялиниб-ёлворишимни кутган, шекилли, бир зум тараддудланиб қолди. Лекин энди у бечора ҳам, мен ҳам ортга чекинолмас эдик, чунки – “за нами Москва” эди.

Шунинг учун у тишларини ғижирлатиб, “Саботажник!” деб тўнғиллади-да, олдимга бир варақ сариқ қоғоз билан ручка ташлади.

– Раҳмат, ҳўжайин, – деб, бош муҳарриримнинг нақ кўзига қаттиқ, маънодор тикилиб, секингина сўрадим: – Ҳўжайин, газетамизнинг оти нимайди?!

Алижон Холиқулович, худди миясига гурзи билан қарсиллатиб ургандек батамом карахт, гунг ва лол бўлиб қолди. Энди, кўп балони кўрган, тул-лак одам эмасми, гапимнинг таг-тубида ётган, инсон тугул филни ҳам ўлдирадиган заҳархандани дарҳол фаҳмлади.

– Сен... сен... лаънати, негодяй! – деди нафаси тикилиб. Бароқ қошлари, кўкимтир митти кўзлари пирпираб уча бошлади, азбаройи бўғилганидан, мени сўкиш учун буюк ва қудратли рус тилидан бошқа сўз тополмасди.

Шу пайт қабулхонада қандайдир ҳаракат, тарақа-туруқ товушлар эшитилиб қолди.

– Тётя Маша! – деб бақирди бош муҳарририм жонҳолатда. – Тётя Маша!

Эшик шарақлаб очилиб, эгнида кўк сатин халат, қўлида пол латта кўтариб олган фаррош кампир кўринди.

– Чё, Алиджан Халикулович? – деб шанғиллади у. Қўлидаги ҳўл латтадан чакиллаб сув томарди.

– Как называется наша газета? – деб сўради энди собиқ хўжайиним.

Маша хола ҳайрон бўлиб қолди, лекин ҳаялламай жавоб қайтарди:

– “Мирзачул хакикати” – “Мирзачульская правда”. А чё случилось-то?

– Ничего не случилось, – деди Алижон Холикулович, – спасибо вам.

Маша хола эшикни ёпиши билан у яна алам билан бақирди:

– Кўрдингми? Кўрдингми, лаънати жулик?! Ҳатто шу уборшицаям билади газетанинг отини! Тур, йўқол кўзимдан, илоё, у дунёю бу дунё турқингни кўрмай!

– Яхши қолинг, хўжайин, – дедим қийшанглаб. – Тошкентдаги биродарларингизга салом деб қўяйми? – Мендан Ғафур Ғулом чиқмаганига яраша ло ақал Шумбола чиқса, нима бўпти?

Алижон Холикулович башарамга қараб отиш

учун стол устидан боп нарса қидираётганида лип этиб ташқарига чиқиб олдим...

Кейин яна уч-тўрт даргоҳларда ишлаб кўрдим. Бошим кал, кўнглим нозик, деганларидек, баъзи жойлар менга тўғри келмади, баъзи жойларга – мен. Мана, ўн йилча бўлди, эркин қушман, сенларнинг тилинг билан айтганда, эркин ижодкорман. Лекин ейман, кияман деб турган учта бола, ношукур бир хотин кўлингга қараб, катта бир рўзғор ғор бўлиб ютаман, деб турса, бунақа эркинликни бошимга ураманми, ука? Шунинг учун Дадавой сўтдан мен хафа бўлмай ким хафа бўлсин?

Нима? Қўйсанг-чи, аканг айлансин, қандай қилиб ёзганларим зўр бўлсин... Зўр, деб мана, Ғафур Ғуломни айтса бўлади, Ойбек домлани, Асқад акамни. Бизларники энди, бир ҳавас, холос. Ишқ бошқа, ҳавас бошқа. Шунисига ҳам шукур. Шу, ҳушимга келса, гоҳ-гоҳ у-бу ёзиб қўяман, сенга ўхшаган мулла укаларим босиб туришибди, раҳмат дейман.

Лекин Худога қараб, ўзинг айт, ука, битта зўр мисра ёзиш – бу тахти Сулаймоннинг давлатига тенг эмасми?

*“Шеър – тонг ва шом аро талаш ранглардан
Етим қатраларга қоришган туйғу.*

Дарз кетган дилдаги ишқ, оҳанглардан

Қирқ йил сайқалланиб ёришган туйғу”, деб ким ёзган? Ўлма, ай да Акбар Дадавой, ай да сын Дадавая судьи!

Дадавой сўтнинг болалари билан баъзан тўй-маъракада йиғилишиб қоламиз. Амал бор, участка бор, пул бор, машина бор, савлат бор, билим бор, ҳамма нарса бор, лекин... Зерикаман улар билан. Ярим соат ўтириб гаплашсам, Худо ҳаққи,

қочиб кетгим келади. Қонимиз бир бўлгани билан жонимиз бошқами, билмайман. Шеър ўқимаган, шеър эшитмайдиган одамлар.

Очиғини айтаман сенга – шунақа пайтда сендан шоир чиқади, деб ишонган падари бузрукворим Дадавой Махсумовнинг арвоҳига секин дуо қилиб қўяман.

Э, ана, мулла, троллейбусим ҳам кўриниб қолди. Йўқ-йўқ, зонтигингни олмайман, ўзингга буюрсин. Фақат эртага ишга келганингда кассир тётя Клавадан сўрасанг, пул бўладими-йўқми? Агар берадиган бўлса, шундоқ бир оғиз телефон қилиб юборгин, акагинанг ўргилсин. Телефон номерим... Ҳа, дафтарчангда борми? Яша, ранг-рафторингдан яхши болага ўхшайсан, шеър-пеър ёзмайсанми, ишқилиб? Оббо! Ҳай, майли, ғайрат қилавер, мендан-ку, Ғафур Ғулом чиқмади, шояд сендан чиқиб қолса. Омон бўл, ука, Худонинг паноҳига...

Акбар Махсумов,
шоир, 43 ёш

МИЛЛАТЧИНИНГ ЖАЗОСИ

“Исмимдаги бир ҳарфнинг қурбониман...”

Асқад Мухтор

– Ҳуррият бўлиб, коммунистлар демократларга, атеистлар диндорларга айланган, миллий ўзликни англаш сиёсат даражасига кўтарилган до-риломон кунлар эди.

Ўроқ-болғали, чўғдай қип-қизил совет паспор-тини алмаштиришнинг тарихий фурсати етиб, те-гишли идорага бош уриб бордим. Халқимизнинг хат-ҳужжат ишига одатий ҳафсаласизлиги туфай-ли, паспорт алмаштириш муддатига кечиккан мен каби масъулиятсиз фуқаролар маҳкама эшиги ол-дида маржондек тизилиб туришарди.

Шўро давлати билан бирга унинг қадрдон “очирит”лари ҳам йўқолиб кетган, шу сабабли бу ҳол бироз эриш туюлса-да, сабр-тоқат билан навбат кутиб, ниҳоят ичкарига кирдим. Эшиги-га “Подполковник Назымов Батыр Юлдашевич” деган лавҳа осиглиқ каттакон хонанинг тўрида ўтирган қиёфасиз кишига рўпара бўлиб, арзим баён айладим.

– Акажон, – дедим кичкина укамдан ҳам кич-кина бу одамни улуғлаб, – шу... бир масалада ёрдам берсангиз...

Подполковник Назымов Б. Ю. сийрак қошлари-ни чимириб, менга сўзсиз тикилди.

– Биласизми... шу мустабид тузум даврида менинг исмим паспортга нотўғри ёзилиб қолган. Ўттиз тўрт йил шу хато ном билан юрдим, энди шунини тузатиб олмоқчи эдим...

– Қандай хато? – Агар подполковник Назымов Б. Ю.нинг ўрнида ўзим бўлганимда, ҳеч шубҳасиз, бундай бошоғриқдан менинг ҳам энсам қотиши тайин эди.

– Отим Жамолиддин, иккита “д” бўлади, лекин бу паспортда “Жамолитдин” деб “т” билан хато ёзилган...

– Метрика, – деди подполковник Назымов Б. Ю.

– Мана, акажон, – деб таъзим-тавозе билан туғилганлик ҳақидаги гувоҳномамни қўшқўллаб узатдим. У метрикани қўлига олиб, обдон синчиклаб кўздан кечирди, ҳатто ёзувларини пичирлаб ўқиб ҳам чиқди.

– Ҳаммаси тўғри, – деб ниҳоят ҳукм чиқарди-да, хужжатларимни тап этказиб олдимга ташлади.

– Нимаси тўғри?

– Ҳеч қанақа хатоси йўқ, метрикада қандоқ ёзилган бўлса, шундоқ ёзилган.

– Нега тўғри бўларкан, ўзбек тилида...

– Давлат тилида, – деб тузатди у.

– Ҳа, сизларнинг таъбирингиз билан айтганда, давлат тилида “Жамолиддин” деган исм “т” билан ёзилмайди, иккита “д” билан ёзилади.

– Лекин, – деди у чертиб-чертиб, – метрикада “т” билан ёзилган, шу асосда сизга совет паспорти берилган, янги паспортда ҳам шундай деб ёзилади.

– Э, ака, қўйинг, “т” билан ёзганда исмим “итдин” бўлиб қоляпти-ку!

– Бунинг бизга алоқаси йўқ, – деди у. – Бу сизнинг проблемангиз.

Бу гапни эшитиб, агар менинг ўрнимда подполковник Назымов Б. Ю.нинг ўзи бўлганида ҳам, шайтонга ҳай беролмай қолиши муқаррар эди.

– Э, сиз қанақа одамсиз?! – дедим тутақиб. – Шу битта ҳарф ўлгурни тўғри ёзиб берсангиз, нима, ҳақингиз кетиб қоладими?

– Ҳақим кетиб қолмайди, – деди у пинагини бузмасдан, – лекин ҳаққим йўқ.

– Нега?

– Чунки асос йўқ.

– Қандай асос керак сизга?

– Метрика.

– Метрика қўлингизда турибди-ю?

– Метрикада “т” билан ёзилган.

– Ҳа, бу метрикани... бундан эллик йил бурун бир чаласавод татар кампир ёзиб берган-да.

– Бизга бунинг дахли йўқ, – деди подполковник Назымов Б. Ю. – Агар метрикани ўзгартириб келсангиз, хоҳлаганингиздек қилиб, иккита “д” билан, керак бўлса, учта “д” билан ҳам ёзиб беришимиз мумкин.

– Учта “д” керак эмас, – дедим тумшайиб, – бу... метрикани қаерда, қандай ўзгартираман?

– Берилган жойида, – деди у, – қайси райондан олган бўлсангиз, ўша ернинг ЗАГСига ёзма мурожаат қиласиз. ЗАГС архивга запрос беради, архив роддомдан олинган справка асосида справка беради, ЗАГС шу справка асосида сизга иккита “д” билан янги метрика беради, шу метрика асосида биз сизга янги паспорт берамиз. Шу.

Оббо! Ахир, мен туғилиб ўсган, тупканинг тагидаги бу туман ўтган қирқ йил мобайнида тўрт марта – Сталин номидан Маленков номига, ундан

Хрушев номига, ундан кейин Тўқсонота номига ўзгарган бўлса... Хўп, дейлик, ана Тошкентдан минг километр йўл босиб, она қишлоғимга борсам. Борсам-у, менга метрика берган ЗАГС аллақачон ёпилиб, ФХДЁга айланиб кетган бўлса. ФХДЁ дийдиёмни эшитиб, архивга запрос берса-ю, архив аллақайси гўрга кўчиб кетган бўлса. Борингки, архив топилса-ю, у ердаги роддомдан берилган справкани йигирма йил олдин сичқон кемириб кетган бўлса...

Истиқболимда кутиб турган бундай ажиб, муқаррар келажакни бир зумгина тасаввур қилиб, вужудимни ғам босди.

Шу пайт денг, минг йиллар давомида ота-боболаримнинг қонида мудраб ётган қандайдир бир ғалати туйғу... билмадим, отини “миллатчилик” деса бўлармикан, лоп этиб жунбишга келиб қолди-ю!

– Мен буни, – дедим, – шу аҳволда қолдирмайман! Етар шунча йил чидаганимиз! Мен... миллий ўзлигимни тиклашингизни талаб қиламан!!!

Қаттиқроқ бақириб юбордим, шекилли, эшик қия очилиб, ёшгина лейтенант бош суқди: “Тинчликми?”

Подполковник Назымов Б. Ю. хира пашшани ҳайдагандек унга қараб беҳафсала қўл силкиди: “Бор, ишингни қил!”

– Марҳамат, – деди яна деразага тикилиб, – миллий ўзлигингизни тиклашингиз мумкин. Фақат асос керак. Метрикани ўзгартириб келинг.

Бу гапдан кейин ҳар қандай ақли расо киши кабинетни тарк этиши керак эди, албатта. Аммо миллий уйғониш туйғуси қўзиб, жазавага тушган

одамни ақли расолар қаторига қўшиб бўлмаслиги ҳар бир ақли расо одамга аёндыр.

– Сизга, – дедим тутқиб, – сизга асос керакми? Мана асос!

Худонинг марҳамати билан денг, ўша йилларда мен кичикроқ бир давлат нишони билан тақдирланган эдим. Шу нишоннинг гувоҳномаси лоп этиб сумкамдан чиқиб қолса бўладими! Бахтимни қарангки, гувоҳномада исм-фамилиям ўзбек... йўғ-э, давлат тили қондасига мослаб, яъни, иккита “д” билан, “Жамолиддин” деб ёзилган экан!

– Мана сизга асос, – дедим ғолиб жангчининг важоҳати билан.

Подполковник Назымов Б. Ю. гувоҳномамни эриниб қўлига олди, синчиклаб кўздан кечирди, ҳатто ёзувларини пичирлаб ўқиб ҳам чиқди. Кейин афсус-надомат билан бош чайқаб, гувоҳномани қайтариб берди.

– Бу асос бўлолмайди, – деди.

– Нега асос бўлолмас экан?

– Чунки инструкцияда фақат метрика асос бўлади, деб ёзилган...

Энди шу ерга келганда миллатчилигим нақ Эльбрус чўққисига чиқди-ю!

– Кечирасиз, – дедим жуда секин, одамни кўрқитадиган даражада секин оҳангда, – кечирасиз, давлат раҳбарининг шахсан ўзи қўл қўйган ҳужжат сизга асос бўлмайди-ю, бундан эллик йил бурун, совет даврида, Сталин районининг ЗАГСида ўтирган бир чаласавод кампир ёзиб берган метрика асос бўладими? А?!

Агар подполковник Назымов Б. Ю.нинг ўрнида ўзим бўлганимда, менинг ҳам бундай кўрқинчли саволдан капалагим учиб кетган бўларди.

Табийки, у чурқ этмай қолди, стол устидаги графиндан қиррадор стаканга тўлдириб сув қуйди, ютоқиб симирди.

Қарасам, вазиятни юмшатмасам бўлмайдиган.

– Мана, – дедим девордаги портретга ишора қилиб, – суратларини столингиз тепасига осиб қўйибсиз, у кишининг даврида полковник бўлибсиз...

– Мен подполковникман, – деди у ўкиниб.

– Полковник ҳам бўласиз, – дедим уни овутиб, – миллий ўзликни тиклаш руҳида ишласангиз, албатта...

Подполковник Назымов Б. Ю. оғир уҳ тортди, бир менга, бир девордаги портретга қаради, кейин чуқур ҳўрсиниб:

– Ҳамманглар шунақа қиласизлар, – деди-да, олдидаги бир варақ қоғозга менинг исм-фамилиямни тўғрилаб, яъни, давлат тилига мослаб, иккита “д” билан ёзиб, стол тагидаги кнопкани босди. Остонада пайдо бўлган бояги лейтенантга буюрди: – Бу кишининг паспортини мана шундай қилиб расмийлаштиринг.

– Раҳмат, акажон, минг раҳмат сизга, – дедим қуллуқ қилиб.

Маҳкамадан қалбимдаги миллий ўзликни англаш туйғуси юксалиб, учиб чиқар эканман, беихтиёр “Ҳақ берилмас – ҳақ олинур!” дея биз каби гумроҳларнинг кўзини очиб кетган Беҳбудий бобонинг руҳи покларига дуо ҳам ўқиб қўйдим.

Бюрократик идора устидан қозонилган зафар сурури, билмадим, бир йилми-икки йилми давом этди.

Худойимнинг марҳаматини қарангки, шунча жафо чекиб, тошбағир бюрократия устидан ғалаба қозониб, қўлга киритган янги паспортим орадан

кўп ўтмай менга янги имкониятлар эшигини очиб берди: камина кулингизни янги ишга – нуфузли бир идоранинг бўлим бошлиғи лавозимига таклиф қилишди. Тартиб-таомилга кўра, суҳбатга чорландим. Эшигига “Топ-менеджер Р. Дж. Халтураев” деб ёзилган кабинетга олиб киришди. “Чой, кофе, виски”га тобим бор-йўқлигини сўрашди. Рад жавобимни эшитиб, назаримда, бироз енгил тортишди.

– Мен резюмеингиз билан танишдим, – деди суҳбатдошим – бўлғуси раҳбарим, ўзбекча сўзларни инглизча талаффузда чертиб-чертиб. – Резюмеингиз менга ёқди. Менеджмент, консальтинг, аутсорсинг сферасида тажрибангиз бор экан. Корпоратив управлениени аста-секин ўрганасиз. Кастинг ишлари сизга танишми?

– Танловни айтяпсизми? Ҳа, мен умрбод шу иш билан шуғулланганман-да.

– О кэй, – деди суҳбатдошим ва қабул тугаганини билдириб, ўрнидан турди. – Дипломангизни офис-менеджерига берасиз.

Суриштириб билсам, “офис-менежери” дегани – ўша ўзимизнинг эски кадрдонимиз – кадрлар бўлими бошлиғи, исм-фамилияси, дейлик, тахминан, Фая Ренатовна Зинатуллина экан.

У киши ҳужжатларимни, яъни, “резюме ва диплома”мни синчиклаб кўздан кечирди, кейин паспортимни сўради. Мен мағрурланиб, худди Маяковский айтганидек, кенг-мўл шимимнинг чўнтагидан “ўроқ-болғаси бор, чўғдай қип-қизил”... э, кечирасиз, ям-яшил муқовали, миллий паспортимни олиб столга қўйдим.

Офис-менежер олдин паспортимни, кейин “диплома”мни қўлига олиб, улардаги ёзувларга

узоқ тикилиб қолди. Ранги ўзгарганини юзидаги гўзал, мукамал макияж ҳам яширолмади. Орага жуда сирли, худди Шекспир трагедияларидаги каби чуқур маъноли сукунат чўкди.

– Диплом ўзингизникими? – деб сўради ниҳоят Фая Ренатовна қалам билан чизилган қошларини чимириб. Очиғини айтсам, нафасим ичимга тушиб кетди. Чунки ҳаётимда учта нарсадан – дайди итдан, укол билан кадрлар бўлимидан қаттиқ қўрқаман.

– Ўзимники, ўзимники бўлмай кимники бўларди, – дедим шоша-пиша, – фақат шу... мустабид тузум даврида берилган, холос.

Офис-менежер буюк бир шубҳа ва тантана билан “диплома”мни, айни вақтда паттамни кўлимга тутқазди.

– Паспорт билан дипломдаги маълумотлар бир-бирига тўғри келмайди, – деди у ҳамон чимирилиб. Шу чимирилиш бечоранинг пешонасига чуқур ажин бўлиб тушиб қолса, ажаб эмас. – Паспортда исм иккита “д” билан ёзилган, дипломда эса “тд” деб ёзилган. Демак, буларнинг биттаси қалбаки. Ҳужжатларни қалбакилаштириш эса, сизга маълум бўлиши керакки, қонун йўли билан таъқиб қилинади.

– Нега қалбаки бўлар экан, сираям қалбаки эмас! – дедим мен, лекин негадир овозим қалтираб, мунофиқона чийиллаб чиқди. – Фақат паспортдаги исмим ўзбек тилининг, сизларнинг тилингиз билан айтганда, давлат тилининг қоидасига мувофиқ қилиб ёзилган. Фарқи шу. Мана, суратим ҳам турибди-ку, яхшилаб қаранг.

– Дипломда умуман сурат бўлмайди, шуниям билмас экансиз-да, – деди Фая Ренатовна. – Кечирасиз, лекин сизни бу ҳужжат билан ишга қабул қилиб бўлмайди.

Подполковник Назымов Б. Ю.ни қандай қилиб енгган бўлсам, ушбу офис-менежерни ҳам шундай усулда бир зарб билан тор-мор қилмоққа чоғландим-у, лекин Худо бирдан ақл бериб, эсим борида этагимни ёпдим. Ким билади, агар оёғимни тираб талашиб-тортишадиган бўлсам, кадрлар бўлими паспорт столига “запрос” берса, паспортдаги исм ноқонуний асосда тузатилгани ошкор эмас, фош бўлиб қолса... арбоб кейин ҳар боб билан урмайди-ми?!

– Ҳай, наилож, – дедим ўзимни қувноқликка солиб, – сизлар билан бирга ишлаш насиб қилмаган экан-да. Ўзимнинг ҳам кўзим учиб тургани йўқ эди. Хайр.

– Хайр.

Орадан бир ҳафта ўтди.

Шанба куни нонушта қилиб, эр-хотин энди бозорга жўнамоқчи бўлиб турган эдик, эшик қўнғироғи жиринглади. Салом бериб, бир ёш йигит кириб келди, “кадастр хизматиданмиз” деб гувоҳномасини кўрсатди. Ошхонага таклиф қилдик.

– Эрталабдан безовта қилганимиз учун узр, окахон, хизматчилик, – деб гап бошлади у катта папкасини очар экан, – уй, адашмасам, сизнинг номингизда, шундайми?

– Шундай, – дедим мен бамайлихотир, – ҳозир ҳамма ҳужжатларни кўрсатамиз... Мана, квартира бериш ҳақидаги ордер, мана бу хусусийлаштириш тўғрисидаги далолатнома, буниси БТИдан олин-

ган справкалар, мана бу кадастр қоғозлари, бу бўлса, уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи гувоҳномаси.

– Жуда яхши, – деди кадастр ходими мамнун бўлиб, – дакументга пухта экансиз, ока, гап йўқ сизга. Қани эди, бошқалар ҳам сизга ўхшаган бўлса. Бир хиллар бор, уйига кирсанг, биронта дакументини топиб беролмайди. Топиб берсаям, ҳаммаси чалкаш бўлади. Мана, яқинда учинчи кварталдаги бир хонадонга кирдик, ишонасизми, уй ўтган асрда ўлиб кетган бувисининг номида қолиб кетган. Бўтта яшаётган набирасининг ўзи қариб, кампир буви бўлиб қолган. Хужжатларининг на боши, на кети бор. Раҳмат сизга, ока. Шу паспортни берсангиз, мен “даннийлар” ини шундоқ ёзволсам бўлди, кейин сизни вақтингизни олмайман.

“Паспорт” деган гапни эшитиб, юрагим шув этиб кетди. Лекин сир бермай, сипогина бўлиб паспортимни узатдим.

– Жуда яхши, – деди ходим, – демак, отлари Жамолиддин ака... фамилиялари... Э, бу қанақаси? Ока, кечирасиз, кадастрдаги от билан паспортдаги от мутлақо бошқа-бошқа-ю!

– Мутлақо эмас, укажон, мутлақо эмас, – дедим ҳовлиқиб, – яхшилаб қаранг, кўрмаяпсизми, фақат битта ҳарфда фарқ бор. Ўтта “итдин” деб нотўғри ёзилган, бўтта “иддин” деб тўғри ёзилган. Шу, холос.

– Ока, бу дакумент, “битта ҳарф”, “иккита ҳарф” деган гап бўтда кетмайди, – деди кадастр ходими қовоғини солиб, – дакумент точний бўлиши керак, билдингизми? Сизда бўлса, ё паспорт, ё кадастр сохта. Агар паспортдаги от тўғри бўлса, бу уй-жой сизники эмас, бошқа одамники, яъни, Жамолиддин

аканики эмас, Жамолитдин аканики бўлиб чиқади. Умрингиз узоқ бўлсин-у, агар ўлиб-нетиб қолсангиз бу мол-мулкингиз бола-чақангизга мерос бўлиб ўтмайди, чунки у бутунлай бошқа одамнинг номига расмийлаштирилган, тушундингизми?

Шундагина, қандай катта, айтиш мумкинки, даҳшатли бир хатога йўл қўйганимни тушундим. Бўшашиб кетдим, ҳол-жоним қолмай...

– Нима қилса бўлади? – деб пичирладим ўзимга ўзим.

– Нервичит қилманг, ока, тўғриласа бўлади. Бунинг учун сиз паспортдаги отингиз ўзгарганини билдириб кадастр хизматига ариза ёзасиз, биз кейин паспорт столига запрос берамиз, запрос тасдиқланса, кадастр ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Лекин бунинг учун аввал кадастр гувоҳномасига асос бўлган ҳужжатларни, яъни, квартира бериш ҳақидаги ордерни, хусусийлаштириш ҳақидаги далолатномани, БТИ справкalarини, квартира планини, тўловлар квитанцияларини, уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган шаҳодатномани ўзгартириш керак бўлади.

Кадастр ходими хайрлашиб кетдими, хайрлашмасдан чиқиб кетдими – билолмай қолдим, чунки ғам-ташвиш денгизига чўкиб, ғарқ бўлиб кетган эдим.

Э, миллатчи бўлмай, ҳар бало бўлай мен!

Бир маҳал ҳушим ўзимга келиб, энди нима қилишни мулоҳаза қилишга уриндим. Лекин бу мулоҳазанинг натижаси менинг ҳолимни баттар хароб айлайдиган бўлиб чиқди.

Сиз ўртамиёна бир одамда қанча ҳужжат бўлишини ҳеч ҳисоб-китоб қилиб кўрганмисиз? Мен,

бошимга миллатчилик савдоси тушиб, кечаси ухламасдан одамга умр бўйи ҳамроҳ бўладиган, керак бўлса, унинг инсон, фуқаро, ҳатто шахс эканини тасдиқлайдиган ва мен ўзгартиришим зарур бўлган бир дунё ҳужжатларнинг қисқача рўйхатини тузиб чиқдим.

Ушбу рўйхат бу турур:

1. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома. Метрика. (Инсоннинг бутун тақдирини ҳал қиладиган энг асосий, бош ҳужжат).

2. Паспорт. (Ҳамма ғурбат шундан бошланган).

3. Ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат.

4. Ҳарбий билет. (Ҳали ҳарбий мажбурият ёшидан ўтмаганман, ҳар қачон хизматга чақирилишим мумкин).

5. Никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома. (Бусиз ўттиз йил бирга яшаган аёлим менинг хотиним бўлмай чиқади, яъни, хотинсиз қолиб кетиш эҳтимоли юз фоиз).

6. Диплом, топ-менежерлар тили билан айтганда, “диплома”. (Бусиз мени ҳеч қаерга ишга олмайди, ҳужжатни сохталаштирганликда айблаб, жавобгарликка тортишмаса, шукур қилишим керак).

7. Ҳайдовчилик гувоҳномаси. (Бусиз ДАН ходими исталган чорраҳада машинамни “арест” қилиб, жарима майдончасига тиқиб қўйиши мумкин).

8. Уй-жой билан боғлиқ ҳужжатлар. (Ўндан ортиқ. Бунинг салбий оқибатлари ҳақида юқорида айтиб ўтдим, қайта баён айлашга юрагим дош бермайди).

9. Дача ҳужжатлари. (Уҳ!)

10. Партия билети. (Миллатчилигим туфайли “Миллий тикланиш” партиясига аъзо бўлганман, демак, унинг ҳам гувоҳномасини ўзгартиришим шарт).

11. Овчилар жамиятининг гувоҳномаси. (Э, Худойим, энг чатоғи шу – ахир, менинг номимда ов милтиғи бор-а! “Ноқонуний қурол сақлаган”, деб қия бўлиб кетиш ҳеч гап эмас!)

12. Болаларимнинг метрика, паспорт, аттестат ва дипломлари. (Агар “отасининг исми” деган банди бўйича текширса, уч ўғил ва бир қиз менинг фарзандим бўлмай чиқади!)

13. Фан номзодлиги учун берилган гувоҳнома.

14. Муаллифлик ҳуқуқи. (1 та монография, 3 та услубий қўлланма, 1 та рационализаторлик патенти, 100 га яқин илмий мақоланинг муаллифи мен эканимни исботлаш).

15. Хизмат гувоҳномаси. (Ишхонага ҳар куни бировнинг номидаги ҳужжат билан кириб-чиқяпман!)

16. Солиқ тўловлари (ИНН). (Зудлик билан ўзгартирмасам, текшириб қолса, миллион-миллион сўм солиқларни қайта тўлаш керак).

17. Барча тўловлар (электр, табиий газ, иссиқлик, совуқ сув, иссиқ сув, чиқиндилар) бўйича дафтарчалар.

18. Давлат мукофоти гувоҳномаси. (Бунни қандай қилиб ўзгартирса бўлади, эй одамлар?!)

19. Прописка. (Паспортнинг ўзида, паспорт столида, маҳалла идорасида ва Худо билади, яна аллақайси гўрларда қайд этилган).

20. Омонат касса дафтарчаси. (2 та. Биттасини хотиним билмайди, яхши-ёмон кунга атаб тўплан-

ган жамғарма менинг эмас, Жамолитдин деган мутлақо бегона бир одамнинг номида ётибди. Банк бу аҳволда бир тийин ҳам бермаслиги муқаррар. Оҳ, пул топиб, ақл топмаган аҳмоқ!)

21. Уй-жой, дача, машина, соғлиқ бўйича суғурта ҳужжатлари.

22. Акциялар. (20 та, бир пайтлар ишхонада мажбуран беришган, шунча йил давомида сарик чақа ҳам дивиденд тўланмаган, лекин билиб бўладими, ноумид – шайтон).

23. Жамғариб бориладиган пенсия гувоҳномаси. (Менга умуман алоқаси йўқ Жамолитдин деган бетайин бир шахснинг номига расмийлаштирилган. Қўлимдаги паспорт билан ҳемири ҳам ололмаслигим аниқ).

24. Касаба уюшмасига аъзолик гувоҳномаси.

25. Миллий (ўл, сен миллатчи бўлмай!) кутубхонага аъзолик билети.

Булар – уйқусиз кечада карахт калламга дабдурустан келган, мен эслашга улгурган ҳужжатларнинг бир қисми, холос. Буларни ўзгартириш учун, юзлаб идоралар эшигида сарғайиш учун битта умр эмас, буддавий банда каби етти умр бўлса ҳам етмаслиги мен каби аҳмоққа ҳам аёндир.

Шундай экан, олдимда иккита долзарб савол пайдо бўлаётир, яъни, “Ким айбдор?” ва “Нима қилмоқ керак?”

Биринчи саволнинг жавоби аниқ ва равшан – ўзимдан ўзга айбдор йўқ. Нима қилар эдинг ўлган илоннинг бошини кўзгаб?!

Иккинчи саволга жавоб ахтариб, шаҳри азимдаги энг машҳур ҳуқуқий маслаҳатхонанинг остонасига бош уриб бордим. “Пинхасов ва ўғиллари” деб аталар экан бу маслаҳат кони.

У ерда ўтирган саксон олти яшар мўйсафид, ўзининг айтишича, Охунбобоевнинг идорасида “начальник юротдел” бўлиб ишлаган, ҳар турли чалкаш ҳуқуқий масалаларнинг пихини ёрган Писар бобо Пинхасов арзимни тинглаб, кўзини юмди, узоқ тафаккурга чўмди ва деди:

– Бўтам, мен дардингизни англадим, кўп мушкул аҳволда қолибсиз. Сизнинг бу вазиятингизда мавжуд иккита балодан имкон қадар енгилроғини танлаш керак.

– Яъни?

– Яъни, ўттизта ҳужжатни ўзгартиргандан кўра, битта ҳужжатни ўзгартирган маъқул. Мен сизга паспортингизни ўзгартиришни тавсия этган бўлардим.

Бу гапларни эшитиб, менинг нафсониятим, нозик миллий ғурурим қанчалик азият чекканини айтиб ўтиришимнинг, ярамга туз сепишнинг, ўйлайманки, ҳожати йўқдир?

Бир ҳафта-ўн кун тараддуд, иккиланиш, шубҳа-гумонлар исканжасида ўтди. Бу орада мени ўз фуқаролик бурчимни бажариб, маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда қатнашишга даъват этадиган, паспортимни ўзим билан бирга олволишим кераклиги эслатилган таклифнома ҳам келиб қолди. Бу ёғини энди ўзингиз тасаввур қилаверинг!

Охири бўлмади – яна ўша паспорт берган маҳкамага бориб, навбатга турдим. Сабр-тоқат билан кутиб, ниҳоят, қадрдон подполковник Назымов Б. Ю.нинг қабулига кирдим.

Она халқимдан, доно халқимдан минг ўргилсам арзийди – мана шундай ҳолатларда ниҳоятда

қўл келадиган, одамни хижолат ботқоғидан тортиб чиқарадиган юзлаб мақол-маталларни яратиб қўйган, ана, саржиндай тахланиб ётибди, керагини ол-у, мақсадингга мослаб ишлатавер.

Мен ҳам шундай қилдим.

Подполковник Назымов Б. Ю.га юзланиб дедимки, ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандамиз, жаҳл келганда ақл кетар экан, эгилган бошни қилич кесмас, бир кўрган таниш, икки кўрган билиш, дейдилар, энди, шу бир қошиқ қонимиздан кечиб, мушкулимизни ҳал қилиб берсангиз, илоё, тупроқ олсангиз олтин бўлсин, мартабангиз бундан ҳам зиёда бўлсин...

Подполковник Назымов Б. Ю. менга яна узоқ тикилиб турди-да:

– Хўп, – деди, – метрикангиздаги номингиз асо-сида, яъни, “Жамолитдин” деб янги паспорт ёзиб берамиз, мен тўғри тушундимми?

– Тўғри, тўппа-тўғри, – дедим ҳовлиқиб.

– Хўп, – деди у, – лекин фақат истисно тариқа-сида, тушундингизми? Акт тузамиз, қўл қўйиб берасиз, кассага бунча сўм, бунча тийин тўлаб келасиз, уч кундан кейин янги паспорт оласиз.

– Раҳмат, минг раҳмат сизга, мени жуда оғир муаммодан қутқардингиз.

– Соғ бўлинг, – деди подполковник Назымов Б. Ю. ва ўрнидан туриб, хайрлашиш учун қўлини чўзаркан, – сиз фақат бир нарсани билинг, – деди дона-дона қилиб, – ўша сиз айтаётган миллий туйғу бизда ҳам бор. “Назымов Б. Ю.”ни ўзбек тили қондасига тўғри эмаслигини, нима, мен бил-майманми? Биламан. Отам ҳарбий бўлган, мен Венгрияда туғилганман, метрикамни гарнизонда ёзиб беришган, тушундингизми?

Ҳайрон бўлиб қолдим.

Қаршимдаги бу одам бадбин бюрократ эмас, балки дарддошим, миллатдошимга айланди.

– Шундай, – деди подполковник Назымов Б. Ю., худди менинг фикримни ўқигандек.

– Хўш, унда нима қилиш керак? – деб риторик савол бердим мен.

– Сиз ҳозир кўп ўзбек мақолларини келтирдингиз, – деди у, – мен ҳам битта русча мақолни эслатмоқчиман. Руслар “Береги честь с молоду”, дейди. Мен бунга қўшимча қилиб айтмоқчиман: “Береги ... метрику с молоду”.

Биз маъюс кулиб хайрлашдик.

Жамолитдин Бузруков,
илмий ходим, 50 ёш

УЙ СОТИЛАДИ

– Шанба куни вақт топиб келсанг, бир уйни кўрардик, – деб қолди акам ҳафтанинг ўртасида телефон қилиб. – Вагиз Саматович ҳовлисини сотмоқчи экан.

Вагиз Саматович Заитов мактабда бизга тарих, меҳнат билан ҳарбий таълимдан, умуман, қайси фандан ўқитувчи бўлмаса, шундан дарс берган, вазоҳатидан бутун синф титраб турадиган, қўли қаттиқ, савлатли ўқитувчи эди. Исми-фамилияси ўзбекчага ўхшагани билан ўзи бизнинг қавмдан эмас, кўп йиллар бурун Қозонданми, Қозоғистонданми қишлоғимизга йўлланма билан ишга келиб, шу ерда қолиб кетган, европавор қиёфали, дароз бир киши эди.

Ўзи билан келган Муршида Бекировна деган сап-сарик хотини хим-биологияни ўқитар, эрини сенсираб чақирар эди.

Доимо озода кийиниб, батартиб, пухта-саранжом юрадиган бу эр-хотин муаллимлар қишлоғимизнинг энг тоза, чиройли ва обод гўшасида – Татар маҳаллада яшарди.

Татар маҳалла деганимиз – архитекторнинг назари тушган, қутичадек бежирим уйлар қатор тизилган, оқлаб-қўқланган девор-дарвозалари уз-ра олча, жўка, настарин дарахtlари қуюқ, сирли қўланка ташлаб турадиган кенг, узун, текис мавзе бўлиб, қишлоқдаги бошқа қинғир-қийшиқ, тангу

тор кўчалардан фарқли равишда унинг ҳудудида ҳеч вақт таппи-тезак парчалари сочилиб, пичан-сомон тўзиб, эшик олдига боғланган мол-ҳолларни пашша талаб ётмас эди.

Одатда шаҳри азимлар эски шаҳар ва янги шаҳар деган қисмларга бўлинади. Татар маҳаллани, таъбир жоиз бўлса, қишлоғимизнинг янги қишлоғи, деб аташ мумкин эди.

Хулласи калом, йўллари равон, кўчалари чароғон, одамлари фаровон Татар маҳаллада яшашни орзу қилмаган ўзбек йўқ эди қишлоғимизда. Шунинг учун акамдан бу гапни эшитиб ҳайрон қолдим: Вагиз Саматович билан Муршида Бекировна шундоқ уй-жойларини ташлаб қайга кетишмоқчи экан?

Айни пайтда оғзимнинг суви келди. Собиқ муаллимларимнинг ҳовлиси жаннат боғчаси бўлса керак, ҳойнаҳой.

Аслида шу тобда менинг уй олишга бўлган ҳавасимдан бошқа чўнтагимда ҳемири ҳам йўқ эди.

Бундан чорак аср муқаддам ота маконимни тарк этиб, Тошкентга кетдим. Ўқидим, ишга жойлашдим, уйландим, иккита болали бўлганимда партия-ҳукумат менга тўққиз қаватли уйнинг саккизинчи қаватидан уч хонали бепул квартира берди. “Ижроқўм уй бермиш, кўзларингда ёш”,¹ деб шодумон яшайбердим.

Аммо отам, меҳрибон падари бузрукворим ҳар сафар менинг бу кулбамга қадам ранжида қилганида, қувонч билан бирга, “Болам, мусофирчиликда, осмони фалакда қолиб кетдинг-да”, деб жиндек

¹ Абдулла Орипов сатри.

афсус ҳам қилиб қўяр ва имкон бориचा мени қишлоқдан “бир ватан қилишга” даъват этар эди.

Ёш, ўйинқароқ пайтим эмасми, сира қаримайман, ҳамма вақт мана шундай навқирон, бақувват, чиройли бўлиб юравераман, болаларим ҳам ҳеч қачон катта бўлмайди, доимо мана шундай ширин-шакар гўдаклар бўлиб қолаверади, шу уч хонали уй менга бир умрга етиб ортади, ортиқча ташвишнинг нима кераги бор, деб ўйлар, отамнинг гапларига бепарво кулиб қўяр эдим.

Кулги-табассумларим узоққа бормади. Бир куни эрталаб уйғониб қарасам, шу пайтгача кўзимга подшоҳнинг саройидек кўриниб келган уйим 38,3 квадрат метрни ташкил этадиган, қиш қаҳратонида совиб, ёз саратонида ёниб ётадиган бетон каталак экан. Бўйи чўзилиб қолган икки ўғил “спальный” деган хонани эгаллаган, биринчи синфга чиққан қизим 8,1 квадрат метрли хонага талабгор, эр-хотин иккаламизга яшаш учун зал ёки ошхонадан бошқа жой қолмаган эди.

Қизимнинг бўлмаси шу қадар тор эдики, битта кроватчани амаллаб жойладик, аммо кийим-кечак қўядиган шкаф унга умуман сиғмади. Охири, азбаройи аччиғим келганидан қўлимга арра олиб, яп-янги шкафнинг бир табақасини кесиб ташладим ва уни базўр хонага ўрнаштирдик. Шу кунларда эртаю кеч Худога илтижо қилиб, кулбамга яна бир хона қўшиб беришини ялиниб сўрар эдим. Бу пайтга келиб СССР тарқаб кетган, текинга уй берадиган партия-ҳукумат ҳам йўқ бўлган эди.

Бу танглик, бу диққинафас ҳаёт жонга тегди. Шаҳарда яшаш оғир бўлиб қолди, инфляция 2000

(икки минг) фоиздан ҳам ошиб кетди, социолог деган, ҳеч кимга кераги йўқ мутахассиснинг кундан кунга қадрсизланиб бораётган ойлиги билан бу тошдек қаттиқ шаҳарда беш жонни боқиш имконсиз бир юмушга айланди.

Ана шундай қутсиз кунларда дов-дастагимни йиғиштириб, қишлоққа қайтишга қарор қилдим. Ҳарқалай, у ерда кенгчилик, ота-она, қариндошуруғ бағридасан, мол-ҳол бор, сут-қатик, мева-чева ўзимиздан чиқади, қисқаси, хотин иккаламиз мактабда дарс берсак ҳам очдан ўлмаслик мумкин.

Лекин бунинг учун аввало қишлоқдан бир ватан қилиш керак, чунки мен туғилиб ўсган ҳовлида укам тўртта боласи, ота-онам билан олти жон бўлиб яшарди.

Шунча йил шаҳарда ишлаб орттирган уч-тўрт сўм жамғармамни инфляция еб битирган, шунинг учун мен квартирамни сотиб, қишлоқдан ҳовли олишни режа қилиб юрганимда Вағиз Саматович уйини сотадиган бўлиб қолди.

Шанба куни учиб-қўниб, аёлим, болаларимни эргаштириб, қишлоққа етиб бордим. Болаларни уйда қолдириб, отам, акам билан укамнинг эски “Москвич”ида Татар маҳаллага йўл олдик.

Мактабда ўқиб юрган кезларим шу кўчада турадиган Энвер, Айдер, Мустафо деган ўртоқларим бўларди. Бир неча марта эргашиб уйларига келганимни, уларнинг стол-стуллар қўйилиб, девори-га турли манзарали суратлар осилган, деразаларига оппоқ пардалар тутилган хонадонларидаги туриш-турмушига ҳавас билан боққанларимни эслайман. 90-йилларда ҳаммаси Қримга кўчиб кетиб, борди-келди узилиб қолди.

Бешафқат вақт ҳамма нарсани емиради, йитади. Татар маҳалла ҳам бу қисматдан қутула олмабди. Кўчиб кетган татарларнинг уйларини сотиб олган барака топқур ҳамқишлоқларим кўз очиб юмгунча бу ерларни ҳам қишлоқнинг бошқа хароб кўчалари қаторига тушириб улгуришибди. Ўйдим-чуқур йўлларнинг у ер-бу ерида сақланиб қолган асфальт парчалари худди қадимий тарих экспонатларидек таассурот қолдиради. Охирги татарнинг моҳир, меҳрли кўли билан оқланган, энди ола-пес бўлиб ётган девор-тошлар, бўёғи кўчиб кетган эшик-деразалар, қуриб-қовжирай бошлаган олчаю жўка, настарин дарахтлари бир пайтлар бу маконни гуллаиб-яшнатган, ўзлари ҳам гуллаб-яшнаган эгаларига бамисоли мотам тутаетгандек...

Бу ғарибона манзара фонида деворига “Дом продаётся” деган ёзув ўқлоғидек ҳарфлар билан ёзиб қўйилган Вагиз Саматовичнинг уйи ҳам аввалги шукуҳи, тароватини йўқотиб, завол сари юз тута бошлаган эди.

Бир томонга қийшайиб, нақшлари ўчиб кетган улкан ёғоч дарвозага ўрнатилган қўнғироқ тугмасини босдик. Қўнғироқ ишламас эди. Укам дарвозанинг кичкина тавақасини очиб, “Вагиз ака! Ҳўв Вагиз ака!” деб овоз берди. Ичкаридан садо бўлмади. Укам товушини баландлатиб, яна чақирган эди, “Ким? Айвонга яқин келинг”, деган овоз эшитилди. Орадан шунча йил ўтиб кетганига қарамасдан, Муршида Бекировнанинг дадил, ўктам овозини дарров танидим ва гўё ҳозир бу заҳаргина опай дарсини сўраб доска олдига чақирадигандек, бироз ҳаяжонга тушдим.

Ичкари кирдик. Ҳовли катта, саҳни кенг-мўл, лекин кўпдан буён... нима десам экан, “супурги тегмаган хонумон хароб”¹ дегулик бир аҳволга келиб қолган эди.

Ойнаванд айвоннинг бир табақаси қия очик экан, шунинг олдига келиб, ичкарига разм солдик. Тўрда, девор томонга қўйилган кўҳна диванда оппоқ сочлари тўзғиб кетган, таниб бўлмас даражада қариган Муршида Бекировна кулранг адёлга бурканиб ётарди.

– Муршида опа, салом, яхшимисиз? – деб сўрашди акам.

– Ким бу? Ай, Омонуллага ўхшайсан?

– Ҳа, Омонулламан, – деди акам кулимсираб, – бу укам Ҳабибулла, ўқувчингиз. Бу киши дадам бўладилар.

– Ай, Ҳабибулла, сенмисан? Қалайсан? Мен йиқилиб, оёғим синиб қолди, икки ойдан буён гипсда ётибман...

Ҳаммамиз ачиниб-афсусланиб, бояқиш муаллимамизга таскин-тасалли билдирдик, Худодан шифо сўрадик.

– Раҳмат... Раҳмат. Айбга буюрманглар, ўрнимдан туролмаيمان. Эй сен, Омонулла, ичкари опкир буларни, – деб жаврай кетди Муршида Бекировна. – Вагиз аканг бозорга кетган, ҳозир келиб қолади. Ҳабибулла, сен яхшимисан? Телевизорда чиққанингни кўриб, невараларимга мақтанаман, “Это мой лучший ученик” деб... Болаларинг, хотининг яхшими?

– Худоба шукур, яхши, – дея олдим базўр.

¹ Ғафур Ғулом сатри.

– Ҳа, бу келин, набиралар кўринмайди, Муршида опа? – деб сўради акам.

– Эй... сен беҳабар ўхшайсан... Келин невараларимни олиб – иккаласиям қизбола, каттаси ўн уч, кичкинаси етти ёшда – икки йил бўлди, кўчиб кетган.

– Қримга кўчиб кеттимиз?

– Ай, йўқ, нега Қримга кўчиб кетади? Биз қозон татармиз-ку. – Муршида опа оғир қўзғалиб қўйди. – Тошкентда улар. Рисовийни биласан-а, ўша ерда ижарада яшайди. Кетди, кетиб қолди. Вагиз аканг иккаламиз қолдик. Уям “сахар” бўпқолган, ўзига ўзи укол қилади.

– Ўғлингиз-чи, Ленур, уям кўчиб кетдимиз? – деб сўрадим ҳамдард бўлиб.

– О, Ленур... бизни хароб қилди-ку... – Муршида Бекировна худди биров эшитмасин дегандек, шивирлаб: – Ичавериб, пияниста бўлиб қолган, – деди. – Кайф билан мотоцикл ҳайдаб бир одамни уриб кетди. Тўрт йил қамалиб келди. Ҳозир ҳам “запой” бўлиб ичади, ҳеч қаерда ишламайди. Шунинг учун келин... Гулзира ажрашди, аслида, ёмон эмас эди у. Невараларим келса, йиғлайди, уларни кўриб мен йиғлайман... Нима қилайлик, Вагиз аканг билан минг-минг болага тарбия бердиг-у, ёлғиз ўғлимизга тарбия беролмадик.

Муршида опа пиқиллаб йиғлашга тушди.

Мулоқот тугади.

Бахтимизга эшик очилиб, уч-тўртта оғир тўрва-халта кўтариб олган Вагиз Саматович судралиб ҳовлига кириб келди.

У киши, хийла озганини, бароқ қошларигача оқариб кетганини ҳисобга олмаганда, сохт-сумбати, савлати деярли ўзгармабди.

Муршида Бекировнанинг айвондан овози келди:

– Вагиз, бунча кеч қолдинг? Энди буларга ўзинг қара, уят бўлди, мен ўрнимдан туrolмасам... Чой дамла, гилосдан узиб қўй.

Вагиз Саматович бизни ҳовли ўртасидаги темир сўрига таклиф қилди. Ҳаммамиз сўрининг четига омонат ўтириб, ҳол-аҳвол сўрашдик, муддаомизни баён қилдик.

Вагиз ака отамни яхши танир экан, асосан у кишига мурожаат қилиб, аввало, уйининг тарихи ҳақида сўзлаб кетди:

– Энди, Шукрулла ака, ўзингиз яхши биласиз, биз эллигинчи йили Муршида билан биринчи мактабга ишга келдик. Исидор Абрамович Левин директор эди, мактабнинг ҳовлисидаги икки хонали уйни бизга квартира қилиб берди, тўрт йил шу ерда яшадик.

– Ленур ўша ерда туғилган, – деб гап қўшди Муршида Бекировна ётган жойидан.

– Ҳа, шундай... Кейин ўртоғингиз Бердиқул ака – колхознинг раиси, эллик тўртинчи йил октябрь ойида мени чақириб, Вагиз, сен бир ариза ёз, ҳукуматнинг қарори бор, ўқитувчиларга участка берилсин, деган, мен бир парча ер берай, беш-ўн йилда йиғлаб-сиқтаб уйни тиклаб оласан, деди.

– Яхши одам эди Бердиқул, – деб тасдиқлади отам. – Сизга ўхшаган фронтовик эди-да.

– Жуда мард одам эди, – деди Вагиз Саматович, – айтдики, эй Вагиз, биз ўзбекларда мақол бор, “қарз узилади, хотин ёнга қолади”, деган, баҳонада ватанли бўлиб қоласан, деди.

– Сен унга нима деганингни ҳам айт-да, Вагиз?
– Айвондан яна Муршида Бекировнанинг овози

келди. – Шукрулла ака, бу содда бўлган-да, Бердикулга, менинг ватаним бор, СССР деган, депти.

– Мен у пайтда ўзбеклар яшайдиган уйини ҳам ватан дейишини билмас эдим-да, – деб иқрор бўлди Вагиз ака. – Хуллас, Бердикул ака йигирма учинчи октябрь куни Муршида иккаламизни бошлаб келиб, мана шу ердан саккиз сотих ер ўлчаб берди, икки сотихига уй солсанг, олти сотихини ҳовли қилиб, дов-дарахт экасан, деди.

– У пайтда бу жойларда биронта ҳам уй йўқ, сув ҳам, йўл ҳам йўқ, ҳаммаёқ дала эди, – деб яна гапга қўшилди Муршида Бекировна.

Акам вақт зиқлигини билдириш учун билагидаги соатига дам-бадам қарай бошлади, лекин Вагиз Саматович пинагини бузмагани учун ўзи сўз очишга мажбур бўлди:

– Вагиз ака, агар иложи бўлса, уйни бир кўрсак. Ишхонадан ярим соатга жавоб олиб келувдим, Ҳабибулла ҳам Тошкентга қайтадиган.

– Ҳа, қани, юринглар бўлмаса, – деб Вагиз Саматович оғир қўзғалиб, ўрнидан турди ва уй томон бошлади.

Муршида Бекировнадан узр сўраб, айвондан ўтгач, нимқоронғи, салқин коридор – даҳлизга кирдик. Уй европача услубда қурилган, шифтлари, дераза-ромлари баланд, эшиклари мустаҳкам, у ер-бу ерида полининг бўёғи кўча бошлаган тўрт хонадан иборат бўлиб, кўчиб кириб яшаса бўладиган ҳолатда эди.

Вагиз Саматович энди бино ичидаги ҳар бир ашёнинг тарихи ҳақида сўзлай кетди:

– Мана бу эшикни эллик олтинчи йили уста Шотурсун ясаб берган. Отпуска пули олган эдик.

Ярмини берганман. Мана бу эшикни эса эллик еттинчи йили декабрда Чирчиқда бир ўрисдан ўттиз етти сўмга олганман. Шукрулла ака, қўшнингиз бўларди-ку, Маллавой деган шопир, шуни машинасида ўн сўм бериб опкелганман.

– Ўн сўм катта пул эди-да у вақтда, – деб отам бизга изох берди.

– Битта сигир юз сўм турарди-да, ака, – деди Вагиз Саматович ва ҳикоясини давом эттирди, – мана бу ётоқхонанинг полига ёғоч тополмай роса овора бўлдим. Охири, Оққовоқдаги лесоторговий базага бордим, Ҳайдар деган директори бор экан, дардимни айтдим, ўқитувчиман, дедим. Бахтимга унияш отаси ўқитувчи бўлган экан, дадам билан ҳамкасб экансиз, деб, бир машина қуруқ, яхши тахтани арзон нархда берди барака топкур. Эллик саккизинчи йили август ойида шу хонанинг полини ўзим қоққанман. Тўрт банка краскани хозмадаги Саъди ака Тошкентдан опкелиб берган.

– Уйнинг девори гувалами, пахсами? – деб сўради шунча пайтдан буён жим турган укам Ғайбулла деворни тақиллатиб уриб кўраркан.

– Бу уйда гувала умуман ишлатилмаган, – деди Вагиз Саматович ғурур билан, – бунга ўн икки мингтадан ошиқ хом ғишт кетган. Беш минг етти юзтасини Муршида иккаламиз отпусका пайтимизда қуйиб, чиллани офтобида қуритганмиз. Қолганини Култепадаги Нормат мўйлов деган кишидан олганман, донасини йигирма тийиндан. Хом ғишт бўлсаям пишган ғиштан зўр, яна юз йил туради, ҳа... Бу томонидан хотиржам бўлинглар. Подвални ҳам кўрамизми?

Ғирчиллаб ётган ёғоч зинапояларни босиб, подвалга тушдик.

– Мана шу айвон билан тўрдаги катта залнинг таги подвал қилинган, – деди Вагиз Саматович, – буни тупроғини киномеханик Арсен иккаламиз бир ҳафта қазиганмиз. Раҳматли билан детдомда бирга ўсган эдик...

Вагиз Саматовичнинг болалар уйидан чиққани мен учун бутунлай янгилик эди.

– Сиз детдомда бўлганмисиз? – деб сўрадим таажжубланиб.

– Ҳа, Муршида ҳам детдомда тарбияланган, – деди Вагиз Саматович. – Қачон, дейсанми? Урушдан олдин, Жамбулдаги 4-детдомда катта бўлганмиз. Кейин мен урушга кетдим, 3-Украина фронтига. Муршида педтехникумга ўқишга кетди. Тақдир экан, урушдан кейин яна топишдик. Мана, кўриб турибсизлар, бу подвал ҳам бир уйдек жой, тўрт томонига ўзим полка ясаганман, дон-дун, бонка-монка, ҳамма ортиқча нарсани шу ерда сақлаш мумкин.

Ҳовлидаги узун темир нарвон орқали чордоққа чиқдик. Вагиз Саматович ёшига ярашмаган эпчиллик билан тепага кўтарилар экан, орада ушбу темир нарвонни етмиш олтинчи йил ўн тўққизинчи март куни Илҳом пайвандчига эллик сўм бериб ясаттирганини ҳам айтиб ўтишга улгурди.

Чордоқ озода, саранжом-саришта, томга ёпилган шиферларда синиқ-мертик ёки тешилган, дарз кетган бирон жой кўзга ташланмас эди.

– Бу томни аввал тўл – қора қоғоз билан ёпган эдим, – деб шарҳлашга тушди Вагиз ака, – чунки уйни битирган йилим томга материал олишга пулим етмай қолди, бир ўзим ишлардим-да, Муршида декретда эди. Тўл икки-уч йил чидаб берди. Кейин эллик саккизинчи йили Тошкентга бориб,

Чуқурсойдаги базадан юз элликта российский шифер опкелдим. Уста Мели иккаламиз бир ҳафта ишлаб, тўлни олиб ташлаб, мана шу шиферни қоқдик. Худо хоҳласа, яна юз йил қилт этмай туради, гарантия бераман.

Саксон ёшни тўлдириб турган Вагиз Саматовичнинг юз йиллик истиқболга бўлган некбин кайфияти, ишончига қойил қолиб, чордоқни тарк этдик.

Ҳовлида кўрадиган бошқа иншоотлар йўқ экан. Бир вақтлар ҳаммом ва ёзги ошхона деб қурилган пастқам иморат вайрона бўлиб ётарди, шу сабабдан уни кўздан кечиришга ҳожат йўқ, деб топилди.

Яна бояги темир сўрига омонатгина ўтирдик.

– Ҳўш, Вагиз ака, мана, уйни кўрдик, – деб гап бошлади отам, – ёмон эмас, лекин ҳали қиладиган ишлариям анча бор экан.

– Энди, ўзингиз биласиз, Шукрулла ака, иморатни иши бир умр битмайди, – деди Вагиз ака бош ирғаб. – Бир жойини битирсангиз, яна бир жойи чиқиб тураверади.

– Тўппа-тўғри. Қани, энди гапнинг индаллосига келайлик – қанча сўраяпсиз?

Вагиз Саматович бироз жим қолди, сўнг кафтига йўталиб олиб:

– Шу... эл-юртда бўлиб турган нарх... Ҳозирча тўрт-бешта харидор келиб-кетди. Ўзимга қолса, ўлсам ҳам сотмас эдим, бу қишлоқда ҳеч кимдан ёмонлик кўрмадик, лекин... – У бир ютиниб олди, – лекин мажбурмиз ҳозир, шароитимиз шунақа.

– Ай, Шукрулла ака, биз уйни сотиб, Тошкентдаги набираларга “дом” обормоқчимиз. Ўзимизга

ҳам уларнинг ёнидан бир хонали “дом” олсак... – деб овоз берди Муршида Бекировна ва яна йиғлаб юборди.

– Э, нега йиғлайсиз, Муршида опа, йиғламанг, қаерда бўлсаларингиз ҳам омон бўлинглар, ер, жой – Оллоҳники. Тўғри ўйлабсизлар, набираларни, тагин иккаласиям қиз бола экан, бегона шаҳарда ёлғиз қолдириб бўладими?.. Тошкентда тирикчилик қилиш осонми? Мана, бизни Ҳабибуллаям... – Отам шундай деб, бу гапнинг давоми ўринсиз бўлишини сезиб қолди шекилли, Вагиз акага юзланди. – Хўш, одамлар қанчага сўради? Сиз нима деяпсиз?

– Шукрулла ака, мени яхши биласиз, шалтай-балтай гапга тоқатим йўқ: бўладиган нархи – ўттиз минг доллар.

– Ўттиз минг доллар?! – деб юбордик бирданига учала ака-ука.

– Ҳа. Ўттиз минг.

Нима дейишни билмай қолдик. Сабаби, аввало, бизда ҳозир ўттиз минг доллар тугул, ўттиз цент ҳам йўқлиги бўлса, иккинчидан, айти шу кунларда миллий валютамыз – ўзбек сўми муомалага чиқарилиб, бир доллар – олти сўм қийматида белгиланган эди.

Миямизнинг калькуляторлари шитоб билан ишлаб кетди. Ўттиз минг долларни олтига кўпайтирсак, бу бўлади бир юз саксон минг сўм. Хўш, саккизинчи қаватдаги бетон каталакни, боринг, ана, ўн минг долларга амал-тақал қилиб сотадиган бўлсак ҳам, Вагиз Саматович билан бундай савдолашиб ўтиришимиздан не маъно бор?

– Вагиз ака, ками йўқми? – деб сўради акам умидвор оҳангда.

– Йўқ, Омонуллажон, ками бўлса, ана, Собир қассобнинг ўғли келди, Маҳмуд олакўз келди, берворардим. Бўладиган нархи шу.

– Вагиз Саматович, – деб ниҳоят мен ҳам одоб билан гапга аралашдим, – сиз айтаётган нарх реал нарх эмас-да энди. Ўттиз минг долларга ҳозир Тошкентда ҳам зўр участка беради, бу ер қишлоқ-ку.

– Энди, Ҳабибулла, уйни ўзинг кўрдинг-ку, капиталний қурилган. Сенга ўхшаган яхши одамга, ўзимизнинг ўқувчига сотилса, биз ҳам хурсанд бўлардик, лекин сен мени тушунгин, шу нархдан тушолмайман.

Айвондан Муршида Бекировнанинг овози келди:

– Ай, Ҳабибулла, менинг сендан личний бир илтимосим бор. Иложи бўлса, Вагиз айтган пулга яна икки минг доллар қўшиб бергин, невараларимга сеп учун ажратиб қўярдим. Сизларга айтмадик, Ленурнинг кўчадан катта қарзи ҳам бор... – Гапнинг давоми яна йиғига айланиб кетди.

Менинг тилим лол бўлиб қолганини кўриб акам гапга аралашди:

– Муршида Бекировна, Ҳабибулланинг сиз ўйлагандек пули йўқ. Пешонасида битта “дом”и бор, саккизинчи қаватда, шуни сотса агар...

– Иложи бўлса, девдим-да, – деди Муршида Бекировна хижолат бўлиб. – Ҳабибулла, мен қари кампирни кечир, хўпми?

Шу пайт кутилмаганда отам ўрнидан туриб, Вагиз Саматовичнинг олдига келди.

– Энди, Вагиз ака, гап бундоқ, – деди қатъият билан, – сиз айтган нархни қоқ ўртасидан бўламиз – ярмини берамиз, хўпми? Хўп, денг, қўлни ташланг, қани...

Капалагим учиб кетди. Фалокат босиб, Вагиз Саматович хўп, деб юборса, ўн беш минг доллар ёки тўқсон минг сўмни қаердан топаман?

Хайриятки, Ғайбулла чидаб туролмади.

– Э, ота, нима деяпсиз, – деди кўзлари чақчайиб, – яхши тушунмадингизми, дейман, бу сиз билган эски совет пули эмас, доллар, ўттиз минг доллар!

– Доллир? Доллир? У қанақа пул? – деб сўради отам бечора ҳангу манг бўлиб.

– Американинг пули, – деб тушунтирди акам.

– Э, Американинг пули бизларда нима қилади? Бу ер Америка эмас, Ўзбекистон-ку! – деди отам баттар ҳайрон бўлиб.

– Энди... Ҳозир ҳамма катта савдолар долларда бўляпти-да, Шукрулла ака, – деди Вагиз Саматович айбдор оҳангда, гўё отамга ҳамдардлик билдиргандек.

– А, бу бизнинг пулда қанча бўлади? – деб сўради отам жавдираб.

– Кўп бўлади, ота, жуда кўп, – деди укам. – Ну, мисол учун, ўн беш минг долларга... юз элликта сигир олса бўлади.

– Юз элликта сигир? Вой-бў! – деб юборди отам. – А, бу бутун қишлоқнинг подаси-ку?!

– Вагиз Саматович, бўладиган гапни гаплашайлик, – дедим мен, – сиз айтаётган нарх ҳеч қаерда йўқ ўзи. Биласизми, бу пулга мана шу қишлоғимизнинг ярмини сотиб олса бўлади.

– Э, агар яхшилаб савдолашса, ярмини эмас, бутун қишлоқни сотиб олса бўлади! – деб озгина маҳоват қилди укам.

Вагиз Саматович уҳ тортиб бош чайқади.

– Иложим йўқ, ука, иложим йўқ...

Оғир, жуда оғир сукунат чўқди.

Ниҳоят, айвондан Муршида Бекировнанинг йиғи аралаш товуши эшитилди:

– Эй, Шукрулла ака, нима қилайлик, ёшлигимизда етим эдик, қариганимизда яна етим бўлиб қолдик...

Ортиқ бу ерда қололмаслигимни сездим.

– Кетайлик, – дедим акамга.

Чолу кампир билан базўр хайрлашдик.

– Вагиз аканинг томи кетиб қолибди, – деди укам машинага ўтирганимиздан кейин.

– Бу нархга барибир сотолмайди, ҳали кўрасан, – деди акам. – Қани, кутиб турайлик-чи.

– Бўлмайдиган савдо экан-ку, – деди отам, – доллир, деб тоза бошимни қотирдиларинг.

Мен индамадим.

Негадир ҳолим йўқ эди.

Ҳабибулла Шоумаров,
социолог, 50 ёш

БИР УМРНИНГ УЧ ФАСЛИ

Шодиёна

– Вилоятда яшайдиган бир дўстим бор. Университетни олдинма-кейин битирганмиз. Ўқиш даврида танишиб, бир ётоқхонада яшаб, кейинчалик қалин ўртоқ бўлиб кетдик. Дўстимнинг қобилияти ҳам, билими ҳам мендан зўр эди, пойтахтда ишга қолиб, катта амалдор бўлиб кетиш ҳам асли унга тан эди. Аммо отаси ёшлигида ўлиб кетгани учун кекса, ёлғиз онасининг ёнига – узоқ бир қишлоққа қайтишига тўғри келди. Унинг ўрнига мен Тошкентда қолиб, ўртамиёна бир амалдорга айландим.

Дўстим вилоятда ҳам ўзини кўрсатиб, мансаб пиллапояларидан илгарилаб кетиши мумкин эди. Аммо фалокат босиб, у маишатга муккасидан берилиб кетди.

Ана шу дўстим турли баҳонаю сабаблар билан гоҳ-гоҳ Тошкентга келиб турарди. Келганида албатта менинг тез-тез ўзгариб турадиган телефон номеримни, билмадим, қаёқдан, қандай қилиб топиб, қўнғироқ қилар, “кўришиб, бир отамлашиш”ни таклиф этар эди.

Энди мен каттагина мансаб эгаси бўлсам ҳам, аслида шу мансабнинг қули эдим, ихтиёрим ўзимда эмас, чойхонада ёнбошлаб ётишга имконим йўқ, қолаверса, “апартетим” ҳам бунга йўл қўймас эди.

Менинг узр-маъзурларимга ошнамнинг жавоби тайин эди: “Бўлди-бўлди, тушунарли, сизлар фақат катталар билан улфатчилик қиласизлар-да..”

Шу гапи худди баданимга бигиз тикқандай жон-жонимдан ўтиб кетарди. Мен энди на катталар, на кичиклар билан маишат қилмаслигимни, қолган умримни роҳат-фароғатда эмас, меҳнату машаққатда ўтказишга маҳкум эканимни унга тушунтириш амримаҳол эди.

Қиш кунларининг бирида у яна Тошкентга келиб қолган экан, кўнғироқ қилиб, эски ашуласини такрорлади:

– Отам, бир чўқим ошимиз бор эди, фалон паркда, келсангиз, дийдорлашсак, деган эдим.

– Раҳмат, раҳмат, лекин вақт ўлгур... – дедим мен одатдагидек чайналиб.

– Кўрқманг, отам, ҳеч қанақа проблема қўймаймиз, у ёғидан хотиржам бўлинг, – деди у. Худоё товба, экстрасенсми бу нима бало, кўнглимдан ўтиб турган гапни беҳато топганини қаранг!

Хуллас, у десам бу деди, бу десам у деди – охири кўндирди. Баҳодиржон (яна бир курсдошимиз) ишдан кейин мени “Фалон паркка” олиб кетадиган бўлди.

Дўстимнинг бахтигами ё ўзимнинг бахтимгами, ишқилиб, шу куни “иш қамоғидан” бир амаллаб эртароқ озод бўлдим. Ишхонамизнинг ён-атрофида кутиб турган Баҳодиржон билан кучоқлашиб кўришиб, унинг оқ “Ласетти”сида таклиф этилган жойга жўнадик.

Баҳодиржон Тошкентда ишлайди, лекин у билан ҳам кўпдан буён кўришмаган эдик, йўл бўйи ундан-бундан сўзлашиб бордик.

Айтишига қараганда, дўстимиз бу сафар бекор келмабди: ишхонасининг пойтахтдаги бош идораси унга қандайдир мукофот берибди, лекин у бирор нишонми, фахрий ёрлиқми – Баҳодиржон билмас экан. Ошнамиз ишхонасидаги катталарга мукофотни ювиб бериш учун шу ўтиришни ташкил қилибди.

– Тушунарли, биз “илова” эканмиз-да, – дедим кулиб.

– Йў-йў, – деди Баҳодиржон шошиб, – ишхона туш пайти келиб, ошни еб кетган, мен боя телефонда гаплашдим. Ўртоғимиз бизни алоҳида кутяпти, бошқа ҳеч ким йўқ.

Бироз енгил тортдим.

Шаҳар четроғидаги “Фалон парк”ка ҳам етиб келдик.

Студентлигимизда гоҳ-гоҳ бу ерга келиб турардик, шунга ҳам ўттиз йилча бўлибди. Шу ўтган даврда нафақат шаҳар, балки бутун мамлакат ўзгариб кетди-ю, лекин бу кичкина, кўримсиз чойхонадаги манзара мутлақо ўзгармабди: ўша қинғир-қийшиқ ёғоч сўрилар, ўша исқирт кўрпача-болишлар, лаби учган чойнак-пиёлалар... Бурни қизил, оқсоқ, хомсемиз бир чойхоначи бўларди, ҳалиям бор экан. Хуллас, бу ерда вақт тақа-тақ тўхтаб, музлаб қолгандек эди.

Биз борган пайтда ошнамиз айтган сўридаги ислиқи дастурхонда нон бурдалари, елим тарелкаларда шўр бодринг, турп парракларию гуруч доналари сочилиб ётарди. Хонтахтанинг бир четида қора куртка кийган бир одам хумдек бошини дастурхонга қўйиб хуррак отарди.

Дўстимиз чойхоначи билан гаплашиб ўтирган экан, бизни кўриб ирғиб тушди:

– Ие-ие, отам, ўзларими? Э, Баҳодиржон, боряпмиз, деб мундоқ телефон қилиб қўймабсиз-да! Эй, яшанг, отам, қадамингизга ҳасанот! – деб чакак ура кетди.

Баҳодиржон бундаги паришон рўзгорни кўриб хижолатга тушди, дастурхонни тартибга келтиришга киришди.

– Ие-ие, сиз уринманг, уят бўлади, – деди дўстим қўлига сочиқ олиб, – ҳозир ўзимиз есть қиламиз. Ҳой Суннат ака, бу ёққа қараб юборинг, азиз меҳмонлар келиб қолишди! Оббо, дўстим-эй, сизни қаранг-у, келасиз деб ҳеч ишонмаган эдим, қани, бу ёққа ўтирсинлар... Йўғ-эй, у ёққа эмас, тўрга чиқсинлар...

Ошнамиз зиёфат асносида яхшигина “тортиб”, хийла етилиб қолган эди.

Баҳодиржон елиб-югуриб дастурхонни тузатди, чойни янгилади, иккита косада совиб қолган ош келтирди. Кўнглимиз тортмаса ҳам дўстимизни юз-хотир қилиб, дезинфекция учун бир пиёладан ароқ ичиб, ошдан икки-уч қошиқ татиган бўлдик.

– Ўзингиз қалайсиз? Болалар катта бўляптими? Солиҳа яхши юриптими? – деб ҳол сўрадим. Дўстимизнинг хотини Солиҳа ҳам биз билан бир курсда, фақат қўшни гуруҳда ўқиган эди.

– Э, отам, – деб хўрсинди ошнам, – аммо-лекин сизга қойилман, валий экансиз, валий! Ўқиб юрган пайтимизда шу қизга уйланаман, деганимда, ҳой бола, эсингни йиғ, бу заифа касалманд, сенга хотинлик қилмайди, деб айтган эдингиз, мана, юз эллик фоиз тўғри чиқиб турибди-да гапингиз!..

Бир йилча бўлиб қолди – касалхонадан бери чиқмайди.

Анграйиб қолдим. Орадан ўтган йигирма икки йил давомида кўп воқеалар, хотира-таассуротлар, яхши-ёмон гаплар албатта унутилган бўлиши мумкин, лекин бу тентакка, Солиҳага уйланма, деб ҳеч қачон айтган эмасман, мана, тепамда Худо, дастурхонда нон турибди, аниқ эсимда – зинҳор-базинҳор ўртамизда бундай сўз бўлган эмас.

– Ҳой, ошна, – дедим жонҳолатда, – эсингиз жойидами, мен сизга ҳеч вақт бундай бемаъни маслаҳат берган эмасман. Агар шундай деган бўлсам, тўйингизда куёвжўра бўлармидим, танангизга бир ўйлаб кўринг, ахир!

– Майли, майли, – деб бепарво қўл силтади дўстим, гўё бағрикенглик билан гуноҳимни кечиргандек. – Сиздан сираям хафа эмасман, фақат ўшанда менга холисона, тўғри гапни айтганингизда кулоқ солмаганимга пича ачинаман-да.

– Нима бўлган Солиҳага, қаерда ётибди? Биздан бирон ёрдам керак эмасми? – Маст одам билан масала талашиш бориб турган аҳмоқлик эканини билганим учун амалий ишга кўчдим. – Қаери оғрийди?

– Ҳе-е... – дўстим беўхшов илжайди. – Қаери оғримайди, деб сўранг. Қизталоқни оғримаяган жойи йўқ. Қаери оғришини ўзиям, дўхтир лаънатиям билмайди. А, қаерда ётибди дейсизми? Ҳа-а, у олдин неврологияда ётди, кейин эски ТошМИга, ундан янги ТошМИга кўчирдик, энди “экстренний помош”га оборсаммикан, деб турибман.

– Хайр, майли, шифо берсин, – дедим, – нима ёрдам керак бўлса айтинг – дўхтирми, дори-дармонми...

– Э, йўқ, ўртоқ, шу гапингизнинг ўзи мингта дори-дармондан афзал биз учун, – деди ошнам, – ҳали бориб кўраман, дўстим ўз вақтида сенга уйланмагин, деб тўғри маслаҳат берган экан, деб албатта айтаман...

Энди Баҳодиржон ҳам жим туrolмади.

– Жинни бўлганмисиз? – деди дўстимизга хўмрайиб. – Бу кишини хотинингизнинг кўзига бало қилиб кўрсатмоқчимисиз?

– Ҳа, дарвоқе, – деди ошнам бироз хушига келиб, – уни айтмайман бўлмаса... Майли, отам, қачон энди биз томонларга ўтасиз? Борганингизда беҳабар қолмайлик тағин. Биламан, борсангиз катталар қўлма-қўл қилиб опкетиб қолишади-ю, барибир... Шу ерда бир ғариб дарвеш бор, деб бир оғиз сўраб қўйсангиз – бас, отам, бизга бошқа ҳеч нарса керак эмас. Ашула бор-ку, “Бизга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса бас”.

Ошнам паркни бошига кўтариб катта ашула бошлаб қоладими, деб қўрққан эдим, ҳартугул, Худо инсоф бериб, ундай қилмади.

Энг қизиғи, бизнинг суҳбатимиз давомида салат солинган тарелкага юзини қўйиб ётган бояги қора курткали одам бир дақиқа бўлсин, хуррак отишдан тўхтагани йўқ. Унинг кимлигини биров айтгани йўқ, биз ҳам сўраганимиз йўқ.

Бу орада дўстимиз бир неча марта алёр айтиб, бизни ҳам ичишга қистади, рағбат кўрмагач, ўзи бир томчисини ҳам қолдирмасдан икки пиёлани бўшатди.

Кеч кириб, қоронғи туша бошлади.

– Энди турайлик, – дедим мен. – Хўш, дўстим, сиз нима қиласиз, касалхонага борасизми? Кейин қаерда қоласиз, меҳмонхона борми?

– Э, ҳеч ташвиш қилманг, – деди ошнамиз шўр бодрингдан тишлаб, – ҳозир касалхонага бориб, анови дардисарни кўрамиз, кейин ҳайё-хуйт деб довонга қараб жўнаворамиз.

Очиғи, унинг гапини эшитиб кўрқиб кетдим.

– Қандай... нимада кетасиз?

– Вей, ана, гижинглаб турибди-ку бизнинг тулпор! – деб қийқириб кулди дўстим.

Шундагина чойхона йўлагига турган пачоққи-на куланг “Тико”га кўзим тушди.

– Шу аҳволда машина ҳайдаб кетасизми? Йўқ, йўқ, сираям ундай қилманг! Бугун албатта ётиб дамингизни олинг. Баҳодиржон мана сизга жой қилдириб беради.

– Сиз хотиржам бўлинг, – деди Баҳодиржон, – бу кишининг Тошкентга келганда доимо турадиган жойи бор, ишхонасининг профилакторийси. Агар у ерни хоҳламасалар, мана, мен бажонидил уйга опкетаман. Болалар қишлоққа кетган, бемалол гаплашиб ётамиз.

– Ҳа, шундай бўлсин, – дедим бироз енгил тортиб.

– Э, сиз ташвиш қилманг, – деди дўстим, – мен машина ҳайдамайман, шопир бор.

– Қани, қаерда шопир?

– Мана, Равшанбой-да, дам олиб ётибди-ку. – Дўстим шундай деб салатга юзини босиб ётган бояги қора курткали одамга ишора қилди.

– Шу шопирми? – дедим баттар ҳангу манг бўлиб. – У қанақа қилиб машина ҳайдаб кетади, ғирт маст-ку?!

Шу пайт бошини дастурхонга қўйиб ётган одам хурракдан тўхтаб, хириллаган овозда:

– Эй, Санжар ака, мен маст эмасман, – деб отимни айтиб қолса денг, Худоё тавба! – Мен маст эмасман, уч-тўрт пиёла ичдим, холос. Ҳеч нарса қилмайди. Бир шишани пок-покиза урволиб, акам билан водийдан Тошкентга, Тошкентдан водийга ўх-хў, неча марталаб келиб-кетганмиз-у, тўғрим, акам?

– Тўппа-тўғри, – деб тасдиқлади дўстим бош ирғаб, – рост айтяпти, отам.

Тоза ғалвага қолдим-ку! Бу иккита гап уқмас ғалча ҳозир довдираб йўлга чиқса, доводдами, ундан беридами бир кор-ҳол бўлиб балога йўлиқса, охирги марта ким билан бирга бўлган эди, деган савол чиқиши муқаррар.

Баҳодиржон ҳам яхши-ёмон оҳангда гапириб кўрди, қани энди, буларга таъсир қилса!

Бу орада Равшанбой бошини кўтариб кўзини очди, дастрўмоли билан башарасини артиб, сигарет тутатди.

– Мен яхшиман, ҳеч хавотир олманглар, – деди, – аммо-лей... фақат шу оёғим юрмай турибди-да. Агар қўлтиғимдан кўтариб, кабинага опкириб, рулга ўтқазиб қўйсанглар бўлди – у ёғига ракетадек учириб кетаман...

Бунга жавобан дўстим меҳри товланиб, Равшанбойнинг пешонасидан ўпади, кўрдингизми, бунақа йигитнинг хўрози ер юзида биттагина, деб мақтаб ҳам кўяди. Равшанбой бунга сайин бир қоп семириб, баттар талтаяди.

– Аммо-лей... Санжар ака, шу... акамга айтиб қўйсангиз, мошинда кетаётганимизда оёқларини чиқариб асфальтга чизиб кетмасалар, илтимос-да энди...

Мен унинг гапини англамасдан Баҳодиржонга қарадим, Баҳодиржон эса дўстимизга. Оشناмиз билан Равшанбойнинг бир-бирига гал бермасдан, бақириб-қийқириб айтган гапларидан шу нарса маълум бўлдики, дўстимиз ичиб олганида “Тико”да ҳайдовчининг ёнига ўтириб олар экан, машина тезлик олиши билан эшикни очиб, ўнг оёғини ташқарига чиқарар экан, унинг туфлисими, ботинкаси ёки этигимиз – бундан қатъи назар, пошнасига нағал қоқилган бўлар экан-у, у киши ана шу нағални асфальтга тегизиб кетишни хуш кўрар экан. Яна камига “Бос, бос!” деб тезликни оширишни талаб қилар экан.

Равшанбой шопир хўжайинининг шу қилиғини такрорламаслигини биздан илтимос қилаётган экан. Чунки ҳозир ҳаво совуқ, оشناмизнинг оёқлари шамоллаб қолиши мумкин экан...

Мен гаранг бўлиб қолган, кулишимни ҳам, сўкишимни ҳам билмас эдим.

– Хўп, бунда нима маъно бор? – деб сўрадим оشناмиздан.

– Э, нағал асфальтга тегиб, йўлни чизиб кетаётганида зўр чийиллаган овоз чиқади, теваарак-атрофга роса учкун сачрайди, – деди дўстим кўзлари чақнаб, – шунақа кайф бўладики, нарёғи йўқ.

– Астаффирулло! – дедим ёқамни ушлаб.

– Ҳа, сиз ҳам бир қилиб кўринг, шунақаям маза қиласизки...

Хуллас, Баҳодиржон бутун масъулиятни бўйнига олиб мени хотиржам қилди, яъни, қандай қилиб бўлса ҳам, бу бошоғриқ меҳмонларни Тошкентда олиб қоладиган бўлди.

Орадан икки ҳафталар ўтиб, ошнамиз кутилмаганда телефон қилиб қолди. Овози тетик, шўхшахдам эди.

– Отам, “Яна соғиндим, яна” деган ашулани биласиз-а? Ҳа, ўлманг, аммо-лей, Озодбек ҳам айтиб қўйган-да, гап йўқ, отам. Жичча вақт топиб, ўша ўзингиз билган паркка келсангиз, биз ғарибларнинг боши кўкка етармиди...

“Қуллуқ! – дедим ичимда. – Қуллуқ! Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, ошна!”

– Жоним билан борар эдим-у, – дедим ёлғонни қалаштириб, – шу денг, бугун пешиндан кейин сафарга жўнайдиган бўлиб қолдим.

– Э, шунақами? Минг афсус, бир чўқимгина ошимиз бор эди. Қайси вилоятга кетяптилар, сир бўлмаса?

Шошиб қолдим. Дабдурустдан бирон вилоятни айтиб юборсам, орқамдан етиб боришдан ҳам тоймайди бу – “Тико”сини миниб, асфальтга пошнаси билан чизиб, атрофга учқун сачратиб... Қаерга десам экан-а?

– Бу сафар вилоятга эмас, чет элга кетяпмиз, Буркина-Фасо деган мамлакатга.

– Буркина-фасон дейсизми? Қаерда у?

– Африкада.

– Ҳа-а, ростдан ҳам узоқ экан, – деди дўстим ҳафсаласи пир бўлиб.

– Ўзингиз қалайсиз, Солиҳа, болалар? – деб сўрадим нимадир дейиш учун.

– Яхши, отам, ҳаммаси жойида. Аммо-лей... ўша ўтган сафар кўришганимиздан кейин қизиқ бир иш бўлди, денг.

– Хўш, хўш?

– Сиз билан хайрлашгач, Равшанбой билан тўғри довонга қараб жўнадик.

– Нима?! Кетвордингларми? Э, товба! Ахир Баҳодиржон айтган эди-ку...

– Чойхонада жичча совуқ ўтган экан, машинага ўтиришим билан иссиқ элителиб донг қотиб қоппан. Бир маҳал кўзимни очсам, денг, оппоқ, ёруғ, иссиқ бир жойда ётибман. Атрофимда оқ туманми, булутми, бир нарсалар сузиб юрибди, оқ кийимда қанақадир одамлар ҳам кўзга ташланади. Ғўнғир-ғўнғир товушларни эшитаяпман-у, маъносини, ўлай агар, тушунмайман. Нима бўлганини эслайман, деб уввало уринаман, қани энди, бирон нарсани эслолсам! Ўйлайвериб, ишонсангиз, бошларим ҳам оғриб кетди. Чойхонада ўтирганимиз, ишхонадаги каттаконлар билан мукофотни ювганимиз эсимда, кейин Баҳодиржон билан сизнинг келганингиз ҳам элас-элас хотирамда, аммо ундан уёғи – уриб ўлдилинг, темний лес-да. Кўп таҳлиллардан кейин шундай хулосага келдим: биз анча ичиб қўйган эдик, қаёққадир бормоқчи бўлиб йўлга чиққан эдик, аммо-лей рулда ким эди – менми, Равшанми, буни билмайман. Демак, авария бўлганмиз, мен ўлган бўлсам кераг-у, кейин жаннатга тушган бўлсам керак. Мана шу ҳозир мен ётган жой жаннат бўлса кераг-у, оқ кийимли бу одамлар фаришталар бўлса керак, деб ўйладим.

– Хўш, хўш, кейин-чи? – деб сўрадим ошнамнинг мантиқий мушоҳада қудратига қойил қолиб.

– Бир пайт бошимнинг оғриғи пича босилиб, ғўнғир-ғўнғир товушларни чала-чулпа тушуна бошладим. Шу пайт бояги фаришталардан бири тепамга келиб, қандайдир идишда сувми, сутми

узатиб, “Пей, синок, пей” деганини эшитиб қолдим-у, тагин ҳушим бошимдан учди. “Ё, тавба! – деб ўйлайман нуқул, – бу, жаннатда ҳам ўрисча гаплашишар экан-да? Ё мен ўрисларнинг жаннатига тушганмикинман?” Сиз нима дейсиз, ўзи, жаннатнинг ўрисчасию ўзбекчаси бўлармикан, а?

– Мен қайдан билай, – дедим кулгидан ўзимни аранг тийиб, – мен бу дунё бўйича мутахассисман, у дунёни энди... домла-поччалардан сўраш керак. Хўп, кейин қандай қилиб чиқдингиз... ўрисларнинг жаннатидан?

– Йў-йў, у ўрисларнинг жаннати эмас экан, – деди дўстим ҳикоясини давом эттириб, – бояги мен фаришта деб ўйлаган аёл бир ўрис кампир экан. Сувни ичиб яна ухлаб қолибман. Эрталаб ўзимга келиб қарасам, мен баланд каравотда, оппоқ кўрпа-ёстиқларга бурканиб ётибман, пастда – ерда эса Равшанбой варанглатиб хурракни отяпти... Кейин билсак, биз кайф устида довоннинг тагига етиб келганимизда ГАИлар машинамизни тўхтатибди. Сизга айтсам, ишонмайсиз, инсофли, яхши боллар экан, аҳволимизни кўриб, йўлдан қайтаришибди, машинамизни ўзлари ҳайдаб, бизни Ангренга опкелиб бояги ўрис кампирнинг уйига бир кечалик квартирант қилиб топшириб кетишган экан...

Мастона

Ана шу ажойиб дўстим яқинда яна бир ҳангомани сўзлаб қолди:

– Бир куни ишда ўтирсам, қўшни вилоятдан Самандар телефон қилиб қолди. Сиз ҳам танийсиз, биздан икки курс кейин ўқиган. “Тинчликми?” десам, “Ака, кўришсак, маслаҳатли гап бор”, деб

қолди. Кўришсак, кўришайлик, дедим. Икки-уч соатда қора “Нексия” да етиб келди. Ёнида басавлат, тоза уст-бошлар кийиб ясанган бир одам.

Ачомлашиб кўришдик. Бу Самандар, сиз унча билмайсиз, жуда ақлли, жонон йигит. Катта бир ташкилотда муовин, лекин ҳамма ишни ўзи юргизади, раҳбари тўқсонга бориб қолган бир чол, фақат яшанглар, ҳа, баракала, деб туради.

Самандар ҳамроҳини менга таништирди. Бу одам тадбиркор, қўшни вилоятдаги янги чиқиб келаётган бойлардан экан. Мен унақа димоқ-фироғини сезмадим-ку, лекин ўзига ишонган, ишига пишиқ, тутуми мустаҳкам одамга ўхшаб кўринди.

“Ака, масалани ўзингиз тушунтиринг”, деди Самандар уни менга рўпара қилиб.

Бизнесмен бойвачча масалани қисқагина қилиб тушунтирди.

Пешонасида биттаю битта қизи бор экан, бу йил бизнинг вилоятдаги университетнинг энг зўр факультетига имтиҳон топширган экан. Қизнинг билими ёмон эмас экан-у, лекин “страховка” учун университетдаги бир корчалон билан зимдан гаплашиб қўйган экан. Бу корчалоннинг номи “проректор Н.” экан. У бизнесмен дўстимизни юз фоиз ишонтириб, “аванс” ҳам олиб қўйган экан. Имтиҳонлар ўтиб, мана, дарслар бошланганига ҳам икки ойча бўпти, аммо-лекин қизимиз ўқишга кирмабди. “Проректор Н.” эса ҳар хил бўлмағур гапларни баҳона қилиб, уларнинг қулоғига лағмон осиб юрган эмиш. Охири бечора ота тақдирга тан бериб, майли, қизим ўқишга кирмаса-кирмас, лекин авансни қайтариб беринг, деб минг тавалло қилсаям, лаънати муттаҳам думини тутқаз-

маётган эмиш. Шунга боши қотиб, Самандаржон акага дардини ёрган экан, у киши мени айтибди, ҳақиқатчи одам, вилоятда ҳаммани танийди, ректор билан ҳам қалин, бориб масалани тушунтирсак албатта ёрдам қилади, деб икковлон қора тортиб келишибди.

“Энди, бу жуда нозик масала, ўзингиздан қолар гап йўқ, бировга жар солиб бўлмайди, айниқса, орган-порганга арз қилиш ниятим йўқ, бизнинг ишимизда ортиқча ғалва мутлақо керакмас, шу ишни ими-жимида битирсак, жуда соз бўларди-да”, деди жабрдийда тадбиркор эланиб.

Бу гапни эшитиб, отам, жуда қаттиқ жаҳлим чиқди. Эй, ноинсоф, ўғри бўл, ғар бўл, эви билан бўл-да! Ишни-ку битирмабсан, соққани қайтариб бермайсанми, хунаса!

– Хафа бўлманг, – дедим чув тушган отани юпатиб, – ҳозир нима кўп – апирис кўп. Таракандай болалаб кетди бу ярамаслар. Мен у ифлос про-ректорни шахсан танимайман. Лекин вилоятда кўп одамни лақиллатиб юради, деб эшитганман. Келиб-келиб шу фирибгарнинг чангалига тушиб-сиз-да. Хўш, қанча бергансиз у муттаҳамга?

Меҳмон бирпас иккиланиб, Самандарга савол назари билан қаради.

– Айтаверинг, ака ўзимизнинг одам, – деди Самандар унга далда бериб.

– Мен унга пул берганим йўқ, у мендан пул олди, – деди жабрдийда пичирлаб.

– Ҳа, майли, нима фарқи бор, айтаверинг.

– Бешта олувди.

– “Бешта”нгиз... бу беш юзми?

– Йўқ, шуни энди... ўнга кўпайтирсангиз...

– Демак, бу муттаҳам Н. сиздан беш минг долларни алдаб олган, шундайми?

– Шундай, – деди тадбиркор кўзларини пирпиратиб.

– Ҳа, бўпти, қизингизнинг фамилияси нима? Ўзингизнинг отингиз, иш жойингиз?

– Шартми буларни айтиш? – деди бизнесмен бойвачча баттар хавотири ортиб.

– Эй, сиз қизиқ одам экансиз, буларни айтмасак, ректор у каззобга қандай чора кўради?

– Ҳа, дарвоқе... – У бир зум тараддудланиб, бир парча қоғозга нималарнидир ёзиб менга тутқазди.

– Яшанг. Ҳозир жаноби ректорга телефон қиламиз. У жудаям ҳалол-пок одам, эшитса, терисини шилиб олади ярамаснинг.

Ректорнинг ишхонасига кўнғироқ қилсам, Тошкентга, мажлисга кетганини айтишди. “Сотка”сига сим қоқдим, бахтимизга, телефонини олиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, “бир маслаҳатли иш бор” эканини айтган эдим, узр сўраб, икки кундан кейин қайтишини, шунда бафуржа гаплашиб олишга тайёр эканини билдирди.

– Мана, ишингиз битди ҳисоб, фақат икки кун кутишга тўғри келади, – дедим меҳмонларга қараб. Уларнинг ҳам рангига қон югуриб, енгил тортишди, раҳмат айтиб ўринларидан туришди ва қайтиш учун изн сўрашди.

Мен албатта азиз меҳмонларни қўйиб юбормадим. Азза-базза шунча жойдан йўл босиб келиб, “Сой бўйи” чойхонамизда бир чуқум ош еб кетишмаса, биз энди нима деган одам бўламиз?

Хуллас, аранг кўндирдим. Иккита улфатимни ҳам чақирдим. Чойхонага қараб кетдик.

Чойхоначи Маҳмуджон жуда шинаванда йигит, кечаю кундуз қачон борсангиз – қозонда зирвак қайнаб ётган бўлади, ўттиз минутда девзирадан ошни “гатоп” қилади-да, барака топкур.

Хона иссиққина экан, костюмларни ечиб, бурчакдаги кийим илгичга осдик, сўрига ястаниб, “қиттак-қиттак”ни бошладик. Самандар рулдаман, деб ичмади, тадбиркор шериги ҳам унамай турган эди, менинг лаб-лунжим осила бошлаганини кўриб, ноилож бир-икки пиёла хўплаган бўлди.

Ош пишгунча ҳам, таом пайтида ҳам суҳбат мавзуси фақат апирислар ҳақида бўлди.

– Мана бизнинг маҳаллада, – деди Самандар, – Шоҳрух деган туппа-тузук бола бўларди, отаси катта амалдор. Шу бола Кореяга ишга жўнатаман, деб ўн бешта одамни алдаб, ҳар биридан етти минг доллардан олиб дом-дараксиз қаёққадир сурворди. Лақма ишчилар чапагини чалиб қолаверди.

– Э, сиз уни айтасиз, – деб гапга қўшилди Эшдавлат улфатим шакаробга помидор тўғрар экан, – менинг амакимнинг юрист куёви бор эди, Ҳабибжон деган, келишган, ақлли, кўрсангиз, суқингиз киради. Шу бола бир куни қайнона-қайнотасига, мана шу хатга қўл қўйсанглар, пенсияларингиз икки марта кўпаяди, деб бир қоғозга имзо чектириб олибди. Кейин чол-кампирга меҳрибонлик қилиб, Чортоқ санаторийсига путёвка опкелиб берибди. Ўзи бўлса, бир ҳафтада келаман, деб командировкага жўнаб кетибди. Қариялар санаторийдан қайтиб келиб қарашса, ҳовлисида бегона бир одам бола-чақаси билан ўтирган эмиш. Суриштириб билишсаки, куёв апирис экан, чол-кампирни чув тушириб, олди-сотди шарт-

номасига қўл қўйдириб, уйни бир юз эллик минг долларга пуллаб, жуфтакни ростлаб қолган экан.

– Ў, лаънати!

– Оббо, занғар-эй!

– Шундан бери амаким бечора уйни сотиб олган одам билан судлашади, ҳозирча бефойда, – деб Эшдавлат ҳикоясини якунлади.

Суҳбат қизигандан қизиди. Ўтирганлар бири олиб, бири қўйиб, ўзлари кўрган ёки бировдан эшитган фирибгар-муттаҳамларнинг кирдикорларини айтиб адо қилолмас эдилар: навбатсиз машина обераман, деб алдаган ким-у, кредит ёки ер обераман деб лақиллатиб кетган ким... Энг ажойиби, апирис-каззоблар қанчалик кўп бўлса, уларнинг тузоғига ўз ихтиёри билан илинадиган лақма одамлар ҳам шунчалик кўп экан.

Энди, отам, Самандаржон кеп қолганига суюниб кетибманми, ишқилиб, анча-мунча тортиб қўйибман. “Одатдагидек”, деганингиз нимаси, дўстим, биласиз-ку, мен ўзи умуман ичмайман, энди, аҳён-аҳёнда бир эркалик қилиб қўямиз-да. Ўзи, шу мени ичади, деб ким гап тарқатган, ўлай агар, ҳайронман.

Хуллас, ўтиришнинг охирини мутлақо эслолмайман. Кўзимни очсам, уйда, ўз ўлан тўшагимда ётибман. Бош сабил шунақанги оғрияптики, чертсангиз, тарс ёрилиб кетадиган сиёқи бор.

Энг чатоғи, чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилдимми-йўқми, билмайман. Бир амаллаб, эмаклагандек бўлиб ўрнимдан турдим. Костюм ҳам, чамаси, кечқурун ечилиб, пойгакка отилган экан, жойида иззат кутиб ётибди. Отам, энди ўзингиз айтинг, эр деган жониворнинг костюмини лоақал

михга илиб қўйишга ярамаган хотинни нима қилиш керак? Ўзи, вақтида, ҳой бола, кўзингни оч, бу қиз сенга хотинлик қилмайди, деб тўғри айтган экансиз, отам. Валийсиз, валий, шахримни бердим аммо-лекин...

Хуллас, минг машаққат билан костюмнинг олдига етиб олиб, ич чўнтагига қўл солдим. Бир бало қилиб эсладим – чойхонага борганимизда ёнимдатўртюзмингсўмборэди,хўш,Маҳмуджонга қанча бердим экан? Пулни санаб кўрсам, Худоё товба, тўрт юз минг чиқяпти. Ё қудратингдан, бу қанақаси бўлди? Ҳа-а, демак, кеча “ғижжак” бўлиб қопман-у, ҳисоб-китобни насия қилиб уйга жўнаворибман-да. Маҳмуджон ҳам гўримга ғишт қалаб ўтиргандир.

Секин қийшайиб чойхонага бордим. Маҳмуджон кулиб, очиқ чеҳра билан кутиб олди:

– Яхши дам олдингизми, ака? – деб, шинаванда йигитэмасми, олдимга бир баклажка муздек “Нестле” қўйди. Икки пиёласини симирдим, ичимдаги аланга пасайгандек бўлди.

– Э, Маҳмуджон, кеча сал кўпайиб кетибди-да, – дедим.

– Ака, ҳурматингиз бор, тозасидан қўйдим-да. Ўзиям тўрт киши тўртта шишани оқ урдинглари-да, ош бўлсин...

– Ҳа, майли, – дедим қўл силтаб, – кеча ҳисоб қилиш эсдан чиқибди, қани, гапиринг.

Маҳмуджон ҳайрон бўлиб қолди.

– Ака, нима деяпсиз, кеча пулини бердингиз-ку?

– Маҳмуджон, бошни қотирманг, ҳисобли дўст айрилмас, деган гап бор. Биласиз, мени ишим но-

зик, сизники эса ўн карра нозик. Эртага мелисами, налогми келиб босса, бир дўқ қилганда тамом бўласиз. Фалончини ўн йилдан бери текинга боқиб юрибман, деб шестъ секундда сотворишингиз турган гап. Шунинг учун гапни чўзманг-да, ҳақингизни олиб қўйинг, сиз ҳам тинч бўласиз, мен ҳам.

Чойхоначи баттар ҳайрон бўлди.

– Одамни хафа қиляпсиз, ака. Кетишдан олдин, мана шу костюмингиз қозикда осиглиқ турган эди, бориб икки юз саксон минг сўм чиқариб бердингиз, ўн минг ортиқчаси билан. Қўйинг, десам қўймадингиз, так что, раҷчўтмиз, ака...

Бошим қотиб қолди.

– Алдамаяпсизми, Маҳмуджон?

– Худо урсин, нега алдайман, ака.

Тавба! Бу қандоқ синоат бўлди энди?

Судралиб ишхонага бордим. Шопир Равшанбойни чақириб сўрай, десам, телефонни олмади. Битта аёл – билмадим, хотиними, ўйнашими энсаси қотиб, “ўчирилган” деди. Тушунарли, кечагидан кейин ўчиб ётган бўлса керак.

Падарига лаънат, ким ўйлаб топган шу ичишни? Меҳмонларни қандай кузатдим – кузатдимми ўзи, уриб ўлдилинг, эслолмайман-да, отам.

Самандарга сим қоқдим. Анча маҳтал қилиб, бир пайт “Эшитаман, Искандаров” деб совуқ, расмий жавоб қайтарди. Тавба, бугун якшанба, ишга бормаган бўлса, уйда ялпайиб ўтириб, бунақа оҳангда гапиришига бало борми? Нима, мен арпангни хом ўрдимми, баччағар? Шундаям шайтонга ҳай бериб, аранг ўзимни босдим.

– Самандаржон, яхши етволдинглари? Акамиз қалай, кайфиятлари дурусти?

– Яхши, – деди Самандар.

– Эртага келинглар бўлмаса, анави масала бўйича ректорга кирамиз.

– Майли, раҳмат, – деди курсдошим қуруққина қилиб. – Акамиз, қўяверинг, дўстингизни овора қилманг, деяптилар.

– Э, овораси бор эканми! Бу апириснинг таъзини бериб қўйиш керак-ку? Хўп, эртага қай пайтда келасизлар?

– Оғайни, шу масалага нуқта қўйсак, акамиз хоҳламаяпти, дедим-ку, дунёда апирис кўпайиб кетган экан, шу нарса бош-кўзимдан садақа, деяпти. Хўп, омон бўлинг.

Самандар шундай деб телефонни ўчириб қўйди. Юз марталар телефон қилгандирман – яккаш “Абонент ҳозир жавоб беролмайди”, деган гапни эшитаман. Ҳайронлигим ошиб, юрагим пружинадек қисилиб кетди.

Равшан ярамасни топиб бўлмади, ноилож Асқарали деган бир укамизга ялиниб, унинг “Нексия”сида қўшни вилоятга жўнадик.

Икки соатга қолмай етиб бордик. Самандар ишхонасида экан, қовоқ-тумшуғи салкам бир метр осилиб кутиб олди, Худонинг зорини қилсам ҳам хафалик сабабини айтмайди-да, отам.

Қарасам, ҳеч бўлмайдиган, охири, яқинда сиз билан Тошкентда кўришганимизу ўзимнинг “ўрисча жаннат”га тушганларимни кулиб-кулдириб айтиб бердим. Баччағарнинг башараси сал очилгандай бўлди. Яна қистаган эдим, озгина қизариб:

– Кеча ўтиришимиз тугаганда, – деди, – мен сезмай қопман, акамиз қараб турган экан – сиз

ўрнингиздан туриб, тўғри акамизнинг костюмини чўнтагига қўл солибсиз.

– Йўғ-э? Йўғ-э? – дедим капалагим учиб, – ўлай агар мен...

– Акамиз, қани, нима бўлар экан, деб кузатиб тураверибди, бир даста пулни олиб, чойхоначининг ҳақини санаб берибсиз.

– Йўғ-э? Вот, дуррак, вот ярамас!

– Ҳаммасиям майли, пулнинг қолганини шимингизнинг киссасига урганингиздан кейин акамиз тамом бўпти. Сизлар билан хайр-хўш қилмасдан ҳам “тез кетамиз”га тушиб қолди. Йўлда ёрилди, ука, апириснинг устидан яна бир апирисга арз қилиб борибмиз-ку, деди...

– Э, лаънати! Бўлди, эсладим, иккаламиз ҳам костюмимизни қозиққа ёнма-ён осиб қўйган эдик-ку? Иккаласи ҳам қора рангда эди!.. Эрталаб кўриб ўзим ҳам роса хайрон қолдим, чойхоначига бориб суриштирсам, пулини бергансиз, дейди. Энди, уриб ўлдилинг, “дуб” бўлиб қолган эканман-да, умуман эслолмайман. Сиздан илтимос, – дедим эланиб, – акамизни бир минутга чақиринг, мен узримни айтай, мана, пулини ҳам қайтарай...

Самандар биров тараддудланиб, қўнғироқ қилди, лекин ҳеч қандай жавоб бўлмади. Уйдан, ёр-дўстларидан сўраган эди, тадбиркор бой, ҳар хил апирислар кўпайиб кетди, шулардан нари бўлиб турай, деб чет элга жўнаб кетибди...

Фожиёна

Шу ҳангомалардан сўнг уч-тўрт йил ўтиб кетди, орада ошнамиз билан қайтиб кўришмадик. Яшириб нима қилдим, дўстимнинг ғаройиб,

қалтис саргузаштлари сабабли ўзимни ундан бироз тортиб юрадиган бўлдим. Фақат аҳён-аҳёнда унинг шароб денгизида ҳамон жавлон ураётгани тўғрисидаги узук-юлуқ гаплар қулоғимга чалиниб қолар эди.

Жанубий вилоятлардан бирида хизмат сафари билан юрган эдим, тўсатдан Баҳодиржон қўнғироқ қилиб қолди:

– Эшитдингизми, ошнамизнинг онаси қазо қилибди?

Ошнамизнинг онаси – Кароматхон ая, худди кинодаги Лутфихоним Саримсоқовага ўхшаган, меҳрибон, мушфиқ, муштипар бир аёл эди, талаба-лик йилларимиз неча бор уйларида меҳмон бўлиб, қўлларидан нон-туз татиган эдик, эшитиб, юрагим ачишиб кетди.

– Худо раҳмат қилсин, қачон бўпти? – деб сўрадим юзимга фотиҳа тортиб.

– Кеча чиқаришибди. Менга бугун эрталаб телефон қилди ошнамиз. Нима қилдик, вақтингиз бўлса, ғир этиб таъзияга ўтиб келамизми?

Мен ҳозир сафарда юрган вилоят билан ошнамиз яшайдиган вилоятнинг ораси икки соатлик йўл эди, шунинг учун Баҳодиржоннинг Тошкентдан етиб келишини кутиб ўтирмасдан, иссиғида – бугуннинг ўзида фотиҳага боришга қарор қилдим. Пойтахтга қайтганимдан кейин бу томонларга яна қачон йўлим тушади, Худо билади.

Таъзияхонага тушдан кейин етиб келдим.

Илгари келиб-кетиб юрганимизда ошнамизнинг қишлоғи гирдо-гирдини тол-терақлар ўраган овлоқ, сокин бир гўша эди. Энди биз кўрган толлар кесилиб, ҳаммаёқ бутунлай ўзгариб кетибди.

Қўшни вилоятдан менга ҳамроҳлик қилиб келган маҳаллий фаол – Мелиқўзи ака ундан-бундан сўраб, ниҳоят, ошнамизнинг уйини топди.

Бу иморатнинг ташқарию ичкарисини таърифлаб ёки тасвирлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Зийрак одамсиз, ўзингиз тушунасиз.

Дарвозахона олдида тўрт-бешта бел боғлаган одамлар қаторлашиб турар, ошнамиз нима учундир кўринмас эди.

Азадорлар билан кўришиб, девор тагидаги пластмасса стулларга ўтирдик. Тўгарак юзли, ўрта яшар бир киши ҳаммамизга аста қараб олгач, чалачулпа тиловат қилган бўлди. Мелиқўзи ака мени таништириб, дўстимизни сўради.

– Ҳозир... ҳозир... бир минутга ичкарига кирувдилар. Ҳой, акамни чақирворинглар, – деб ҳовли томонга овоз берди Қуръон ўқиган одам. – Тошкентдан катта меҳмонлар келишди, денг. Э, акалар, уйга кирсанглар бўларди?

Биз вақтзиқлигини айтиб, узр сўрадик. Кимдир чой опкелиб, бир пиёладан узатди, шошилмасдан ҳўплай бошладик.

Орадан анча фурсат ўтди ҳамки, ошнамиздан дарак бўлмади. Азадорлар хижолат аралаш безовталиқ билан бир-бирларига маъноли қарай бошладилар. Охири, бояги тиловат қилган киши бош чайқаб, ичкари ҳовлига кириб кетди.

– Таъзия кутиш ҳам осонмас. Пича чарчаб қолдилар-да оғайнингиз, – деди мезбонлардан бири.

Мен ҳам бу ноқулай вазиятни юмшатиш учун раҳматли Кароматхон аянинг қандай меҳрибон, қандай пазанда аёл бўлгани, айниқса, у киши бизга пишириб берган қовоқ мантиларнинг таъми

ҳали-ҳануз оғзимизда экани ҳақида сўзлашга тушдим.

Иккинчи пиёла чойни ҳам ичиб бўлдик, аммо оғайнимизнинг қораси кўринмади.

Кўнглим алланимани сезгандек бўлиб, Мелиқўзи акага имо қилдим: “Турайлик”. У киши дарров қисқа фотиҳа ўқиди ва ўрнимиздан кўзғалдик.

Дарвозахонадан чиқиб, кўча бошида турган машинамиз томон икки-уч қадам юрган эдик, бирданига изимиздан:

– Ота-а-м! – деган ўкирикми, ҳайқирикми, хуллас, аччиқ бир нидо янгради. Ошнамизнинг овозини таниб, ортимга ўгирилиб қарадим. Жазирама ёз бўлишига қарамасдан, эғнида қалин пахталик чопон, соч-соқоли патак бўлиб ўсган, оқсоқланиб, ўнг томонга шох ташлаганча, кучоғини очиб келар эди.

– Аямди бериб қўйдим, отам! – деб бўзлаганча у бағримга отилди. – Аяжонимди...

Дўстимнинг елкаларини силаб, одатий таскин-тасалли сўзларини айтар эканман, ароқ аралаш арзонбаҳо атирнинг ўткир, чучмал ҳиди гуп этиб димоғимга урилди.

– Минг раҳмат сизга, отам! – Ошнам кучоғимдан чиқиб, эгилиб-букилиб қуллуқ қилишга тушди. – Келишингизни билмабман, отам... Мен дурракни кечиринг, ғам-аламга чидолмасдан, жичча опкўйибман, денг...

Нима деяримни билмай қолдим. Қаршимда қачонлардир мен яқиндан билган, беғубор, тамасиз дўстлик меҳри билан севган, ёшликнинг қайтмас хотиралари ила боғланган самимий, сирдош, оқкўнгил инсон ўрнида мутлақо бегона, “тўйда ҳам, азада ҳам бирдек ичадиган”, одамийлик

сиёқидан буткул мосуво бўлган аянчли бир кимса турар эди.

– Бандалик, оғайни... Солиҳа яхшими, болалар?
– дея олдим, холос.

Ошнализнинг қиёфаси бирдан тундлашиб, қахрли қиёфага кирди, қўллари мушт бўлиб тугилди:

– Э! – деди жаҳл билан қўл силтаб. – Эслатманг у мегажинни! Икки йил бўлди, ажрашиб, юртига кетиб қолди. Болаларни ҳам ўзи билан опкетди.

– Йўғ-э? – Мен бу гапдан умуман беҳабар эдим, ҳайрон бўлиб қолдим. – Қариганда нима жин урди сизларни?

– Э, мен ҳам шуни айтаман-да, отам! Худонинг берган куни жанжал қиларди. Нима эмиш, ичасан, дейди. Ҳой, барака топкур, ичмайдиган эркакни топиб бер менга, “Қизил китоб”га киргизай, деб уввало гап уқтираман, кошки бу пайтавафаҳмга кор қилса! Ўзи, ўшанда тўғри айтган экансиз, ҳой бола, бу қиз сенга хотинлик қилмайди, деб... Валийсиз, отам, валийсиз! – Ошнам шундай деб, пластинкани бирданига ўзгартирди. – Энди, гап бундоқ, отам. Қўй сўйиб, туя сўйиб чақирсак ҳам бизнинг кулбаи вайроналарга келмас эдингиз, баҳонаи сабаб, бир келиб қолибсиз, қани, ичкарига кирамиз. Бир чуқум ош емасдан кетиш йўқ.

– Раҳмат, раҳмат, – дедим, – яхши кунларда, тўйларда, албатта, келамиз. Ҳозир мавриди эмас.

– Э, отам, нега мавриди эмас экан, аямнинг тўйи-да, бу. Қани, кирмасангиз қаттиқ хафа бўламан-а!

Нажот излаб ҳамроҳимга жовдираб қарадим. Бир умр масъул ходим бўлиб ишлаган Мелиқўзи ака аҳволимни тушуниб, жонимга ора кирди:

– Ука, бир минутга мумкинми? – деб ошнамизнинг тирсагидан тутиб четга бошлади. – Энди, ўзингиз тушунган одамсиз, оғайнингиз бир соатдан кейин бизнинг вилоятда фаоллар йиғилишини ўтказишлари керак. Юз эллик киши маҳтал бўлиб кутиб турибди, буёқни қийнаманг, хўпми? Шунча ишнинг ўртасида вақт ажратиб келганларининг ўзи...

– А, шунинг учун ҳам мен бу кишини “отам” дейман-да! – деб ғурурланди ошнам. – Майли, майли, иш бўлгандан кейин – наилож. Лекин қайтишда албатта кириб кетинг, кутаман-а, отам?

– Хўп, лекин сиз Солиҳани бориб опкелинг, уят бўлади, – дедим насиҳат қилган бўлиб. – Ўзингиз ҳам, болалар ҳам қийналиб қоласиз.

– Келмайди-да у баттол, келмайди, – деди оғайним бош чайқаб. – Нима эмиш, мен ичар эмишман. Хайронман, шу мени ичади, деган гап қаердан чиққан ўзи? Ҳей, инсон, аввал ўзингнинг акаларингга боқ, кейин ноғорангни қоқ, дейдиган одам йўқ буларга, эй!

Юрагим эзилиб, дўстимиз билан бир амаллаб хайрлашдим.

Тошкентга қайтиб келгач, биринчи қилган ишим Баҳодиржон билан кўришиб, ошнамизнинг аҳволини муҳокама қилиш бўлди.

“Бу масала энди маиший муаммо эмас, тиббий муаммога айланиб бўпти, – дедим, – оғайнимизни мажбуран бўлса ҳам, даволатиш керак. Майли, мен керакли дўхтирларни топиб гаплашиб берай, қолганини сиз ташкил қилинг”.

Баҳодиржон бошини қашиб, ошнамизни касалхонага ётқизиш учун кўндиришни бўйнига олди.

Бир ҳафта-ўн кундан кейин республиканинг шу соҳадаги энг катта диспансери раҳбари билан гаплашиб, беморни аноним усулда даволаш шарти билан касалхонага ётқиздик.

Бундай кишилар одатда ташқи муҳитдан бутунлай ихота этилиб муолажа қилинар экан, шунинг учун қирқ беш кун мобайнида ошнамизнинг аҳволидан фақат диспансернинг бош врачлари орқали хабардор бўлиб турдик.

Бечора Баҳодиржон, вужуди қоғозга ўралган оқ қанддек топ-тоза, шишадек мусаффо ҳолга келтирилган оғайнимизни “Ласетти”сига ўтқазиб, иззат-икром билан қишлоғига олиб борди, бизнинг илтимос, воситачилигимиз билан уйига қайтган хотинию бола-чақасига топшириб, хурсанд ҳолда қайтиб келди.

– Яна ичиб, шарманда қилиб қўймасмикан? – деб сўрадим хавотирланиб.

– Йўғ-э, Худо урдими, ичмас, – деди Баҳодиржон, – лекин дўхтир ўзигаям, менгаям тайинлаб айтди: агар яна ичса, организмда ёмон жараёнлар бошланиб, жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин экан.

– Йўғ-э? – дедим баттар ташвишланиб.

– Да, вплоть до летального исхода, – деди Баҳодиржон нима учундир русчалаб, – мен хотинига ҳам тушунтирдим.

Худодан дўстимизга сабр-тоқат, инсоф тилашдан бошқа иложимиз йўқ эди.

Шу кунларда ошнамизнинг хотини Солиҳадан бир хат олдим. Миннатдорлик хати. Йўқ, ростдан ҳам ўқувчи дафтарининг бир чизиқли варағига чиройли ҳуснихат билан ёзилган мактубга шун-

дай деб сарлавҳа қўйилган, унда, жумладан, қуйидаги сўзлар битилган эди:

“... Сизга дўстингиз номидан, бутун оиламиз номидан миннатдорчилик билдириш учун сўз тополмай қийналаяпман. Қадрли турмуш ўртоғимни, болаларимни меҳрибон отасининг соғлиғини тиклаб, оиламиз бағрига қайтариб берганингиз учун чексиз миннатдормиз.

Дўстингиз ўзи ёмон одам эмас, фақат кўнгилчан, ошна-оғайниларининг юзидан ўтолмайди. Маишатчи, бетайин улфатларнинг таъсирига тушиб қолиб, топган-тутганини шуларга сарфлаб хонавайрон бўлди... Энди қилмишларидан ўзи ҳам пушаймон, Сизнинг олдингизда бир умр қарздорман, деб айтади. Илоё, биздан қайтмаса, Яратган эгамдан қайтсин...”

Бу гапларни ўқиб, табиийки, Баҳодиржон иккаламиз анча вақтгача танга топган тентакдек қувониб юрдик.

Орадан бир йил ҳам ўтмади.

Яна бир куни Баҳодиржон телефон қилиб, ташвишли овозда: “Кўришайлик” деди.

Кўришдик.

Ўша, биз кўрқиб юрган воқеа юз берган эди: ошнамиз эски қилиғини бошлабди – яна бўкиб ичадиган, ичганидан сўнг ичак-чавоғи узилиб кетгудек қусадиган, иситмалаб, алаҳлаб, ўзини билмайдиган ҳолатга, яъни “белая горячка”га тушиб қолаётган экан.

Бетимни сидириб, тагин ўша диспансернинг бош врачига телефон қилишга мажбур бўлдим. Яхши одам экан, гапимни эшитиб, “Ака, ҳеч хижо-

лат бўлманг, бизнинг ишимиз ўзи шу, майли, опкелишсин, даволаймиз”, деди.

Балога қолган Баҳодиржон машинасини миниб, яна ошнамизнинг қишлоғига жўнади. Миннат бўлмасин-у, даволаш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни, ёмон даллол ёнидан, деганларидек, иккаламиз ўртада тўлаб бордик. Майли, одамлар савоб учун мачит солади, кўприк қуради, етим боқади-ку ахир, деб бир-биримизни юпатиб ҳам қўямиз.

Бу сафарги даволаш курси бир ой давом этди. Баҳодиржон чет элга – илмий конференцияга кетганэди, укаси Бахтиёр беморимизни қишлоғига обориб қўйди.

Ярим йилдан кейин – яна рецидив.

Бу сафар тоқати тоқ бўлган Солиҳа энди умидини бутунлай узиб, болаларини бағрига босиб, ота юртига қараб жўнади-кетди.

Орада оғайнимиз бироз тузалиб, ақли-хуши сал ўзига келиб қолган пайтларда Баҳодиржон иккаламиз уни ўртага олиб қилган панду насиҳатларимиз, ўтказган тарбиявий соатларимиз, “мана шу – охирги марта” деб қўйган ультиматумларимизни айтиб, сизнинг юрагингизни сиқиб ўтирмоқчи эмасман. Эсласам, ўзимнинг ҳам дилим хуфтон бўлиб кетади.

Бундай пайтларда ошнамиз мулойим қўй қўзларини катта-катта очиб, гапингизни қулоқ қоқмай эшитади, осма уколлардан илма-тешик бўлиб кетган озғин қўлларини кўксига қўйиб, “бўлди энди, йиғиштирдим, ўзимнинг ҳам жонимга тегиб кетди”, деб шундай самимий, шундай беғубор оҳангда тавба-тазарру қиладики, беихтиёр мижжангизга ёш келади.

Кейин эса... яна эски ҳаммом, эски тос.

Баъзан туриб-туриб, жаҳлим чиқиб кетарди. Э, менинг гуноҳим нима ўзи, нега бунинг орқасидан шунча чопишим керак? Айбим шу – “Не балолиғ кун эдики, ошино бўлдим сенга”. Қани ахир у билан оғиз-бурун ўпишиб улфатчилик қилганлар, қани кўзининг ёғини ўйиб еганлар? Э, одамни ўзига ўзининг раҳми келмаса, биров ўлиб-тирилиб раҳм-шафқат кўрсатганидан чикора?

Лекин орадан озгина вақт ўтиб, оғримаган бошимни нима учундир яна шу ғавғога тикардим – дўхтир топиш, пул топиш, дори-дармон қидириш, инсоф-мурасага келтириш учун Солиҳага телефон қилиш...

Бошда Солиҳа “оилани сақлаб қолиш, болаларни тирик етим қилмаслик” ҳақидаги оташин даъватларимга энсаси қотиб бир-икки қулоқ тутган бўлди-да, кейинчалик бутунлай “хизмат доирасидан ташқари”га чиқиб кетди. Суриштириб билсак, болаларининг бирини отасида қолдириб, иккинчисини “Меҳрибонлик уйи”га топширибди-да, ўзи ишлагани дунё кенг, Россиями, Туркиями, Дубайми – номаълум бир ўлкага жўнаб кетибди.

Оشناмиз бу хабарни эшитиб қандай аҳволга тушди экан, менга қоронғи. Чунки бу вақтда ишим бошимдан ошиб, вилоятлардаги хизмат сафарларидан бўшамас, оилам, болаларим олдига ҳам икки-уч ойда аранг бир марта келиб кетар эдим.

Қаҳратон қиш кунларидан бирида Хоразмнинг чегара ҳудудида қурилиш ишларини назорат қилиб юрган эдим, кутилмаганда мутлақо нотаниш бир одам телефон қилиб қолди:

– Бу ... номерли телефонми? – деган овоз эшитилди трубкадан.

– Ҳа, шу номерли телефон.

– Сиз Асадуллаев Санжар Ҳобилович бўласизми?

– Ҳа, мен бўламан. Нима гап, тинчликми?

– Мен фалон вилоят ички ишлар бошқармасининг терговчиси, катта лейтенант Орзуматовман.

– Эшитаман, – дедим баттар ҳайрон бўлиб.

– Бугун эрталаб тонгда, соат тахминан етти-ларда Хирмонтепа тумани, Кўксув мавзесидаги ахлат қутилари ёнида номаълум бир эркакнинг жасади топилган, – деди катта лейтенант Орзуматов дона-дона қилиб. – Дастлабки текширувларга қараганда, марҳум спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, шу ерда кечаси совуқ қотиб ўлган.

– Хўп, майли, лекин бунинг менга нима алоқаси бор? – дедим бироз ғижиниб.

– Жасаднинг эғнидаги кўк рангли куртка чўнтагидан сизнинг телефон номерингиз ёзилган қоғоз топилган. Сиз уни танийсизми?

Юрагим шув этиб кетди.

– Кўрмасдан бир нарса дейишим қийин, – дедим, – лекин бизнинг шундай бир... танишимиз бўларди, балки шудир.

– Сизни гувоҳ сифатида сўроқ қилишим керак, – деди терговчи.

– Биласизми, мен ҳозир узоқда, Хоразмдаман. Уч кундан кейин қайтаман. Агар рухсат берсангиз, бир дўстимнинг телефони бераман, уям марҳумни таниши мумкин.

– Айтинг.

Орзуматовга Баҳодиржоннинг телефон рақамини бердим ва қўрқиб-нетиб юрмаслиги учун

дарҳол унга қўнғироқ қилиб вазиятни тушунтирдим ва “илоё, тахминим нотўғри бўлиб чиқсин”, дедим.

Баҳодиржон терговчи билан гаплашиб, йўлга чиқди.

Ярим кечаси телефон қилди:

– Дўстим, бандалик, ошнамиз қазо қипти...

Бир муддат икковимиз ҳам жим бўлиб қолдик.

– Нима бўлган экан? – деб сўрадим ниҳоят.

– Ўша, терговчи айтган гап. Кечаси маст ҳолда кўчага чиқиб кетган, ахлатхона олдида йиқилиб тушган, қоронғи бўлгани учун ҳеч ким кўрмаган, кўрганлар ҳам бомж деб ўйлаган... Хуллас, пешонасида шу бор экан-да... Нима қилдик, ўзимиз ювиб-тараб дафн қилаверайликми ё сизни кутайликми?

Мен ўйланиб қолдим.

Санжар Асадуллаев,
амалдор, 53 ёш

СИНФДОШЛАР

– Биз тўрт киши – иккита генерал-майор, битта академик ва мен жуда узоқ бир мамлакатга расмий делегация бўлиб, “бизнес-класс”да учиб кетаётган эдик.

Генералларнинг бири – ички ишлар вазири, иккинчиси – мудофаа вазири, академик – қишлоқ хўжалиги вазири, мен эса таржимон эдим.

Ҳавога кўтарилганимиздан сўнг бир пиёладан кўк чой ичдик, бўлғуси музокаралар учун тайёрланган хужжатларни кўздан кечирдик, газета-журнал ўқидик, ёшликни эслаб, бир-икки кўл “пирра” ҳам ташлашдик.

Икки соатча ўтиб, тушлик таом берилди. Йўлдошларимдан бири жиндак мизғиб ҳам олди.

Кейин гурунг бошланди.

Ички ишлар вазирининг ошга боргани

– Энди, ким нима деса десин-у, лекин амал деган нарса ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Худо назар қилмаса, эшак бозорга ҳам даллол бўлолмайсан. Лекин шу амал деб одамгарчиликдан чиқиб қолиш ёмон-да.

Мана, шахсан ўзимни оладиган бўлсак, мен мелисада оддий шофёрликдан иш бошлаб, пешонамга ёзилган экан, начальник РОВД бўлдим, начальник ГУВД бўлдим. Ҳукуматимизга, раҳба-

римизга раҳмат, эллик уч ёшимда вазир этиб тайинландим.

Бир вақт “Темур тузуклари”да ўқиган эдим, **“Салтанат тўнини кийгач, танимдан ҳузур-ҳаловат кетди”**, деб ёзган эканлар раҳматли бобомиз.

Бу гап худди биз сингари форма кийиб, погон таққанлар ҳақида айтилган, десам, ука, сиз хафа бўлманг. Албатта, переводчилик ҳам осон эмас, лекин, барибир, нисбатан эркинсиз-да, ҳеч бўлма-са, кечаси ўзингизга қолади-ку. Бу жуда катта бахт, қадрига етинг, оғайни.

Масалан, мен агар кечаси икки-учда уйга қайтсам, ўзимни бахтли ҳисоблайман. Йил-ўн икки ой шу, начора, одам кўникиб ҳам кетар экан.

Эрталаб ишга келсам, адъютант почтага қўшиб бир даста таклифнома олиб киради: биров, дейлик, конференцияга, биров тўй-маъракага, яна кимдир юбилейга чақирган бўлади.

Албатта, буларнинг аксарияти шахсан менга эмас, балки мен эгаллаб ўтирган лавозимга аталганини яхши тушунаман. Шунинг учун гоҳида адъютантни лол қолдириб, таклифномани овоз чиқариб ўқийман. Яъни, ўрнимдан туриб, икки қадам орқага бораман-да, олдин стол ортидаги креслога таъзим бажо келтираман, кейин:

“Ҳурматли Кресло! – деб мурожаат қиламан. – Сизни азиз фарзандларимиз Фалончижон ва Писмадонхоннинг никоҳ тўйи муносабати билан фалон кун, фалон соат, фалон ресторанда бўлагидан тўй оқшомига лутфан таклиф этамиз...”

Адъютант авваллари бу “драмтўгарак”ни кўриб, анқайиб қоларди, йўқ, кейинчалик тушуниб, илжайиб турадиган бўлди.

Баъзан узоқ-яқин қариндошлар, ошна-оғайнилардан шундай таклиф қоғозлари келиб қолса, уларнинг шодлиги ёки қайғусига шерик бўлолмаслигимни ўйлаб, хўрсиниб қўярдим.

Бир куни қизиқ иш бўлди.

Адъютант кечки почтани олиб кириб, столимга қўяр экан, сарғиш бир конвертга ўнғайсизланиб ишора қилди:

– Ўртоқ вазир, кечирасиз, бу хат шахсийроқ мазмунда экан, мен билмасдан... Фуқаролардан келадиган почтани албатта очиб кўришимиз шарт, инструкцияда шундоқ ёзилган.

– Бўпти, – дедим уни хижолатдан чиқариш учун. – Бўшсиз.

Конвертни очдим, ичидан бир кичкина таклифнома билан катта бир хат чиқди. Хатнинг биринчи жумласига назар ташлашим билан адъютант бечоранинг нега қизариб кетганини тушундим.

“Сенда ўзи одамгарчиликдан “О” ҳарфи ҳам қолмабди, – деган дағдаға билан бошланарди хат. – Одам деб сени тўрт марта тўйимга айтдим, биронтасига ҳам келмадинг. Бизга ўхшаган камбағал-фақирларни назаринг илмайди-да, билмасанг, билиб қўй, дунёда иккита нарсанинг эгаси йўқ – тобут билан креслони...”

Ловуллаб иситмам чиқиб кетди. Бу юраги иккита бетамиз ким экан, деб хатнинг охирига кўз ташладим. Ҳеч қанақа исм, имзо-пимзо йўқ. Шоша-пиша таклифномага қарадим – **“Ҳурмат билан, Тошпўлат Кабировлар оиласи”**, деб қўйибди, баччағар!

Тошпўлат Кабиров!

Маҳалладош, синфдош, партадош бу Тошпўлат карисдан ҳар балони кутса бўларди. Биринчи синфда уни уйимизга бошлаб келганимда онам раҳматли ажабланиб: “Ўртоғинг карис бўлсаям, ўзбекчани сендан яхши гапираркан”, деб ҳайрон бўлган эди. Шу-шу, унинг лақаби “карис” бўлиб кетди. Аслида у ғирт ўзбек, ота ҳовлиси Лабзакда, юзи карисбашара, холос.

Ўзингиз ўйланг, каттакон бир давлатнинг ички ишлар вазирига, генерал-майорга бунақа хат ёзиш учун одам ё қип-қизил жинни бўлиши керак, ё адресатга жуда бир ўтказиб қўйган жойи бўлиши керак.

Собиқ синфдошимнинг томи кетганми-йўқми, билмайман-у, лекин менда энасининг ҳаққи йўқлиги – бу юз процент аниқ.

Хатнинг давоми янаям антиқа эди:

“Энди, гапнинг ўғил боласи шуки, “супрақоқди” кенжамни уйлантиряпман. Охирги тўйим шу. Бошқа синфдошлар қатори сениям одам деб тўйга айтаяпман. Келсанг – бош устига, азиз меҳмоним бўлиб, ўттиз йилдан буён кўрмаган оғайниларни кўриб, бироз ғуборинг чиқиб кетасан. Ҳеч биримизни бу дунёга боғлаб қўймаган, ўртоқ. Кўрқма, менда ҳам, синфдош дўстларимизда ҳам сенинг олдингга қўядиган ҳеч қандай проблема йўқ, негаки, бирон нарсани илтимос қилганимизда ҳам барибир бажармаслигингни яхши биламиз. Бир ҳисобда, шунақа ишларга аралашмаганинг ҳам тузук, мана, неча йиллардан бери қоқилмай ишлаб юрибсан, ҳаммамиз фахрланамиз сен билан, ўртоқ...”

Хатнинг охирига бориб Тошпўлат карис ё кўрқиб кетган, ё калласи жойига келиб қолган, деб

ўйладим. Аммо охирги жумлалар бу тахминимни чиппакка чиқарди:

“Келмасанг – катта қўча, сенсиз ҳам тўртта тўйим ўтган, бешинчиси ҳам ўтаверади. Лекин билиб қўй, бу дунёи қўтирда энг садоқатли, сотмайдиган дўст – ёшликдаги дўстдир. Бугун соянгга салом бериб, атрофингда гирдикапалак бўлиб юрган ошноларинг сенинг эмас, амалингнинг дўсти, манфаат дўстидир...”

Оббо, занғар-эй! Бунақа доно гапларга бу оддий дальнобойшиқнинг ақли етмаслиги-ку аниқ, нима бало, битта-яримта ёзувчига пул-мул бериб ёздирдимикан? Агар ўзи ёзган бўлса, бу хумпар карис телевизорга чиқиб, бемалол “Оталар сўзи”ни оборса бўладиган даражага етибди, Худоё тавба!

Лекин ҳар нима бўлганда ҳам хат менга ёмон таъсир қилди. Энди, “ёмон” деганим шуки, менинг онадан начальник мелиса бўлиб туғилмаганимни, бир вақтлар бурни оқиб юрган чурвақа бўлганимни, жулдур-ямоқ кийимларда, латта папка кўтариб, мана шу Тошпўлат билан олти километр узоқдаги мактабга ўн йил бирга қатнаганларимни, армияга кетаётганимда бутун синф – йигирма иккита ўғил-қиз мени вокзалга кузатиб келгани, Бобруйскда мелиса мактабининг 3-курсида ўқиб юрганимда Тошпўлат бош Самад, Ғанижон, Шербек, Мираъло деган синфдошларим қўйни-қўнжи тўлиб, Тошкентдан мени кўргани борганлари... Э, энди кўп нарсалар эсга тушиб кетди-да.

“Ўлсам ҳам, шу баттолнинг тўйига борай, бўлмаса, нақ қиёматда ҳам қутулмайман”, деб фикр қилдим ўзимча.

Кечаси ишдан қайтаётганда, йигирма олтинчи июнь куни наҳорда ошга борамиз, эсимга солгин, деб шофёрга тайинлаб ҳам қўйдим.

Тўй куниям ғириллаб кепқолди. Эрталаб сипо фуқаро кийимда ошга отландим. Формада борсам, билиб бўладими, бу қариб қуюлмаган ошнам ёшликдаги бемаъни ҳазилини қилиб, “Елкангда погонинг, белингда нагонинг, шопу шалопингга балли!” деб обрўни бир пул қилиши ҳам ҳеч гап эмас. Шуни ўйлаб, ёнимга бирорта югурдак-мулозим ҳам олмадим.

Катта кўчага чиққанимиздан кейин шофёр:

– Қаёққа ҳайдай, хўжайин? – деб сўради.

– Қаёққа дейсанми? Ҳозир, мана шу қоғозини олай-чи, – деб чўнтагимни кавласам, таклифнома йўқ, кителнинг киссасида қолиб кетибди. Вот тебе томоша! Нима дейишни билмасдан: – Шу, Қурбақаобод томонга юраверасан, сўраб-суриштириб топармиз, – дедим.

Энди, бу воқеага анча йил бўлди, у пайтда тўймаъракани ҳар ким ўз уйида ўтказарди, ҳозиргидек ресторан-кафеда эмас.

Тошпўлат бадбахтнинг уйига ўн беш-йигирма йил бурун нимадир сабаб билан бир борган эдим, ишқилиб, бошқа жойга кўчиб кетмаган бўлсин-да.

Мана, Кўкча, массив Октябрь, массив Бирлик, Штаб, Шофайзи қулоқ деган жойлардан ўтиб, бир гузарнинг чорраҳасида уч-тўрт киши гаплашиб турган экан, шуларнинг олдида тўхтадик.

Шофёр машинадан тушиб, салом-алик қилгач, йўл сўрашга тушди. Мен дераза ойнасини қия очиб, гапга қулоқ солиб турибман.

“Тошпўлат дальнобойшикнинг уйи қаерда? Ҳа, бугун ош бераётибди-ку?”

Агар эътибор берган бўлсангиз, биз ўзбеклар бирон жойнинг манзил-мўлжалини тушунтиришда жуда ажойиб, дунёда йўқ усулни қўллаймиз-да.

Масалан, мен бир вақтлар Лохутий кўчасидаги ўн тўққизинчи домда, бешинчи подъезд, саккизинчи қаватдаги бир юзу йигирма бешинчи квартирада турардим. Бир куни ишдан вақтлироқ келсам, кўчамизнинг бошида у ёқдан-бу ёққа бетоқат юриб турган бир одам кўзимга таниш кўринди. Яқинроқ бориб қарасам, Ҳожикўлда турадиган ўртанча бо-жам – Фаҳмиддин экан. Ишонсангиз, мени кўриб йиғлаворай деди. Суриштирсам, мени тўйга айтиб, аzza-баzza йўл босиб, пешин пайти қишлоқдан келибди. Нега уйга киравермадинг, десам, домингизни амаллаб топдим-у, подъездни тополмадим, дейди. Узоқ йили келганимда, подъездингизнинг олдида катта бир кўк тош турарди, шу тошни қидириб, тўрт соат сарсон бўлдим-да, дейди. Э, Эркин акам ичидан тўқияпти, деб ўйламанглар, юз процент бўлган воқеа. Бўлмаса, бо-жам катта бир корхонада буғалтир, беш йил Тошкентнинг кўчасини чангитиб, нархўзда ўқиган бола!

Бизнинг одамлар ҳеч қачон квартал ё кўчанинг номини, ҳовли ёки дом, квартиранинг номерини айтмайди. Айтолмайди. Рақамини эслаб қолишга эринадими-ей... Ё хотирасини аяйдими, ишқилиб, бирон адресни аниқ айтиш ўрнига биз ўзига хос шартли координатлар тизимини яратиб олганмиз. Ал-Хоразмий бобонинг авлодларимиз-да, энди, нима дейсиз.

Бу сафар ҳам ана шундай ғаройиб система асо-
сида бизга йўл кўрсатилди:

“Ҳозир мана шу кўчадан тўғри икки юз метр
юриб борсангиз, боғча келади. Боғчадан ўтиб, ўнг-
га буриласиз. Юз эллик метрча борганингиздан
кейин чап томонда Абдузухур қассобнинг дўкони
бор. Ана шу дўкондан ўтиб, учинчи кўча яна чап-
га буриласиз. Кўчанинг бошида трансформатор
будканинг ўрни (!) бор. Будканинг ўрнини айла-
ниб, эллик метрча ҳеч қаёққа қайрилмасдан тўп-
па-тўғрига кетаверасиз. Ўшатда бир тупик кўча
келади, ўнг томондаги олтинчимикан, ё валлоҳи
аълам, ўн еттинчими, ишқилиб, катта кўк дарвоза
бор, Тошпўлатнинг уйи шу...”

Ана шундай аниқ “ориентировка” билан тўйхо-
нани излаб кетдик. Айтилган ўнг-чап кўчалардан,
дўкону будкалардан ўтиб, ниҳоят, одамлар уй-
малашиб турган кўк дарвоза ёнига яқинлашдик.
Эшик олдига янги асфальт босилган, сувлар қалин
қилиб сепилган, ичкарида карнай-сурнай бир-
бири билан навбат талашиб, авж қилиб ётибди.

Қўлимни кўксимга қўйиб, пешвоз чиққан одам-
лар билан саломлашганча дарвозахонага кирдим.
Ясатиғлиқ стол ортида ўтирган уч-тўртта мўйса-
фид билан омонлашиб турсам, ичкаридан қордек
оппоқ “Адидас” олимпийка кийган, оёғида энг мод-
ний кроссовка, бўйнига йўғон тилла занжир тақиб
олган барваста бир йигит босайми-босмайми, деб
чиқиб келди. Орқасида ўзига ўхшаган иккита бар-
занги шотири ҳам бор.

Ишонсангиз, у мени кўриб, мен уни кўриб,
иккаламиз ҳам турган жойимизда тахта бўлиб
қотиб қолдик.

Лекин дастлаб у эсини йиғиб олди.

– Ия! Ия! Буни қаранг! Эркин ака, ўзингизмиз? – деб илжайганча қулочини катта очиб, мен томон аста юриб кела бошлади. – Аммо-лекин, қойилман, ака. Ҳақиқий мард, эркак эканингизни билардим. Гап йўқ сизга! Вообщем қойилман! Кеча чиқиб келдим, ака, “от звонка – до звонка”. Келишингизни бир оғиз айтиб қўймабсиз-да...

Гап нимадалигини тушунгандирсиз?

Бу – бундан ўн йил аввал ўзим ушлаб, ўзим қамаган “вор-закон” Тошпўлат Нуриббетов, яъни “Толик Ташкентский” эди!

Кеча қамоқдан келиб, бугун ош бераётган экан...

Қани, ичимизда фалсафани ким яхши ўқиган? Нима бу – тасодифми ёки қонуният? Буни билмадим-у, лекин ўзбекчилиكنинг қонун-қондаси энди остонадан қайтиб кетишга йўл бермасди.

– Ҳа, кеча эшитувдим чиққанингизни, – дедим сир бермай. Чиндан ҳам, оператив сводкада бу маълумот бор эди. – Бир омонлашиб кетай, деб келдим. Хўш, қалайсиз? Энди бу ёғига яна адашманг, оғайни.

– Э, бўлди, акаҳон! – деди у мени қучоқлаб. – Бир оғиз гапингиз – бизга закон! Ҳой, нега қаққайиб турибсанлар, Эркин акамни ичкарига олмайсанларми, қани, ака, марҳамат!

– Қани, ўзларидан бўлсин, – дедим мен ҳам мулозаматни жойига қўйиб.

Хулласи калом десангиз, энг ашаддий жиноятчи ва энг катта мент ҳамтовоқ бўлиб, бир лагандан ош едик. Нуриббетов менга ҳайрат-хурмати-ни айтиб адо қилолмас эди.

Бир маҳал шофёр оёқ учида ичкари кириб, қўлимга қоғозча тутқазди. Секин кўз ташласам, *“Хўжайин, адъютантингиз телефон қилди. Соат 10-00 да Малайзия делегацияси билан учрашувингиз борлигини эслатди”*, деб ёзилган эди.

Мен эртага сиёсат ва жинойт оламида Ўзбекистон ички ишлар вазири Эркин Жалиловнинг “вор-закон” Толик Ташкентскийнинг ошига боргани қандай дув-дув гап бўлишини ўйлаб, мезбонлар билан хайрлашдим.

Бир кўнглим кеч бўлса ҳам, Тошпўлат кариснинг уйини топиб, бирров табриклаб кетмоқчи ҳам бўлдим, лекин соатга қарасам, кеч қоладиганман.

“Майли, кечқурун келарман”, деб ният қилдим.

Кечқурун эса... шошилинч топшириқ билан Термизга учиб кетдим.

Насиб этса келур Шому Ироқдин, насиб этмаса кетур қошу қовоқдин, билдингизми?

Лекин, ўзингиз айтинг, ақл бовар қилмайдиган бу тасодифни Тошпўлат карисга тушунтириб бўладими?

Қишлоқ хўжалик вазирининг таъзияга боргани

– Эй, Эркин Жалилович, гапниям роса оппорасиз-да, лекин. Бизни Хоразмда гапни қотирганга шундай дейди.

Сизга айтсам, менда бир марта бундан ҳам қизиқ воқеа бўлган.

Сизнинг Тошпўлат карисингизга ўхшаб, менинг ҳам қадрдон бир синфдош жўрам бўларди,

Бобожон деган. Ўзи дим яхши бола эди, икки йил бўлди қайтиш қилганига.

Бобожоннинг отаси Полвонниёз оға Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг авлодларидан эди. Лекин, инди, ана бу совет давриндаги “қама-қамалар”да кўзининг ўтини олдириб қўйганми, умуман бу ҳақида ўзи ҳам, болалари ҳам чурқ деб оғиз очмасди.

Нега деганда, Хеванинг охирги хони Саид Абдуллахон бола-чақаси, қариндош-уруғлари билан қўшиб ҳисоблаганда, жами бўлиб юздан ортиқ одам – кимиси отилиб, кимиси қамалиб, яна қай бирлари Украина томонларга сургун этиб юварилганини булар яхши билар эди.

Манглайи қора Саид Абдуллахон Кривой Рог деган шаҳарда кўмир шахтасинда қоровулчилик қилиб, хорлиқ-зорлиқда ўлиб кетган экан. Инди, буниям ким билади, ким билмайди.

Бобожонларнинг уйи катта ёпнинг.. ҳа, ариқнинг ёқасинда бўлиб, жуда камбағал туришарди. Инди у пайтларда ҳаммаям шундоқ яшарди-ю, лекин бошқаларга солиштирганда ҳам Полвонниёз сувчининг рўзғори абгор эди-да. Аммо шу ҳолига қарамасдан, мактаб ярдам тариқасинда қишки кийим-бош, кирзовой этик берса, ошнам “геракмийди”, деб олмас эди. Қўй кўрмаса ҳам қий кўрган, хон авлоди-да, нима дейсиз. Ҳозир ўйлаб қарасам, Полвонниёз оға ўғлига Бобожон деб от қўйганида ҳам секретний бир маъно борга ўхшаб туюлади.

Жўрам ҳам ниҳоятда камгап, эҳтиёткор бола эди. Уни биринчи марта кўрган одам ҳатто соқов бўлса керак, деб ўйларди. Дим зўр ўқирди лекин, асли-наслиға, қонга тортар экан-да.

Хуллас, Шовотдаги мактабни битириб, Бобожон билан поездга осилиб келиб Тошкентга ўқишга кирдик: мен қишлоқ хўжалиғи институтига, жўрам – ТашГУнинг математика факультетина.

Иккинчи курсдан бошлаб Бобожон всесоюзний олимпиадаларда қатнашиб юрди, Новосибирск, Киев, Москваларга бориб, биринчи ўринларни ҳам олиб келди.

Мен институтни битириб, мана шу вазирлиғимизга оддий мутахассис бўлиб ишга келдим. Тўртбеш йил ўтиб, Африкага, Мозамбик давлатига хизмат сафарига кетдим. У ердаям пахта экилар экан, ҳам халқ хўжалигини, ҳам социализм қуришни ўргатади, деб жуда кўп совет мутахассислари шу ёққа юварилган эди. Сизга ўхшаган яш переводчиклар ҳам кўп эди. Уч йил Мозамбикда ишладим, лекин пахтачиликдаям, социализм қуришдаям ҳеч қандай ўзгариш бўлмади.

Ҳарбийлар тўнтариш қилиб, ҳокимиятни эгаллади, биз – катта бир совет колонияси бир кечада ҳарбий самолёт билан Масковга қараб қочдик.

Тошкентга келиб, яна қадрдон вазирликда ҳеч нарса кўрмагандек, ишимни давом эттирдим. Суриштириб билсам, Бобожон уйланибди, ўзи ўқиған факультетда доцент бўлиб, дарс бераётган экан.

Бир шаҳарда яшасак ҳам, жуда оз кўришардик, кўришганда ҳам асосан мен гапирардим, хонзода жим туриб тингларди. Инди, биласиз, вилоятлардан келиб, пойтахтда яшаб қолган землякларнинг ўз давралари, гап-гаштаклари бўлади. Бизнинг Хоразмда бундай йиғинларнинг отини “ўтиришма” дейди. Бобожон мана шундай ўтиришмаларда умуман қатнашмас эди. Қандай қисиниб кетма-

ганига мен ҳайронман. Ўтиришмаларимизда бош бўлиб юрадиган Қадамбой Сафаев деган ошнамиз бир куни: “Бу Бобожонингиз хон авлодидан эмас, Хева атрофинда яшаган меннонит-немислардан бўлса керак”, деб айтганда мен ҳам ўйланиб қолган эдим.

Бир неча марта, бу токай инди бўр чангаллаб юради, деб сизларга ўхшаган ёр-дўстларни ишга солиб, ўзига билдирмасдан, Бобожонни яхши-яхши вазифаларга чақиртирдим. Бормади, гўё хонликдан тушиб қоладигандек.

Бу ўртада мен уч йил Сурхондарёда, тўрт ярим йил Бухорода ҳоким бўлиб ишлаб келдим. Вазир бўлганимга ҳам, мана, беш йилдан ошиб кетди. Бир вақт “айти-технология” бўйинча зўр бир мутахассис керак бўлиб, Бобожонни вазирликка таклиф этдим, начальник управления бўласан, бирга ишлаймиз, деб. Келмади.

Қай бир йили Киевга делегация бошлиғи бўлиб бордим. Уларнинг қишлоқ хўжалик вазири Микола Олейник деган жуда яхши одам. Бизни дим яхши қабул этди. Кечқурун “Червона рута” деган ресторанда чой ичиб ўтирганимизда сўз орасинда бир гапни айтиб қолди: унинг асли касби математик экан, кандидатлик диссертациясини совет давлатининг сўнгги давринда Тошкентда ёқлаган экан. Энг қизиғи, Бобожон Полвонович Ниёзов деган профессор унинг илмий раҳбари бўлган экан.

Бобожон синфдошим эканини айтқан эдим, Олейник ўрнидан даст туриб, мени маҳкам қучоқлаб олди. Кеч бўлиб қолганига, қўй, дейишимга қарамасдан, шаҳардан ташқарида, қарағайзор ўрмонда катта бир дачаси бор экан, шу ёққа

олиб кетди. Инди, меҳмондорчилик висший класс бўлди – сауна дейсизми, бассейн, бильярд, ичкиликнинг минг хил тури...

Вазир мени катта кабинетга бошлаб кириб, жавондан бир китобни олиб, қўлимга тутқазди: украин мактабларининг 10-синфи учун математика дарслиги экан. Муқовасига қарасам, автори – “Б. П. Ниязов” деб ёзиб қўйилибди. Боз устига, Олейникнинг айтишига қараганда, Бобожон тўрт йил бурун Украина Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси этиб сайланган ҳам экан.

Кечаси ҳеч уйқум келмай, ўйланиб ётдим. Беихтиёр Комилжон устоз айтқан “Оталиқнинг молин боқдим саҳарлаб” деган ашула хаёлимда айланаверди, айланаверди. Бобожон билан Шовотда, ёпнинг бўйинда қўй боқиб юрган даврларимизни эсладим.

Тошкентга қайтгач, кеч бўлса-да, табрик этгали дўппи-чопон олиб, тўғри Бобожоннинг олдига бормоқчи бўлдим. Лекин сўраб-суриштирсам, Австралияга, Сидней университетига лекция ўқиғани кетган экан, олти ойга. Дим ачиндим.

Табиийки, на иш жойинда, на Фанлар академиясида унинг Украинада эришган ютуқлари ҳақида ҳеч ким ҳеч нарсa билмасди.

Шу орада мен умуртқа поғонамдан оғир операция бўлдим. Икки-уч ой қимир этмай ётишга тўғри келди, ишга ҳам чиқолмай қолдим.

Касал бўлганимни нечик эшитган, билмадим, бир куни хонзода жўрам Сиднейдан қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўради, реабилитация учун Германияга, “Шарите” клиникасига боришни тавсия қилди.

Мен эса Украинада бўлган воқеалар ҳақида, шогирди Микола Олейник унга салом айтгани ҳақида, “шунча зўр ишларни қилиб қўйиб, нега жим юргани” тўғрисида куюниб гапира кетдим. Бобожон эса менинг сўзларимга парво қилмасдан, “Ховва-ховва” деб тураворди.

У Тошкентга бир ойдан кейин қайтар экан. Келиши билан албатта кўришиш тўғрисида ахдлашиб, хайрлашдик. Лекин бу сўнгги сўйлашувимиз эканини гумроҳ банда қаёқдан билай?

Бир куни совуқ хабар келди: Бобожон Ниёзов 63 ёшида тўсатдан вафот этибди. Шу куни тепада мажлис бўлиб қолиб, жанозасинда қатнаша олмадим.

Эртаси куни Қадамбой Сафаев туш пайти мени фотиҳага олиб борди. Инди, сизга ёлғон, Худога чин, Бобожоннинг уйини, қаерда туришини билмас эдик. Қирқ йил бир шаҳарда яшаб, жўрачилик қилиб юриб ҳам шундай бўлиши мумкинми, деб сўрарсиз. Инди, нима дейман, мумкин экан-да.

Худди Эркин Жалилович айтқан ориентировка билан, йўлда сўраб-суриштириб таъзияга жўнадик. Чилонзорнинг аллақайси кварталинда, зилзиладан сўгин қурилган “хрушевка” домлардан бирига етиб бордик.

Фотиҳанинг инди иккинчи куни бўлса ҳам, мусофирчилик эмасми, одам кам, беш-тўрт киши подъезд олдида стол қўйиб ўтиришибди. Бобожоннинг қишлоқдаги ака-укаларини танирдим, нима учундир улар кўринмади.

Кирдик, пластмасса стулларга ўтирдик, кимдир Қуръон ўқиди, юзимизга фотиҳа тортиб, ўр-

нимиздан турдик. Атрофимга боқиб, бирон таниш кимсани кўрмадим. Шу пайт қора чопон кийиб бел боғлаган озғин бир одам ўттиз-ўттиз беш яшар, сарғиш юзли бир йигитни бошлаб келиб, бизга таништирди: “Бу киши ўғиллари”, деди. Йигит қўлини кўксига қўйиб, “Раҳмат, раҳмат” деб турибди. Бундай назар солиб қарасам, аллақаерлари раҳматли Бобожон дўстимга ўхшаб кетади. Кўнглим бузилиб, йигитни бағримга босдим, қўлини маҳкам қисиб, қўй кўзларига тикилдим, недир бир яхши сўзларни айтгим келди:

“Ука, ўлим – ҳақ, бардам бўлинг, – дедим. – Раҳматли ажойиб инсон эди, қирқ йиллик қадрдон дўстим эди. Биз у билан ёшликда кўп саргузаштларни бирга бошимиздан кечирганмиз. Дарёда ҳар куни бирга чўмилардик. Студентчиликда ҳам кўп шўхликлар қилганмиз, санаторийларга бирга борганмиз...”

Шу гапларни айта туриб, бундай қарасам, нечикдир йигитнинг тўсатдан ранги ўча бошлади. Ҳайрон бўлиб, Қадамбойга қарадим. Бояги бел боғлаган киши шоша-пиша унинг қулоғига нимадир деб шивирлади. Қадамбойнинг ҳам туси ўзгариб, “Узр-узр!” деди ва мени қўлтиғимдан тутиб, машина томон бошлади.

Машинага кириб ўтиришимиз билан қизариб-бўзариб кетган Қадамбой уҳ тортиб: “Кечирасиз, Мэлс Раҳимович, биз салгина адашибмиз, Бобожон Полвоновичнинг уйи икки дом нарида экан”, деди.

Бошимга биров гурзи билан ургандек, шок бўлиб қолдим.

“А, бу ерда ким ўлган экан?” деб сўрадим.

“Бояги йигитнинг онаси. Униям кеча чиқаришган экан...”

Инди, сизлар, мана, қотиб-қотиб куляпсизлар-у, лекин ўша пайтда мени ичимдан қиринди ўтиб ётган эди.

Так что, мен Эркин Жалиловичнинг фикрлари на тўла қўшиламан. Амал деб, иш деб, ёшлиқдаги дўстларни унутмаслиқ керак экан. Комилжон устоз: “Қадрин билган улфатингдан айрилма”, деб бекор айтмаган, ахир.

Мудофаа вазирининг жанозада имомлик қилгани

– Да-а, мужики, темку серьёзную вы подкинули. Согласен, друзья детства, друзья молодости – это святое. Слушая вас, вот что я вспомнил... Вы уж извините, что я на русском, но что делать, мне так легче...¹

Во-от, мен ўрта маълумотни ўрис Чинозда, Эрнст Тельман номидаги 16-мактабда олганман. Синфимиз, таъбир жоиз бўлса, худди Нух пайғамбарнинг кемасини эслатарди. Фақат у кемага ер юзидаги жамики жонзотлар бир жуфтдан олинган бўлса, бизнинг синфимизда ўша пайтда СССРда яшаган барча миллат ва элат вакиллари бор эди.

Ҳозир эслаб қарасам, мен Коля Кравцов, Андрей Ким, Маша Иванова, Голиков Сергей, Анюта Шуригина, та-ак, Левон Меликян, Оська Бронштейн, Ильяша Маллаев, яна Тедрос Дмитридиус, Айдер Эдемов, Эмиль Османов, Копаладзе... ҳаҳ,

¹ Мудофаа вазир барчамизга маълум сабабга кўра ҳикоясини рус тилида сўзлаган эди, касбим таржимон бўлгани учун ўзим ўзбекчага ўгириб қўяқолдим.

оти нимаиди, ҳа, Жумали, Эрмек Абдилдаев, Наиля Гиззатуллина, Барноев Одилшо деган болалар, қизлар билан бирга ўқиган эканман.

Синфимизда ҳатто Роберт деган бир негр... э, кечирасиз, афроамерикалик ҳам бор эди, бу тупканинг тагига қаердан келиб қолган – ҳеч ким билмасди.

Буларнинг миллатию мазҳабини энди ўзингиз ажратиб олаверинг. Лекин у пайтда биз бу ҳақда ўйлаб, бошимизни оғритиб ўтирмас эдик – синфдош есть синфдош.

Уларнинг ичида Хидир Сафаров деган бола энг яхши ўртоғим эди. Унинг отаси Сафар оға дадам билан шағал карьериди бирга ишларди. Дадам бульдозер ҳайдарди, Хидирнинг отаси қоровул эди. Баъзан улар кечки пайт, юзлари қизарган, хурсанд ҳолда уйимизга кепқолишарди. Энди билсам, ишдан кейин, “қиттак-қиттак” қилишар экан-да.

Дадам билан Сафар оға шунчаки улфатчилик билан чекланишмас, уларнинг амалий ҳамкорлиги ҳам бор эди. Яъни, Сафар оға ҳовлимиздаги сигир-бузоқ, қўй-эчкиларнинг дарду касалини даволашга уста эди. Қайси молга қачон, нима бериш кераклигини, қандай қилса, сигирнинг сути кўпайиши, ёғли бўлишини, хуллас, чорвачилик илмини жуда зўр билар эди. Масалан, бўрдоқи қўйнинг думбаси тагига табуретка қўйиб боқишни ҳам дадамга шу Сафар оға ўргатган эди.

Ўз навбатида дадам унга томорқада плёнка остида помидор-бодринг етиштириш сирларини ўргатарди. У пайтда Чинознинг аҳолиси ёппасига помидор-бодринг, кўкат етиштириб, Россияга обориб сотиш билан шуғулланар эди. Так что, акалар,

бозор иқтисодиётини Ўзбекистонда биринчи бўлиб биз – чинозликлар бошлаганмиз. Шахсан мен бу билан фахрланаман.

Масалан, кўм-кўк помидорни бир кечада қип-қизил қилиб қандай пишириш мумкинлигини биласизми? Хом помидорни сават ёки яшиги билан янги ўрилган беда ғарамига кўмиб, димлаб қўясиз. Эрталаб очиб қарасангиз, лоладек қип-қизариб турибди. Энди, буям бизнинг ўзимизга хос “ноу-хау” эди-да.

Лекин Хидир билан мен қишлоғимизда гуллаб-яшнаган бундай агро ва зоотехнологияларга умуман қизиқмас эдик. Биз мактабни битираётган давр ўтган аср олтмишинчи йилларининг охири эди, Гагарин космосга учган, ҳамма ёшлар космонавт, ҳеч қурса, учувчи бўлишни орзу қиларди.

Уйдаги тугамайдиган юмушлар жонимизга текканида дўстим иккаламиз великларимизга миниб, мен янги “Урал”да, Хидир эса шалағи чиққан “Пионер”да, темирйўл ёқалаб бошимиз оққан томонга қараб кетардик. Бир кетганда, бу ёғи – Янгийўлгача, бу ёғи – Сирдарё шаҳарчасигача пойга ўйнаб борардик. Йўл бўйи ҳеч гапимиз тугамас, кулишиб-ҳазиллашар, бақариб ўрисча ашулалар айтар, сирлашар эдик.

Бир куни Олмазорнинг тепасидаги баланд адирга чиқиб, қуёшнинг ботишини томоша қилиб ўтирдик. Шу куни умримизда биринчи марта шароб ичдик. Оч қоринга бир шиша портвейнни бўшатдик. Бирпасда иккаламиз ҳам маст бўлиб, чулдираб қолдик. Шунда Хидир синфимиздаги Анютани яхши кўриб қолганини, аммо юрак ютиб

буни изҳор қилолмаслигини айтиб, “Анюта! Анюта, севаман сени!” деб йиғлади.

Энг қадрдон дўсти сифатида мен унга ҳеч қандай ёрдам беролмаслигимни ўйлаб изтироб чекардим, чунки соҳибжамол Анюта райисполком раиси Денис Шуригиннинг яккаю ягона фарзанди эди. Боз устига, қизнинг онаси Евгения Павловна райондаги “Красный октябрь” ресторанининг директори бўлиб, акаси Москвада, ЦК КПССда ишлайди, деган гаплар юрарди.

Хуллас, рус халқ қўшиқларида айтилганидек, **“Красавица Маша, но, к сожалению, не наша”** эди. Гарчи совет мактабида ўқиётган бўлсак ҳам, инсон учун моддий бойлик эмас, аксинча, маънавий бойлик биринчи ўринда туриши қулоқ-миямизга тинимсиз қуйилаётган бўлса ҳам, Хидир иккаламиз “тенг тенги билан, тезак қопи билан” деган аччиққина мақолнинг маъносини жуда яхши тушунар эдик.

Лекин бир нарсани тан олиб айтиш керакки, рус халқи оқкўнгил бўлади – агар қизи ёки ўғли “Севдим шуни!” деса, тамом, бўлғуси куёв ёки келин бойми, камбағалми, миллати, дини бошқами, бунга қараб ўтирмасдан, турмуш қуришига шартта розилик бериб юбораверади. Шу маънода, Хидирда озгина бўлса ҳам имкон йўқ эмас эди-ю, лекин масаланинг яна бир мушкул томони бор эди. У ҳам бўлса, Хидирнинг ота-онаси, патриархал бир оила, ёлғиз ўғлининг ўрис қизга уйланишига рухсат бериши... жуда катта савол эди.

Бу пайтда менинг бошимга ҳали ишқ савдоси тушмаган, шунинг учун Хидирни бу жавобсиз, имконсиз севги можаросидан қайтариш учун унга

беғуноҳ қизгинани ёмонлашдан бошқа йўл тополмас эдим.

Ўнинчини битираётганимизда синфдошларимизнинг аксарият кўпчилиги Москваю Ленинграддаги зўр-зўр ўқишларни мўлжаллаб қўйгани маълум бўлди. Энди у пайтда Москваю Ленинградларга бориб ўқиш – бугун Оксфорд ёки Гарвардга кириб ўқишдек гап эди-да. Хидирни куйдириб адои тамом қилаётган Анята, худди тахмин қилганимиздек, Москвага, МГИМО¹га ҳужжат топшириб, келгусида дипломат бўлиши сир бўлмай қолди.

Дўстим иккаламиз темирйўл бўйлаб кезиб юрган пайтларимизда аниқ бир қарорга келган эдик: биз ҳарбий бўламиз. Ҳатто бу тўғрида район ҳарбий комиссариати бошлиғи ўртоқ подполковник Моцак билан гаплашиб ҳам қўйган эдик. Чунки синфимиздаги энг бақувват, соғлом ўқувчилардан эдик, иккаламизнинг ҳам бўйимиз биру саксон беш, спорт разрядларимиз бор эди.

Хуллас, Рязандаги ҳарбий десантчилар билим юрти бизни кутмоқда эди.

Аямнинг пича кўзёши қилганини ҳисобга олмаганда, менинг ота-онамдан рухсат олишим қийин бўлмади. Дадам гапимни эшитиб, “Майли, борсин, бизнинг ўзбеклардан ҳам генерал чиқсин, ахир”, деб, баҳс-мунозарага узил-кесил нуқта қўйди. Отам ўшанда башорат қилган экан-у, аммо мен генерал бўлган кунларни кўролмади-да, раҳматли.

Лекин Сафар оға: “Фақат менинг ўлигимдан ҳатлаб борасан”, деб оёғини тираб туриб олди.

¹ МГИМО – Москва давлат халқаро муносабатлар институти.

Охири Хидирнинг илтимоси билан дадам иккала-миз уларнинг уйига элчи бўлиб бордик. Сафар оға бизга кўп иззат-икром кўрсатди, хотинига дарров палов дамлашни буюрди.

Дадам: “Биз ош егани келганимиз йўқ, Сафар оға, – деб гап бошлади. – Келинг энди, Собит билан Хидирга фотиҳа берайлик. Бирга бўлишса, менинг ҳам кўнглим тўқ бўлади. Худога шукур, ҳозир замон тинч, уруш йўқ, давлат буларга текин ётоқ, текин овқат, кийим-бош, кейинчалик, катта ойлик, квартира беради. Сиз билан менга ўхшаган кўли юпун одамларга шуниси маъқул. Яхши томони, беш йил ўқиш ҳам стажига киради, ана унияям кўшиб ҳисобласангиз, йигирма йил нима деган гап, кўз очиб юмгунча ўтадию кетади, насиб қилса, қирқ беш ёшида каттакон пенсияга чиқиб олади болаларимиз. Мана қаранг, сиз билан мен олтмишга яқинлашиб қолдик, ҳалиям ўлиб ишлаб ётибмиз, бу томонларини ҳам ўйланг”, деб роса да-лолат қилди.

Лекин Сафар оға барибир кўнмади.

“Даврон ака, сизнинг йўлингиз бошқа, Собитдан ташқари яна уч ўғлингиз бор. Хидир эса менинг ёлғиз ўғлим, қолган бештаси – қиз. Қолаверса, биз бу ерда мусофирмиз, мен ҳам қариб қолдим, рухсат беринг, болам бағримда бўлсин”, деди мўлтираб, худдики масалани дадам ҳал қиладигандек.

Бутун суҳбат давомида Хидир пойгакда бошини эгиб чурқ этмасдан ўтирди.

Дадам: “Яна бир ўйлаб кўринг, Сафар оға”, деб ўрнидан турди.

Кечкурун темирйўл станцияси ёнида Хидир билан кўришдик. У ниҳоятда хафа эди – отаси

Самарқандга, ветеринария институтига ўқишга борасан, депти. “Тушунтирмадингми ахир?” – деб сўрасам, “Фойдаси йўқ. Бизда отага гап қайтариш умуман мумкин эмас”, деди хўрсиниб. Унинг бори-борлиғи, бутун қиёфасида “Алвидо, Анюта!” деган ҳасратли бир маъно акс этиб турарди.

Уч кундан кейин ўртоқ подполковник Моцак ёзиб берган йўлланмани бағримга босиб, поездга ўтирганча, “Қайдасан, Рязань?” деб йўлга равона бўлдим.

Омадим чопиб, имтиҳонлардан яхши ўтиб, ҳарбий билим юртига қабул қилиндим. Во-от, энди у ерда қандай ўқиганим, қандай яшаганим ҳақида гапириб, сизларнинг вақтингизни олиб ўтирмайман. Тем более, бу мавзу Эркин Жалиловичга, ўртоқ генерал-майорга яхши таниш.

Бошида Хидир билан хат ёзишиб турдик. Маълум бўлишича, у ветеринария институтига киролмабди, ҳозир отасининг ёнида карьерда ишлаётган экан. Яна бир хатида у келаси йили политехника институтига, қурилиш факультетига ҳужжат топшириш ниятида эканини ёзган эди. Кейинчалик хат-хабар тўхтаб қолди, уйдагилардан суриштириб билсам, Сафар оға оиласи билан ўз юртига кўчиб кетибди. Хидир бир пайтлар менга айтган эди – отаси ўттизинчи йилларда аввал Хоразмга, ундан кейин бизнинг Чинозга келиб қолган экан.

Ҳарбий билим юртини тугатиб, погонимга лейтенантлик юлдузчалари тақилди. Яна бахт кулиб боқдим, Нарвада жойлашган, Болтиқбўйи ҳарбий округига қарашли десантчи қисмларнинг бирига хизматга юборилдим.

Ўша пайт собиқ иттифокда совет ҳукумати-нинг таъсири энг кам сезиладиган республика –

бу Эстония эди. Так что, мен деярли ғарб мамлакатада хизмат қилаётгандек ҳис қилардим ўзимни.

Эмиль деган қрим-татар синфдошим билан хат ёзишиб турардик. У сув полоси бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси эди. Бир куни мусобақада қатнашиш учун Нарвага келаётганини маълум қилди. Бўш вақтим бор эди, Сув спорти саройида бўлган ўйинга бордим. Бизнинг жамоа ютқазди. Бунга озгина хафа бўлдим-у, лекин Эмилни кўрганимдан жуда хурсанд эдим. Кечқурун бир кафеда ўтирдик, мактаб даврларимизни, синфдошларни эсладик. Эмиль уларнинг кўпчилиги ҳақида маълумотга эга экан, бирин-кетин гапириб берди: Серёжа Голиков Москвада фан номзоди бўлиб, Бауман номидаги физика-техника олий мактабида дарс бераётган экан. Тедрос Грецияга қайтиб кетибди. Меликян Тошкентдаги “Берёзка” магазини олдида валюта савдоси билан қўлга тушиб, тўрт йилга кесилибди. Қизларми? Маша Оська Бронштейнга сохта никоҳ билан турмушга чиқиб, Исроилга сурворибди. Наиля Чинозда нотариус эмиш, семириб кетган, кўрсам танимас эканман. Барноев амалдор бўлиб кетибди, Бўка районида комсомолларнинг каттаси эмиш. Хўш, мени яна ким қизиқтиради? Ҳа, Анна Шуригина бир ҳарбий осетин йигитга тегиб, эри билан Красноярскми, Олтой ўлкасими, ишқилиб, жуда узоқ бир жойга кетворибди.

Эмилнинг бу гапини эшитиб, ичимда гўёки бир нарса узилиб кетгандек бўлди. Ахир Сафар оға ўшанда қайсарлик қилмаганида, шу осетин боланинг ўрнида дўстим Хидир бўлиши мумкин эди-ку!

“Хидир қаерда, хабаринг борми?” – деб сўрадим.

“Хидир... ким, анави Сафаровми? Йўқ, билмайман, юртига кўчиб кетган, деб эшитаман. Сен билсанг керак, ахир, ошнанг эди-ку?” – деди Эмиль.

“Эмиль, менга Хидирнинг адресини топиб ёзиб юборгин”, деб илтимос қилдим.

“Бўпти, гап йўқ. Хўш, ўзинг қалайсан, ўртоқ старлей? Қачон генерал бўласан?” – деб кулди Эмиль.

Мен ҳам кулимсираб, туриш-турмушимда бўлган ўзгаришларни унга сўзлаб бердим. Яширишнинг ҳожати йўқ, икки йил аввал Люсяга уйланган эдим, у Рязанда, педагогика билим юртида ўқирди, танцплошадкада танишиб қолган эдик. Ота-онаси завод ишчилари, тўғри, содда одамлар эди. Нарвага хизматга келганимдан кейин уни чақириб олдим. ЗАГСдан ўтдик, тўйни кейинроқ ҳам Чинозда, ҳам Рязанда ўтказишга келишиб, ижара квартиrada яшай бошладик. Бир йилдан кейин қизчамиз Лида туғилди.

Барибир эшитишади-ку, деб қўрқа-писа бу хабарни ота-онамга маълум қилдим. Уйда қандай бўруну довул қўзғалганини, онамнинг кўзёшлари Сирдарё бўлиб оққанини тахминан тасаввур қилардим. Лекин, нима қилай, аввало, Люсяни севардим, қолаверса, у пайтларда ўзбек қизлари, умуман, мусулмон аёллари ҳарбийларга деярли турмушга чиқмас эди. Гарнизонма-гарнизон дарбадар кўчиб юрадиган совет офицерининг беҳаловат турмушига фақат рус аёллари ёки хохлуш-калар дош бера олар эди. Энди мустақил бўлганимиздан кейин миллий армиямизда маҳаллий миллатлардан офицерлар кўпайиб, ўзбек, қозоқ,

тожик қизлари ҳам ҳарбийларга тега бошлади. Лекин у пайтда вазият бутунлай бошқача эди-да.

Ўн-ўн беш кундан кейин уйдан хат олдим. Даданинг йирик-йирик ҳарфлар билан дона-дона қилиб ёзилган дастхатини дарров танидим.

“Сендан бун кутмаган эдик, ўғлим, – деб ёзган эди отам. – Бир оғиз рухсат сўрасанг, нима, мен шахсан йўқ дермидим? Ёшлик қилибсан-да, болам... Майли, тақдирингга шу аёл битилган бўлса, қўша қариб, бахтли бўлинглар. Келинга, набирамизга биздан салом айт, суратлари бўлса, юбор. Отпускаи ололсанг, оиланг билан, қудалар билан Чинозга кел. Яхши ният билан катта бир новвос боқиб юрган эдим, келсанг, эл-юртга ош бериб, тўйингни ўтказамиз...”

Отам сўзининг устидан чиқди. Ёзда отпускага борганимда данғиллама тўй қилиб берди. Тўйдан олдин яширинча никоҳ ўқиттирди. Тошкентдан анави тор чалиб, ашула айтадиган бир хотин бор эди-ку, ҳа, Олмаҳон Ҳайитова, шуни олиб келди. Район газетасида Люся иккаламизнинг суратимиз билан “Яна бир интернационал оила” деган мақола чиқди. Энг муҳими, оилам аёлимни қабул қилди!

Вақт ярим кечага яқинлашганида Эмиль соатига кўз ташлади.

“Э, ўртоқ, тоза эзмалашиб қолибмиз-ку. Майли, бахтли бўлгин. Қани, шуни олайлик, кейин менга жавоб. Меҳмонхонада тренерим хуноби чиқиб кутиб ўтиргандир”, деб ўрнидан турди ва биз қучоқлашиб хайрлашдик.

Эртаси кун у Москвага, ундан Тошкентга учиб кетди ва шу бўйи дом-дараксиз йўқолди. Кейин суриштириб билсам, тренери Марк Зубарев Спорт

комитет орқали шартнома тузиб, ватерпол бўйича Болгария терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланган экан, уни ўзига ёрдамчи қилиб олиб кетибди.

Энди бу орада мен Монголияда, ундан кейин Украинада, сўнгра Приморьёда турли қисмларда хизмат қилдим. Майор унвони олдим, қизим олтинчи синфни битирганида Ўзбекистонга қўшни бир республикадаги гарнизонга десант полкига батальон командири этиб тайинландим. Янги манзилга кетаётиб, бир ой оилам билан Чинозда, ота-онамнинг олдида бўлдим.

Гарнизонимиз чегара ҳудудида жойлашган, ёзда Африкани, қишда Сибирни эслатадиган фэйзсиз бир макон эди.

Батальонни қабул қилиб олдим, кундалик режимга асосан ҳарбий-жанговар тайёргарлик, сиёсий машғулотлар бошланиб кетди. Марш-бросоклар, парашютда сакраш, қўл жанги ва ҳоказолар.

Полкимиз тап-тақир қатрон тоғ тизмалари этагида эди. Тоғнинг ортида эса биз “вероятный противник” деб атайдиган бир мамлакат бўлиб, у ўзининг ҳам капиталистик тузуми, ҳам исломий мафкураси билан давлатимизга нисбатан таҳдид солиб турарди.

Орадан бир йилча вақт ўтди.

Бир куни туш пайти иссиқдан лоҳас бўлиб ўтирсам, КППдан навбатчи қўнғироқ қилиб: “Ўртоқ майор, сизни бир киши сўраб келибди, фамилияси Сафаров”, деб қолди.

Чиқиб қарасам, Хидир! Тўлишиб-қорайиб, сочлари тўкилиб кетибди, қўлида бир тугун, эски бир “Виллис” машинасидан илжайиб тушиб

келаётибди. Ичкарига олиб кирдим, ҳол-аҳвол сўрашдик. Энг ҳайрон қолдирган нарса – мени қандай топиб келгани эди. Маълум бўлишича, у икки ой аввал қанақадир справка зарур бўлиб, Чиноз район архивига борган экан, уйимизга кирибди, ота-онамни зиёрат қилибди, менинг гарнизонда хизмат қилаётганимни эшитибди.

Уларнинг яшайдиган жойи бу ердан ўттиз беш-қирқ километрча нарида экан. Ота-онаси қариб қолибди-ю, Худога шукур, соғ-омон экан, менга салом айтишибди, меҳмонга таклиф этишибди. Сафар оға мана шу совғаларни ўз қўли билан тайёрлатиб, берворибди.

Хидир шуларни айтиб, тугунчадан тўртта катта-катта чурек нон, иккита ҳиди гуркираб турган гурвак қовун, туя сути – чал солинган уч литрли банкани олиб, стол устига қўйди ва ўрнидан турди. Кетаётиб, уларнинг уйига қачон бора олишим мумкинлигини сўради.

Бир якшанба куни вақт ажратиб, хотиним билан қизимни олиб, меҳмондорчиликка бордим.

Дўстимнинг ҳовлиси яланғоч тоғ тизмаларига туташ овлоқ бир ерда экан, биронта дов-дарахт, кўкарган гиёҳ кўринмайди. Эккан билан кўкарма-са ҳам керак. Энг қизиғи, узоқ-яқинда биронта уй ёки ўтов кўзга ташланмасди.

Девор-тош билан ўралмаган ҳовлида иккита улкан туя кавш қайтариб ётар, қўрада уч-тўртта эчки кўзга ташланар эди. Калласи катта ола-чипор кучук Хидирнинг ёнида, думини ликиллатиб меҳмоннавозлик қилиб турарди.

Бундай жониворларни фақат ҳайвонот боғи ёки телевизорда кўрган қизим анқайиб қолди.

Уй эшиги очилиб, баланд-паст бўйли учта бола, уларнинг ортидан узун, ҳаворанг кўйлак кийган бир аёл чиқиб, биз билан саломлашишди. Булар Хидирнинг ўғиллари, аёл эса хотини экан.

Болаларнинг бири пластмасса обдастадан қўлимизга сув қуйди, иккинчиси ҳошиялари гулдор кашта билан безатилган сочиқни узатди.

Ичкари кирдик. Қалин пахса девордан тикланган, нимқоронғи, салқин уйда, дастурхон тўрида Сафар оға чордона қуриб ўтирарди. Кўп йил бўлган эди кўрмаганимга, ўзгариб кетибди – оппоқ соқоллари кўксини тўлдириб, фариштали бир мўйсафидга айланибди. Лекин ҳалиям кўзи ўткир, қулоғи динг, мени дарров таниди.

Дастурхон атрофига ўтирдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Сафар оға дадамни кўп суриштирди, бирга ишлашган давридаги қизиқ-қизиқ ҳангомаларни айтиб, ҳаммамизни кулдирди. Суҳбатимиз асосан рус тилида бўлди, чунки, аввало, менинг оилам ҳам гап-сўзни тушуниши керак эди, қолаверса, Сафар оға билан илгарилари ҳам русча гаплашардик.

Бизни роса меҳмон қилишди. Хидирнинг хотини бечора елиб-югуриб хизмат қилди. У русча билмас экан, битта-яримта айтган сўзларини Хидир таржима қилиб турди.

Икки соатча ўтириб, уйга қайтдик.

Шу тариқа ўзаро борди-келдиларимиз бошланиб кетди. Бир марта биз ҳам уларни квартирамизга чақириб меҳмон қилдик. Мен ош дамладим, Люся торт пиширди.

Сал ўтиб, 7 ноябрь байрамида, ундан кейин Хидирнинг туғилган кунда бизни яна таклиф қилишди.

Хидир мана шу тоғдаги қўриқхонада егеръ – қоровул бўлиб ишларди.

Баъзан бўш вақтларимизда “УАЗик”ка ўтириб, сахро қўйнига ов қилгани борардик. Битта-яримта тувалоқ отсак отардик, бўлмаса, асосан ёшлигимизни, ўрис Чинозни, синфдошларимизни эслаб, ундан-бундан гаплашиб ўтирардик.

Хидир илк севгиси – соҳибжамол Анютани буткул унутиб юборгандек, бу ҳақда умуман оғиз очмас, мен ҳам индамас эдим.

Кун, ойда барака йўқ, ғириллаб ўтаверди, бу гарнизонга келганимга ҳам уч йилдан ошди.

Бир куни Хидир олдимга келиб: “Собит, отам оғирлашиб қолди, дадангни, Даврон акани кўрсам деяпти”, деди.

Ҳайрон бўлиб қолдим. Тушунамани, қари одам касал бўлганида яқин қариндошлари, ёр-биродарларини кўргиси, балки видолашгиси келади, лекин дадам икки ой бурун йиқилиб, оёғини синдириб олган, уйда гипсда ётарди. Ну, соғ бўлганида ҳам уни бу ўттиз даража совуққа опкелиб бўлмас эди.

Хидирга вазиятни тушунтириб, узр айтдим, кечқурун Сафар оғани кўргани бордим. Хотини, келини, набиралари – ҳаммаси тепасида тўпланиб ўтиришган экан.

Сафар оға мени танимади.

Эрталабки развод пайтида Хидир яна мени излаб келди. “Отам ўлди”, деди, кейин товуш чиқармасдан йиғлаб юборди. Уни маҳкам қучоқлаб, тилимга келган сўзлар билан таскин-тасалли берган бўлдим. Хонага олиб кириб ўтқаздим, бир пиёла чой қуйиб бердим, энди нима қилишимиз кераклигини сўрадим.

“Собит, – деди Хидир ўйланиб, – отам икки ҳафта бурун, Даврон акани чақиришни айтганида васият қилган эди. Яъни, уни мусулмонча урф-одат билан, жаноза ўқитиб кўмишимни тайинлади”.

“Бўпти, сен домланинг ҳаракатини қил. Мен қабристон билан боғлиқ ишларни ҳал қилай. Агар керак бўлса, машина, беш-олтита солдат олиб борай – тобут кўтаришга...” – дедим.

Хидир ерга тикилганча жим бўлиб қолди.

“Биласанми, – деди ниҳоят, – бу атрофда сенинг ҳарбий қисмингдан бошқа биронта аҳоли пункти йўқ. Энг яқин овул – уч юз километр нарида. У ерда ҳам жаноза ўқишни биладиган одам борми-йўқми, билмайман”.

“Йўғ-э? – дедим ажабланиб. – Ўзи кўпдан буён сўрамоқчи бўлиб юрардим: бу кимсасиз жойга нега кўчиб келгансизлар?”

“Бир пайтлар бу ер катта қишлоқ бўлган, – деди Хидир уҳ тортиб. – Бир йили қиш пайти, ярим кечаси тоғдан кўчки тушиб, қишлоқни босиб қолган. Айтишларича, қорнинг қалинлиги ўн беш-йигирма метр бўлган экан. Биронта одам тирик қолмаган. Отамнинг ота-онаси, бешта ука-сингиллари ҳаммаси ўлган. Фақат отам мактаб-интернатда бўлгани учун омон қолган. Кейин у Хоразмга кетган”.

Бу гапни эшитиб, ҳайрон қолдим. Чунки на Сафар оға, на Хидир ҳеч қачон бу тўғрида чурқ этиб оғиз очган эмасди.

“Нега яна шу жойга келдинглар бўлмаса?” – деб сўрадим.

“Отам қўймади, – деди Хидир. – Мени туғилган еримга олиб борасан, суягимни суягимга қўшасан, деб туриб олди. Ҳеч кўндириб бўлмади”.

Шунда Сафар оға нега дадамни чақиртирганининг сабабини тушунгандек бўлдим.

“Отанг намоз ўқирмиди?” – деб сўрадим.

“Пенсияга чиққанидан кейин ўқий бошлаган эди”, деди Хидир ва яна жим бўлиб қолди.

“Собит, – деди бироздан кейин, – сендан илтимос, шу ишни ўзинг...”

“Қайси ишни?!” – дедим ҳангу манг бўлиб.

“Мана шу... жанозани-да”, деди Хидир сийрак киприкларини пирпиратиб.

Баттар довдираб қолдим.

“Хидир, нима, менинг устимдан куляпсанми? – дедим бўғилиб. – Биринчидан, мен бунақа расм-руsumларни умуман билмайман, иккинчидан, коммунист, совет армиясининг майори бўлсам... Нима бало, ақлингни еб қўйдингми?”

Бечора Хидир, тўтиқушга ўхшаб нуқул бир гапни такрорларди:

“Илтимос, йўқ дема энди... Ахир, ўзбекларнинг ҳаммаси намозни билади-ку? Хўп, де, илтимос...”

“Эй, сен ўйлаб гапиряпсанми ўзи! – деб товушимни кўтаришга мажбур бўлдим. – Совет офицери жаноза ўқиди эмас, жанозада қатнашди, деган гап биронтасининг қулоғига етиб борса борми, нима бўлишини тасаввур қиляпсанми? Қўй, ундан кўра бориб қидир, ўлдими, бирон жойда мулла топилиб қолар”.

Хидир индамай ўрнидан туриб жўнади.

Ўзимни чалғитиш учун у-бу ишга уринган бўлдим, аммо фикру хаёлим Хидирда эди.

У тушга яқин пайдо бўлди, усти-боши оппоқ қор.

“Ҳа?” – дедим.

“Фалон районга бордим, мулла касал ётган экан, бошқа одам тополмадим, – деди у ва бирданига гурс этиб олдимда тиз чўқди. – Собит! Сендан ўтиниб сўрайман, илтижо қиламан, ёрдам бер. Отамни кўмишим керак-ку, ахир! Сен ўзбексан, мусулмонсан-ку, ахир! – У кутилмаганда йиғлаб юборди. – Ёрдам бер, жон дўстим!”

Нима қилишни билмасдан:

“Эй, тур, тур ўрнингдан! – деб қўлидан тортиб турғаздим, стулга ўтқазиб, салфетка узатдим. – Ма, юз-кўзингни артиб ол. Оғайни, тушун, ахир, билмаган одам қандай қилиб ўқийди? Ғирт гуноҳ бўлади-ку! Сенга ҳазилми бу иш? Кел, энди, агар иложи бўлмаса, билганимизча кўмиб қўяқолайлик...”

Хидир кескин бошини кўтарди-да:

“Отамнинг васиятини бажармасдан кўмолмайман!” – деди кўзлари чақнаб.

“Хўш, унда нима қиламиз?”

“Мен пойтахтга кетаман, – деди у бироздан кейин. – Ҳозир йўлга чиқсам, оқшом темирйўл станциясига етиб бораман. Кечкурун саккизда поезд бор, эрталаб етиб борсам, кечгача биронта одам топиб, яна скорий поезд билан қайтарман. Майли, узр, сениям ноқулай аҳволга қўйдим. Бунақа пайтда одамнинг мияси ишламай қолар экан”.

У шундай деб, хонадан чиқди, оёғини судраб босганча, КПП дарвозаси томон йўл олди. Соатга қарадим: ўн минут кам бир. Бу ҳозир ўлик чўзилиб ётган мусибатхонага боради, ундан станцияга жўнайди, кечкурун поездга чиқади, қайтиб келгунича нари-бериси икки сутка ўтади. Демак, бечора Сафар оға жойи ростонига топширилмасдан, яна икки кун тараша бўлиб қотиб ётади...

Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман, бирданига беихтиёр: “Хидир, тўхта!” – деб бақириб юбордим, орқасидан югуриб, дарвоза олдида етиб олдим. “Бўпти, бораман! – дедим унинг кўзига қарамасликка тиришиб. – Лекин менинг кимлигимни ҳеч ким, эшитдингми, ҳеч ким билмаслиги керак. Гўр тайёрма?”

“Тайёр, эрталаб қазиб қўйганман, – деди Хидир мендан баттар гангиб. – Қачон борасан?”

“Бир соатдан кейин”, дедим ва шошилиб кварирамга жўнадим.

Уйга келиб, биринчи қилган ишим – душга тушиш бўлди. Намоз ўқийдиган одам тоза бўлиши керак, деб эшитган эдим, нима дейман энди, таҳорат қилишни ҳам билмас эдим-да.

Ҳарбий форма ўрнига эски бир костюм-шим, қора пальто, қуён тери телпагим бор эди, шуларни кийдим. Битта-яримтаси таниб қолмасин, деб кўзимга катта қора кўзойнак тақиб олдим. Люся хайрон бўлиб сўраган эди, “Спецзадание!” – деб эшикни ёпдим.

Йўлда кетиб бораётибман-у, Худое, ўзинг шарманда қилма, деб илтижо қиламан. Чунки Хидир тентакнинг гапига кириб бошлаган бу ишим қип-қизил авантюра эканини жуда яхши сезиб турардим.

Ёшлигимда, ўн икки яшар пайтимда отамнинг онаси – Хосият бувимни дафн қилишда қатнашган эдим. Шундан кейин бунақанги маросимда бошқа иштирок этган эмасдим. Ўн етти ёшимда ҳарбийга кетдим, хизмат даврида уч-тўртта офицерларни дафн этишга тўғри келган бўлса, уларни ҳарбий иззат-икром билан, оркестр садолари остида,

нутқлар сўзлаб, ёстиқчаларда орден-медаллари-
ни кўтариб, тобутга солиб кўмардик, кейин мил-
тиқлардан салют бериб, қабрларига гулчамбарлар
кўярдик.

Бошим қотиб борарканман, беихтиёр яна Хо-
сият бувимни эсладим. Беш-олти яшар чоғимда мен
рахматли бувимнинг ёнида ухлардим. Баъзан уйқум
келмасдан, “Буви, эртак айтиб беринг”, деб харха-
ша қилардим. “Эй болам, қўй чўпчакни, ундан кўра
калима қайтаргин, тинч ухлайсан”, дерди бувим.

Шу тобда, жанозага кетаётиб, бувим ўргатган,
болалик хотирамга нақшдек ўйилиб қолган сўз-
лар бирдан ёдимга тушди:

*“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ло илоҳо иллол-
лоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадин расулиллоҳ. Худо бир,
расул барҳақ, Худога бандаман, пайғамбарга ум-
матман. Ётдим тинч, ёстиғим нотинч. Ётдим ўнг
ёним билан, уйғотгин имоним билан”.*

Бўлди. Тамом. Ўттиз саккиз ёшга кириб, му-
сулмон фарзанди саналиб, Собит Давронов деган
ном билан танилиб юрган менинг дини исломдан
билган бор-йўқ илмим мана шундан иборат эди.
Ва мен ана шу илм билан жаноза намозига имом
бўлиш учун кетмоқда эдим!

Бир кўнглим, шартта орқангга қайт, дейди. Бир
кўнглим, ахир ваъда бериб қўйгансан-ку, дейди.

“Эй, бор Худоё! – дедим пичирлаб. – Ўзинг ҳоли
кунимни кўриб турибсан. Мен гуноҳкор банданг-
ни ўзинг кечир, ўзинг шарманда қилма...”

Энди, биласизми, энг қизиғи, шу гапларнинг
ҳаммасини ичимда, ўрисчалаб айтаётган эдим!

Ниҳоят, Хидирнинг уйига етиб келдик. Дарҳол
шофёрим Васька Пахомовга бир соатдан кейин

қабристонга келиб тургин, деб жавоб бериб юбордим.

Ҳовлида қаердан келган, билмайман, чўгирма кийган учта чол бор эди. Наҳотки, шуларнинг ичида биронтаси намоз-ниёзни билмаса, деб ўйладим хавотирланиб.

Майитни ювиб-тараб, кафанлаб, замбилга ўхшаган тобутга солиб қўйишган экан, олиб чиқиб, деразанинг тагига қўйишди. Ичкаридан хотин-халажнинг йиғлагани эшитиларди.

“Бошладик, – дедим Хидирга. – Одамларга айт, сафга туришсин”.

Ўзим бўлсам, ҳаяжонланиб, юрагим дуп-дуп уриб турибди. Бояги учта қария, Хидир иккита кичкина ўғли билан қинғир-қийшиқ бўлиб сафга тизилишди.

Ўйланиб қолдим – одамларга қараб гапириш керакми ё тескари турибми? Гапни нимадан бошлашни ҳам билмасдим, шунинг учун таваккал қилиб, тилимга келган биринчи сўзни ўзбекчада айтдим. Балки Хидир мени уларга ўзбек мулла деб таништиргандир.

“Эй одамлар! – дедим. Энди, командирский овоз бор, товушим гулдираб чиқди. – Мана, кўриб турибсизлар, Сафар оға ўлди. Жаноза ўқиш керак. Қани, бошладик”.

Шундан кейин кунботар томон юзланиб, ичимда, Худоё, ўзинг кечир, деб, Хосият бувим ўргатган калимани такрорладим:

“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим. Ло илоҳо иллоллоҳ, ашҳаду анна Муҳаммадин расулиллоҳ. Худо бир, расул барҳақ. Худога бандаман, пайғамбарга ум-

матман. Ётдим тинч, ёстиғим нотинч. Ётдим ўнг ёним билан, уйғотгин имоним билан. Оллоҳу акбар. Худо раҳмат қилсин”, деб, юзимга фотиҳа тортдим.

Бошқалар ҳам омин қилишди.

“Бўлди, кўтариш керак”, дедим Хидирга. Дўстим бечоранинг юзидаги ифодани тасвирлаш учун энди Толстой билан Достоевский керак. Бечора мени маҳкам қучоқлаб олган, нуқул “Раҳмат, раҳмат! Ўла-ўлгунча сендан қарздорман!” – деб бир гапни қайтарар эди.

Шундай қилиб, ота қадрдоним Сафар оғани бир пайтлар кўчки тагида қолиб кетган қишлоғида ота-онаси ётган тупроққа дафн этдик.

Икки-уч кун юрагим така-пука бўлиб юрди, йўқ, хайрият, Худонинг ўзи асраб, ҳеч қандай гап-сўз чиқмади.

Бир куни кечкурун Хидир яна мени йўқлаб келиб қолди.

“Собит, мен Фалон туман марказига кўчиб кетяпман, – деди. – Бу ерда бошқа туролмайман. Нима бўлсаям, одамларнинг ичида бўлай. Сенга катта раҳмат”.

Мен дўстимга чин дилдан оқ йўл тиладим.

Бу воқеага ҳам, янглишмасам, қирқ йилча бўлди. Хидир билан борди-келдимиз ҳам узилиб кетди. Лекин мен ҳали-ҳануз ўйлаб юраман: ўшанда қилган ишим тўғри бўлганмикан? Ёки ҳам ўзим гуноҳга ботиб, ҳам Сафар оғани гуноҳкор қилганмиканман?

Мана, Мэлс Раҳимович, сиз академиксиз, доим халқ ичида юрасиз, Эркин ака ҳам урф-одатни яхши билади, сизлар нима дейсизлар?.. Раҳмат, раҳмат.

* * *

Мудоффаа вазири ҳикоясини тугатгач, Эркин Жалилович унга қараб:

“Собит Давронович, сиз пенсияга чиққанингиздан кейин бемалол муфтиятга ўтиб ишласангиз ҳам бўлаверар экан”, деб жилмайди.

“Ҳап йўқ, агар партия-ҳукумат буюрса, биз солдат, ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёرمىз”, деб ғамгин кулди барваста генерал.

Шу пайт самолётимиз қўнишга тайёргарлик қўриб, пастлай бошлади-да, гурунгимиз ниҳоясига етди.

Шокир Ашрапов,
Ташқи ишлар вазирлиги ходими, 38 ёш

АШЁВИЙ ДАЛИЛ

– Мен йигирма олти ёшимда вилоятга бўйсунадиган Н. шаҳарчаси прокуратурасига стажёр қилиб ишга юборилдим.

Шаҳарча кичкинагина, ташкил этилганига эллик йил ҳам бўлмаган, у бошидан бу бошигача ярим соатда айланиб чиқиш мумкин. Одам ҳам кўп эмас, икки юз саксон мингнинг нари-берисида. Лекин шу ҳолига жинойтчилик даражаси бўйича вилоятда узоқ вақтдан буён олдинги ўринни ҳеч кимга бермасдан келар экан.

Иш бошлаган кунимнинг ўзида, бошлиғим дастлабки жанговар топшириқ бераётганида мен бундан воқиф бўлдим.

Прокуроримиз – эллик ёшлардаги, қорамағиз, бароқ қошли Саъдулла Хурсандбоевич мени жамоага, жамоани менга таништириб бўлганидан кейин олдимга бир варақ қоғоз кўйиб:

– Ўқиб, имзо чекинг, – деди. Бу ҳужжатда стажировка даврида мен бажаришим зарур бўлган вазифалар батафсил белгилаб берилган эди. Бир йил давомида мен бир қатор жинойтларни, жумладан, 1 та қотиллик, 2 та босқинчилик, 3 та зўрлаш, 5 та фирибгарлик, 7 та ўғирлик, 4 та гиёҳвандлик, 6 та одам савдоси билан боғлиқ ишларни очишим керак эди. Агар шу шартларни бажарсам, стажёрликдан прокурор ёрдамчиси лавозимига ўтишим мумкин экан.

Ҳали содир бўлмаган жиноий хатти-ҳаракатларни фош этиш олдиндан, бу қадар пухталики билан режалаштириб қўйилганини кўриб, очиғи, ҳайрон бўлдим.

Хўш, бордию, Н. шаҳарчасида бир йил мобайнида мен очишим керак бўлган шунча жиноят юз бермаса-чи? Унда нима қилиш керак?

“Омад сўқмоқлари” деган эски совет фильми бўларди, ҳозир ҳам гоҳ-гоҳ кўрсатиб туришади. Ўша кинодаги бир эпизод эсимга тушди. Фотоательеда йил охирига бориб план тўлмай қолади, режани бажариш учун ателье ходимларининг ўзлари, оила аъзолари, яқинлари билан суратга тушадилар.

Шунга ўхшаб, бир йил ичида мана бу қоғоздаги жиноятлар рўй бермаса, нима, уларни ўзим содир этаманми?

Саъдулла Хурсандбоевичга шундай савол билан мурожаат қилмоқчи бўлдим-у, лекин қуюқ, пайваста қошлари остидаги кўзлари менга синчков тикилиб турганини кўриб, фикримдан қайтдим. Ахир, донолар, тилни тийган бой бўлур, деб бекорга айтишмаган. Қани, ҳозирча насияга бўлса ҳам бой бўлиб турай-чи.

– Сиз, ҳойнаҳой, бунча жиноятни қаердан оламан, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз? – деб қолди Саъдулла Хурсандбоевич тўсатдан.

– Йўғ-э, ҳайрон бўлаётганим йўқ, – дедим баттар ҳайрон бўлиб.

– Худудимизда криминоген вазият оғир, – деди бошлиқ хўрсиниб. – Сизу бизнинг вазифамиз – вилоятдаги биринчи ўриндан жуда бўлмаганда иккинчи ўринга тушишдан иборат. Тушундингизми?

– Худди шундай! – дедим ҳарбийчасига ғоз туриб.

– Тушунган бўлсангиз, муваффақият тилайман.

Муваффақият ҳам кўп куттирмасдан эртаси куни кечаси ижара хонамининг эшигини тақиллатди: ички ишлар бўлимининг навбатчиси, катта лейтенант Облоқулов телефон қилиб, 3-микрохудда қотиллик содир этилганини маълум қилди.

Ҳаётимдаги биринчи жанговар топшириқни адо этиш учун шоша-пиша кийиндим. Озгина ҳаяжон ҳам йўқ эмас.

Жиноят юз берган жой бир вақтлар гуллаб-яшнаган, ҳозир эса анча йиллардан буён тўхтаб ётган механика заводи атрофида экан.

Қотиллик этаги жарга бориб туташган, чиқиндилар тоғ бўлиб уюлиб ётган ялангликда содир бўлган эди.

Мен етиб борганимда бу ерда ички ишлар идорасининг икки-учта тезкор ходими, медэксперт, кинолог, фотограф аллақачон иш бошлаб юборишган, сал наридаги симёғоч тагида “Тез ёрдам” машинаси оқариб кўринар эди.

Гупиллаб қор ёғиб турибди.

Гувоҳномамни кўрсатиб, ўзимни таништирдим. Тезкор гуруҳ раҳбари “Капитан Шодмонов”, деб қўлини чўзди, вазият ҳақида қисқача маълумот берди.

Қотиллик тахминан икки соатлар илгари, тунги 12-30 ларда содир этилган. Номаълум шахслар томонидан ўн саккиз-йигирма ёшлар чамасидаги аёл киши пичоқлаб ўлдирилган. Мархуманинг сумкасидан шаҳарчамиздаги ахборот технология-

лари коллежи томонидан Садаф Саидова номига берилган гувоҳнома ҳамда аёлларга хос упа-элик, тароқ, кўзгу, салфетка каби буюмлар топилган.

Жасаднинг ёнидан пул ва бошқа қимматбаҳо нарсалар чиқмагани, қулоғидаги сирға, бармоқларидаги тақинчоқ изи қотилликнинг талончилик мақсадида амалга оширилганидан далолат берарди. Лекин шуниси қизиқки, жиноятчилар марҳуманинг эғнидаги қимматбаҳо шубага тегишмаган.

“Мана, ўзингиз кўришингиз мумкин”, деди капитан Шодмонов ва мени уч-тўрт қадам нарида устига оқ чойшаб ташлаб қўйилган мурда томон бошлади. Тезкор ходимлардан бири чойшабни кўтарди, иккинчиси фонарь шуъласи билан жойни ёритди.

Мен илгари ҳам амалиёт даврида бир неча марта ўликхоналарга бориб, музлаб ётган мурдаларни кўрганман, лекин шундай бўлса-да, бироз чўчиб, секин жасадга назар ташладим.

Қаршимда эғнида оппоқ шуба, оёғида чиройли оқ этик, қош-кўзлари попукдек бир қиз ҳаётга тўймаган кўзларини чирт юмиб қонга беланганча ўлиб ётарди.

Одатдаги расмиятчилик тугаб, “Тез ёрдам” мурдани олиб моргга жўнади.

Капитан Шодмонов тегишли ҳужжатларни менга берди, ишхонага қайтдим.

Садаф Саидованинг ўлими билан боғлиқ жиний ишнинг очилиши ўзи бир тарих, мавриди келганда айтиб берарман. Гапнинг қисқаси шуки, бу бечора қиз бундан тўрт йил олдин оиласи билан чекка вилоятдан Н. шаҳарчасига кўчиб келган экан. Ота-онаси ўзига тўқ одамлар бўлиб, қизлари-

нинг келажагини ўйлаб, Тошкентга яқинроқ, деб, бу ерга келиб жойлашган эканлар.

Прокуроримиз Саъдулла Хурсандбоевич ҳамма ёққа овоза бўлиб кетган бу ишни шахсий назоратига олиб, барча кучларни сафарбар этгани учун жиноятчилар кўп ўтмасдан қўлга олинди.

Энг қизиғи, қотил қиз билан бирга ўқийдиган, содир бўлган фожиадан энг кўп қайғу чеккан, жиноят изини қидиришда зўр бериб фаоллик кўрсатган А. С. деган йигит бўлиб чиқди.

Сабаб – рад этилган муҳаббат, лекин ўз маҳбубасини ўлдириш билан тугайдиган муносабатни қандай қилиб “муҳаббат” деб аташ мумкин – мен энди билмадим.

Бегуноҳ жувонмарг бўлиб кетган бу қизга одам албатта ачинади, лекин мен бошқа нарсани айтмоқчи эдим.

Тергов жараёнларини олиб бораётганимда бир куни қотиллик билан боғлиқ ашёвий далиллар керак бўлиб қолди. Улар қоида бўйича ички ишлар бошқармасининг жиноят қидирув бўлимида сақланмоқда эди.

Капитан Шодмоновга қўнғироқ қилиб, бошқармага ўтиб бордим. Баҳодир деган дароз, от жағли, оғзи тўла тилла тишлари ялтиллаган катта лейтенант бу масала билан шуғулланар экан, ашёвий далиллар сақланадиган махсус хонага олиб кирди, марҳума Садаф Саидовага тегишли буюмларни олдимга бирин-кетин ёйиб қўя бошлади: мана бу – этиги, мана бу – кофтаси, бу – юбкаси, буниси – пайпоғи. Сумкасиям шу ерда, мана, ичидаги косметикасиям турибди, тароғи, кўзгуси ва ҳоказолар... Ўртоқ терговчини яна нимадир қизиқтирадими?

Аниқ эсимда – қотиллик содир бўлган куни воқеа жойига чиқиб борганимда марҳуманинг эғнида оппоқ шубаси бор эди.

Протоколга кўз ташладим: ҳа, мана, 1-номерли тартиб рақами билан қайд этилган экан. “Италияда ишлаб чиқарилган, 46-размерли оқ рангдаги қимматбаҳо шуба”.

“Баҳодир ака, Саидова ўлдирилган куни эғнида бўлган оқ шуба қани?” – деб сўрадим.

“Қанақа шуба?” – деди Баҳодир кўзлари ўйнаб.

“Мана, 1-номер билан ёзиб қўйибди-ку?”

“Ҳа, уми... Ким билади, битта-яримтаси олгандир-да, менинг хабарим йўқ, – деди Баҳодир елка қисиб. – Балки экспертизададир. Бўлдим, омборни ёпаверайми?”

Ҳайрон бўлдим.

“Қанақа экспертиза? Мана, экспертнинг хулосаси турибди-ку?” – деб Баҳодирнинг укки кўзларига қаттиқ тикилдим.

Катта лейтенант кўзини олиб қочди, довдирай бошлади.

“Ҳа, у қиз ўлиб кетди, энди шуба киймайди-ку?” – деб саволимга савол берди.

Билдимки, сувни ўзи лойқалатган. Вой муттаҳам-эй, наҳотки, шубани опчиқиб пуллаб юборган бўлса?

“Баҳодир ака, – дедим, – ашёвий далилни йўқотганлик ёки қасддан йўқ қилганлик учун қанақа жазо берилишини биласизми? Бўлмаса, эсингизга солиб қўяй: Жиноят-процессуал кодексининг 25-боб, 212-моддасига биноан...”

“Бўлди, акажон, бўлди, – деб бирдан эланишга тушди у, – ернинг тагидан бўлсаям топиб, жойига

қўяман. Сиз фақат ҳеч кимга овоза қилмай туринг, илтимос, анави ифлос Шодмонов эшитса, пайимни қирқади. Ўзи қачондан бери менга тиш қайраб юрибди, лаънати”.

“Сотвормаганмисиз, ишқилиб? – деб сўрадим хавотирланиб. – Билиб қўйинг, мен прокурорнинг номига рапорт ёзишга мажбурман”.

“Йў-йў, акажон, ундай қилманг. Бир соат вақт беринг, мен топиб келаман. Битта шанс беринг, акажон, пенсияга тўрт йил қолди, болаларим бор, шарманда бўлиб ҳайдалиб кетмай”.

Индамасам, олдимда тиз чўкиб, кўзёшини дарё қиладиган важоҳати бор.

“Сиз меням жиноятингизга шерик қиляпсиз, – дедим ёлғондан уҳ тортиб. – Билмадим, гапингизга ишониб бўладими-йўқми? Нима бало қилгансиз ўзи бу лаънати шубани?”

Баҳодирнинг пешонаси, юз-кўзларидан тер томчилари чак-чак тома бошлади.

“Минг марта айтдим бу мегажин хотинга, – деди бўғилиб, – беш йилдан бери “шуба”лаб мени пичоқсиз сўяди. Ойликнинг аҳволини ўзингиз биласиз, ўн йил емай-ичмай йиғсам ҳам, бунақа шубанинг битта енгига етмайди. Мана энди ниятингга етдинг, манжалақи, мени тикадиган жойингга тикдинг, ҳе онангни...”

Ҳангу манг бўлиб анқайиб қолдим.

“Сиз ҳали шубани хотинингизга обориб бердингизми?”

Девдек катта лейтенант чумолидек кичкина бўлиб ерга ўтириб қолди.

“Нима қилай, эртага “гап”га бораман, деб, ҳол-жонимга қўймади-да...”

“Ўликнинг устидан ечиб олинган нарсани обориб хотинингизга кийдирдингизми? Қандай кўнглингиз тортди?” – Ҳайрон бўлганимдан ҳамон ўзимга келолмасдим.

“Химчистка қилдириб олдим, хотинга айтганим йўқ”, – деди Баҳодир кўзларини мўлтиратиб ва: “Рухсат беринг, битта телефон қилиб олай?” – деб сўради.

Мен бош ирғадим.

Баҳодир ҳовлиқиб рақам терар экан, ўзича:

“Ишқилиб, телефони ўчирилмаган бўлсин, – деб ғудранди, кейин шанғиллаб бақира кетди: – Ҳа, Напис, қай гўрдасан, ҳали қайтмадингми? Бўпти, мен ҳозир етиб бораман. Анави шубани... ўраб, пакетга солиб қўй. Нима?! Пакетга солиб қўй, деяпман, галварс! Гапни кўпайтирма, ҳозир бораман!”

Кейин ўрнидан туриб, бошига шапкасини кийди, уст-бошини тузатиб, тиззаларини қоқди.

“Рухсат этинг, ўртоқ бошлиқ!” – деб менга мурожаат қилди.

“Тез бориб келинг, шу ерда пойлаб ўтираман”, дедим.

“Есть. Учиб бориб, учиб келаман”, деди катта лейтенант Баҳодир Мирзаев ва кўздан ғойиб бўлди.

Мен ашёвий далилни кутиб қолдим.

Ҳумоюн Хуршидов,
прокуратура терговчиси, 34 ёш

ҲАҚИҚАТЧИ

– Бир куни таниш терговчи телефон қилиб: “Эломон ака, битта дело бўйича давлат адвокати керак, вақтингиз бўлса, шу ишни қараб беролмайсизми?” – деб қолди.

Қўлимда тайинли иш йўқ, камхарж эдим, рози бўлдим. Мижоз билан учрашгани Тоштурмага бордим. Тоштурма деганда кўпчилик тошдан қурилган қамоқхонани тушунади. Аслида бу Тошкент шаҳар турмаси дегани.

Аввало, “дело” билан танишдим. Айбланувчи – Шовосил Тўхлиев, ўттиз бир ёшда, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Б. туманининг Ёрдонқўл қишлоғи, Иттифоқ маҳалласи, Чаман кўчаси, 61-уйда яшайдиган бир шахс экан.

У Жинояткодексининг 273-моддаси 1–2-қисми, “б” банди ҳамда ушбу модданинг 2–3-қисми “б” бандида кўзда тутилган жиноий хатти-ҳаракатларни содир этганликда айбланиб, бир ҳафта бурун эҳтиёт чораси сифатида ҳибсга олинган эди.

Одатда ушбу модда билан жавобгарликка тортилганларни хусусий адвокатлар ҳимоя қилишдан қочади – бошоғриғи кўп, қолаверса, бунақа ишлар алоҳида назоратда бўлади, бошқа сабаблари ҳам бор, албатта.

Давлат томонидан тайинланадиган адвокатнинг йўриғи бўлак, расмий процедурани бажарса

бўлди – белгиланган ҳақини, оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўриб, олиб кетаверади.

Учрашув хонасига кириб, ҳужжатларни яна бир бор кўздан кечирдим.

Конвой айбланувчини олиб кирди.

Эски марғилон дўппи остидаги пахмоқ сочлари тўзғиб ётган, ёшига нисбатан қаримсиқ кўринадиган, жиккак, кўк кўзли бир йигит экан. Ўзимни таништирдим.

“Сизни ҳимоя қилиш учун мен аввало бор ҳақиқатни билишим керак”, дедим.

“Майли, – деди у ерга тикилиб. – Лекин ҳақиқатни айтсам, ҳеч ким ишонмаяпти-ку. Мана, ҳозир гапириб бераман, лекин сиз ҳам ишонмай-сиз, ўртоқ абдивокат”.

“Қани, олдин гапиринг-чи”, дедим кулгимни яшириб.

“Мен ўзим наркоман эмасман, – деб, барча гиёҳвандлар сингари, ҳикоясини тонишдан бошлади айбланувчи. – Далада деҳқончилик қиламан, Ғанивой фермердан ижарага ер олиб, картошка-пиёз экаман. Ғанивой ака яхши одам, она томондан бизга хешлиги ҳам бор, бошқаларга ерни етмишга ўттиз қилиб беради, менга эса олтмишга – қирқ”.

“Яъни, ҳосилнинг олтмиш фоизи фермерга, қирқ фоизи сизга тегади, тўғри тушундимми?” – деб сўрадим.

“Ўлманг, тўппа-тўғри. Деҳқончилик яхши бўлган йили беш-ўн қоп картошка ўзимга қолади, ишқилиб, тузу чироққа яраб туради, шунисигаям шукур. Кичкина боғим ҳам бор.

Энди бу ишга келадиган бўлсак, ўтган йили январда Кадишев бозорида картошка сотиб ўтирар-

дим. Маҳмадҷон деган андиҷонлик бир бола билан танишиб қолдим. У туршак, ёнғоқ-майиз, хуллас, қуруқ мева билан савдо қиларди. Жуда чиройли, сўзга уста, шинаванда йигит экан, гапдан-гап чиқиб, Ёрдонқўлда яхши, арзон майиз кўплигини айтган эдим, қизиқиб қолди. Кечқурун унинг яп-янги “Ласетти”сига миниб, Ёрдонқўлга келдик. Меҳмон – атои Худо, деб топган-тутганимни ўртага қўйиб, дастурхон ёздим.

Ўзимда озгина майиз бор эди, қўни-қўшни, қариндош-уруғлардан ҳам суриштириб, молни кўрсатдик. Маҳмадҷонга маъқул бўлди, ёмон нарх айтмади, савдомиз пишгач, пулини нақд санаб берди.

Эрталаб қўшнимиз Зойид чўтирнинг “Дамас”ини кира қилиб, ўн қопча майизни ортиб, бозорга жўнаб кетди. Бир ҳафта ўтиб, кечки пайт яна остонамда пайдо бўлди. Кайфи чоғ, ака, майиздан яхши фойда кўрдим, мана бу сизнинг долянгиз, деб, ҳоли-жонимга қўймасдан уч-тўрт сўм ташлаб ҳам кетди. У ер-бу ердан суриштириб, яна беш-ўн қоп майиз гаплашиб бердим. Ўз қўлим билан ош дамладим, эшик олдидаги меҳмонхонада ярим кечагача суҳбатлашиб ўтирдик.

Эрта билан чой ичаётганимизда Маҳмадҷон Ёрдонқўлнинг ҳавоси зўрлигини, одамлари ажойиб эканини оғзидан бол томиб мақтади, иккаламиз энди қиёматли биродар бўлдик, деди.

Шунақа қилиб, қишлоқдан майиз, ёнғоқ, кейин, бизда анжир қоқи яхши бўлади, шуларни одамлардан сотиб олиб юрди. Ҳар келганида бизнинг уйда ётиб қолар, воситачилигим учун оз-моз пул беришни канда қилмас эди.

Бир куни гаплашиб ўтирганимизда, “Шовосил ака, ҳали бу ҳовли-жойингизда қиладиган ишларингиз кўп экан, агар хўп десангиз, даромадли бир иш бор, биргалашиб қилсак, сизга ҳам, менга ҳам фойда бўларди”, деб қолди.

“Хўш, хўш?” – дедим қизиқиб. Энди, ростдан ҳам уч уй, бир айвонли бу бошпанани ота-онамнинг ёрдамида тиклаганимга олти йилдан ошган, ўлгур иморат ҳалиям қора кўрғон бўлиб ётарди. Топганим ейиш-ичишдан ортмайди, бу ёқда болаларнинг дарди-хархашаси ҳам катта бўлиб боряпти.

Маҳмаджон ёш бўлсаям, иш кўрган, Россияларга бориб савдо қилиб келадиган, Андижонда ҳам дўконлари бор тадбиркор бола эди.

Очиғи, камбағалчиликдан ҳам бурун лаънати хотиннинг эгови жуда жонимга тегиб кетган эди. Зора Маҳмаджон менга тадбиркорликнинг йўлини бўлмаса ҳам лоақал сўқмоғини кўрсатиб қўйса, деб ўйладим.

Меҳмон эшик-деразани маҳкам ёпишимни буюрди, “сотка”ларимизни ўчириб, даҳлизга олиб чиқиб қўйишни илтимос қилди. Негадир юрагим шув этиб кетди.

Маҳмаджон шивирлаб, сердаромад ишнинг учини чиқарди. Хуллас, андижонлик Артур деган бола бор экан, водийда номи чиққан бойлардан бирининг юкларини “Камаз”да Россияга ташир экан. Ўзи Маҳмаджоннинг қалин ўртоғи экан. Орамиздан қил ҳам ўтмайди, деб мақтанди баччағар. Қисқаси, Артур иккаласининг фақат ўзлари биладиган кичкина бир бизнеси бор экан. Бунга ҳеч кимни ҳеч қачон аралаштирмас эканлар-у, Маҳмаджон аҳволимни кўриб, азбаройи раҳми

келганидан, Артурга айтиб, мени ҳам бу ишга қўшишга розилик олибди.

“Хўш, билсак бўладими, қанақа иш экан ўзи?” – деб сўрадим ичим қизиб.

“Иш шундан иборатки, – деди меҳмон пичирлаб, – агар хўп десангиз, эрта-индин мен сизга кичкина бир пакет ташлаб кетаман. Индинига Артур келиб опкетади. Шу бор-йўғи. Иш ўхшаб қолса, сиз бемалол “доля”нгизни оласиз. Бу грубо ҳисоблаганда...” – Маҳмадҷон чўнтагидан қоғоз-қалам олиб, ниманидир ёзиб менга кўрсатди. Қоғозда: “10 000 кўкида”, деб ёзилган эди. Кейин қоғозни майда-майда қилиб йиртди-да, кулдонга солиб зажигалка билан ёқиб юборди.

Ўртоқ абдивокат, бунақа воқеаларни чет эл киноларида кўрсатарди, тўғрими?

Маҳмадҷоннинг бу гапи ҳам, шпиёнга ўхшаб қилаётган қилиқлари ҳам менга ёқмади.

“У нарсa нима ўзи?” – деб сўрадим.

“У Россияга кетадиган нарсa, – деди меҳмон. – Сиз у ёғини ўйлаб бошингизни қотириб ўтирманг. Хўш, келишдикми?”

Сездимки, шудгордаги бу қуйруқнинг тагида бир балоси бор. Қўй, Шовосил, бу ғалвага бошингни тикма, оч-қорним – тинч қулоғим, деб ўзимга ўзим насиҳат қилдим. Ким билади, бу Маҳмадҷон дегани балки орган-порганнинг одамидир, мени балога аралаштириб... Юрагим орқамга тортиб кетди.

“Қўйинг, ука, мени қўлимдан келмайди бунақа иш”, деб бош тортдим. Лекин Маҳмадҷон кулимсираб: “Майли, Шовосил ака, ўзингиз биласиз, – деди, – сизга озгина фойдам тегсин, деган-

дим-да. Ўзингиз ўйланг, яна ўн йил картошка экиб, майиз сотганингизда ҳам бунча пул тополмайсиз. Бир кечада қўлингизни совуқ сувга урмасдан, она сутидек ҳалла-ҳалол шунча пул-а... Бошингизга бахт қуши қўнгани шу-да, ака. Аммо-лекин бу дунёда йигитга бахт бир марта келади, унутманг, Шовосил ака. Қачонгача итнинг кейинги оёғи бўлиб, хотин, бола-чақадан гап эшитиб юрасиз?"

Ўртоқ абдивокат, ишонасизми-йўқми, бу баччағар Маҳмадjon шайтоннинг гапини айтаётган эди-ю, лекин... ҳамма гапи ҳақиқат эди-да! Мен ўзи ёшлигимдан тўғрисўз, тўғри гапни гадосиман, ҳамма жойда, ҳар бир ишда ҳақиқат бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Лекин, ўзингиз айтинг, дунёда қанча-қанча бой одамлар бор, нима, шуларнинг ҳаммасиям фақат ҳалол меҳнат билан миллионер, миллиардер бўлганми? Йўқ, уларнинг кўпчилиги қулай пайт келганида "Гардкам!" деб, таваккалга ошиғини отган, холос. Хўп, десам, биров билиб ўтирибдими? Маҳмадjon анчадан бери уйимга келиб-кетиб юрибди, қуруқ мева сотволади, қишлоқдагилар билади буни. Ишбилармон, тадбиркор. Ана, ҳукуматимиз ҳам тадбиркорларга ёрдам бериш керак, деб айтаяпти-ку?

Хуллас, ака, ичимдаги нафс балоси бошимдаги ақл-хушимдан зўр чиқди. Шайтон мени йўлдан урди. Аслида ўзим ҳам йўлдан урилишга тайёр бўлиб, шайтон қачон келаркин, деб кутиб турган эканман – юрагим ўйнаб, рози бўлдим.

Шундан кейин, жуда бир ғалати иш бўлди. Маҳмадjon сумкасини очиб, ичидан кафтдек келадиган, қора муқовали кичкина бир китобча олди.

“Ака, бу Қуръон, – деди, – ҳозир орамизда бўлган ҳамма гапларни сир сақлайман, деб қасам ичсангиз”.

Қўрққанимдан тиззаларим қалтираб кетди. Азбаройи Худо, булар террорчи-перрорчи эмасми-кан? Эртага уйимга бомбами, автоматми опкелиб ташласа, нима қиламан?

“Э, Маҳмаджон, мени ким деб ўйлаяпсиз? – деб ёлғон дағдағага ўтдим. – Нега мени қасамга тираяпсиз? “Йигит қасам ичмайди, йигитнинг сўзи қасам”, деган ашулани биз ҳам эшитганмиз, ука. Библия қўйинг, агар бу дин-пинга алоқадор иш бўлса, мен умуман аралашмайман”.

Маҳмаджон менга қараб бақрайиб қолди.

“Э, жиннимисиз, нима деяпсиз? – деди. – Мени сиёсат, дин-пин билан умуман ишим йўқ. Нима қиласиз, ўзингизни гўлликка солиб, ҳаммасини сезиб турибсиз-ку! Ҳа, бу ўша, сиз ўйлаган нарсаси, энг тозаси, Афғондан Термиз орқали келади. Энди, қасам ичмасангиз, ичманг, лекин бу гап-сўзларнинг дами чиқса, ҳаммамизга ёмон бўлишини эсдан чиқармасангиз бўлди”.

Меҳмон шундай деб, бўлғуси ишнинг режасини менга тушунтирди. У эртага кечки пайт келишилган нарсани менга ташлаб кетаркан. Эртасига худди шу пайтда Артур оқ “Газель” машинада келиб, пакетни олиб кетаркан. Бирон кимса хитланмаслиги учун икки-уч қоп майиз тайёрлаб, биттасининг ичига пакетни солиб қўйишим керак экан.

“Бор-йўғи шу. Сиз бўлса, шу арзимаган ишга иштонингизни ҳўл қилиб ўтирибсиз”, деб кулди Маҳмаджон ва хайрлашиб жўнади.

Кўнглим ғаш бўлиб қолди, хавотирлик билан уни кузатиб қўйдим.

Эртасига хуфтон аралаш Маҳмадҷон уйимизга кириб келди. Машинасини дарвозахонага қўйиб, бир пиёла муздек сув сўради. Сув олиб чиқсам, қўлида қора салафан пакет кўтариб турибди. Энди билсам, уни машинанинг қаеридан олганини мен кўрмаслигим учун сув сўраган экан-да.

Қисқаси, пакетни менга тутқазиб, “Роппа-роса беш кило!” – деди, уни майиз солинган қопнинг ичига жойлаб қўйишимни буюрди. Кейин юзқўлини ювиб, меҳмонхонага кирди, хотиним чучвара қилган экан, бирга овқатландик. Бирон соатдан кейин кетди.

Вақт ярим кечадан ошганида бояги лаънати пакетни яшириб қўйган жойимдан олиб, майиз тўла қопнинг ичига жойламоқчи бўлдим. Негадир вазни енгилроқ туюлди. Индамай қопга тиқиб қўяверсам ҳам бўларди-ку, лекин бошқа нарсани ўйлаб, тортиб кўришга қарор қилдим. Токчадан тош-тарозини олиб, тортиб кўрсам, ишонасизми, ака, роппа-роса тўрт ярим кило чиқди. Кўзларимга ишонмасдан, бир электрон тарозим ҳам бор эди, скотч билан чандиб ташланган тошдек қаттиқ бояги пакетни бошқатдан тортиб кўрдим. Уям нақд тўрт килою беш юз граммни кўрсатиб турибди-да!

Наҳотки, Маҳмадҷон адашган бўлса?! Бўлиши мумкин эмас! Қайта-қайта телефон қилдим, жавоб бермади...

Тонг отгунча мижжа қоқмадим. Хаёл ҳар томонга олиб кетди. Бунинг ярим килоси ҳам талай пул бўлса керак? Эртага Маҳмадҷон менга тухмат қилса-чи, беш юз граммини уриб қолгансан, деб? Хўп, бордию у индамаганида ҳам, манови Артур дегани арманими, капказми, бир каллакесар

бўлса-ю, юкни тортиб кўрса, кейин мени ҳолимга маймун йиғламайдими?

Ўртоқ абдивокат, мана, ўзингиз холисанилло айтинг, менинг ўрнимда сиз бўлсангиз, нима қилган бўлардингиз? Тўппа-тўғри, меням қаттиқ жаҳлим чиқиб кетди. Э, падарингга лаънат, Маҳмаджон, ғар бўл, ўғри бўл, лекин инсоф билан бўл-да! Ахир, бунақанги нозик ишда бир граммга ҳам адашиб бўладими? Нима, анжонлик шустрий бўлади-ю, ёрдонқўллик лохми сенга?! Тағин мени қасамга тирамоқчи бўлганингга ўлайми, ноинсоф! Ахир, уйимдан туз ичгансан-а, муттаҳам, ярамас!

Мана шунақа гапларни ичимда валдираб, саҳаргача тўлғониб чиқдим.

Эртаси пешинга довур Маҳмаджонга, билмадим энди, юз марталар телефон қилгандирман. Звонок кетяпти, отим чиқаётгандир, ҳойнаҳой, итмисан-эшакмисан, деб лоақал бир оғиз жавоб қилмайди-да, сволич!

“Шунақами, – дедим ўзимга ўзим, – эй, анжонлик, шошмай тур ҳали, сен шохида юрсанг, мен баргида юраман. Алдаш қанақа бўлишини шундоқ кўрсатиб қўяйки, “Мама!” деб чийиллавормасанг, отимни бошқа қўяман!”

Шундоқ деб, ҳаромининг ташлаб кетган пакетини олиб, тўппа-тўғри райотдел мелисага бордим”, деди Шовосил ҳикоясини якунлаб.

Ҳангу манг бўлиб қолдим, қулоғимга ишонмас эдим.

“Мелисага... бордингизми?” – деб сўрадим.

“Ҳа, қаерга борай бўлмаса? Бориб қарасам, дежурний Жаҳонгир деган бола экан, ўзимизнинг маҳалладан. Пакетни шартта столига ташладим,

шундоқ-шундоқ иш бўлди, бир анжонлик мени лох қилмоқчи бўлди, давай, дело очгин, десам, тентак нима дейди, денг? “Шовосил ака, ичволганмисиз, кўйинг, мазгини қотирманг, шундоқ ҳам ишим бошимдан ошиб ётибди”, дейди. Ёмон жаҳлим чиқиб кетди. “Ҳўв бола, кўзингни оч, мен умрим бино бўлиб ёлғон гапирган инсон эмасман. Мана шу ге-роинни бу ифлос менга беш кило деб ўтказиб кетди, тортиб кўргин, 500 грамм кам”, дедим. Шундан кейин бу аҳмоқнинг калласи жойига кепқолди, шоша-пиша пакетни кўтариб, бошқа бир хонага кириб кетди. Мен ҳайронман ўзи, ўртоқ абдивокат, шунақа довдир-совдир болаларни ким мелисага ишга олади, а? Бирпасдан кейин бошлиқлар югуриб чиқди, уни-буни сўраган бўлди, лекин баччағарларнинг биронтаси гапимга ишонмайди-да. Эртасига мана шу ёққа опкелиб қамаб қўйди. Терговчиям гапимга ишонмаяпти. Маҳмаджон ўлики-ми-тирикми, дараги топилмаяпти”.

Баттар ҳайрон бўлиб, Шовосилнинг иш ҳужжати-га секин кўз ташладим. Йўқ, мана, тиббий текширув уни ақли-ҳуши жойида, муомалага лаёқатли, деб хулоса берибди.

Тавба! Қирқ йиллик адвокатлик тажрибамда бунақанги ғаройиб ишга дуч келмаган эдим.

“Сиз нима қилиб қўйганингизни тушуняпсизми ўзи? – деб сўрадим секин. – Бахтингизга мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинган, акс ҳолда... Лекин бундай катта миқдордаги гиёҳванд моддани сақлаганингиз учун энг камида ўн йилга кесилиб кетасиз, биласизми?”

Шовосил оғир уҳ тортди, кейин:

“Эй, отворса ҳам тайёрман, – деди. – Нима, бу ифлос Маҳмаджон мени шунчалик анқов, асфальт кўрмаган қишлоқи, деб ўйладими? Худо ҳаққи, одамга алам қилади-да, энди. Ўзингиз айтинг, ўртоқ абдивокат, ҳақиқат бўлиши керакми-йўқми?”

Нима десам бўлади бу ҳақиқатчига?

Эломон Ибодов,
адвокат, 67 ёш

БИРИНЧИ МИЛЛИОН

– Ҳар қандай бизнесмен билан учрашувда сиз, журналистлар албатта шу саволни берасизлар. Мен сизнинг газетангизни анча жиддий нашр, бунақа енгил-елпи гаплардан узоқ бўлса керак, деб ўйлагандим, лекин, афсус. Майли, бу саволни журналист берса берсин, ишқилиб, прокурор бермаса бўлгани.

Мен одатда бу саволга доим бир латифани айтиб жавоб қайтараман, мана, эшитинг.

Бир олигархдан сўрашибди: “Сиз биринчи миллионни қандай қилиб топгансиз?” “Биринчи миллионними? Ҳа-а, Африкага бир самолёт қоробориб сотганман”, дебди олигарх. “Ие, ҳеч замонда бир самолёт қор бир миллион бўларканми?” деб сўраса, “А, самолёт-чи?” деб жавоб берган экан.

Агар йўқ демасангиз, мен биринчи миллионга эмас, Тошкентда биринчи квартирага қандай эга бўлганимни гапириб берсам. Фақат бу гаплар “не для печати”, келишдикми?

Бу воқеага анча бўлди, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари эди, мен у вақтда Ленинградда олдин беш йил институтда, кейин уч йил аспирантурада ўқиб, энди номзодлик диссертациясини ёқлаб келган эдим. Тошкентдаги, келинг, номини айтмай қўя қолай, сал ноқулайлиги бор-да, катта бир олийгоҳга ўқитувчи қилиб тайинланган эдим.

Янги уйланганман, битта болам бор, хотиним ишламайди, ойлик кам, ҳеч балога етмайди, ижара-ижара кўчиб юраман. Отам қишлоқда фельдшер, онам уй бекаси, мендан бошқа яна еттита ука-сингил уларнинг қарамоғида, хуллас, ташқаридан нажот кутиш имконсиз.

Ленинградда ўқиб келган, деган оти – улуғ, супраси – қуруқ номим бор, сал ўзимга қараб кийиниб юрмасам, бойвачча студентлар бир тийинга олмайди.

Бир-икки йил тишимни-тишимга қўйиб чидаб юрдим, охири қарасам, тишимнинг ҳаммаси тўкилиб тушадиган. Рўзгор деган ғор кундан-кунга ютиб боряпти. Дарс соатлари чекланган, бирон жойдан қўшимча даромад топишнинг иложи йўқ.

Хотин бечоранинг ҳам ниҳоят сабр косаси тўлди – бир куни боланинг сутига ҳам пул тополмай, уйда бунт кўтарилди, мен ношуднинг шаънига дунёдаги айтилмаган таъна-дашном қолмади.

Мен бир умр русча ўқиганман, рус тилини ер юзидаги “энг бой ва қудратли тил”¹ деб билардим, аммо аёлимнинг гапларини эшитиб, амин бўлдимки, ҳақорату қарғиш бобида у ўзбек тилининг олдида ип ҳам эшолмас экан.

Хулласи калом, жонимдан тўйдим, ўзимни осмоқчи бўлдим, дўконга чиқиб, арқон олай десам, шунгайм пул тополмадим. Туриб-туриб алам қилиб кетди. Ахир мен итнинг кейинги оёғи бўлиб судралиб юрган, кўчада ётган бомж эмасман-ку! Ленинграддай шаҳри азимда, бутун СССРдан йиғилган аҳли дониш ишлайдиган машҳур бир

¹ Рус классик адиби И. С. Тургенев таърифи.

университетда, энг мураккаб мавзуда қойиллатиб диссертация ёқлаган, устозим – кимсан академик Марк Соломонович Розенберг истиқболини порлоқ деб башорат қилган талантли ёш олим эдим-ку? Домлаларимнинг Ленинградда ишга қолинг, деган астойдил таклифларига узр айтиб, ота-онамнинг бағрига қайтай, юртимда илм-фанни кўтарай, деган ниятлар билан келган эдим-ку? Наҳот, ҳамма орзу-умидларим барбод бўлиб кетса?

Йўқ, бу қип-қизил адолатсизлик ва бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди!

Тамом, ҳозироқ ректорга кираман, масалани шартта кўндаланг қўяман, ё ёрдам беринг, ё бўлмаса, жавобимни беринг – Ленинградга кетаман, дейман! Шекспир айтмоқчи, “Ё ўлиш, ё қолиш – шудир масала!”

Оташин бўлиб, ректоратга отландим, қабулга ёзилдим, эртасига навбатим келганида, бирданига бўшашиб, кечаги шахду шиддатим сўнди, хотиним айтмоқчи, “пол латтадан ҳам баттар” бир нарсага айланиб қолдим.

Қолган-қутган журъатим ҳам емирила бошлади: хўп, кириб нима дейман? Ректор қандоқ тушунаркин? Ахир, бу ойликни у бечора белгиламаган бўлса? Феъли бузилиб, кетсанг кетавер, тўрт томонинг қибла, деб юборса, нима қиламан?

Шу хаёлларнинг ичида, ишонсангиз, ниҳоятда аҳмоқона бир фикр миямга хира пашшадай ёпишиб олган эди: ректордан сўрасам, арқонга пул бериб турмасмикан?

Салқин қабулхонада шуларни ўйлайвериб, жиққа терга тушиб кетдим. Бир кўнглим, шартта ўрним-

дан туриб, бу ғурбатхонани тарк этмоқчи бўлдим, лекин энди ортга қайтишнинг иложи йўқ эди.

Ниҳоят, навбатим келиб, ичкарига таклиф этилдим. Катта, узун столнинг тўрида кулранг костюм кийиб, энсиз бўйинбоғ таққан, сочлари оппоқ, қирғийбурун бир мўйсафид – ректор, академик Бобохўжаев ўтирарди. У киши билан атиги бир марта – бундан уч йил муқаддам институтга йўлланма билан ишга келганимда беш минутча гаплашган эдим. Аниқроғи, асосан у киши гапирган, мен бош ирғаб, сомеъ бўлиб ўтирганман. Бу даргоҳда юзлаб профессор-ўқитувчилар ишлайди, мени аллақачон унутиб юборган бўлса ҳам керак.

Секин бориб, товушим титраётганини сездирмасликка тиришиб, салом бердим.

– Ваалайкум ассалом. Келинг, ўғлим, – деди домла мулойим қўй кўзлари билан менга бошдан-оёқ разм солиб, кейин ўтиришга ишора қилди.

Ўтирдим, лекин гапни нимадан бошлашни билмасдим. Домла олдида турган “Боржоми” сувидан тоза стаканга қуйиб менга узатди. Шу иши айни муддао бўлди, чунки томоғим қуриб, тилим танглайимга ёпишиб қолган эди.

– Ишларингиз қалай? Ўзбек группаларга ҳам дарс бераётганингизни эшитдим, яхши бўлибди, – деди ректор.

Демак, менинг тўғримда сўраб-суриштирган, керакли маълумотларни олган. Бироз дадилланиб тилга кирдим.

– Раҳмат, домла, энди қўлдан келганича...

– Докторликни ҳам ҳаракатини бошлайверинг, долзарб мавзулар кўп, биттасини олиб... Илм – бу

ёшликнинг иши, ҳа. Ҳазрат Навоий бу тўғрида нима деганлар, биласизми?

Уялиб-қизариб, кўзимни олиб қочдим, чунки ҳазрат Навоий нафақат бу тўғрида, балки умуман нима деганларини билмасдим, ўқиб тушунмасдим.

– Тахминан... – дедим чайналиб.

– *“Йигитликда йиғ илмнинг махзанин,*

Қарилик чоғи сарф қилгил ани”, – деб домла қироат билан ҳазратдан цитата келтирди, кейин яна мулоким жилмайиб сўради: – Хўш, хизмат?

– Хизмат... – деб бирпас жим бўлиб қолдим, кейин бошимни эгиб, дардимни дастурхон қилишга киришдим. Ёш мутахассис эканимни, хотиним, бир ярим яшар болам борлигини, ойлигимнинг ярмидан кўпи ижара ҳақиға кетишини, имкони бўлса, квартира масаласида ёрдам беришларини илтимос қилиб келганимни айтдим.

Домла қўлидаги иккита йўғон қаламни маҳкам сиқиб ўтирган кўйи гапимни бўлмасдан, диққат-эътибор билан эшитди, арзимни айтиб бўлганимдан кейин:

– Квартирага ариза берганмисиз? – деб сўради.

– Берганман, навбатда бир юз саксон еттинчи бўлиб турибман, – дедим худди айбдордек.

– Да-а, – деди ректор ва ўйланиб қолди. – Энди, ўзингиз биласиз, квартира масаласи оғир, бизнинг институтга ҳар йили бор-йўғи тўртта квартира ажратилади. Тўртта! – У шундай деб афтимга қарадию йиғлаб юборишимдан чўчигандек: – Лекин сиз хафа бўлманг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Соғ бўлинг, ишларингизга омад тилайман,

– деб ўрнидан турди ва қабул маросими тугаганини билдириб, хайрлашиш учун силлиқ, дўмбоқ қўлини узатди.

Гаранг бўлиб хонадан чиқдим. Аҳмоқ бўлма-сам, шу даргоҳга бош уриб келаманми!

Дарди дунём баттар қоронғилашиб, бамисоли Везувий вулқони отилиб ётган кулбамга жўнадим.

Бир-икки ҳафта ўтиб ўқув йили тугади, таътилга чиқдим. Отпусқа пулимни хотинга бериб, вулқон алангасини озгина пасайтирдим. Бола-чақани жазирама шаҳарда, бетон каталакда қолдириб, ўзим қишлоққа – ота-онамнинг ёнига кетдим. Оиламиз илгаритдан помидор-бодринг экиб сотарди, ниятим – ҳам уйдагиларга ёрдам бериш, ҳам уч-тўрт танга ишлаб олиш эди.

Уч кундан кейин, томорқада помидор териб юрган эдим, ишхонадан шошилишч телеграмма келиб қолди. Проректор Самадов зудлик билан институтга етиб келишим зарурлигини маълум қилган эди.

Оббо, бир ками энди шу эди. Юрагим ғаш бўлиб йўлга чиқдим. Битта-яримта “хвост” қолиб кетган бўлса, қайта имтиҳон олиш керакмikan, деб ўйландим.

Самадов баланд бўйли, мушакдор, волейбол бўйича институт терма жамоасининг сардори, кичкина кўк кўзлари кишига синчиклаб боқади-ган одам, мени хушчақчақ кутиб олди.

– Қалайсиз, братан? – деб тошдек кафтини кафтимга шарақлатиб урди. – Ўтиринг. Мана буйруқ, танишиб, қўл қўйинг: сиз қабул комиссияси аъзолигига киритилдингиз. Бирга ишлаймиз.

– Мен... мен отпускадеман-ку? – дедим довди-
раб. – Қолаверса, мўлжаллаб қўйган ишларим бор
эди.

– Ничево, иш бўри эмаски, ўрмонга қочиб кет-
са, – деди Самадов оппоқ тишларини ярқиратиб.
– Бўпти, братан, соат бешда келинг, комиссиянинг
йиғилиши бўлади, қолган гапларни ўшанда гапла-
шиб оламиз.

Самадовнинг кабинетидан баттар хафа бўлиб
чиқдим, кейин ўзимча бир нарсани тушунгандек
бўлдим: демак, арз қилиб кирганим ректорга ёқ-
маган, лекин ишимдан, дарсимдан хато тополма-
ган, шунақа йўллар билан, масалан, отпускамни
ҳаром қилиб, менга жазо бермоқчи бўлган. Охири
жонига тегиб ўзи бўшаб кетади, битта ярамас ари-
зачидан қутуламиз, деб режа қилган булар.

Хулласи калом, эртасига қабул комиссиясида
мажбуран иш бошладим. Қиладиган вазифам –
техник бир юмуш, яъни, абитуриентлардан ҳуж-
жат қабул қилиш, метрика, паспорт, аттестатдаги
маълумотларни текшириш. Бу ишни одатда лабо-
рантлар ёки юқори курс студентлари ҳам бажарса
бўлади. Нега энди фан номзоди бўлган, европоток-
да лекция ўқийдиган мендек одам илмимни хор
қилиб, бу бошоғриқ билан шуғулланишим керак
– ўлай агар, тушунсам.

Энди у пайтда ҳозиргидек тест-пестлар йўқ,
имтиҳонлар ёзма-оғзаки шаклда салкам бир ой
давом этарди, шунинг учун августнинг охиригача
институтга ҳар куни бўйнимдан боғлангандек ке-
либ-кетиб юрдим. “Помидор-бодринг” операцияси
ҳам барбод бўлди.

Янги ўқув йили бошланиши арафасида қабул комиссиясининг раиси Самадов кечки пайт мени кабинетига чақириб қолди. Ҳар хил кубок, вимпеллар билан безатилган катта хонада одатдагидек димоғи чоғ ўтирибди, эгнида янги, оқиш рангдаги костюм, мушаклари ўйнаб, кўк кўзлари ялтиллаб турибди.

– Қалайсиз, братан? Ҳорманг энди, чарчамадингизми? – деди у меҳрибонлик кўрсатиб. – Сиз воообще коллективний ўйинга зўр экансиз, қойил қолдим, бизнинг волейбол жамоамизга келмайсизми? Яқинда Ригага борамиз, универсиадага. А? Битта команда бўлиб қолдик, бундан кейин ҳам... Спортга қизиқасизми ўзи?

– Шахматдан разрядим бор, – дедим ўзимнинг ақлий салоҳиятимни писанда қилиб.

Самадов бепарво қўл силтаб:

– Шахмат спорт эмас, – деди.

– Нега спорт эмас экан? – дедим ажабланиб.

– Ну, энди бу пенсионерларнинг эрмаги-да. Доминога ўхшаб, – деди у, кейин асосий мавзуга ўтди. – Мана, братан, қабулнияма зўр ўтказиб олдик, кўз тегмасин, тфу-тфу... – У шундай деб, столнинг четига ўрта бармоғи билан уч марта уриб қўйди, – биронта “чэпе” бўлмади. Ректоримиз ҳамма комиссия аъзоларига ташаккур билдириб қўйишни топширдилар, ҳали ўзлариям йиғсалар керак. Институтимиз қабул масаласи бўйича вазирликда ҳам яхши баҳо олди, табриклайман сизни.

– Раҳмат, – деб қўйдим.

– Э, сизга раҳмат, братан, – деди Самадов жилмайиб, кейин тортмасини очиб, семиз бир конверт

олди-да, стол устига ташлаб, мен томонга сурди. – Энди мана шуни олиб қўясиз.

– Нима бу? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Буми? Бу сизнинг ойлигингиз, – деди Самадов сирли кулимсираб.

– Домла, мен ойлигимни олдим-ку? – дедим баттар довдираб.

– Ҳа, бу ойликка қўшимча. Надбавка, – деди Самадов, – комиссияда яхши ишлаганингиз учун.

– Ахир, мен комиссияда ҳеч нарса қилганим йўқ-ку? – дедим ўзимни бутунлай йўқотиб.

Самадов яйраб кулди.

– Ана шу ҳеч нарса қилмаганингиз учун бу, – деди.

Шунда бирдан унинг ниятини тушуниб, қўрқиб кетдим. Демак, бу мени бутунлай йўқотиш учун ректордан аниқ топшириқ олгану мана шу провокацияни уюштиряпти, ҳозир агар қўлимни конвертга теккизсам, эшик тарақлаб очиладию иккита формали одам кириб, мени ашёвий далил устида таппа босади, қўлимга кишан уриб, автозакка тиқиб, тўғри Тоштурмага опкетади.

Ўлдинг, ношукур домла!

Қалтираб ўрнимдан туриб кетдим.

– Ака, – дедим дағ-дағ титраб, – мени кечиринг, мен нодон билмасдан... Иккинчи бирон жойга шикоят қилсам, тил тортмай ўлай. Жон ака, мени қўйворинглар, майли, бугуноқ бўшашга ариза ёзиб, қишлоққа даф бўлиб кетаман.

Чамаси қўрққанымдан товушим қаттиқ-қаттиқ чиқа бошлади шекилли, Самадов ҳам хавотирланиб ўрнидан туриб кетди, столни айланиб ўтиб,

эшикни ичидан шарақлатиб қулфлади, деразани маҳкам ёпиб, пардасини туширди, бурчакдаги телевизорни ёқиб, овозини баланд қилиб қўйди, кейин олдимга яқинлашиб, башарамга жаҳл билан тикилди-да:

– Э, ўтир-э жойингга, сўтак! – деди тишларини гижирлатиб. – Одам ҳам шунчалик тупой бўладими? Ахир, ректорга шикоят билан кирувдингми? Уйим йўқ, деб йиғловдингми? Нега энди талмовсираб қичиқ қиласан? Э, ўргилдим сендақа галварсдан! Институтга квартира бермаса, домла бечора нима қилсин? Ё сенга ўзининг уйини бўшатиб берсинми? Э, ўқиб уқмаган нодон! Ол буни, мазгини қотирмасдан!

У шундай деб, важоҳат билан конвертни олиб, чўнтагимга тиқиб қўйди, кейин телевизорнинг овозини пасайтириб, жойига ўтирди-да, менга “Даф бўл!” дегандек қўл силтади.

Бу ҳаммаси бўлган гаплар. Ишонмасангиз, ана, Самадовнинг ўзларидан сўранг – Жамол Боситович ҳозир менда муовин, компаниямизнинг бош менежери, директорлар кенгашининг аъзоси, бешинчи қаватда ўтирадилар.

Хулласи калом, қўрқиб-писиб ташқарига чиқдим, йўлда кетиб бораётибман-у, тинимсиз атрофга аланглайман, назаримда, мана шу автобус бекатида мени шартта ушлаб, қўлимни қайириб авахтага опкетадигандек. Юрагимнинг гупиллаб уришини аниқ-тиниқ эшитиб турибман.

Уйга келиб, ҳожатхонани ичидан бекитиб, конвертни очиб қарадим: беш минг рубль. Уч хонали кооператив уйнинг нархи, бир рубль қўп ҳам эмас, бир рубль оз ҳам эмас. Кўриниб турибди – институтнинг бухгалтерияси пухта ишларкан.

Шундай қилиб, мен Тошкентдаги биринчи квартирамга эга бўлдим. Раҳматли Бобоҳўжаев домланинг жойлари жаннатдан бўлсин, деб доим дуо қиламан.

Энди бу воқеа бундан кўп йиллар бурун бўлган, ҳозир таълим тизимида бунақа гаплар умуман йўқ, лекин, Худога шукур, домлалар ҳам квартирасиз қолаётгани йўқ.

Темур Аширқулов,
бизнесмен, 65 ёш

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Аудиоҳикоя

– Э, болам-а, қўйсанг-чи шу даҳмазангни. Қачондан бери магнитапнингни кўтариб орқамдан оворасан – таржимаи ҳолингизни ёзиб оламан, деб. Мен бор-йўғи уч синф ўқиган бир кампир бўлсам, менда таржимаи ҳол нима қилади. Умрим бино бўлиб, идора-пидорада ишлаш у ёқда турсин, лоақал бошланғичда ҳам дарс бермаган бўлсам... Ана, артистларни, олимларни, ҳар хил амалдорларни радиодан, телевизордан гапиради, энди улар ҳақиқатда иш кўрсатган, гапгайм уста, эшитиб қойил қоласан. Мен дунёга келиб нима каромат қилибманки, қариганимда валфажр ўқиб ўтирсам...

Худога шукур, бировдан олдин, бировдан кейин, эл қатори яшадим. Саккизта болани боқамиз, одам қиламиз, деб аданг раҳматли билан бошимиз қора меҳнатдан чиқмади. Яхши кунниям, ёмон кунниям ҳаммасини кўрдик, берганига – шукур, бермаганига – сабр қилдик.

Хўп, бир бошдан айтадиган бўлсам, мен бир минг тўққиз юз ўттизинчи йили мана шу Паркент қишлоғида туғилганман. Ойини ким билади дейсан, бошпуртимда январь ёзганми? Билмадим, лекин онам айтарди, ёзда, қовун пишиғида туғилгансан, деб.

Отамнинг оти Аҳмадхўжа баққол, онамнинг оти Сиддиқа. Баққол деганини билмайсанми, уйда дўкон очиб, майда-чуйда сотиб ўтирадиган савдогар-да, болам.

Бобонгнинг ҳовлиси Ўчоқ маҳаллада, ҳозирги боғчанинг ўрнида эди. Отам раҳматли қулоқ қилиниб, шўрога ҳақсиз бўлганидан кейин ҳовли-жойи Ойниса мингбоши деган женсовет раисига ўтиб кетди. Бу аёлнинг бола-чақаси кейинчалик ҳовлини бўлиб-бўлиб ҳар кимларга сотиб юборди, охирида давлат олиб боғча қилди. Отам эккан ёнғоқлар ҳозир ҳам бор, ҳар кўрганимда юракларим узилиб тушади.

Ҳовлимизнинг этак томони сойга туташиб кетган, боши-адоғи йўқ катта боғ эди. Олма-ўрик дейсанми, олчау гилос, нашватию нокнинг неча хили, шафтолию узум, анжиру беҳи, жийдаю шотут дейсанми, ёнғоғу бодом – ҳамма дарахтдан бор, бошини еб мева қилиб ётарди. Бир олхўрилар бўларди, ҳосилини кўтаролмасдан кечаси қарс-қарс синиб тушарди.

Боғимизнинг ўртасида бир тегирмон сув шарқираб оқадиган кунгай саҳнда гир атрофига қалин қилиб садарайхон экилган баланд супа бор эди. Эрта кўкламдан бошлаб, ёруғ ёз, кеч кузгача умримиз шу жойда ўтарди.

Отамга улгуржи мол етказиб берадиган тошкентлик Мирумар ака деган мижози бўларди. Шу одам қачон уйимизга келса, “Аҳмадхўжа, жаннатда яшайсиз, жаннатда!” деб нукул бир гапни қайтарарди.

Отхонада яхши отимиз, молхонада иккита-учта зотли сигир бўларди, қўрадан беш-ўнта қўй,

омбордан дон-дун узилмас эди. Лекин уйимизда ҳеч қачон қарол, хизматкор бўлган эмас, ҳамма ишни ўзимиз, ота-онамиз бош, тўрт фарзанд бирга бажарар эдик.

Аслида биз ўнта бола эканмиз, ҳатто Ҳасан-Ҳусан акаларим ҳам бўлган экан. Шу ўнта фарзанддан ўлиб-ўлиб, Сажариддин тоғанг, Зўрахон холанг, Жўрахон опам, мен – кенжа қиз тирик қолган эканмиз.

Беш-олти ёшга тўлганимда шўро ҳукумати отамга ўхшаган савдогарларга катта солиқ солиб, бобонгнинг иши синди. Дўконини, бор будини сотиб тўлади, лекин барибир солиқдан қарзини узолмади.

Тирикчилик тошдан қаттиқ, куни кеча оқёғ-чарвининг ичида яйраб юрган оиламизнинг куни ўтмай қолди. Отам – ёши элликдан ошган мўйсафид, ҳар кимларнинг эшигида мардикорлик қила бошлади, ҳаммоллик, ўтинчилик ҳам қилди. Охири райондаги янги очилган исталавойга супуриқчи бўлиб ишга кирди. Мен ёрдам бергани борардим. Отам бечора қўлида бурган супурги, чангга ботиб ер супурарди, столларда қолган бурда-сурда бўлка нонларни ўғринча йиғиб, халтасига соларди. Кейин зинапояга ўтириб:

*“Ғадо қилдинг, шўро,
Адо қилдинг, шўро”, –*

деб пичирлаб йиғларди.

Шу ҳолимизни ҳам Худо кўп кўрди шекилли, бир куни пешин пайти райкомда қоровуллик қиладиган Сотим тоға деган узоқ қариндошимиз ҳаллослаб келиб қолди. Отамни четга тортиб:

“Аҳмадхўжа ака, ҳаракатингизни қилинг, тез Паркентдан чиқиб кетинг, бўлмаса, эртага бой-

нинг боласи, қулоқ деб қамаласиз, рўйхатнинг бошида турибсиз, мен тасодифан билиб қолдим”, деди.

Ота-онам бу гапни эшитиб саросимага тушди. Чунки шу кунларда кимки ўзига тўқ бўлса, мулла бўлса, намоз ўқиса, обориб қамаётган эди.

Бобонг раҳматли бирпасда қаёқдандир от-арава топиб келди, дарвозахонага опкириб, кўча эшикни ичидан тамбалади. Қўлга илинган кўч-кўрони-мизни аравага юклай бошладик.

Эл оёғи тингандан кейин хуфтон аралаш йўлга тушдик. Онам шўрлик уйдан чиқаётганимизда бошини остонага қўйиб, хўнг-хўнг йиғлади. Ўттиз йил бурун ўзи келин бўлиб тушган, ўнта фарзандини дунёга келтириб, олтитасини қаро ерга берган, яхши-ёмон кунлари ўтган бошпана – ватани билан видолашди.

Кимсасиз, пастқам кўчалардан юриб, Чумчуқ-жар, Султонравот, Янгибозор деган жойлардан ўтдик, Чирчиқ дарёсига қараб жўнадик. У пайтда ҳозирги кўприклар қаёқда дейсан, бир ерда кечув бор экан, аранг топиб келдик. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи, дарё ютаман, деб айқириб ётибди.

“Қани, онаси, болаларни маҳкам ушлаб ол. Яратган парвардигор, ўзингга таваккал, мушкул-имни осон қил”, деди отам, кейин аравани сувга қараб ҳайдади. Тоғ томондан изғирин уриб турибди, кўз очгани қўймайди. От бечора қари эди, совуқ сувдан сесканиб, дарёнинг лабида тайсаллаб туриб қолди, яғринига бир-икки аччиқ қамчи тушганидан кейин, пишқириб сувга қараб юрди.

Кечувнинг ярмига борганимизда от турган жойида тақа-тақ тўхтади. Эгарга қийшиқ миниб

олган отам жиловни ҳар қанча тортиб, қамчи билан ниқтамасин, от бошини эгиб олган, бир қадам нари-бери силжимас эди.

Бирпасда арава чап томонга ёнбошлаб, тешиктирқишларидан муздек сув сизиб кира бошлади. Онам бояқиш кийим-кечак, кўрпа-тўшаклар ҳўл бўлмасин, деб жони ҳалак, акам онамга ёрдам берарди, биз опа-сингиллар овоз чиқармасдан йиғлардик.

Шу пайт от жонивор қамчи зарбига чидолмасдан, шахт билан олдинга ташланди, арава ларзага келиб, мен бир четда омонатроқ ўтирган эканман, отилиб, сув чирпирак бўлиб оқаётган гирдобнинг ўртасига тушиб кетдим.

“Вой-дод, болам оқиб кетди! Вой-дод, Нисахон ўлди!” деб онамнинг фарёд солганини аранг эшитиб қолдим.

Отам шу заҳоти отнинг устидан ўзини сувга ташлади, жонҳолатда мен томонга қараб суза бошлади. Бу орада мен беш-ўн метр нарига оқиб кетган эдим. Бахтимга, дарёнинг ўртасида талтак¹ бор экан, шунга илиниб қолдим.

Отам бир амаллаб мени кўтариб олди, аравага яқинлашиб, изиллаб турган онамга мени узатди. Кўкариб, ҳушимдан кета бошлаган эдим, онам қалин жун чакмонга ўраб бағрига босди.

“Довдирамасдан маҳкам ўтириб олинглар, қани, чуҳ, жонивор!” – деб отам отнинг жиловидан тортиб, бўғзигача сув кечиби йўл бошлади.

Худонинг қудрати билан амал-тақал қилиб дарёнинг у бетига ўтиб олдик. Мен тишим

¹ Талтак – тошқинга қарши ўрнатиладиган ёғоч сепоя.

тишимга тегмасдан қалтирар эдим. Анча юрганимиздан кейин узоқда милтиллаган чироқ кўринди, бир гала ит вовуллаб олдимиздан чиқди. Отам қўлидаги қамчи билан дўқ-пўписа қилиб, итларни нари ҳайдади.

Саксонота деган қозоқ овули экан, шу ерда тўхтадик. Отам қоронғида қаёққадир қараб кетди, бироздан кейин овулнинг четидаги қора уйга бизни бошлаб борди. Ичкаридан уйқусираган бир кампир чиқди, уйга кирганимиздан кейин иккита арпа нон, бир ҳовуч қурут, қора қумғонда чой олиб кирди. Онам халтадан талқон олди, озгина тамадди қилиб, чой ичиб баданимизга иссиқ югурди. Уйқу элителиб энди мизғий бошлаганимизда, отам ҳаммамизни уйғотди. Тонг ёришмасдан жўнаб кетишимиз керак экан.

Чошгоҳгача йўл юриб, одамбўйи қамиш, юлғун ўсиб ётган қалин тўқайга етдик.

“Келдик”, деди отам ерга қараб.

Ҳаммамиз чурқ этмасдан юкларни тушира бошладик. Отам билан акам кетмон, болта-теша олиб, бўйрадек саҳни тозалашди, қоратолдан поя кесиб келиб, шох-шаббаларни маташтириб чайла ясади. Сал нарида бир бўтана ариқ бор экан, кўзаларда сув ташиб лой қордик, кесак-тупроқлардан ерўчоқ қурдик.

Онам кечга атала пиширди.

Бобонг билан бувинг хуфтон намозини ўқиб бўлганидан кейин бегона юртда, илон-чаёнлар, каламуш-калтакесаклар югуриб юрган тўқайзорда, Худога омонат, деб, уйқуга бош қўйдик.

Эрталаб жунжикиб уйғонсак, уст-бошимизни, гир-атрофни тўрт энли қор-қиров босибди.

Отам от-аравани эгасига топшириш учун кечувга қараб кетди. Онам кўч-кўронимизни чайлага жойлай бошлади. Биз – эгачи-сингиллар теваарак-атрофдан қуриган шох борми, бурган борми, мол тезаги борми – тўплаб, ўтин йиғишга киришдик. Акам ертўла қазигишга тушди.

Икки кун деганда ертўла битди. Ёғоч-тахта йўқ, отам билан акам сувнинг бўйидаги қуриб қолган қайрағочларни кесиб, ертўлага хода-тўсин қилиб ишлатишди. Томига қамиш билан тупроқ ёпдик, оёқ остига похол тўшаб, устидан эски кигизимизни солдик. Ишқилиб, жон сақласа бўладиган бир бошпана пайдо бўлди.

Энди ош-овқат топишнинг ҳаракатига тушдик. Кейин билсак, бу жойлар Дўрмоннинг ерлари экан, беш-ўн километр нарида Тузил деган қишлоқ бор экан, отам азмойиш олгани бориб келди. У ерда “Ўзбеквино” деган сапхўз¹ бор экан, узум етиштирадиган, Степан ака деган украин киши директор экан, отамни ишга олди. Сапхўзнинг яхши томони шуки, ойлик берарди. Онам, акам, кейинчалик бизлар ҳам сапхўзнинг токзорига чиқиб ишлайдиган бўлдик.

Ўлмаган қул, шу йил қишни ертўлада ит азобида ўтказдик. Кўкламга бориб, жойинг жаннатдан бўлгур Степан ака яхши ишлагани учун отамга сапхўздан уй берди. Томи шифер билан ёпилиб, деворлари оқланган, эшик-деразаси кўкка бўялган бу уй зах ертўламиздан кейин кўзимизга нақ

¹ Сапхўз – совхоз, совет, яъни давлат хўжалиги.

подшонинг саройи бўлиб кўринарди. Ўн сўтиқча келадиган ҳовлиси ҳам бор эди, дарров олма-ўрик кўчатларини ўтқаздик, онам уларнинг орасига жўхори, мош, тариқ, қовоқ, лавлаги, пиёз, шолғом – нимаики егулик бўладиган бўлса, ҳаммасини экди.

Ота-онам раҳматли сапхўзда передовой бўлиб, ҳамма бир норма иш бажарганида, улар икки-уч норма бажариб, тўрт-беш сўм пул топиб, рўзғоримизга сал барака кириб қолди.

Қишлоқда ярми ўзбекча, ярми қozoқча мактаб бор экан, опаларим билан шунга қатнай бошладик. Акам биз билан бир йил бирга ўқиб, саккизинчи синфни тугатиб, Тошкентга, педтехникумга ўқишга кириб кетди.

Отам раҳматли бир куни Чирчиқнинг бозоридаги ўрис кампирлардан иккита етим улоқ сотволиб, брезент сумкада кўтариб келди. Айниқса, мен суюндим, улоқчаларни меҳр кўйиб боқдим. Кейинроқ отам битта бузоқ ҳам олиб берди. Мол кўпайгани сари ташвишимиз ҳам кўпайди, бошпана, ем-хашак керак, ҳовлининг этагига молхона, пичанхона қурдик. Шу орада кўчамизнинг бошида турадиган Руфат абзий эшак-аравасини сотмоқчи эканини эшитиб қолдик, пулини олти ойда бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олдик. Ота-онам эртаю кеч ишда, акам ўқишда, уй-рўзғор ишлари билан бирга мол-ҳолга қараш, эшак-аравага миниб, даладан ўт ортиб келиш уч опа-сингилнинг бошида.

Тўқайзордаги еримизга ҳам қаров, меҳнат керак. Отам раҳматли кундузи сапхўзнинг даласида ишлаб, кечқурун бизни эшак-аравага ўтқа-

зиб, тўқайзорга жўнарди. Ойнинг ёруғида ер чопиб, умрида кетмон тегмаган тош тупроқни қум-шағалдан, қамиш-ажриқнинг илдизидан тозалардик, жўяк олардик, сув боғлаб, экин суғорардик. Биринчи йили эккан қовун-тарвузимизни қамиш, ғумай босиб кетди. Кунора чопиқ қиламиз, бегона ўтдан энди қутулдик, деганимизда яна бош кўтариб чиқаверади, биз яна ўлиб чопиқ қиламиз. Отам раҳматли ғайрати ичига сиғмаган киши эди, “Ишлагандан кейин ё иш ўлиши керак, ё одам”, деб бирпас ҳол-жонимизга қўймасди...

Ҳориб-чарчаб, тонгга яқин тилимиз тиззамизга тушиб уйга қайтсак, онам бечора ухламаган – келида жўхори туйиб ё урчукда жун йигириб ўтирган бўларди.

Акам ҳар шанба келиб бизга қарашар, якшанба куни кетаётганида халтасига озиқ-овқат солиб, қўлига беш-ўн сўм беришимиз керак эди.

Сажариддин тоғанг, ана, шу битта сурати қолган, келишган, бўйи баланд, кўзлари катта-катта, мулойим йигит эди. Онамнинг койишига қарамасдан, ҳар байрам-ҳайитда ҳаммамизга нимадир кўтариб келар, менга қалам-дафтар, кичкина китобчалар совға қилар эди. “Ҳа, Нисо, яна сувга калла ташламаяпсанми?” – деб ҳазиллашарди. Тошкентдай шаҳри азимда ўқийдиган шундоқ азамат, меҳрибон акам борлигидан хурсанд эдим.

Лекин пешонамизга сиғмаган экан – техникумни тугатиб, Наманганга, Косонсой деган жойга ўқитувчи бўлиб кетди. Бир йил ишлаб-ишламасидан уруш бошланди, ўша ердан фронтга жўнаб, қирқ иккинчи йили “бедарак йўқолди” деган

учбурчак хат келди. Арслондек оғамдан шу бир парча қоғоз қолди.

Отам ичидан куйди, лекин куйганини бир инсонга билдирмади, “Ўзи берди – ўзи олди”, деб, янаям кўпроқ ишлай бошлади.

Қийин бўлганда онам раҳматлига қийин бўлди, эс-хушидан айрилиб, девонага айланиб қолди. Юрган йўлида акамнинг отини айтиб байту ғазал ўқийдиган, уйдан чиқиб, боши оққан томонларга кетиб қоладиган, дуч келган одамдан: “Мени ўғлимни кўрмадингизми? Ўзи ўқитувчи, Номонгонда туради”, деб сўрайдиган одат чиқарди. Бир марта Чирчиқдаги темирйўл истансасидан, икки-уч марта Салар ГЭСидан топиб келдик. Оҳ, заволли онам, фарзанд доғида адо бўлган онам...

Уруш даври, очлик-етишмовчилик авжига чиқди. Мактаб ёпилиб, Зўрахон холанг олтинчи, Жўрахон опам бешинчи, мен учинчи синфда қолиб кетдик. Степан амаки ҳам урушга кетиб ўлди. Сапхўз топган-тутганини урушга жўнатиб, ишчиларга сариқ чақа ҳам беролмай қолди. Кўп одам бир бурда нон қидириб, дуч келган тарафга кўчиб кетди.

Сигир-бузоқ, эчкиларимизни, бор дон-дуни-мизни давлат фронтга деб тортиб олди. Бу орада Руфат абзийдан олган эшагимиз ҳам ўлди. Аравани судраб юриш ўзимизга қолди. Очдан ўлмаслик учун тўқайзордаги еримизни кенгайтирадиган бўлдик. Чакалак, юлғунларни, қайрағоч дарахтларни арра, болта билан қирқиб, илдизини кундаков қилдик. Аммо ер ҳайдашга от-улов йўқ. Отам шўрлик бўйинтуруқни елкасига илиб,

омочни торта бошлади, эгачиларимни қўш ҳайдашга қўйди. Лекин ер тош-метин бўлиб ётибди, омонни қаттиқ босиш керак, опаларимнинг кучи етмас эди.

Охири отам: “Энди, қизларим, эркак қилган ишни аёл ҳам қилолади, Худонинг ўзи сизларга куч-қувват берсин, жойимизни алмашамиз, қани, ё, бисмилло!” – деб бизнинг учаламизга бўйинча кийдирди. Ҳар қадамда кесак-тошларга қоқилиб, титраб-қалтираб, жонимиз борица тиришиб омонни тортамиз, арқоннинг изи елкаларимизга ботиб, жазиллаб ачиштиради. Отам бояқиш бўлса: “Ҳа, барака топ, бўш келма, Аҳмадхўжанинг қизлари! Гадо қилдинг, шўро, адо қилдинг, шўро!” – деб овозининг борица бақиради.

Уч кун шу азобда ер ҳайдадик.

“Қул – ўлмас, ризқи камимас”, деганларидек, шу ерга буғдой эккан эдик, ҳосили ёмон бўлмади. Биров билмасин, кўрмасин, деб, ярим кечалатиб, аравамизда уйга ташиб олдик.

Онамнинг аҳволи ўша-ўша. Кимнингдир маслаҳати билан отам уни Чирчиқдаги бир отинойига олиб борди. Мушаррафхон деган бу аёл ҳам алғовдалғов йилларда Тошкентдан қочиб Чирчиққа келиб қолган, асли эшонзодалардан, оқ-сарик юзли, қиррабурун, гапни чертиб-чертиб, қироат билан гапирадиган хотин эди. Эри – Аббосхон қори анча йил бурун вафот этиб кетган экан.

Бувингнинг ҳол-аҳволини кўриб, уйида олиб қолди, нима қилди, нима қўйди – бизга қоронғи, аммо орадан ўн беш кунча ўтиб, отинойи ақли-хуши ўзига келиб, рангига ранг кирган онам билан уйимизга кириб келди. Роса соғинган эдик, йиғлаб

бағрига отилдик, у ҳам қай замонлардан буён биринчи марта бизни қучоқлаб эркалатди. Отам раҳматли азбаройи суюнганидан товуқ сўйиб, қон чиқарди, пул берса, отинойи олмади. Онам сандигини кавлаб олиб берган катта шол рўмолни ҳам қайтарди. “Яхши кунларингизга буюрсин”, деб ўзининг бошига ўраб қўйди.

Отинойи ёши кичикроқ эди, онамга сингил тутинди. Биз у кишини “Отин опа” дердик, у бизларни отимизга “жон” қўшиб, “Зўражон”, “Жўражон”, “Нисожон” деб чақирарди.

Чирчикда, Бўзсувнинг шундоқ бўйида қутидеккина ҳовлиси бор эди. Арофатхон деган, “сиз”лаб чақирадиган ёлғиз қизи билан турарди. Отин опам маҳалла-кўйда яширинча отинойилик қиларди, Арофат опам химзовутда ишларди.

“Ўзбеквино”да турганимизда ҳам, кейинчалик замон тинчиб, Паркентга кўчиб борганимизда ҳам Отин опам дамба-дам совға-салом кўтариб келарди, икки-уч кун меҳмон бўлиб кетар эди. Бизга намоз-ниёзни ўргатарди, Қуръон ўқиб берар эди. Тиловати шундоқ ёқимли, ширали эдики, эшитган одам, қани энди, ҳеч тугамаса, дерди.

Баъзан эски китобларни варақлаб, Машрабдан, Ҳувайдодан шеър айтиб қоларди. Айниқса, девонаи Машрабнинг **“Намонгондин кетар бўлсам, мани йўқлар кишим борму?”** деган ғазалларини ўқиганида, акам эсимизга тушиб, ҳаммамиз йиғлардик.

Онам раҳматли саксон икки ёшда вафот этди, у кишидан кейин ҳам Отин опам билан кўп йил борди-келди қилиб юрдик. Ҳатто Жўрахон холангнинг қизи Мавлуда Чирчикда уч йил медсестра-

ликка ўқиганида, Отин опамнинг уйида туриб ўқиди. Арофат опам, химзовутда ишлаганида пушти куйиб, фарзанд кўрмайдиган бўлиб қолган экан, кейинчалик Зокиржон поччамизга турмушга чиқди, эрининг ўлган аёлидан қолган учта болани боқиб тарбия қилди, она бўлиб узатди, уйлантирди.

Онам раҳматли шунақа қилиб тузалиб кетди. Бу орада бошимизга яна бир савдо тушди. Қирқ учинчи йили бўлса керак, Беговот томонда Фарҳод ГЭС қуриладиган бўлиб, бизнинг уйимизга ҳам одам солиғи солинди. Оиламиздан кимдир бориб, икки ой шу қурилишда ишлаб бериши керак экан. Бу пайтда отам “рабочий батальон”га олиниб, Тошкентда, темирйўл истансасида вагонга юк ортарди. Зўрахон холанг ёшлигидан касалванд, нимжон бўлгани учун сельсоветдан мен билан Жўрахон опамга қоғоз келди. Опам ўн тўрт, мен ўн уч ёшда эдим.

Онам йиғлаб-сиқтади, ҳеч ким додига қулоқ солмади, қишлоғимиздан ишга ярайдиган одам борки, ҳаммасини бир палутўрка машинага босиб, опам билан мени ҳам қўшиб, ГЭСга опкетди.

Энди бу жойда кўрганларимизни айтадиган бўлсам, ўнта магнитапоннинг ҳам лентаси етмайди, болам.

Бизни обориб, хотин-халаж турадиган бир баракка жойлаштирди. Шундоқ қоқ ерда, моғорлаб кетган похолнинг устига ўрин-кўрпамизни солиб ётдик.

Биринчи куниёқ ишга опчиқиб, ҳар биримизнинг елкамизга катта фанер қутини осиб қўйди. Минг-минг одам, биров кетмонда, биров белку-

ракда канал ўзанини қазиб ётибди. Шуларнинг ол-
дига бориб елкамизни тутамиз, қутини тўлдириб,
тупроқ солиб беради. Ёғоч пиллапоялардан қал-
тираб юз-юз эллик метр юқорига кўтариламиз,
тупроқни тўкиб, ғизиллаб изимизга қайтамиз.
Бошимиз айланиб, кўзларимиз тиниб кетади. Ҳам-
ма жойга қоровул қўйиб ташлаган, бирпас имил-
ласанг, бақириб уришади, сўкади, қўлидаги таёғи
билан қарсиллатиб солиб ҳам қолади.

Каналда иш кун чиққандан бошланиб, кеча-
си ҳам тўхтамасди. Қорамоёйга шимдириб олган
катта-катта машъалаларни ёқиб қўйиб, шунинг
ёруғида ишлатарди. Оёқ-қўлларимиз, бўйинла-
римиз қавариб шишиб кетарди. Ейдиган овқати-
миз – эрталаб биттадан кулча нон билан олма чой,
пешин билан кечқурунда ёвғон шўрва берарди.

Маҳалламиздан Руқия опоқи деган аёл биз
билан бирга борган эди. Охирати обод бўлсин, шу
хотин раҳми келиб, баъзан бош-кўзимизни ювиб
қўярди. Қарайдиган одами бўлмаган кўп қизлар,
ўспиринлар касал бўлиб, битлаб, озиб-тўзиб, оч
арвоҳга ўхшаб юрарди.

Бир куни, кечқурун митинг бўлади, Усмон
Юсупов келади, деган гап чиқиб қолди. Мен узоқ-
дан кўрдим, қозоқбашара одам экан, тахта стол-
га чиқиб, машъала ёруғида “Сталин – отамиз”,
“Фашистларга ўлим”, деб роса гапирди.

Уч ойга яқин шу алфозда ишладик. Ўшанда
умуртқам шамоллаб, ҳароммағизи эзилиб кет-
ган экан, ҳозиргача гарданим ловиллаб ачишади.
Қанийди, бир меҳрибон одам бўлсаю, шу жойга
пичоқ тиқиб, тилиб-тилиб юборса, зора енгил тор-
тармидим...

Икки йилдан кейин уруш тамом бўлди. Фронтга кетганларнинг бири соғ, бири майиб-мажруҳ бўлиб, уйига қайта бошлади. Фақат менинг шўрлик оғам қайтмади, ўн тўққиз ёшида бедарак кетди. Мана, олтмиш уч йил ўтди, на тириги, на ўлигидан ном-нишон бор.

Урушдан кейин “Ўзбеквино” сапхўз яна тикланди. Жаҳон Обидова деган опа директор бўлди. Бу аёл Ўзбекистонда биринчи бўлиб паранжи ташлаган, аввал кўп катта ишларда ишлаган, оиласиям, фарзандиям йўқ, сочини калта қилиб кесдирган, этик кийиб, кўнжига қамчи тиқиб юрадиган, бурқиратиб “Беломор” чекадиган, шахдсўз бир хотин эди, ҳаммани фамилиясини айтиб чақирарди.

Шунинг даврига келиб сапхўз тагин кўтарилди, янги боғлар ташкил бўлди, винозовут қурилди, ҳар ёққа тарқаб кетган ишчилар қайтиб кела бошлади.

Ота-онамиз қариб, кучдан қолган, энди биз опа-сингиллар сапхўзда жонимизни жабборга бериб, передовой бўлиб ишлардик. Мақтов қоғозлари, мукофотлар олардик.

Шундай қилиб, иш билан юравериб, узаладиган вақтимиз келганини ҳам сезмай қолибмиз.

Олдин Зўрахон опамга ёнимиздаги Қорамурт деган қишлоқдан, акамнинг Пўлатхўжа деган ўртоғидан совчи келди. Тоғанг билан Тошкентда, техникумда бирга ўқиган, уйимизга келиб-кетиб юрарди. Урушда иш кўрсатиб, ярадор бўлган, орден-медаллар билан қайтиб келган, ёш бўлсаям сапхўзда бригадир, савлатли, сипо йигит эди, онамни “ойи” деб чақирар эди. Онам раҳматли қа-

чон Пўлат акамни кўрса, худди ўғлимни кўргандек бўлдим, деб кўзига ёш оларди.

“Ўзимизнинг хўжалардан экан, Сажариддин ўғлимизнинг ўрнига ўғил бўлар, қизимизнинг кўзини ёшлатмас”, деган умидда ота-онам розилик берди.

Сафар оyi ўтганидан кейин Зўрахон холанг Қорамуртга келин бўлиб тушди. Ҳафта-ўн кун ора-лаб, Пўлат акам билан бизни кўргани келиб турарди.

Паркентда Аҳмадхўжа бобонгнинг Замира деган синглиси бўларди. Замира аммамнинг эри Нўъмонхўжа поччамиз иморат соладиган уста эди, шуларнинг Муҳсиддин деган шўпир ўғлидан Жўрахон холангга совчи келди. Қизимиз бегона юртда қолиб кетмайдиган бўлди, деб суюниб, отам оқ фотиҳа берди.

Кичкина тўйчиқ қилиб, опамни Паркентга опкетишди.

Каттакон ҳовлида қариб-қартайган ота-онам билан ўзим қолдим. Иш кўп, опаларимнинг ўрни ҳар қадамда билинади. Сапхўзнинг ишию рўзғор ташвиши – пишириб-куйдириш, супуриб-сидириш, мол-ҳолга қараш, ем-хашак, экин-тикин – ҳаммаси бир ўзимга қолиб кетди. Меҳрибон Худойим тагин ҳам менга ўхшаганларга кечасини яратган экан, кундузи улгурмаган ишларимни тунда қиламан: сигир соғаман, кув пишаман, тоғора-тоғора кир юваман, хамир қориб нон ёпаман, қарсиллатиб ўтин ёраман. Саҳар-мардонда бир-икки соат мизғиб олиб, яна сапхўзнинг ишига кетаман.

Бир куни кечга томон тўқайзордан бир арава пичан ортиб, қора терга ботиб уйга келсам, онам

ташқарида бетоқат бўлиб турган экан, “Вой, болам, юришинг ҳам бор бўлсин, тез уст-бошингни тузатиб уйга кир, Паркентдан меҳмон келиб қолди”, деди сирли қилиб.

Аравадаги юкни тушириб, этак томондаги пичанхонага таший бошладим. Шу пайт ичкаридан оқ дакана рўмол ўраб, қора духоба камзул кийган, баланд бўйли бир аёл обдаста кўтариб чиқиб қолди, менга ҳайрон бўлиб қаради. Устимда увадаси чиқиб кетган пўпайка¹, оёғимда лойга ботган кирзавой этик, қўлимда паншаха, уст-бошимга хасхашак, чакамуғ ёпишган бир аҳволда турардим, шошиб салом бердим. Аёл саломимга билинар-билинемас алик олди-да, этак тарафга ўтиб кетди.

Кейин билсам, бу киши бўлажак қайнонам, адангнинг онаси – Ишқиниса бувинг экан. Паркентда шунақа узоқроқ қариндошимиз борлигини эшитиб юрардим, лекин ҳеч қачон учрашиб-кўришмаган эдик.

Гапнинг қисқаси, Ишқи бувинг билан адангнинг тоғаси – Абдусалом доданг маслаҳатлашиб, Дўрмонга кетиб қолган Аҳмадхўжа аканинг кенжа қизи бор, деб эшитамиз, қуда-анда бўлсак, қариндош-уруғчилик йўқолиб кетмаса, шу баҳона булар ҳам юртга қайтса, деган ниятда совчи бўлиб келишган экан.

Хулласи калом, пешонаи тақдир экан, ота-онам рози бўлиб, Ишқи бувинг Паркентдан олиб келган нон синдирилди. Йўқ, қаердан кўришаман аданг билан, у пайтда бунақа гаплар жуда қаттиқ уят саналарди, қиз бола – палахмоннинг тоши, қаёққа

¹ Пўпайка – фуфайка, пахта солиб қавилган камзул.

қараб отса, шу ёққа кетаверарди. Ота-онаси бо-
шинг тошдан бўлсин, борган жойингда тош бўлиб
қотгин, деб насихат қиларди. Ҳа, шу фақат тошни
гапирарди.

Бир ойдан кейин тўйимиз бўлди. Бобонг
билан бувинг Дўрмонда бағри узилиб, бўзлаб
қолди. Онам бечора не азобда қилган сепимни бир
аравага ортиб, Паркентга қараб йўлга тушдик.
Бир пайтлар оқиб кетганим кечувга яқинлашдик.
Юрагимга ваҳима кирди. Хайрият, дарёда сув кам
экан, эсон-омон ўтиб олдик.

Мен Паркентда Абдусалом додангнинг уйига
келин бўлиб тушдим. Адангнинг отаси эрта ўлиб
кетган, у кишини тоғаси катта қилган. Шунинг
учун доданг менга қайнота, сизларга бобо ўрнида
бўлиб қолган.

Адангнинг ўзиниям ҳовли-жойи бўлган экан-у,
ёшлигида ўгай онасига – Султонхўжа бувангнинг
иккинчи хотини Лазокат ойига ўтиб кетган экан.
Э, болам-а, буларнинг барини айтаверсам, “Минг
бир кеча” бўлади.

Султонхўжа буванг мадрасаларда ўқиган, ўзи-
га тўқ одам бўлган экан. Шўро ҳукумати Паркент-
га ҳам келганидан кейин буванг сувнинг қаёққа
оқишини дарров сезиб, партияга киради, мели-
сада, сельсоветларда ишлайди. Охирги пайтда
Кумушкондаги заготзерно... ҳа, ўша, дон қабул қи-
ладиган идорада бошлиқ бўлади.

Ишқиниса бувингга – амакисининг қизига уй-
ланиб, ундан Лутфи амманг билан аданг раҳмат-
ли, яна Самариддин, Сажариддин деган ўғиллари
дунёга келган экан. Амманг ўн ёш, аданг етти ёшга
тўлганида Султон буванг, муросаси келишмай,

Ишқи ойингни талоқ қилади-ю, Лазокат деган ёш, паранжи ташлаган каммунис қизга уйланиб олади, лекин амманг билан адангни бувингга бермайди. Бергандаям уларни боқишга бувингнинг қурби етмас экан, қўлида иккита кичкина болалари билан отасининг ҳовлисига қайтиб келади, ота-онаси ўлиб кетган, ҳали уйланмаган укаси – Абдусалом доданг билан бирга тирикчилик қила бошлайди.

Энди, болам, бу бедодликни кўргинки, эрининг уйи билан отасининг уйини бир девор ажратиб турар экан... Иккита боласи кундош қўлида хор бўлаётганига, яна бошқа дарду аламларга чидаб, бувинг бечора йигирма етти ёшида бева қолиб, қайта турмуш қилмасдан дунёдан тоқ яшаб ўтди.

Отин опам эски китоблардан ўқиб берган бир гап ҳеч эсимдан чиқмайди:

*“Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир”.*

Садағанг кетай машойихлар хўп топиб айтган-да. Бўлмаса, шундоқ қариллаб, Султон бойвачча бўлиб юрган буванг ўттиз учинчи йили тўсатдан ўн йилга қамалиб кетармиди? Ҳукумат ҳовли-жойини мусодара қилиб, бегоналарга сотиб юборади. Энди Лазокат ойи ҳам кўчада қолади, иккита боласи – Қамариддин амакинг билан Қўзихон аммангни олиб, акаларининг уйида, бир йил унисиникида, ярим йил бунисиникида сиғинди бўлиб яшай бошлайди.

Султон бувангни Кармана деган узоқ бир жойга қамоққа опкетган экан, олти ойдан кейин ичбуруғ бўлиб турмада вафот этади. Лутфи амманг билан аданг онасининг ёнига қайтиб келади. Ишқи

бувинг азоб кўравериб, қийинчилик кўравериб, боши тошдан бўлиб кетган аёл эди, очарчилик йилларида ҳам новвойчилик қилиб, отасидан қолган сигирнинг сут-қатиғини сотиб, бола-чақасини боқади. Абдусалом доданг косибга шогирд тушиб, этик-маҳси тикишни ўрганади. Олти жон бир амаллаб тирикчилигини ўтказиб юрганида Сажариддин деган амакинг ўн икки ёшида зотилжам бўлиб, Ишқи ойингнинг юрак-бағрини ўртаб, ўлиб кетади.

Урушдан бир йил олдин бувинг Лутфи амманг-ни узатади, кейин доданг-ни Диловар кеннайимга уйлантиради. Доданг фарзанд кўрмасдан туриб фронтга кетади. Қирқ биринчи йили, саккизинчи синфни битириши билан аданг-ни ҳам армияга чақиради.

Самариддин амакинг – ҳа, анави катта уйдаги расмда най чалиб турган ёш йигит шу – улардан кейин у ҳам урушга отланиб, худди тоғанг раҳматлига ўхшаб, борса-келмасга кетган экан, бедарак йўқолади.

Арслондек уч эркагини урушга жўнатиб, бувинг Диловар кеннайинг билан ҳайҳотдек ҳовлида қолади. Бу орада Лутфи аммангнинг эри ўлиб, уям онасининг олдига қайтиб келади. Бечора учта хотин ҳам колхозда ишлаб, ҳам новвойчилик қилиб, дўппи-жияк тикиб, кун ўтказади.

Доданг Владивосток деган шаҳарда етти йил, аданг Эронда олти ярим йил хизмат қилиб, Худонинг марҳамати билан соғ-саломат қайтиб келишади.

Мен келин бўлиб тушганимда Паркентда тирикчилик жуда оғир эди, калхўз одамларни йил-ўн икки ой ишлатиб, ҳақ бермасди. Қишлоқда қила-

диган бошқа ишнинг ўзи йўқ. Доданг ямоқчилик қилиб топадиган уч-тўрт танга билан қора қозон қайнамайди. Бу пайтда додангнинг катта ўғли Абдушукур атак-чечак юрадиган бўлиб қолган эди. Етти жон икки уй, бир айвон, лойшувоқ харобада оч-наҳор яшардик.

Ҳеч иложи қолмаганидан кейин, кўкламга чиқиб, биз бўлак бўлдик. Шу кўчада турадиган Мукамбар амма деган қариндошимизнинг оғили бўш экан, раҳми келиб шу жойни берди. Супуриб-сидириб кўчиб ўтдик. Бу ўлгур молхонага шиптир ҳиди ўтириб қолган экан, ҳар қанча тозалаб, исириқ тутатсак ҳам, райҳону қалампирмунчоқни сувга солиб сепсак ҳам, қўланса ҳид димоғимиздан кетмасди.

Ойниса мингбошининг авлоди отамдан тортиб олган жаннатдек ҳовли-жойларда даври даврон суриб юрарди, кўриб, хўрлигимдан йиғлаб-йиғлаб олардим.

Бир куни қаттиқ ёмғир қуйди, кулбамизнинг тоmidан сув дарё бўлиб ўтиб кетди. Лутфи опам билан чакка ўтиб ётган жойларга челагу тоғорачаларни қўйиб турган эдик, отам билан онам келиб қолишди, уст-бошлари шалаббо. Онам бечора ҳоли-аҳволимизга ҳангу манг бўлиб қолди.

Қайнонам қудаларни Абдусалом додангнинг уйига бошлади, орқасидан мен ҳам амманг билан чиқиб бордим. Бир пиёла чой ичиб, ундан-бундан гаплашгандан кейин Аҳмадхўжа буванг:

“Мулла Абдусалом, Мадриддинхўжа, энди бунақа қилиб ўтирган билан иш битмайди, – деб гап бошлади. – Агар хўп десанглар, куёвим билан қизимни Дўрмонга, сапхўзга опкетсам. Ҳар ҳол-

да, у ерда иш бор, ойлик беради. Тайёр уй, бағримизда бўласизлар. Майли, қудамиз билан Лутфинисаям бориб тураверишсин, жойимиз бемалол”, деди.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Ҳеч кимдан садо чиқмаганини кўриб, отам раҳматли яна: “Хўп десанглар, мен бориб, болаларимни ишга олсангиз, деб Жаҳон опа билан гаплашаман, – деди. – Хижолат бўлманглар, жаноби пайғамбаримиз ҳам вақтида Хадича онамизнинг уйларида ичкучёв бўлиб турганлар. Банданинг боши – Оллоҳнинг тоши, дейдилар. Насиб қилса, вақти-соати билан яна Паркентга қайтиб келарсизлар, уй-жой қилиб, туп қўйиб, палак ёзарсизлар”.

Анча гап-сўзлардан кейин олдин аданг билан мен Дўрмонга бориб турадиган бўлдик. Ишқи ойинг билан Лутфи амманг ҳозирча Абдусалом додангнинг уйида қоладиган бўлди.

Ота-онамнинг бағрига қайтаётганимдан ўзимда йўқ хурсанд эдим. Фақат аданг онасини ташлаб, хотинининг орқасидан эргашиб кетаётганига нам тортар эди. Нима қилсин бечора, саккизни битириб-битирмасидан армияга опкетган бўлса, на илм, на хунар ўргатган бўлса...

Шунақа қилиб, қирқ саккизинчи йили март ойида аданг билан “Ўзбеквино”га кўчиб келдик, сапхўзга ишга кирдик. Бошида ота-онам билан турдик, кейинроқ Жаҳон опа, “Аҳмедова ўзимнинг передовой қизим”, деб бўш турган икки хонали уйни бизга берди.

Суюниб, дарров Ишқи бувинг билан Лутфи аммангни Паркентдан кўчириб келдик. Амманг ҳам сапхўзда ишлай бошлади.

Қирқ тўққизинчи йили Гулжаҳон опанг туғилди. Чилласи чиққанидан кейин болани қайнонамга қолдириб, ишга чиқиб кетдим. Бўлмаса, мени бўшатиб, ўрнимга бошқа одамни оларди.

Эллик биринчи йили Садриддин аканг, эллик учинчи йили Гулбаҳор опангни туғдим, шунда ҳам ишдан қолмадим. Болаларнинг оғзи оққа тегиб турсин, деб бир галланский сигир олдик, ўзиям бир челак сут берарди жонивор. Товуқ, курка, ғоз ҳам боқдик, ишқилиб, олти жоннинг ризқи-насибасини топиб юрдик.

Бу орада Жўрахон опам билан Муҳсиддин поччам ҳам Паркентда куни ўтмай қолганидан, бизни қора тортиб, Дўрмонга кўчиб келди. Ота-онамнинг ҳовлисида, чол-кампирга тиргак бўлиб яшай бошлади. Холанг ҳам сапхўзга ишга кирди, Муҳсиддин акамга гараждан механиклик иши топилди.

Баъзан уч опа-сингил хўжайинларимиз, болаларимиз билан ота уйимизга йиғилардик, Сиддиқа бувинг бизларни ўчоқбошига йўлатмасдан, ўзи ош дамларди. Набираларининг бир ҳовли бўлиб чопиб юрганини кўриб, Аҳмад буванг терисига сиғмасдан хурсанд бўлиб кетарди. Ҳамма куёвларини “сиз”лаб чақирарди, “Худога минг шукур, бир ўғлимни олиб, ўрнига уч ўғил берди”, деб кўзига ёш оларди.

Эллик учинчи йилнинг кўкламида Сталин ўлиб, Маленкоп деган пошшо чиқди. Бобонгга ўхшаб ноҳақ қамалган, қувғин қилинган одамлар секин-секин оқлана бошлади.

Отам раҳматли бир куни ҳаммамизни тўплаб: “Болаларим, биз энди қариб, ўлим шериги бўлиб

қолдик. Хоки туробимиз мусофир юртларда қолиб кетмасин. Маслаҳат билан, ҳовлимизни сотсак, Паркентдан бир жой олиб, ойингиз билан кетсак. Сизлар ҳозирча бу ерда қолиб ишлаб туринглар, насиб қилган куни сизлар ҳам қайтарсизлар”, деди.

Ҳаммамиз ўйланиб, хомуш бўлиб қолдик, чунки ота-онасиз бу жойлар биз учун Дўрмон эмас, ўрмон эди-да.

Бобонгнинг гапи билан ҳовлимиз савдога қўйилди, аммо ҳадеганда сотилмади. Ўзи, уй сотаман, десанг, доим арзон сўрайди, оламан десанг – тескариси, қиммат сўрайди. Хуллас, у кишининг кўзи очиқ пайтида уй-жойни сотишнинг иложи бўлмади.

Бобонг раҳматли эллик олтинчи йили, касал-оғриқ бўлмасдан, ҳеч кимга оғирлигини солмасдан, бандаликни бажо келтирди.

Тақдир экан, отамнинг азасига боролмадим: ўн тўққизинчи январь куни эрталаб сапхўздаги ўша икки хонали кулбамизда сен туғилдинг. Доя хотин – қўшнимиз Саври янга йўргакка ўраётганида хабар келди.

Сен отамнинг ўрнига дунёга келгансан, болам, сен мен учун отамсан...

Қаҳратон қиш, туф десанг, тупугинг тош бўлиб қотади. Сени бағримга босиб, заволли отамни эслаб, фақат йиғлайман. Йиғлайвериб, шишиблар кетибман.

Охири Ишқи ойинг жаҳли чиқиб:

“Бўлди қил, сутинг қочиб кетади, ўлим ҳақ, нима, Худо билан уришмоқчимисан?” деб қаттиқ койиб берди.

Кўзимнинг ёши қуриди-ю, дилимнинг ёши қуримади. Турсам ҳам, юрсам ҳам, Отин опам ўқиб берадиган:

*“Отоси ўлмаган ким бор,
Оноси ўлмаган ким бор?
Бу мусофир шаҳринда
Чин етим бўлмаган ким бор?”* –
деган байтларни такрорлар эдим.

Отам раҳматли ниятига етолмади, Паркентнинг тупроғидан икки газ ер насиб қилмади. Маҳалла-кўй, оқсоқоллар маслаҳатлашиб, Пўлат акам бош бўлиб Арғиндаги қабристонга дафн қилишди.

Бобонгдан кейин онам Дўрмонда туrolмади. Ҳовлини сотиб, топган-тутганини қўшиб, Паркентдан бир жой олди. Жўрахон холанг, Мухсиддин поччанг билан бирга кўчиб кетди.

Хувиллаб қолган “Ўзбеквино”да бизнинг ҳам тургимиз келмасди, лекин бошимизда ватанимиз йўқ, Паркентга қайтиб боролмас эдик.

Бу орада Абдусалом доданг Янгийўлда “Малочний” деган калхўзда гектарчилик¹ қилаётган экан, адангни ёнига чақирди. Мен бормайлик, десам, даромади яхши экан, биргалашиб ишласак, ёмон бўлмас, деб туриб олди. Сапхўздан бўшаб, кўч-кўронимизни ортиб, Янгийўлга жўнадик. Яна ертўла қазиб, чайла қуриб, полизнинг бошига кўчиб чиқдик, қовун-тарвуз, помидор-бодринг экдик.

Деҳқончиликнинг нони қаттиқ, гоҳ эккан уруғинг униб чиқмайди, гоҳ ёмғир, дўл уриб кетади, иссиқ ё касалга чалинади. Кузга бориб амаллаб

¹ Гектарчи – колхоздан шартнома асосида ижарага ер олиб деҳқончилик қиладиган киши.

етиштирган ҳосилингни калхўз ғирромлик қилиб опқўяди, бир-икки машина қовунми, тарвузми орттирсанг, бозорда сотгани қўймайди, “испикулён” деб обориб қамайди.

Абдусалом доданг билан бирга Ислоҳот ака, Нажим қори, Маҳмуд олакўз, Масҳариддин ака деган беш-олтита ҳамқишлоқлар ҳам Паркентдан бола-чақаси билан келиб, шу “Малочний” калхўзда гектарчилик қиларди.

Бизнинг еримиз Масҳариддин аканинг ери билан ёнма-ён эди, унинг Завқиддин деган бир укаси бор экан, бошдан менга ёқмади. Жуда сурбет эди, ҳаммага зўрлик қиларди, сувни фақат ўзининг экинига боғлаб оларди.

Аданг раҳматли ёшлигидан етим ўсмаганми, кўнгли бўш, ювош одам эди, бировдан ҳақини талаб қилолмасди.

Ёзнинг авжи чилласида навбатимиз келган бўлсаям, Завқи ноинсоф уч кун биз томонга бир томчи сув ўтказмади. Не азобда кўкартирган экинларимиз қовжираб қолди. Охири бўлмагандан кейин аданг менинг қистовим билан бориб, икки-уч марта Масҳариддин ака билан гаплашиб келди. У киши, сув икки кун Мадриддин акангнинг навбати, буларга тегма, деб укасига тайинлабди. Намозшом пайти сув бинойидек оқиб турди, жўякларга тараб қўйиб, чайламизга қайтиб келдик. Чойпой ичиб, хуфтон аралаш, фонусимизни кўтариб сувдан хабар олгани бордик. Бориб не кўз билан кўрайлики, Завқи муттаҳам ариқдаги сувни яна ўзининг экинига қамаб турибди-да!

Аданг бечора: “Ҳой, Завқиддин укам, нима қилганинг бу?” – деганини билади, бирдан ариқдан

отилиб чиқиб, адангнинг ёқасидан олса бўлади-ми? Ерга чалқанча йиқитиб, ҳе йўқ-бе йўқ сўкиб, дўппослаб ура кетди.

“Вой, қўйвор, ноинсоф, нега урасан?!” – деб дод соламан, қани энди қулоғига гап кирса.

Бирдан бошим зинғиллаб, кўзимга қон тўлиб кетди. Қаёқдан куч келди, билмайман, бу қутурган тўнғизни ердан даст кўтариб, ариққа отиб юбордим. Жон ширин, ҳа, қўрқмас экан, кучукваччага ўхшаб вангиллаб аранг ўрнидан турди, бўкириб менга қараб бостириб келаётган эди, бош-кўзи аралаш қарсиллатиб урдим, уравердим. Аданг орқамдан келиб қўлимни маҳкам ушлаб олмаганида, билмадим, Завқининг ҳоли нима бўларди...

Башарасини кафти билан бекитиб, орқа-ўнги-га қарамасдан, чўлоқланиб қочиб қолди.

“Ўлдик энди, ҳозир қариндош-уруғини бошлаб келади”, деди аданг чўчиб. Индамадим, рўмолим ерга тушиб, тупроққа беланиб ётарди, олиб зўрға бошимга ўрадим. Аъзойи баданим зир титрарди.

Ярим кечагача ҳеч кимнинг қора-қураси кўринмади. Эртасига эшитсак, Завқи тонг қоронғисида Паркентга жўнаб кетибди, хотин кишидан калтак ебди, деган иснодга чидаш қийин, қайтиб бу ерларга қадамини қўймади.

Бу жанжални биров билиб, биров билмади, биз ҳам дўмбира қилиб ўтирмадик.

Кузга бориб, ҳосилни йиғиб олганимиздан кейин Абдусалом доданг бола-чақаси билан Паркентга кўчиб кетди. Биз тўртта бола, эр-хотин, қайнонам, қайнэгачим “Малочний”да Алиқамбар ака деган таги фарғоналик бир одамнинг ташқи ҳовлисида ижара яшаб қишни ўтказдик.

Кўкламга чиқиб, яна гектарчиликка кетдик. Ўтган йили қовун-тарвуздан даромад бўлмаган эди, Алиқамбар ака бир танишидан тоза уруғ топиб берди, ўттиз сўтиққа сабзи билан картошка, қирқ сўтиқ ерга пиёз экдик.

Пиёз нега аччиқ, биласанми, болам? Чунки дунёда пиёздек меҳнати оғир, меҳнати аччиқ экин йўқ. Деҳқон бечора пиёзни сув билан эмас, кўз ёши билан суғоради. Ердан ниш уриб чиққанидан бошлаб кунора ўташ керак. Ҳар икки-уч кунда суғориш керак, сувдан кейин бирпасда ўт босиб кетади, чўккалаб ўтириб яна ўтоқ қилиш керак. Офтобнинг тиғида кун бўйи бошингни кўтармасдан минг-минглаб бегона ўтни битталаб юлиб олишинг керак.

Шу азобларни сен ҳам кўргансан, яхши биласан, Худога шукурки, сенинг болаларинг билмайди.

Меҳрибон Эгам, бахтимизга, ҳосил яхши бўлди, калхўзга планини топшириб, ортган икки машина пиёзни Тошкентга Мерават¹ бозорига обориб сотдик. Картошка-сабзидан ҳам озгина даромад қилдик.

Кўлимизда уч-тўрт танга пулимиз бор эди, Ишқи ойинг, аданг ўтириб маслаҳатлашдик: Паркентдан жой олиб қайтиб кетсакмикан? Лекин у ёқда ҳамманинг тирикчилиги абгор, ҳар тарафларда тентираб юрганини эшитардик.

Ўйлаб-ўйлаб, энди бахтимизни Тошкентда синаб кўрмоқчи бўлдик. Машойихлар, яшасанг ё кўҳи баландда, ё шаҳри азимда яша, деб бежиз айтмаганлар. Паркентимиз кўҳи азим эди, у ерда

¹ Мерават – Миробод (шева).

яшаб кўрдик, қани энди, ё Раззоқ, шаҳри азимни ҳам бир кўрайлик-чи.

Шу Мерават бозорининг атрофида “Заводскўй” деган кўча бор экан, аданг шу ердан кичкина бир уйнинг дарагини топиб келди. Бориб кўрдик, жугутларнинг ҳовлиси экан, бўйрадек саҳни, иккита каталакдек эски уйи, ўртада даҳлизи бор, девор-деразалари оқланиб-кўкланган. Кўнглимиз тўлмади. Яна кўп уйларни кўрдик, бири маъқул бўлса, пули маъқул бўлмади, бирининг пули маъқул бўлса, ўзи тўғри келмади. Хуллас, тақдир-насиба экан, айланиб-айланиб, ўша жугутларнинг ҳовлисини оладиган бўлдик.

Бир минг тўққиз юз олтишинчи йили ноябрь ойида шу жойга кўчиб кирдик. Худога шукур, ниҳоят, бизнинг шўр пешонамизга ҳам бошпана – ватан битди, каталакдек бўлсаям ўзимизнинг уйимизга – ўлан тўшагимизга эга бўлдик. Опа-акаларинг Мерават бозорининг яқинидаги темирйўл мактабига қатнай бошлади, аданг уйимизнинг ёнида тахта чиқарадиган зовут бор экан, шунга ишга кирди.

Бу орада Лутфи опамнинг бахти очилиб, Паркентдаги Ғулом ака деган, хотини ўлган бир кишига турмушга чиқиб кетди. Амманг бечора умрининг охиригача бефарзанд бўлди, эрининг тўртта етим боласини, кейин невараларини боқиб катта қилди.

Шаҳарда яшашни ҳам чидаганга чиқарган экан. Кенг дала жойларда эмин-эркин яшаб юрган эканмиз, бу ерда жуда қийналиб қолдик. Илгари фақат гўшт билан оқёғни бозордан сотволардик, қолган ҳамма нарса ўзимизнинг томорқадан, боғ-далалардан чиқарди, энди сувни ҳам сотвола-

диган бўлдик. Бор топган-тутганимизни ҳовлига тўлаганмиз, ҳатто кўчадан озгина қарзимиз ҳам бор эди. Битта рабочийнинг ойлиги етти жоннинг қай бирига етсин?

Бир куни ишхонада адангнинг ошқозон яраси очилиб кетиб, касалхонага опкетиб қолди, бир ойдан кўпроқ Тахтапулдаги инфекционий банисада қон кетиб ётди. Сизларнинг бахтингизга Худо қайтариб берди. Касалхонадан чиққанидан кейин ҳам икки-уч ой ишга ярамасдан ётиб қолди.

Аҳволимиз танг бўлиб, бир куни нонга ҳам пулимиз қолмади. У ёқ-бу ёқни титкилаб қарасам, битта халтада босволди қовуннинг уруғи бор экан, шуни қозонга солиб қовурдим, тоғорачага солиб, иккита истакон топиб, аканг билан бирга зовутнинг олдига чиқиб ўтирдим. Уч соат ўтирдик, қани, бир одам сўраса. Охири, жойимизни ўзгартириб, кинопракатнинг идораси олдига бориб турдик, “Семичка, кому жаренный семичка!” – деб бақириб одам чақирдик. Ўтган-кетганлар умрида бунақанги “семичка”ни кўрмагани учун ҳайрон бўлади, баъзилари устимиздан кулади. Ўн ёшлардаги битта қиз беш тийин бериб бир истакон олди, хурсанд бўлиб, яхшилаб қоғозга ўраб бердим, нарироқда, искамейкада онаси ўтирган экан, кўтариб борган эди, уришди, шекилли, бирпасдан кейин “Ёқмади”, деб қайтариб берди.

Хуллас, пешингача кинопракатнинг эшиги олдида сарғайиб ўтирдик. Аканг бечора ҳам офтобда шафтоли қоқи бўлиб кетди. Ҳаммаси бўлиб ўн беш тийинга савдо қилган эдик, битта буханка олиш учун яна бир тийин етмасди.

Шу пайт, ё Оллоҳ, қудратингдан, не кўз билан кўрайки, рўпарадаги кўприкнинг ўртасидан Абдусалом доданг, елкасида катта брезент сумка, иккала қўлида бидон идиш, тўғри биз томонга қараб келяпти. Аканг: “Ана, додам, додам келяптилар!” – деб югуриб бориб, бўйнига осилиб олди. У киши ҳам қўлидаги нарсаларини ерга қўйиб, “Додагинанг айлансин!” – деб акангни қучоқлаб олди, менинг аҳволимни кўриб ҳайрон бўлиб қолди.

Кўзимнинг ёшини артиб, елкасини тутиб сўрашдим. Биргалашиб уйга келдик. Доданг сумкасини тўлдириб гўшт-ёғ, Паркентнинг бўрсилдоқ нони, оқ олма, қантак ўрик, бидон идишларда сутқатик, сузма олиб келган экан, уйимизда худди ҳайит байрам бўлиб кетди.

Ярим кечагача ухламасдан гаплашиб ўтирдик. Доданг аҳволимизга ачиниб, ҳовлимизни сотиб, Паркентга кўчиб кетишни маслаҳат берди. Аммо қийналсак ҳам, Тошкентга энди-энди ўргана бошлаган эдик, кетолмасдик. Менга қолса, болаларим шаҳардаги яхши мактабларда ўқиб, институтларни битириб, одам бўлса...

Доданг Чорсу бозорида иши бор экан, эртаси адангга уч-тўрт сўм пул бериб, нонушта ҳам қилмасдан барвақт туриб кетди.

Аданг аста-секин тузалиб, ишга чиқди. Лекин барибир топгани рўзғорга учма-уч ҳам етмасди.

Охири, ўйлаб-ўйлаб, ҳовлининг четига тандир қурдик, қайнонам билан нон ёпиб сотадиган бўлдик. Эрталаб азонда бир марта ёпаман – Гулжаҳон опанг билан аканг зовутнинг олдига чиқиб бирпасда сотиб келади. Пешинга иккинчи тандирни

узаман – Гулбаҳор опанг билан сен сотиб келасан. Сен у вақтда беш-олти ёшда эдинг, оғирлик қилмасин, деб тоғорага ўнта-ўнта нон солиб берардим. Мелиса ўлгурлар, ёш бола савдо қилиши мумкин эмас, деб шунга ҳам қўймасди.

Ўшанда Зафариддин уканг қорнимда етти-саккиз ойлик эди. Тинимсиз тандирнинг оловига кириб-чиқавериб, ҳолдан тойиб қолдим.

Бир куни тандирнинг тепасида бошим айланиб, қўлимда рапида билан гуп этиб йиқилибман. Гулжаҳон опанг ёнимда эди, кўрқиб кетиб, дарров қўшнимиз Ойжон опага чиқибди, у “тез ёрдам” чақирибди. Бирпасда дўхтир келиб, Чилонзордаги раддомга опкетди.

Умримда касал-пасал бўлмаганман, лекин Зоя Петровна деган дўхтир текшириб, бир дунё касал топди, роса уришди. Энг ёмони, қоним жуда камайиб кетган экан, бу аҳволда туғиш мутлақо мумкин эмас, деди. Лекин ой-куним яқинлашиб қолган эди, дори-дармон қилган бўлишди, шу алфозда бир ҳафтадан кейин уканг туғилди. Шу олтинчи фарзандим чайлада эмас, ертўлада эмас, бировларнинг ижара уйида эмас, одам боласига мос шароитда дунёга келди.

Э, нимасини айтай, болам, Гулжаҳон опангга кечаси кир ювиб ўтирганимда тўлғоқ тутиб қолган, акангни далада беда боғлаб юриб туққанман. Нега ҳайрон бўласан, у пайтда фақат мен эмас, ҳамма хотинларнинг пешонасига ёзгани шу эди.

Зафариддин туғилган йили Гагарин осмонга учган эди, Зоя Петровна уни яхши кўриб, “Гагарин” деб эркалатарди.

Боламнинг ҳолати яхши эди-ю, менинг аҳволим кундан-кунга ёмонлашиб борарди. Кўкрагимга сут келмай қўйди, дўхтирлар шиша бутилкага сут солиб укангни боқди. Менга икки марта бир литрдан қон қўйди, сал тузалгандек бўлдим, лекин бошимни ёстикдан кўтаришга мажолим етмас эди.

Раддомда узоқ ушламас экан, саккиз кундан кейин уйга жавоб берди. Туриб юролмас эдим, замбилга солиб мени Дўмбирободдаги касалхонага жўнатди, укангни Ишқи ойинг уйга опкетди.

Шунақа қилиб, боламини тўйиб бағримга босолмадим ҳам. Касалхонада уч ой ётдим, бери қараш ўрнига тобора орқага кетяпман. Нафасим қисадиган бўлиб қолди, юрагим тўрга тушган қушга ўхшаб тинимсиз типирчилайди, дўхтирлар кўриб, “порок сердса” деди. Билмадим, дори-пори ёқмадими, бутун аъзойи баданимга яра-чақа тошиб кетди. Уйқум йўқолди, кечалари ваҳимага тушиб, ўрнимдан сапчиб туриб кетардим. Э, Художон, деб йиғлайман нуқул, ўлиб-нетиб қолсам, олтита боламнинг ҳоли не кечади?

Паркентдан онам, опаларим кунора хабар олиб туришади, яхши гаплар айтиб, кўнглимни кўтармоқчи бўлишади, лекин юз-кўзларидаги саросимани кўриб, аҳволимни худди ойнада кўргандек бўлардим.

Отин опам бечора икки-уч марта Чирчиқдан келиб, Саидахон деган яхши дўхтир жувон бор эди, шундан рухсат сўраб, Қуръон ўқиб дам солди. Сал энгил тортгандек бўлдим.

Бир куни кечаси оғриққа чидолмасдан, кўзимнинг ёши яна дарё бўлиб ётган эдим, Саидахон

навбатчи экан, олдимга кириб келди. Иссиғимни ўлчади, бир пиёла чой ичирди, юзимни, пешонамни силади. Жуда меҳрибон, ширинсўз, фариштали аёл эди ўзиям.

“Опа, – деди қўлларимни силаб ўтириб, – мен анкетангизни яна кўриб чиқдим. Назаримда, сизга Тошкентнинг ҳавоси тўғри келмабди, биласизми, уйингизнинг ёнида карбарон заводи бор-а, турган-битгани заҳар чиқаради. Маслаҳатим, ҳаво алмаштиринг, асли паркентлик экансиз, қишлоғингизга кўчиб кетинг. Мен икки-уч марта касал кўргани борганман у жойларга, опа, жаннатнинг ўзи-ку Паркент. Мени айтди, дейсиз, тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олсангиз, кўрмагандек бўлиб кетасиз, ёш экансиз ҳали...”

Саидахоннинг шу гапи юрагимга тоғдек далда бўлди, эрталаб аданг келганида: “Мени Паркентга, онамнинг олдига обориб қўйсангиз, пешонамда бўлса, тузалиб кетарман, ажалим етган бўлса, ўшатда ўларман”, дедим.

Аданг раҳматли эртасига бир “Волга” таксини кира қилиб, касалхонадан опчиқиб кетди. Бу ерга қандоқ келган бўлсам, яна шундоқ – замбилга солиб машинага ортишди.

Гулжаҳон опанг билан аканг орқамдан йиғлаб қолди.

Сиддиқа ойингнинг уйида бир ҳафта ётдим, кейин тағинаҳволим оғирлашди. Бир қултум сувни ҳам аранг ютадиган бўлиб қолдим. Паркентнинг касалхонасига обориб ётқизишди.

Қийин-қийин, аданг бечорага қийин бўлди. Ишдан чиқиб, кунора буёққа қатнайди, кечаси билан олдимда ўтириб чиқади. У пайтда автобуслар

кам, йўловчи машиналарга осилиб, азонда зовутга ишга кетади.

Бир куни – Жўрахон опам тепамда ўтирарди – ташқарига чиққанидан фойдаланиб, тумбочкада турган халтачасини очиб кўрсам, қайчи, нина-ип, пахта, дока-пока билан бирга кичкина ойна ҳам бор экан. Ойнага қараб, ўзимнинг аҳволимдан ўзим кўрқиб кетдим.

Эртасига аданг келди, бир соатча ўтириб, кетишга отланганида: “Адаси, мен сиздан мингдан-минг розиман, сиз ҳам мендан рози бўлинг, – дедим. – Худо хайрингизни берсин, мендан кейин болаларимни детдомга топширманг. Онам қариб қолган, қарашга кучи етмайди, қийналсангиз, опаларимга беринг”, дедим.

Аданг йиғлаб юбормаслик учун атай жаҳл қилиб: “Аҳмоқ, эсипаст, ниятингни яхши қил!” – деб уришиб берди.

Шундан кейин икки кечаю кундуз дараги бўлмай кетди. Учинчи куни пешин пайти Лутфи амманг шошиб келиб қолди. Билсам, адангнинг ошқозони оғриб, яна касалхонага тушибди. Дард устига чипқон, дегандек, Зафариддин ҳам қаттиқ шамоллаб, Ишқи ойинг вагзални ёнидаги детский банисада олиб ётганмиш. Болалардан хавотир олманг, деди амманг, қўни-қўшнилар қараб турганмиш, зовутдан ҳам келиб хабар опкетишаётган эмиш.

Эртасига Пўлат акам Тошкентга бир иш билан борган экан, қайтишида Гулжаҳон опангни олдимга опкелди. Опанг бола-да, соддалик қилиб айтиб қўйди: Ишқи ойинг банисада кир юваман, деб овора бўлганида, санитарка қиз Зафариддинни

чўмилтираман, деб, маргансўпкали¹ сув тўла ваннага солган экан, болам бечора куйиб қопти.

Бу гапни эшитиб, додлаб юбордим, дунё кўзимга қоронғи бўлди, йиғлашга ҳам мажолим қолмаган эди, шипга термулиб, ич-ичимдан нола қилдим: Художон, шу болаларимнинг ҳаққи-хурмати, мени ҳозир ўлдирма, шу норасталарнинг ҳаққи-хурмати ўзинг шифо бер.

Худо оҳимни эшитди.

Шу кундан бошлаб аста-секин тузалишга ўтдим. Энди йўлга кирган гўдакка ўхшаб, амаллаб юришни бошладим. Ҳисоракда Сулув опа деган табиб хотин бор экан, шу келиб кўрди, ҳар кунни наҳорга қора буғдойнинг нони билан қимиз ичишни буюрди.

Яратган эгамнинг қудрати билан дарду касалим ариб, бир йилу икки ой деганда Тошкентга – уйимга қайтдим, Зафариддин укангни ҳам биринчи марта қўлимга олдим, ётсираб йиғлади. Касалхонада қаттиқ куйдириб қўйган экан, кўкрагида худди ёмон касалнинг изига ўхшаб, оқ-оқ доғлар битмасдан қолиб кетибди, кўрган одам нима деб ўйлайди, деб баттар сиқилдим.

Бу орада бир қизиқ воқеа бўлди: касалхонадан чиққанимдан кейин ясанган-тусанган бир аёл уйимизга қидириб келди, кўзининг ёшини оқизиб, Ишқи ойингга ҳасрат қилди. Пешонасида биттаю битта қизи бор экан, ўн йилдан бери бэфарзанд эмиш. Бизнинг дарагимизни кимдандир эшитиб кепти. “Қийналган оила экансизлар, шу болани Худо йўлига бизларга берсангиз, ота-она-

¹ Маргансўпка – марганцовка.

сидан зиёда қилиб боқардик, қанча пул десангиз – берамиз”, деди.

Бувинг раҳматли бу гапни эшитиб, алангаи оташ бўлиб кетди. “Ким сизни бу ерга юборди? Қайси уйинг куйгур имонсиз, Ишқиниса боласини сотади, деб айтди сизга? Кафанлигимни сотиб бўлсаям ўзим боқаман, билдингизми? Бештасига ризқ берган Эгам олтинчисига ҳам беради. Қани, тур ўрнингдан, кучала еган жойингда тириш!” – деб ҳалиги бечорани олдига солиб қувди.

Шу-шу, Ишқи ойинг Зафариддинни ўзининг ўғли қилиб олди.

“Бўлди, бир марта банисада санитаркага ишониб, адабимни еганман!” деб, ҳеч кимга, ҳатто менгаям ишонмасди. Болани бир қадам ёнидан силжитмайди, кечаси ўзи билан олиб ётади, тўймаъракага борадиган бўлса, бирга опкетди. Баъзи қариндошларимиз ғаш келиб: “Оббо, мунча энди, нима, шу тирмизак сизга мәрмартош қўярмиди?” деб кесатадиган бўлди, бир-иккитаси ҳатто укангга “мәрмартош” – деб лақаб қўйди, лекин Ишқи бувинг Зафариддинни умрининг охиригача бировга бермади.

Энди нон ёпиш ё бошқа оғир ишга ярамас эдим. Аданг кундузи зовутда ишлаб, кечаси кинопракатнинг идорасида кочегарлик қила бошлади.

Бу вақтда Қамариддин амакинг САГУни битирган, уйимизга келиб-кетиб юрарди, қанақадир вистапкада¹ ишларди, шу ердан менга қоровуллик ишини гаплашиб берди.

¹ Вистапка – выставка, санъат асарлари кўргазмаси.

Ишим милтиқ тақиб бирон жойни қўриқлаш эмас, ўрисчасига “исматритель” дер экан, ҳар хил расмлар, ҳайкаллар қўйилган катта залда томошага келадиган одамларга қараб туриш эди. Ойлиги кам, лекин тинч иш эди.

Гоҳ-гоҳ сизларни ҳаммангларни опкелиб вистапкани томоша қилдираддим, газсув, марожнийлар обераддим, хурсанд бўлиб кетардинглар. Вистапканинг ичида кино кўрсатадиган кичкина хонаси ҳам бор эди, “Тоҳир-Зухра”, “Ялангтўш” киноларини шу ерда биргалашиб кўрганмиз.

Мен билан бирга ишлайдиган Алфия опа деган нўғай кампир бор эди, шундан тўқишни ўргандим. Гулжаҳон опангга ҳам ўргатдим, ҳаммангларга жун пайпоқ, қўлқоп, шапкаю нимчалар тўқиб бердим.

Шу орада яна бир иш бўлиб, Паркентга кўчамиз, деган фикримиз тезлашиб кетди.

Бир куни маҳалланинг аёллари йиғилиб, сумалак қиладиган бўлди. Кўчанинг бошида турадиган Умарвой аканинг ҳовлисига ўчоқ қурилди. Бувинг ҳамма қатори нон, қанд-курс, ун, ёғ кўтариб сумалак бўладиган жойга чиқди, Зафариддинни ўн марта тайинлаб, аранг менга қолдирди.

Кечаси билан қўшни аёлларга қўшилиб, ўт ёқиб, қозон кавлаб ухламасдан чиқади. Эрталаб сумалак пишганидан кейин маҳалланинг дастурхончиси – корчалон бир хотин ҳамманинг идишига сумалак сузиб тарқатишни бошлайди. Навбат бувингга келганида, ёнидаги жувонга қараб: “Қани, паркентлик холангнинг товоғини ол”, деб буюради.

Ишқи ойинг ранги бир ҳолат бўлиб, сумалакни кўтариб тўғри уйга келдию адангни чақирди.

“Мадриддин, Тошкентда юз йил яшасам ҳам, барибир тошкентлик бўлолмас эканман. Агар менинг ўғлим бўлсанг, тез уйингни сотиб, мени Паркентга опкетасан, суягимни суягимга қўшасан!” – деб қаттиқ туриб олди.

“Қўйинг, хафа бўлманг, дастурхончи сизни камситишга айтмаган, паркентлик эканингиз рост-ку, ахир”, деб қанча гапирсак ҳам, сўзида туриб олди. Ҳа, болам, тил жароҳати – дил яраси, деб машо-йихлар бекор айтмаган.

Шундан кейин аданг икки-уч марта Паркентга бориб келди, сотиладиган жой қидиришга тушди. Девонанинг ишини Худо ўнглайди, деганидек, шу орада амакинг Лазокат ойини кўргани қишлоққа борган экан, қараса, Абдусалом додангнинг ҳовлисининг ёнида Турди новча деганнинг уйи сотилаётган экан, шартта, мен оламан, деб бай пули бериб кепти. Кечқурун, ака, мен сизга уй опқўйдим, деб хурсанд кириб келди. Қўлимизда бир сўм пул йўқ, аданг ҳайрон бўлиб укасини койиди, лекин ҳаракатга тушиб қолди. Бир ойнинг ичида Тошкентдаги етти йил яшаган уйимизни саккиз юз сўмга сотиб, олтмиш учинчи йилнинг май ойида, мана шу ҳовлига кўчиб келдик.

Турди новчадан қолган пастқам бостирмани бузиб ташладик, қарз-ҳавола билан, қариндошуруғлар ҳашар қилиб, уч хона, бир даҳлиз, бир айвонли, синч иморатни қора кўрғон қилиб тиклаб олдик.

Кейин аданг додангга қўшилиб, Паркентдан ўттиз километрча наридаги Қораманас деган жойга, қозоқларнинг калхўзига деҳқончилик қилгани кетди. Мен касал бўлганим учун боролмадим,

Ишқи ойинг ўғлига ачиниб, Зафариддин укангни олиб, адангнинг ёнига кўчиб кетди.

Қора совуқ тушгунча лоақал биронта хонани ремонт қилиб, яшайдиган аҳволга келтириш керак. Уста қиммат, таваккалига бир куни сомонли лой қордим, умримда биринчи марта қўлимга андава олиб, тўрдаги катта хонани сувашни бошладим. Олдинига ҳеч ўхшамади, лой ёпишмасдан оқиб тушаверди, деворни қинғир-қийшиқ қилиб сувасам ҳам эшик-деразаларнинг кесакиларини, токчаларнинг раҳини эплаш қийин бўлди. Йўқ, кейин лойни оби-тобига келтириб, андавани бир текис юргизишни билиб олдим, иккита хонани бир амаллаб қора сувоқдан чиқардим.

Энди шифтни бир нарса қилиш керак. У пайтларда фақат калхўзларнинг кулупию¹ раиспаисларни уйининг шифти фанердан бўлмаса, қолган ҳамманики ёппасига чийлампа² бўларди.

Чийлампага аввало чий керак, сотволишга пул йўқ.

Шу орада бир куни Сиддиқа ойинг келиб қолди. Билмадим, шу тўқайда яшаганимизда ўрганган бўлса керак, ҳовлининг ўртасига дўкон³ қуриб, менга қамишдан чий тўқишни ўргатди.

Аканг билан Яйилмага бориб, Ҳожикўлнинг бўйидан қамиш ўрдик. Сиддиқа ойинг кўшнисининг эшакаравасини сўраб оберди, шунга ортиб опкелдик.

Чий тўқиш учун олдин қамишни яхшилаб қуритиб, битталаб тозалаш керак, кейин ҳар бирини

¹ Кулуп – клуб (шева).

² Чийлампа – қамиш устидан лойсувоқ қилиб шифтни ёпиш.

³ Дўкон – ёғоч дастгоҳ маъносида.

дўконга алоҳида-алоҳида тортиб, каноп ип билан икки-уч жойидан маҳкам чийраб боғлаш керак.

Уч кун уриниб, иккита хонанинг шипига етадиган чий тўқидим. Кўчиб келганимизда опкелган катта чой яшиклар бор эди, шуларнинг ёнбошига қоқилган темир тасмаларни кўчириб, болға билан уриб текисладим. Кейин тахта эшакка¹ чиқиб, чийларни ана шу темир тасмалар билан шипга мих қоқиб маҳкамладим. Бу жуда қийин иш эди, бир одам мих қоқса, иккинчи одам чийни кўтариб туриши керак эди.

Чийни ушлаб туришга Гулжаҳон опанг билан акангнинг бўйи етмасди, лекин амаллаб қоқиб олдик. Энди чийга сомонли суюқ лойни озгина-озгинадан ялатиб, ёпиштириб чиқиш керак. Агар кўпроқ берворсанг, пақ этиб ташлаб юборади. Биринчи лой қуриганидан кейин шифтни росмана сувоқ қилсанг бўлади.

Э, кимдан ўрганардим бу ҳунарни, болам, ҳаётнинг ўзи ўргатди-да. Зеҳним ўлгур тузук эканми, ҳар қанақа ишни бир марта кўрсам – бас, қайтариб бажара олардим, лекин бу чийлампа дегани азоб экан, тепага тикилавериб, бўйин томирларинг қо-тиб қоларкан.

Шунақа қилиб, бир ойча деганда иккита хонани қўлдан чиқардим. Полга тахта йўқ, тахтага пул йўқ, замбиллаб, челаклаб тупроқ ташиб, уйнинг ичидаги пойдевор чуқурини тўлдирдик, сомонли лой билан текис қилиб сувадик. Қуриганидан кейин олдин бўйра, унинг устидан эски наmatларни солдик. Эшик-деразанинг ўрнига

¹ *Тахта эшак* – тахта ҳавоза маъносида.

ола шолчани қалин қилиб қоқдик. Ҳарна, иссиқ-совуқ, шамолдан пана бир жой бўлди.

Ноябрнинг охирида аданг билан Ишқи бувинг Қораманасдан бир-икки машина қора тарвуз, қирқма қовун, мош, ловия, жўхори, сабзи-пиёз ортиб кўчиб келди. Уйни кўриб ҳайрон қолди. Худо берган ана шу ризқ-рўзга қаноат қилиб, қишни ўтказдик.

Ўзимнинг ўқимай қолиб кетганимни ўйлаб, кўп армон қилардим. Шунинг учун ҳам сизларнинг ўқишингизни жуда қаттиқ назорат қилдим. Рўзғор ўлгурнинг иши ҳар қанча бошимдан ошиб-тошиб ётмасин, ҳар шанба куни кечқурун бир соатми, икки соатми вақт топиб, дарсларингизни, кундалик дафтарларингизни текширишни канда қилмадим. Нимасини айтай, болам, уйимизда на стол, на стул бор, ерда ётиб дарс тайёрлардинглар, лекин, эсласанг, агар кундалик дафтарларингизда биронта “уч” бўлса, мендан кўрар эдинглар. Ўзинг айт, “уч” баҳога умрингни хазон қилиб, бекорга мактабга қатнашнинг нима маъноси бор?

Икки-уч ойда бир марта мактабга борардим, ўқитувчидан рухсат олиб, ҳар бирингнинг синфингга кириб, энг охирги партага бориб ўтирардим – сизларнинг дарсга қандоқ қатнашаётганингизни текширардим. Бу сизларгайм, муаллимларгайм ёқмаслигини билардим, лекин бошқа иложи йўқ эди. Сизларни одам бўлсин, деган ниятда қилган ҳаракатларим-да, энди бу, жон болам.

Худога шукур, ўқиб кам бўлмадинглар, оддий бир калхўзчининг оиласи бўлсак ҳам, саккизта боламнинг тўрттаси олий маълумот олди, қолган-

лариниям техникумларда, хунарга ўргатадиган курсларда ўқитдим.

Умр бўйи аданг билан бирон кун тинмадик, яна кўп йил Қораманас, Сомсарак, Яйилма, Қизилсув деган жойларда, қўлимиздан фақат кетмон чопиш келарди, шу ишни қилдик. Биз-ку, майли, сиз бечоралар ҳам қишин-ёзин оғир иш қилиб, қоп-қоп қовун-тарвузларни, картошка-пиёзларни орқалаб, ҳар хил касаллик орттирдинглар.

Энди, болам, ҳадеб нолийверсам, ношукурлик бўлади, яхши кунларни ҳам кўрдик. Эл қатори сизларнинг суннат тўйларингизни, никоҳ тўйларингизни қилдик. Энг олдин Гулжаҳон опангни узатдик. Бахтимизга, Хурсанд поччанг яхши куёв чиқди, мўмин-қобил, меҳнаткаш, ўғилларимиз қатори иззат-хурмат кўрсатди, хизматимизни қилди, илоё, умри узоқ бўлсин, бола-чақасининг роҳатини кўрсин.

Бу орада аканг мактабни тугатиб, рус тили ўқитувчиси бўламан, деб, Украинанинг Черкасс деган шаҳрига ўқишга кетди. Ташвишимиз яна ортди – ҳар ойига йигирма сўм пул жўнатиш керак, лекин шу пул ўлгур гоҳ топилади, гоҳ топилмайди. Ишқи ойинг ўн икки сўм пенсия оларди, емай-ичмай, Садриддинга юборинглар, деб берарди. Етмаганига жун пайпоқ тўқиб, сут-қатиқ сотиб топган пулимни қўшиб жўнатардим.

Етмиш иккинчи йил октябрь ойида Қизилсувдаги чайламизда бод касалим кўзгаб, қимирлолмай ётиб қолдим. Аданг бир амаллаб даладан уйимизга опкелиб ташлади. Айни экин-тикин пишган вақт, мен бўлсам шифтга боқиб ётибман, Ишқи ойинг тағин Зафариддинни олиб дала-

га кетди. Ҳа-а, эсимда, сен ҳам адангнинг ёнида эдинг. Бувинг рўза оғиз, кир ювиб, нон ёпибди, сир-гир соғиб, кув пишибди. Кечаси тўсатдан мазаси қочиб қолибди.

Аданг Ҳайитали аканинг гурзавой мошинасига солиб, тўғри Паркентнинг касалхонасига опкелди, дўхтирлар кўриб, ичаги буралиб қопти, лекин апарайсани кўтаролмайди, қари одамни қийнаманглар, деб уйга жавоб бериб юборди. Белимни пуховой рўмол билан маҳкам боғлаб, ҳассага таяниб, аранг ўрнимдан турдим, бирпасда етиб келган Лутфи амманг, Қўзихон қайнисинглим, Гулжаҳон опанг ҳовли-жойни йиғиштиришга тушди.

Бувинг бечора уйда икки соатгина ўзини билмай ётди, бир пайт ҳуши ўзига келганида: “Нисахон, Зафариддинни эҳтиёт қил, мен ҳаммангдан розиман”, дедию кўзини юмди, қайтиб очмади.

Ишқи ойинг етмиш икки ёшда эди, етмиш беш ёш деб кўтаришди.

Эртасига район радиоузелидан, эй одамлар, рўза тутманглар, мана, Норхўжаева Ишқиниса деган кампир рўза тутиб, очликдан ўлиб қолди, деб гапирибди, қариндошлардан бу гапни эшитиб, ҳаммамиз қаттиқ хафа бўлдик.

Қайнонам раҳматли умр бўйи меҳнатдан, ғурбатдан боши чиқмаган, инсоф-диёнатли, ҳаётда одамлардан кўп ёмонлик, жабру жафо кўрган бўлса ҳам бировга кек сақламайдиган, оққўнгил аёл эди.

Биз Паркентга кўчиб келганимиздан кейин орадан бир-икки йил ўтиб, Қамариддин амакинг ҳам Шарқия кеннайинг билан орқамиздан кўчиб келди. Кўчамизнинг этагидаги уйнинг шикастрехтини тузатиб, онаси Лазокат ойи билан яшай

бошлади. Ёнидаги бўйрадек ҳовлида Қўзихон амманг, Рихси поччанг, болалари билан турарди.

Амакингнинг ҳам, аммангнинг ҳам уйида сигир-бузоқ йўқ, тандир нон ёпилмасди, шунинг учун бўлса керак, Ишқи ойинг раҳми келиб, дам-бадам, баъзан кунора Лазокат ойингни уйидан чақиртириб келарди. Лазокат ойинг оқ рўмолни елкасига ташлаб, остонадан кириб келганида бувинг ўрнидан туриб у билан кўришарди, тўрга – ёнига ўтқазиб, бир бурда иссиқ нонми, бир пиёла сут ё қаймоқми, тўртта майиз ё ёнғоқми, олдига қўйиб, баҳам кўрарди. Билмаган одам ташқаридан қараса, уларни кундош эмас, меҳрибон опа-сингил деб ўйларди. Нимаям қилсин бечоралар, ўртада талашадиган нарсаям, гина-кудуратга ўрин ҳам қолмаган эди.

Бувинг ниҳоятда саранжом-саришта, рўзғор ишига пишиқ, озода хотин эди. Ҳовлимизда баланд ишкомга чирмашиб ўсадиган бир туп қари токдан бошқа дарахт йўқ эди. Ишқи ойингнинг эрта кўкламда оқ сурпдан тикиб тайёрлаб қўйган икки юзтами-уч юзтами халтачаси бўларди, мана шу шивилғони узум энди хол ташлаши билан ҳавозага чиқиб, узумнинг ҳар бир бошини битталаб ана шу халтачаларга солиб чиқарди. На қуш, на арига биронтаям ғужумини чўқитмас эди. Шивилғони пишганидан кейин халтаси билан узиб олардик, чанг-ғубор тегмаган, шира боғлаб ётган карсилдоқ узум тилингни ёрворарди. Бувинг бўшаган халтани шу заҳоти иссиқ сувда совун билан ювиб, офтобда қуритарди, кейин яхшилаб дазмоллаб, қутисига солиб қўярди.

Олтмиш тўққизинчи йилмикан, аниқ эсимда йўқ, совуқ келди, эшикнинг тутқичига қўл теккизсанг, чиппа ёпишиб қоларди. Анави бурчакдаги уйда бир машина қора тарвузимиз бор эди, янги йилга яқин сотамиз, деб асраб юрган эдик.

Қаҳратон совуқ бўлиб кетганидан кейин уйдаги кўрпа борми, палос борми, опчиқиб тарвузнинг устига ёпдик. Икки-уч кун ўтиб қарасак, камбағални туянинг устида ҳам ит қошиб, ҳаммасини совуқ уриб кетибди. Ҳаво илигандан кейин сув бўлиб оқа бошлади, ташлаб юборишдан бошқа иложимиз қолмади.

Шунда Ишқи ойинг, ҳаммамизни ишга солиб, тарвузни битталаб сўйдирди, чиққан тоғора-тоғора шарбатни қозонда қайнатиб, шинни қилдирди. Шарбатни тиндириш учун тупроқ солинган қопдан ўтқазиш керак эди, бувинг раҳматли қора мурсагини эгнига илволиб, ҳовлидаги музлаб ётган ердан челақ-челақ тупроқ қазиб олгани ҳозир ҳам кўз ўнгимдан кетмайди.

Ишқи ойингнинг йигирмаси бўладиган кун кутилмаганда акангдан – Черкассдан посилка келиб қолди. Очиб қарасак, йигирма думалоқ, устида филнинг сурати бор ҳинд чойи. У вақтда бунақа нарсалар анқонинг уруғи эди. Кўнгли бузилмасин, деб бувингнинг вафот этганини акангга билдирмаган эдик, ҳалиги посилкага қўшиб солган хатида: “Ишқи ойим мени дуо қилиб ичиб юрсинлар”, деб ёзган экан, ўқиб, ҳаммамиз чидолмай, ҳўнграб юбордик.

Ўша йили картошка эккан эдик, ҳосили жуда зўр бўлди. Бувингнинг вафотидан кейин Хурсанд

аканг бош, қариндош-уруғ ҳашар қилиб даладан қазиб келди, ҳар картошкаки, энг кичкинаси, лофи билан чойнакдай келади. Ҳамма ҳайрон, хурсанд, фақат аданг: “Битмай ўлсин, ойимнинг бошини еб кетди”, деб хафа эди.

Зафариддин ҳали ўн бирга ҳам тўлмаган, эртаю кеч бошида парвона бўладиган қадрдон бувисидан айрилиб қолгани учун ичикиб йиғларди, бирпасда озиб-тўзиб кетди. То тақдирга тан бериб, кўникиб кетгунича беш-олти ой вақт ўтди.

Уканг раҳматли катта бўлиб, Ишқи ойингнинг қабрига мәрмартуш қўя олмади, умри қисқа экан, ўттиз олти ёшида мени тириклайин ўлдириб, бу бевафо дунёни ташлаб кетди. Онам бечоранинг бошига тушган фарзанд доғи менинг ҳам пешонамда бор экан.

Ўша, Паркентнинг бозори олдида укангни мелисани мошинаси уриб кетган кечаси, сен аканг билан Чирчиққа, майитни опкелгани мўргга¹ кетган эдинглар, бошимни остонага уриб додлаб ётардим, шу пайт ҳовлида уймалашиб юрган одамлар орасида Ишқи ойингни аниқ-тиниқ кўрдим. Эгнида узун қора духоба камзул, бошида оқ дакана рўмол, қўлида бир челақ сув, узоқдан менга қараб, бошини сарак-сарак қилиб ўтиб кетди.

Бир йил олдин аданг раҳматли шундоқ кўз ўнгимда юрагини чангаллаб, то дўхтир келгунича жон таслим қилган эди. Бош эгамдан жудо бўлганимнинг устига бу мусибат уланиб кетди. Алаимини фақат икки кўзимдан олдим, онам шўрлик нега савдойи бўлиб қолганини тушундим.

¹ Мўрг – морг, ўликхона.

Адангнинг Қойима опа деган бир холаваччаси бор эди, олий маълумоти бўлмаса ҳам, калхўзда ёрдамчи буғалтир бўлиб ишлаган, эсли аёл эди. Йигирма уч ёшида эри ўлиб, бева боши билан бир ўғил, бир қизини тишида тишлаб катта қилган, паст-баландни тушунадиган хотин эди.

Шу Қойима опам бир куни мени йўқлаб келиб қолди. Кўзимнинг ёшига ғарқ бўлиб ўтирганимни кўриб: “Кеннойи, сен ўлгунча мен ўлсам бўлмасмиди, деб йиғламанг, – деди. – Ўлганнинг кетидан шаҳид бўлиш динимизда йўқ. Ўйланг, фикр қилинг, Худо таоло сизни, балки ўғлингиздан қолган зурёдни тарбия қилсин, деб бу дунёда қолдиргандир”, деди.

Бу гапни эшитиб, кўзим ярқ этиб очилиб кетди. Ғиёсиддин жиянинг отаси ўлгандан кейин уйимиздан қадамини тортиб қолган эди, суриштирсам, мени кўрса, бувим фақат йиғлайди, йиғлатгим келмайди, дебди.

Боламдан қолган ёдгоримни бағримга олмоқчи бўлдим, онасиам, ўзиям кўнмади. Бола, яхшими-ёмонми, барибир онам дер экан. Эй, ўғлим, ўзинг ҳам биласан, бу энди узун бир дoston, қўй, юрагимни тирнама. “Сардафтаримни кавлама”, деганлар девонаи Машраб...

Худо хайрингни берсин, шу етимчанинг бошини силадинг, ваянний¹ ўқишларда ўқитдинг, илоё, орқамда қолсин, отасининг чироғини ёқиб ўтирсин.

Уҳ, болам, сен чарчамаган бўлсанг ҳам мен чарчадим.

¹ Ваянний – военный, харбий.

Мен энди ошимни ошадим, ёшимни яшадим, Худо умр берса, етмиш бешга кираман ҳадемай. Аданг раҳматли: “Етмиш – кетмиш”, деб кўп гапирар эди, мен шу ёшдан ҳам ўтиб кетдим...

Нима деб насиҳат қилай сизларга? Майли, болаларим, неварачевара, келин-куёвларим, сизлардан битта илтимосим бор: ризқи насибам битиб, бу дунёдан кетар бўлсам, ўзларингни йўқотиб, юрту элга кулги бўлманглар, билиб-билиб ишларингни қилинглар. Туғилмоқ ҳам, ўлмоқ ҳам – Одам Атодан қолган мерос.

Ўғилларим, невараларимга атаб ўз қўлим билан чопон, белбоғ, дўппиларни тикиб қўйганман. Пахтали чопон ҳам бор, пахтасизи ҳам, керагини сандиқдан олиб киярсизлар.

Қизларим, келинларимга гапим шуки, ортиқча доду фарёд солиб оламини бузманглар, ўлганнинг кетидан шаҳид бўлиш динимизда йўқ экан. Бош эгаларингни ҳурмат қилинглар, ўғилдир-қиздир, неварачевараларимни ўқитинглар, тагли-тахтли, ҳалол-пок одамлар билан куда-анда бўлинглар.

Маъракаларимни катта қиламан, деб ҳеч ўзингларни уринтирманглар. Сизлар қийналсангиз, менинг арвоҳим ҳам безовта бўлади.

Мана, қандоқ яйраб-яшнаб яшайдиган замонлар келди, кўрсатганига шукур, қадрига етинглар. Илоҳим, биз кўрган кунларни сизлар асло кўрманглар.

Болаларим, аҳил бўлинглар – енгилмайсиз, меҳнатдан кўрқманглар, меҳнатдан қочманглар – хор бўлмайсиз. Ўқиб, олиму доно бўлинглар – бутун дунё сизники бўлади. Лекин қўлингизда

албатта бир ҳунарингиз бўлсин – ҳеч қачон ночор қолмайсиз.

Яхши кунларингизда, тўй-томошаларингизда бир кекса онам, эзма бувим бўларди, шу гапларни бизга айтиб кетган экан, деб бир оғиз эсласангиз, мен ҳам сизлар билан бирга хурсанд бўламан...

Нисохон Аҳмедова,
75 ёш (марҳума)

ВАЛИЖОН КАСАЛ БЎЛДИ

– Қабулга ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги, юпунгина кийинган, кўзлари катта-катта бир қизалоқ келди.

Халқ қабулхонаси бўлганидан кейин, халқнинг ҳар хил туридан келади-да. Шунинг учун бунга ортиқча ажабланмадим.

Қизча Сомонқўлдан экан. Шунча йўл босиб ёлғиз ўзи келганига бошида ишонмадим. Бир қўшниси “маршрутка” ҳайдар экан, шунга ўтириб келибди. Менинг асли-наслим Сомонқўлдан эканини эшитиб-билиб ёки ота-онаси йўл кўрсатгани учун қора тортиб келгандир, деб ўйладим. Секин суриштирсам, йўқ, мени танимас экан.

Мен ҳам унинг авлод-аждодини умуман танимадим.

Арзи-ҳолидан маълум бўлдики, Валижон деган касал тоғаси бор экан. Ёшими? Ёши ўттиз саккизда. Адреси... мана, аризада ёзилган.

Бу ғалати бир қизалоқ экан, бир қарасангиз, гаплари доно, бурро-бурро, худдики эллик яшар одамнинг дидини беради, бир қарасангиз, ниҳоятда содда, ҳатто, довдирроқ кўринади.

– Тоғанг нима иш қилади? – деб сўрадим.

– Тошда ўтиради, – деб жавоб қилди.

– “Тошда ўтиради”, деган касб йўғ-у, нима, ишламайдими? – дедим кулгидан ўзимни аранг тийиб.

– Валижон тоғам ҳеч қачон ишламаган, чунки касал. Туғма, – деди у узун киприкларини

пирпиратиб. – Шунинг учун доим кўча эшигининг олдидаги тошда ўтиради.

– Қанақа касал?

– Порок сердца, – деди қизалоқ ва худди бунга ўзи айбдордек, оғир уҳ тортиб қўйди, кейин қуйиб-пишиб, дардини дoston қилишга киришди.

Валижон тоғасининг икки ўғил, икки қизи бор экан. Ҳаммаси ҳали ёш бола экан. Маҳбуба кеннойиси мактабда супуриқчи экан. Қизалоқнинг ота-онаси олти йил бурун ажрашиб кетишган экан. Отаси Россияда, ўрис хотини бор экан. Онаси бўлса, уни ташлаб, Фарғонага, қари бир чолга эрга тегиб кетибди. Кейин Валижон тоғаси уни уйига олиб кетибди. Қизалоқнинг бошқа қариндошлари (яна учта тоғаси бор экан) кўп ҳаракат қилиб, Валижонни катта дўхтирларга кўрсатишибди. Ҳар йили касалхоналарда ётиб ҳам чиқар экан-у, ҳеч фойдаси бўлмаётган экан. Охири, Тошкентда Асомов деган зўр бир юрак дўхтир бор экан, шунга оборишибди. Асомов дўхтир кўриб, Валижон тоғанинг юрагини тез апарайса қилиш керак, дебди. Лекин бунинг учун орден топиш керак, дебди. Сомонкўлдаги касалхонада ўша орден йўқ экан, беролмаймиз, дебди. Валижон тоғанинг бўлса, кундан-кунга мазаси қочаётган эмиш. Шу орден масаласида ёрдам сўраб...

– Орден эмас, ордер дегин, – дедим унинг сўзини тузатиб. – Отинг нима?

– Меними? – деб сўради у ҳайрон бўлиб.

– Ҳа, сенинг бўлмай, кимнинг бўлсин?

– Нозима. Фамилиям Бердиева. Сомонкўл туманидаги 42-ўрта мактабнинг 6-синф ўқувчиси,

– деди у шоша-пиша. – Энди ордерни олсам бўладими?

Э, товба! Одамлар ҳам хўп соддамуғамбир бўлиб, ўлигини давлатга ташлаб оладиган бўлди-да! Бу ёш болани арзга киритиб юбориб, ўзлари ҳойнаҳой машинанинг ичида пойлаб ўтиришган бўлса керак.

– Сендан бошқа одам йўқмиди бу ёққа келишга? – деб сўрадим аччиғимни аранг босиб.

Нозима бу саволни кутган экан шекилли, шошиб қолмади:

– Бошқа одамлар бор, лекин улар келишмайди-да. Барибир тузалмайди, дейишади. Апарайсага катта пул керак экан.

– Бўлди, энди гап бундоқ. Операция учун ордерни Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар бир туманга йилига битта ё иккита ажратади, билдингми? Мен албатта суриштираман, лекин агар Сомонқўл бу йил ордерни ишлатиб бўлган бўлса, Валижон тоғанг озгина сабр қилиб туради, кейинги йили олади, хўпми? Жуда меҳрибон, яхши қиз экансан, раҳмат сенга. Тоғангга мenden салом деб қўйгин.

– Лекин тоғам бошқа кутолмайди-да, – деди Нозима. – Асомов дўхтир айтибди, агар тез апарайса қилдирмаса, кеч бўларкан.

Бошим қотиб қолди. Нозимага бу ишнинг натижаси бўйича телефон қилишга ваъда бериб, бир амаллаб жўнатиб юбордим.

Айтганимдек, фуқаро Валижон Ҳалимовнинг аризаси бўйича Сомонқўл туман соғлиқни сақлаш бўлиmidан олинган жавоб хатида юрак етишмовчилиги касалликлари бўйича туманга жорий йилда иккита ордер ажратилган бўлиб, улар навбатда

турган беморлар – 1954 йилда туғилган, уй бекаси Исақулова Г. М. ҳамда 1963 йилда туғилган, шофёр Алибоев А. Б.га ажратилгани, бемор Ҳалимов В. келгуси йилнинг 2-чораги рўйхатига киритилгани баён этилган эди.

Ҳеч қандай эътирозга ўрин йўқ, тартиб – тартиб-да, начора.

Шу билан ушбу жавобни Сомонқўл туманида яшовчи фуқаро Ҳалимов В.нинг мурожаатига илова тариқасида йўллаб, аризани рўйхатдан чиқариш ва масалани ёпиш мумкин эди. Лекин нима учундир умид билан жовдираб турган қизалоқ ва унинг “тошда ўтирадиган” Валижон тоғасининг бечора қиёфаси кўз ўнгимдан кетмай қолди.

Таваккал деб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига батафсил бир хат ёздим. Орадан бир ҳафта-ўн кун ўтиб, вазир ўринбосарининг имзоси билан жавоб келди. Хатда республиканинг аллақайси туманига юрак хасталиклари бўйича ажратилган битта ордер ишлатилмай қолгани, аниқроғи, навбати келгунича бемор вафот этиб қолгани (Худоё тавба, шунақаси ҳам бўлар экан!) сабабли ана шу ордер истисно тариқасида Сомонқўл туманида яшовчи бемор Ҳалимов В.га ажратилгани маълум қилинган эди. Вазир ўринбосари ўз мактубида, шунингдек, бемор Ҳалимов В.нинг ҳолати оғир эканини инobatга олиб, махсус реанимация машинасида уни уйдан Тошкентдаги юрак касалликлари бўйича ихтисослаштирилган тиббиёт-илмий марказига транспортировка қилиш тўғрисида топшириқ берилганини ҳам хабар қилар эди.

Ҳақиқатан ҳам, олгин деса қулига, чиқариб кўяр йўлига, деган нақл бежиз айтилмаган. Ёш

боладек суюниб, Нозима қолдириб кетган рақамга телефон қилсам, Валижоннинг ўзи олди. Хасталиги овозидан ҳам билиниб турибди – ҳансираб, секин-секин гапирар эди. Уни олиб келиш учун машина боришини айтганимда тўсатдан йиғлаб юборса, денг! У ёқ-бу ёқдан гапириб, аранг юпатдим. Сўз орасида суриштириб билсам, унинг она томондан бобоси Эшқувват ака мактабда бизга физикадан дарс берган муаллим экан.

Яна хурсанд бўлиб кетдим.

Хуллас калом, эртасига Валижон иззат-икром билан Тошкентдаги ўша ҳаммаям етолмайдиган тиббиёт марказига олиб келиб жойлаштирилди. Яхшилик қилсанг, охиригача қил, деб, шу касалхонада Баҳромбой деган курсдошимнинг ўғли – Корейда ўқиб келиб, эндигина фан номзоди бўлган ёш кардиохирург Наврўз ишларди – шунга қўнғироқ қилиб, Валижондан хабар олиб туришини тайинладим.

Наврўз отасига бўлган “ҳурматимнинг ҳурмати”, қолаверса, чет эл тарбиясини олган мутахассис эмасми, беморнинг аҳволи тўғрисида менга мунтазам “доклад қилиб туриши”ни билдирди.

Ваъдасининг устидан чиқиб, бироздан кейин сим қоқди:

– Шоҳрух Расулович, Валижон аканинг олдига бориб, танишиб келдим. Бемор иккинчи қаватда, бир кишилик 12-палатага жойлаштирилган, умумий ҳолати қониқарли, тана ҳарорати 36,3, тиббий таҳлиллар учун қон олинган, шикоятлари йўқ, иштаҳаси яхши... Рухсат этсангиз, бироздан кейин яна доклад қиламан.

– Э, яша, Наврӯзбой, сенга ишондим Валижонни, – дедим хотиржам бўлиб.

Ярим соатдан сўнг дўхтир яна телефон қилди:

– Шоҳрух Расулович, – деди дона-дона қилиб, – мана, Валижон ака билан гаплашиб ўтирибмиз. Кайфиятлари аъло, ҳозиргина чой ичдилар, сизни дуо қилиб, салом айтаяптилар.

– Саломат бўлсинлар, сенгаям раҳмат, – деб трубкини қўймоқчи эдим, Наврӯз гап бошлаб қолди:

– Бирпасдан кейин Валижон акани коронарография қиламиз. Рухсат берсангиз, натижаси бўйича доклад қиламан.

– Хўп, хўп, – дедим.

Ишдан қайтиб, энди уст-бошимни алмаштириб турган эдим, қўл телефоним яна жириглади:

– Шоҳрух Расулович, бу мен – Наврӯз.

– Ҳа, Наврӯз, эшитаман?

– Валижон акани коронарографияга тайёрладик, профессор Набиев билан. Рухсат этсангиз, ҳозир бошлаймиз.

– Э, операция қиласизларми? – деб сўрадим шошиб.

– Йўқ, бу операция эмас. Қон томирларига махсус суюқлик юбориб, компьютер орқали юрак-қон тизимининг бутун фаолияти текширилади. Кейин шунга қараб аниқ диагноз қўйилади.

– Ишқилиб, қийин процедура эмасми? – дедим негадир кўнглимга хавотир оралаб.

– Бу процедурани ҳар куни ўнлаб беморда ўтказамиз. Майли, домла мени чақираяпти, яна телефон қиламан.

Орадан ўн беш ёки йигирма дақиқа ўтдими, билмайман, Наврӯз тагин сим қоқди.

– Шоҳрух Расулович, доклад қилишга рухсат этинг, – деди бамайлихотир. – Валижон аканинг юраги тўхтаб қолди...

– Нима?! – Бу гапни эшитиб, азбаройи Худо, ўзимнинг юрагим тўхтаб қолгандек бўлди. – Нега тўхтаб қолади, нима бўлди, тушунтириб гапирсанг-чи?! Ҳозиргина яхши деб турувдинг-ку?!

– Ҳозиргина яхши эди, бирданига тўхтаб қолди. Мана, мониторда ҳам юрак уриши нолни кўрсатаяпти.

Оёқ-қўлим бўшашиб, товушим чиқмай қолди. Бирданига Валижоннинг қариндош-уруғлари билан бўлажак даъво-жанжал манзараси кўз ўнгимда яққол гавдаланди. Сомонқўл элининг феъли-хўйи менга маълум: албатта, кеча бемор қариндошига бир сўм пулини раво кўрмаган уруғ-аймоқлари бугун марҳумнинг меҳрибонлари, жон жигарлари бўлиб майдонга отилиб чиқади, эримни, укамни, акамни ўлдирвординг, деб ёқамдан олади. Камига, пул бермагани учун дўхтир қарамади-да, пул берганида ўлмас эди, деб гап тарқатишлари ҳам тайин.

Ўзи, шу муштдек қизчанинг гапига лаққа тушган мен аҳмоқ. Ахир шу ўлмай кетгур Валижон ўттиз саккиз йил касал бўлса ҳам дардини тортиб, тирик юрган эди-ку! Агар мен ташаббускор бўлиб, уни азза-базза уйдан реанимация машинасида Тошкентга олиб келтирмаганимда, балки яна ким билсин, неча йил Худо берган умрини яшаб, тошнинг устида ўтириб, тирик юрган бўлармиди?!

Йўқ ердан қандоқ балони бошимга сотиб олдим-а!

Қўлларим қалтираб, Наврўзга телефон қилдим.

– Эшитаман, Шоҳрух Расулович, – деди у пинагини бузмасдан.

– Эй, Наврӯз, сендан бошқа каттароқ дӯхтирлар йўқми? Чоп, югур, бирортасини топ, келиб кўрсин, э, Худойим-а!

– Ким келиб кўрсаям, фойдаси йўқ, – дейди бу фалокат робот. – Шоҳрух Расулович, ўликни нима қилай? Сомонқўлга опкетишадими ё моргга бериб юборайми?

Додлай десам, товушим чиқмайди-я, ё астаф-фируллоҳ!

Мулоқотни узиб, жонҳолатда телефон хотира-сидан икки-учта таниш дӯхтирларнинг номери-ни топиб, кўнғироқ қилишга тушдим. Ярим кеча, қани энди, биронтаси жавоб берса!

Қон босимим ошганидан ошиб, чакка томир-ларим ёрилишга етганда овозинг ўчгур телефон яна жиринглади: Наврӯз!

– Шоҳрух Расулович, Валижон аканинг юраги ишлаб кетди, – деди у одатдагидек ҳиссиоз оҳангда.

– Йўғ-э? Вой, тилингдан ўргилай, укажон, қандай қилиб ишлаб кетди?

– Ҳали сабабини аниқламадик. Аниқлаб, сизга доклад қиламан, Шоҳрух Расулович.

“Э, доклад қилмай ҳар бало бўл!” – дедим ичимда ва шу заҳоти дами чиқиб кетган пуфакдек бўшашиб, ҳолсиз ўтириб қолдим.

Шунақа. Агар бемор яшашни астойдил истаса, ҳар қандай тиббиёт ҳам ожиз, деган эски бир ҳазил эсимга тушди.

Шундай қилиб, Валижоннинг номаълум сабабга кўра тўхтаб қолган юраги номаълум сабабга кўра яна ишлаб кетди.

Ҳарқалай, ёш кардиохирург дўстим Наврўз менга шундай деб доклад қилди.

Э, Наврўзбой иним, нега сабаби номаълум бўлар экан, ахир, сабаби шундоқ кўриниб турибди-ку!

Валижонни операция қилишмади – доридармон билан муолажа қилиб, тўрт кундан сўнг уйига жавоб бериб юборишди. Қолган умрини энди тинчгина, тошнинг устида ўтириб ўтказса, ажаб эмас.

Мен эса энди бундан буён Сомонкўлдан келадиган касаллар билан ниҳоятда эҳтиёт бўлиб муомала қиламан.

Шоҳрух Расулович,

Н. вилояти халқ қабулхонаси бошлиғи, 60 ёш

СУДДА

– Муҳтарам судья, сиздан фақат битта илтимосим бор: гапимни охиригача айтишга рухсат беринг. Масаладан четга чиқма, деб оғзимга урманг, хўпми? Район судида ҳам, вилоят судида ҳам шундоқ бўлди, бир инсон менинг арзу додимни эшитмади, Олий суд бўлсангиз, лоақал сиз эшитинг.

Мен сизлардан от сўраётганим йўқ, туя сўраётганим йўқ, бор-йўғи ўзимнинг қонуний ҳақимни ундириб беришни талаб қиялпман, холос. Ўқиган бўлсангиз, даъво аризамда ёзганман, хотиним – Асқарова Клара билан ажрашгандан кейин Чилонзор тумани, Кўкорол кўчаси, 9-уйдаги ўн хонали участкамни оиламга бутунлай ташлаб чиқиб кетдим. Бунинг эвазига улар менга икки хонали квартира сотволишим учун етти минг доллар берадиган бўлди, ана, тилхат, ҳаммаси қўл қўйган.

Афсус, ўшанда каллам ишламаган экан, тилхатни нотариусдан тасдиқлатиб олиш керак экан. Шунча йил бирга яшаган бола-чақам-ку, деб лафзига ишонибман, мана, бугун энди булар кўзини лўқ қилиб тониб турибди.

Биринчи инстанция судиям, иккинчисиям виждонини ютиб, уларнинг фойдасига ҳукм чиқариб берди. Нега десангиз, бу ишларнинг тепасида катта қизим Диёра турибди, ўзи Чехияга кетиб қолган, эргаям тегмаган, инсон ҳуқуқининг ҳимоячиси, блогерман, деб интернетга чиқиб юради,

судьяларингизга бир дўқ урувди, қўрққанидан, кечирасиз-у, ҳаммаси иштонини ҳўллаб қўйди. Биттаси менга очиғини айтди, бу аёлга Худо бас келмаса, банда бас келолмайди, деди.

Падарингга лаънат, сен ярамасни, сени дунёга келтирган, ўзи емай-ичмай, аллада азиз, тўрвада майиз қилиб боқиб ўстирган, подшонинг қизидек ясантириб, контрактларингни тўлаб институтларда ўқитган отанг инсон эмасми, унинг ҳақ-ҳуқуқи йўқми, дейдиган бир мард топилмади.

Муҳтарам судья, сиз албатта, қариган чоғингда сени нима жин урдики, ўттиз беш йил бир ёстиққа бош қўйиб яшаган хотининг билан ажрашдинг, деб айтишингиз мумкин. Лекин агар ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўрсангиз, э, ака, шунча йил бу бадбахт хотинга, бу азоб-уқубатга қандай чидадинг, деб юборишингиз аниқ.

Энди бу бўлган гапларни бошидан айтиб бермасам, тушунишингиз қийин. Мен бир минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йили мактабни тугатиб, армияга кетдим. Бўйим биру тўқсон, юз килолик қопни ердан даст кўтариб олардим, шунинг учун бўлса керак, флотга тушдим. Бир ой карантиндан кейин бизни Владивостокка опкетди, у ерда “Варяг” деган сувости кемасида хизматни бошладим. Ярим йилча ўтган эди, бир куни кечаси тревога билан кўтариб, Тинч океанига жўнатди. Сув остида қанча бўлдик – билмайман, океан тагидан сузиб бориб, ниҳоят, Кубанинг ёнидан, Кариб денгизининг ўртасидан чиқдик.

Сиз анча ёш экансиз, биласизми-йўқми, ўша пайтда Америка билан СССР Кубани талашиб уришиб қолган эди. Бизнинг каттамыз Хрушёв деган

бир кал одам эди, Американинг онасини Учқўрғондан кўрсатаман, деб туриб олди, азбаройи жаҳли чиқиб, ООНга борди, оёғидан ботинкасини ечволиб роса трибунани тарақлатиб урди, пештахам гаплар билан беармон сўкди. Ўзи кичкина, пакана одам, лекин юраги отнинг калласидай эди.

Кеннеди деган Американинг каттаси ундан баттар жинни экан, давай, зўр бўлсанг, чиқ, уришамиз, деб, уям армиясини тайёрлашга тушди. Бечора, кейинчалик эшитишимча, бир хотинга илиқиб юрар экан, эри билиб қолиб, отиб ўлдириб кетибди.

Хуллас, уруш нақд бўлиб қолганида бошқа давлатлар орага тушиб, қўй, уят бўлади, деб буларни яраштириб қўйди. Ана ўша пайтда биз Кариб денгизида бир йилга яқин сувнинг тагида бекиниб ётдик. Кемамизнинг ичи тўла атом бомба, сал бежо ҳаракат қилсак, портлаб, асфаласофилин бўлиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

Қисқаси, бир ўлимдан қолиб, бир минг тўққиз юз олтмиш бешинчи йили дембел¹ бўлиб, қишлоққа қайтдим. Эгнимда йўл-йўл тельняшка, қора шим, қора туфли, бошимда “Дальневосточный флот” деган ёзувли кокилдор фуражка, бир ойча олифта бўлиб юрдим.

Бир куни Ирисали деган ўртоғимнинг тўйи бўлди, матрос формамни кийиб ясаниб бордим, куёвжўра бўлдим. Оғайним Тошкентда, дўхтирликка ўқирди, келинниям ўша ёқдан топган экан, тўйга шаҳардан бир гала пўрим йигит-қиз келди. Келиннинг оти Лобар, ёнида ўтирган қорача дугонасининг исми Клара экан, танишиб, ундан-бун-

¹ Дембель – демобилизация, ҳарбий хизматдан бўшаш (жаргон).

дан гаплашиб ўтирдик. Клара Лобарнинг холавач-часи экан, педтехникумда ўқир экан. Ну, энди тўй комсомолча бўлгандан кейин, едик-ичдик, ашула айтдик, ўртага чиқиб бирга ўйнадик.

Бир ҳафтадан кейин шанба куни Ирисали ўртоғим Тошкентдан келиб, кечқурун уйига чақирди. Лобар ош дамлади, оғайним билан анча гаплашиб ўтирдик. Ирисали гап орасида Клара менга салом деб юборганини айтди. Саломат бўлсин, дедим. Шу билан бу тўғрида бошқа гап-сўз бўлмади.

Мен энди бир ишнинг бошини тутишим керак эди. Ота-онам қариб қолган, ака-опаларим ҳовлини менга – кенжа ўғилга ташлаб, уйли-жойли бўлиб чиқиб кетган эди.

Ёшлигимдан устачиликка қизиқардим, маҳалламиздаги уста Мираъзам акага шогирд тушдим. Бир йил устамнинг пойтешаси, арра-болтасини кўтариб юриб, иморатнинг пойдеворига тош теришдан тортиб тўсин солишгача, қалама қўйишдан тортиб, томнинг тунукасини қоқишгача ҳаммасини ўрганиб олдим. Иккинчи йили устамнинг елкасига чопон ёпиб, фотиҳа олдим, ўзим алоҳида ишлай бошладим.

Шу орада бир оқшом Ирисали келиб, хотинининг туғилган кунига таклиф қилиб кетди. Кечқурун ўтиб борсам, Тошкентдан Лобарнинг опаси, икки-учта дугоналари билан Клара ҳам келган экан, ичкаридан чиқиб, мен билан жуда қуюқ кўришди. Офтобда қоп-қорайиб, негрга ўхшаб қолган эдим, очиғи, озгина уялдим.

Клара оғироёқ Лобарга қарашган бўлиб, Ирисали иккаламиз ўтирган сўрига гоҳ чой, гоҳ овқат ташиб турди, гап орасида кишибилмас бир ойдан

кейин ўзининг ҳам туғилган куни бўлишини қис-тириб ўтди.

Унинг эғнида оқ крепдешин кўйлак, оёғида оқ туфли, боши очик, ўзи қорачадан келган, бўйи паст бўлсаям, қош-кўзи попукдек, юрагим жиз этиб кетди. Ўрислар: “Любовь зла – полюбишь и козла”, деб тўғри айтган. Уч йил мусофир юртларни кезиб келган бўлсам ҳам, ўзбекчилик, қишлоқи тарбия, ҳалигача биронта қизнинг қўлини ушламаган бўз бола эдим. Онам бечора, кўз остингга олганинг бўлса, айт, бўлмаса, ўзим топаман, деб ҳоли-жонимга қўймасди, бирданига, шу қизга уйланиб қўя қолсам-чи, деб ўйладим.

Хотин-қизлар ичкарида ўтирди, биз – ташқарида, озгина мусаллас ҳам ичдик. Бошим қизиб, Ирисалидан, бу Клара қанақа қиз ўзи, деб сўрадим.

“Ҳа, жигардан урдими?” деб қиқирлади оғайним, кейин: “У Лобарнинг ҳам қариндоши, ҳам энг яқин дугонаси, хоҳласанг, суриштириб бераман, ажабмас, қишлоғимизда тошкентлик келин икки-та бўлиб қолса”, деди.

Эртасига ошнам иршайиб: “Хотиним хурсанд бўлиб кетди, Клара Маъруф акани албатта бахтли қилади, деяпти, – деди. – Энди, куёвтўра, тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, жон чекмасанг жонона қайда, деганлар, ҳаракатингизни қилинг, – деб қўлимга бир парча қоғоз тутқазди. – Мана бу ўқийдиган жойининг, буниси уйининг адреси. Лекин тезроқ қимирламасанг, қушча қўлдан чиқиб кетиши мумкин”. “Нега?” деб сўрадим анқовсираб. “Негаки, Тошкентдаги не-не бойваччалардан совчи келиб, эшигининг турумани бузиб ётган эмиш. Потому что, “эй, моряк, ты слишком долго

плавал”¹, тушундингми?” деди ошнам пешонамга чертгандай қилиб.

Муҳтарам судья, бир аёлнинг макри қирқ туяга юк бўлади, деб бекорга айтмайдилар. Иккита ёш, ўқимишли аёлнинг ҳийла-найранги нечта туяга юк бўлади, сиз мабодо билмайсизми?

Хуллас, Лобар Ирисалини, Ирисали мени қистаб, Кларанинг туғилган куни яна матрос формамни кийиб, Тошкентга, Ўқчи кўчадаги педтехникумга бордим, дарвозанинг олдида дарс тугашини пойлаб турдим. Бир пайт гала қизнинг орасида чиқиб келди, мени узоқдан кўриб, лекин ўзини кўрмаганга солиб, дугоналари билан хайрлашиб, автобус тўхтайдиган жойга қараб юрди. Юрак ютиб, қўлимдаги бир даста гулни орқамга яшириб, изидан боравердим. Қисқаси, табрикларим, гаплашдик, кейин ҳам икки-уч марта “свидания”га чиқдик.

Очиғини айтсам, бу қизнинг ўктам гап-сўзлари, шўх қилиқлари менга гоҳ мойдай ёқарди, гоҳ қошини чимириб, кибр билан гапиришлари, мақтанчоқлиги ҳайрон қолдирар эди. Унга уйланишни ҳам, уйланмасликни ҳам билмасдим.

Кларанинг оилавий аҳволи ҳам мени чўчитарди – отаси кўн заводида бош инженер, онаси боғчада мудира, акаларининг бири мелиса, биттаси темирйўлда проводник, опаси Соҳиба аспирантурада ўқирди. Ҳали булар ўқимишли, эркатой кенжа қизини, арзанда синглисини қишлоққа, ўқимаган бир йигитга, оддий колхозчининг боласига берадими-йўқми, буям менга қоронғи эди.

¹ “Одам-амфибия” фильмидаги қўшиқдан.

Бир қиш куни Бешёғочдаги Навоий кинотеатрида “Сангам”га тушадиган бўлдик. Шу баҳонада кўнглимдаги гапни айтиб, унинг фикрини ҳам аниқ билмоқчи эдим. Кинотеатр олдида одам кўп, бир соатча кассага навбат туриб, зўрға иккита билет олдим. Кўзим тўрт бўлиб кута бошладим. Кино бошланиб кетдиёмки, Кларанинг дараги бўлмади. Ваъдага вафо қилиб, кино тугагунча совукда дийдираб турдим – келмади. Бунақа одати йўқ эди, хавотирга тушдим.

Бир неча марта Дўмбирободдаги уйига кузатиб қўйган бўлсам ҳам, у ерга бориб сўрашнинг иложи йўқ эди, эртасига техникумдаги Мактуба деган дугонасидан суриштириб билсам, кеча ўқишдан чиқиб нима иш биландир Бешёғочга шошиб кетаётган экан, яхмалак йўлда сирғаниб тушиб йиқилибди, оёғи тўпиғидан синиб, ҳозир ТошМИда ётган эмиш.

Югуриб касалхонага бордим, икки кишилик кичкина палатада экан, ўнг оёғи тиззасигача гипс. Бахтимга, онаси ҳозир келиб кетган, ҳамхонаси – қари бир аёл ухлаб ётган экан. Клара мени кўриб, уялиб-қизариб кетди, оёғини чойшаб билан ёпиб: “Кечиринг, кеча боролмадим”, деди.

Мана шу бир оғиз “кечиринг” деган сўзи менинг бутун тақдиримни ўзгартириб юборди. Бечора, ахир мени деб шу аҳволга тушди, яна ваъда бериб, келолмаганидан хижолат тортиб ўтирибди. Нимасини айтай, ёш, беғубор, кўнглимиз оқ қоздек тоза пайтлар эди-да.

Шу воқеа сабаб бўлдию Кларанинг мени ўйлантириб турган ҳамма камчиликларини кечиб, унутиб: “Тезроқ тузалиб чиқинг, хўп десан-

гиз, онам уйингизга бормоқчилар”, дедим. Клара уялиб, юзини кафтлири билан бекитиб олди-ю, индамади. Мен буни “сукут – аломати ризо”, деб тушундим.

Албатта, тошкентлик келиннинг дарагини эшитиб, онам, опаларимнинг капалаги учиб кетди, шаҳарлик қиз сенга хотинлик қилмайди, деб туриб олишди. Онам ҳатто беш-ўн кун аразлаб, мен билан гаплашмай юрди, лекин отам ўртага тушгач, охири тақдирга тан бериб, Ирисалининг онаси Фотима холам билан Кларанинг уйига совчи бўлиб борди. Бу ерда тескариси бўлди – қиз билан ишни олдиндан пишитиб қўйганимиз учун шу боришнинг ўзида оқ ўраб қайтди.

Қисқаси, ёзга чиқиб, Клара ўқишини битириб, дипломи қўлига текканидан кейин тўйимиз бўлди.

Худога қараб айтаман, бир-икки йил ёмон яшамадик. Хотиним ёнимиздаги мактабда бошланғичга дарс бера бошлади. Мен қишлоқнинг энг олди устаси – кимсан уста Маъруф бўлиб донғим кетган. У пайтларда уста зоти кам, обрўйим баланд, уй соладиган одамлар менга ялиниб, навбатда турарди. Ишим ниҳоятда оғир эди. Бизнинг жойлар тоғлиқ қишлоқ, сой тўла харсангтош, иморатнинг пойдеворини бетондан эмас, ана шу тошлардан кўтарардик. Мисол учун, битта уч хонали уйнинг пойдеворига, агар таги подвал қилинса, энг камида ўн беш-йигирма самосвал тош кетади. Бу тахминан етмиш-саксон тонна юк дегани.

Пойдевор кўтариш учун катта ҳашар қилинади. Ҳашарчилар қалин чопон, пўпайка кийиб, оғир-оғир тошларни орқасида ортмоқлаб, устага

етказиб беради. Мана шу ўн беш-йигирма машина тошни мен битталаб қўлдан ўтказиб, сомонли лой билан худди ғишт тергандек текис қилиб пойдеворга териб чиқаман. Ҳашарчилар чумолига ўхшаб тизилиб келаверади, бир минут нафас ростлашнинг иложи йўқ, энг асосийси, шунча тошни бир кунда териб бўлиш керак. Бўлмаса, фалончи уста ялқов, дангаса экан, тоши қолиб кетибди, деган иснодга учраб, ишингиз касод бўлади, билдингизми.

Энди, шунга яраша топиш-тутишим ёмон эмасди. Битта иморатни бошдан-оёқ битириб чиқарсам, етти юз-саккиз юз сўм пул олардим. Бир сезонда бунақа уйдан энг камида тўрт-бешта солиб, тўрт минг атрофида топардим. У пайтда пул бақувват, мисол учун айтсам, ўзи йўқ бўлсаям, бир доллар олтмиш тийин турарди, беш минг сўмга “Газ-24-Волга” берарди.

Яна денг, қурилиш бошланган куни уй эгалари албатта қўй сўйиб қон чиқарарди. Гўштнинг бир қисмини ҳашарга келганларга ишлатса, битта сонини, ҳурмат қилиб, устанинг халтасига солиб қўярди. Иморат битиб, хайр-хўш қилаётганида иш ҳақиға қўшиб, дўппи-чопон, битта яхши қўйлак ҳам берарди.

Демоқчиманки, Клара хонадонимизга келин бўлиб тушиб, моддий томондан мутлақо қийинчилик кўрмади. Мактабдан оладиган ойлигини, ўзингга ишлат, деб мен умуман қўл теккизмас эдим. Аксинча, топган пулимни ма, санаб ол, бекитиб қўй, деб унга тутқазардим.

Аёлимнинг битта, аммо жуда катта камчилиги бор эди: мен топиб келадиган жарақ-жарақ пулни

санаб олишни яхши кўрарди-ю, лойга беланган, кир-чир коржомамни ювиб қўйишдан жирканар эди. Кейин-кейин билсам, у менинг оиламга ҳам, туриш-турмушимга ҳам бурнини жийириб қарар экан.

Ваҳоланки, тўйимиз бўлган куннинг эртасига, мен бор ҳунаримни, имкониятимни ишга солиб, Кларанинг уйидаги шароитдан ҳам зиёда бўлган бир шароитни ўз хонадонимда муҳайё қилиш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат бошладим.

Ўвлимизнинг тўридаги кунгай ерда алоҳида тўрт хонали, олди равонли, баланд уй қурдим, ремонтини қўқонлик усталарга қилдирдим. Наиль, Альберт деган татар ўртоқларим бор эди, боплаб бўёқ, пардоз ишларини қилиб берди. Тошкентдан дядя Вася деган устани опкелиб, голландский печка, ҳаммом қурдирдим. У пайтда қишлоқда бунақа нарсалар ҳатто раиснинг уйида ҳам йўқ эди.

Райпонинг каттаси Файзивой ака менга иморат солдирган эди, шу одамдан илтимос қилиб, нақ икки минг етти юз сўмга югославский зўр мебель олдим, “Орхид” деган, Кларанинг қариндошлари ҳам кўриб, оғзи очилиб қолди.

Бу орада Диёра қизим боғчага қатнай бошлади, ўғлим Баҳодир туғилди.

Қисқаси, энди оиламнинг егани олдида, емагани кетида, Худога шукур қилиб, маза қилиб яшасак бўларди. Уйда ҳамма нарса бор, фақат... тинчлик-хотиржамлик йўқ. Хотинимга гоҳ қўшни ҳовлидаги тезак ҳиди ёқмайди, гоҳ “ковушини судраб келадиган” қариндош-уруғим жинини кўзгайди, гоҳ замондан орқада қолиб кетган

онамнинг гапларию талаблари энсасини қотиради. Ўтирса ҳам, турса ҳам, фикри-зикри битта: қандоқ қилиб бўлса ҳам Тошкентга кўчиб кетиш.

Онамга, менга ўчакишиб, болалар билан уйда нукул русча гаплашади, эътироз билдирсам, “Нима, тупой қишлоқи бўлиб қолсинми?!” – деб пишқиради.

Аслини суриштирсангиз, Кларанинг отаси ҳам бир замонлар Тошкентга Ленинободдан келиб қолган, она томондан бувиси ғузорлик бўлган. Лекин хотиним ҳам, ака-опалари ҳам ҳар қадамда ўзларининг асли эски шаҳарлик эканини писанда қилишдан чарчамас эди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, проводник акаси Сайфуллани неча йил таниган бўлсам, ҳар кўришганимизда иршайиб: “Ҳа, куёв, **даладагилар** яхшими?” деб сўрарди. Ҳолбуки, йигирма беш минг одам яшайдиган қишлоғимиз бу ўртада туман маркази бўлди, кейинчалик вилоятга бўйсунадиган шаҳарча бўлди, лекин қайноғам учун у бир умр “дала”лигича қолди.

Мақтаняпти, деб ўйламанг, аммо менинг уйимдаги шароит Кларанинг уруғлариникидан ўн марта бадастир эди. Буларнинг орасида мен биринчи бўлиб “ноль бир” “Жигули” олдим, “Зил” холодильник, “Радуга” деган рангли телевизор олдим. Лекин хотин томоннинг димоғидан ҳамон эшак қурти ёғиларди.

Муҳтарам судья, сиз ёш бўлсангиз ҳам кўпни кўргансиз, бир нарсани менга тушунтириб беринг: нега одамлар “қишлоқи”, “шаҳарлик”, деб бир-бирини бир-биридан ажратаркин? Қайси дин, қайси қонунда бор бунақа одам ажратиш?

Баъзан ўйлаб, ҳайрон бўлардим – қандай қилиб бу Клара менга тегишга рози бўлди ўзи? Қандай қилиб мен унга уйланишга рози бўлдим? Нимасига учдим – бўйи белимга ҳам етмайдиган, лўлибашара, тили заҳар бир нарса бўлса. Икки-та туққанидан кейин қариб, баттар хунуги чиқиб кетган бўлса, нимасига гердаяди?

Илгарилари ҳафта-ўн кунда сумкасини тўлдириб ота-онасини кўргани бориб турса, кейинчалик ҳар шанба болаларни эргаштириб шаҳарга жўнайдиган, уч-тўрт кунлаб йўқолиб кетадиган одат чиқарди. Баҳодир туғилгандан кейин мактабдаги ишини ҳам йиғиштириб қўйган эди.

Мен ёз пайтлари ён-атрофдаги қишлоқларга чиқиб, кўпинча иморатнинг тепасида ётиб қолиб ишлардим, бола-чақа нима қиляпти – назорат қилолмасдим. Онам раҳматли чурқ этиб оғиз очса, Клара: “Ўғлингиз ялло қилиб юрибди-ку, нега энди мен эгасиз уйни пойлаб ўтиришим керак?”, деб бобиллаб бераркан. Охир-оқибатда ҳамма тирикчилик етмишдан ошган онамнинг бўйнига қолиб кетди.

Бир-икки марта Хожар опам юрак ютиб, шу тўғрида гап бошлаган эди, ҳориб-чарчаб юрган одам, бақириб бердим. Клара билан жанжалимиз ҳам асосан шундан чиқарди, бир оғиз гапирсам, бас, лаш-лушини кўтариб, болалар, бормайман, деса ҳам судраб Тошкентга жўнаб қоларди. Ниҳоят, ўзим бош уриб бориб опкелмасам, икки ой бўладими, уч ой бўладими – онасининг уйида ёвғон шўрва ичиб, янгалари билан хўмрайишиб, тош қотиб ўтираверарди. На ота-онаси, на акаларининг биронтаси бу лаънатини “дала”га опкелиб

қўйишни хаёлига келтирмас эди. Ваҳоланки, бу вақтга келиб, қайнотам ҳам, қайнонам ҳам пенсияга чиқиб, отдан тушган, лекин эгардан тушмаган эди. Аҳмоқ эканман, хотин, бола-чақам сиғинди бўлиб, уларнинг ош-нонига бало бўлиб ўтирибди, деб сиқилар эдим. Ваҳоланки, Клара ишониб топширган пулимни бебилиска совуриб, қариндош-уруғини боқиб, бойвучча хотин бўлиб ўтирар экан.

Муҳтарам судья, юрагингиз сиқилиб кетгандир бу майда гаплардан? Лекин шу майда гаплар бошимга катта балоларни солди. Олмахон Ҳайитованинг бир ашуласи бор эди-ку, “Муҳаббат солган иморат вайрона бўлди, найлайин”, деган, ўйлаб қарасам, худди менинг ҳақимда айтган экан-да.

Қисқаси, мана шундай араз-дураз билан йигирма йил ит-мушук бўлиб яшадик. Ўртада болаларнинг тарбияси бузилди. Клара мени уларнинг кўзига аждаҳо қилиб кўрсатиб бўлди. Бу орада, хотиним истамаса ҳам, Худо яна фарзанд берди – Фаррух билан Севара туғилди.

Ота-онам бандаликни бажо келтирганидан кейин у яна эски ашуласини бошлади: “Тошкентга кетамиз, бу қишлоғингизда болаларнинг келажаги йўқ, молнинг кетида ўсадими?” “Нега молнинг кетида ўсар экан, уйимизда сигир тугул товук ҳам йўқ-ку? Ана, ўрис мактабга кириб ўқийверсин, келажаги бор”, дердим мен кесатиб. “Нимаси мактаб бунинг, ўнтагина ўрис ўқитувчиси бор”, деб ўзиникини маъқулларди у.

Қисқаси, саксон олтинчи йили ака-опаларимнинг зориллашига қарамасдан, ота-онамдан қолган ҳовлини сотдим. Чилонзордаги Кўкорол кўчасидан эгачи-сингил татар кампирларнинг уйини

сотиб олдим. Иккита ҳовлини бирлаштириб, бу ердаги кибиткаларни бузиб ташлаб, ўн хонали катта иморат солдим.

Тошкентда ҳашар деган гаплар йўқолиб кетган экан, қишлоқдан қариндош-уруғ, ошна-оғайниларим келиб қарашди, мардикор ҳам ишлатдим, эрта кўкламда бошланган қурилишни сентябрга қолмасдан томини ёпиб олдим, қиши билан ишлаб уйнинг ремонтини битирдим.

Шунда ҳам бир одам мендан миннатдор бўлмади. Аксинча, бир куни Клара: “Сал гап-сўзингизни тузатсангиз бўлмайдими, болалар, адам ўртоқларимизнинг олдида қишлоқча қилиб гапиради, уяламиз, деяпти”, деб дакки берди. Оғзим очилиб қолди, тилимни буриб бўлсаям буларнинг шевасида гапиришга уриндим.

Кўкламга чиқиб, яна устачилик қилгани кетдим. Гоҳ Қўйлик, гоҳ Назарбек томонларда иш қилиб юрдим. Бу пайтда Диёра инязга ўқишга кирган, инглизчада булбулдек сайрашини кўриб, репетиторларга, контрактларга тўлаган пулларим бекор кетмаганидан хурсанд бўлиб, шу Клараям бир балони билган экан, деб ўйлаб қолардим баъзан. Баҳодир биринчи сафар ўқишга киролмади, кейинги йили одамини топиб, амаллаб нархозга жойладик, ҳозир катта бир фирмада ишлаб юрибди, топиш-тутиши зўр. Кичкиналар ҳам бири лицейда, бири мактабда, йўлини топиб кетар.

Мустақилликдан кейин уч-тўрт йил анча қийин бўлиб қолди. Одамларда пул йўқ, ҳеч ким иморат солмайди, менинг ишим ҳам орқага кетди. Совет даврида орттирган ўттиз беш минг сўмим бор эди, Кларанинг гапи билан бонкага қўйган эдим, қуйиб

кул бўлди. Лекин оилам, бола-чақанинг бу билан иши йўқ, катта еб, катта ичиб ўрганиб қолган, мен бир сўм топсам, булар ўн сўм талаб қилар эди. Клара семириб, ғилдиракка ўхшаб қолган, пишиллаб аранг нафас оларди, бирон жойга кириб ишлашни хаёлига ҳам келтирмасди.

Дуч келган ишни қилишга мажбур бўлдим. Фалокат оёқ остида, дейишади, лекин фалокат томнинг устида ҳам бўлар экан – бир куни чилланинг иссиғида Хонободда тунука қоқаётган эдим, сирғаниб, ўн икки метр баландликдан асфальт кўчага қулаб тушдим.

Хушимга келсам, Чўпонотадаги “неотложка” да ётибман, башарам дабдала, умуртқам, иккита оёғим синган, ўнг елкам чиқиб кетган, бош мия қаттиқ чайқалган, ички аъзоларни Худо билади.

Кетма-кет уч марта операция қилишди. Охирги операциядан чиқиб, реанимацияда ёлғиз ўзим бир ой ётдим. Бир куни қандайдир ғўнғир-ғўнғир товушлардан уйғониб кетдим, лекин бош-кўзим бинт билан чирмаб ташланганидан кўзимни очолмадим. Анча вақтдан кейин тепамда ўтирган хотиним билан Диёранинг товушини танидим. Мени беҳуш, комада ётибди, деб она-бола бемалол ҳасратлашарди.

“Мам, – деди қизим русчалаб, – энг бошдан **шу одамга** текканингиз нотўғри бўлган. Мана энди, бу ёғи нима бўлади – ҳеч ким билмайди”.

“Нега ундай дейсан, дўхтир тузалиб кетади, деярли-ку?” – деди Клара.

“Қайси дўхтир? Мен Тофиқ Мамедович билан шахсан гаплашдим, фақат мўъжиза уни қутқариши мумкин, деди, тушуняпсизми? Бу кишининг

ёшида қанақа мўъжиза бўлиши мумкин? Қисқаси, мам, албатта одам ачинади, лекин реалист бўлиш керак. Хайрият, миянгиз ишлаб, вақтида участкани номингизга ўтказиб қўйган экансиз, бўлмаса, қишлоқдан анави аммашка-паммашкалар келиб даъво қилишдан ҳам тоймайди, биласиз-ку буларни...”

“Ҳа, шаҳарга кўчиб келганимизда пропискаси йўқ эди-да, шунинг учун менинг номимга олинган участка. Хўп, энди нима қиламиз?” – деб сўради Клара.

“Мам, бу одам ўлмай қолса ҳам, энди бир умр овош бўлиб ётади. Шунини ўйлашимиз керак, – деди қизим. – Балки индом¹га бервориш керакмикан?”

Бу гапни эшитиб, юрагим қинидан чиқиб кетди, ҳушимни йўқотдим. Ўзим суйиб олган, она юртимни ташлаб, орқасидан бегона шаҳарга эргашиб келган хотиним, бош фарзандим-тўнғичим, умидим, фахру ғурурим, деб юрган қизимнинг бу гаплари, қанийди, ёлғон бўлса, қанийди, туш бўлса...

Шу, менинг сочилиб кетган суякларимни йиғиб, танамга қайта жон ато қилган озарбайжон чол – Тофиқ Мамедович тўғри айтган экан, мўъжиза юз бериб, ўлмай қолдим. Ҳатто қасдма-қасдига тузала бошладим. Юрагим тўла алам, ғазаб, шу менга куч-қувват берди, олти ой деганда оёққа туриб, касалхонадан чиқдим.

Қўлтиқтаёққа таяниб, ҳовлига келдим. Уйимдагилар ранги-қути ўчиб, тил учиди суюнган бўлди. Кечкурун ҳаммасини тўплаб: “Мен энди

¹ Индом – инвалидлар уйи.

соғлиғимни йўқотдим, илгаригидек ишлаб пул тополмайман, – дедим. – Пул топпаганимдан кейин сизларга албатта керагим йўқ. Шунинг учун бир-биримизни қийнамайлик, мен бу уйдан кетаман”.

Шундоқ деб, ичимдан титраб-тўкилиб, умид билан уларнинг оғзини пойладим – ишонасизми, мухтарам судья, биронтасидан чурқ этиб садо чиқмади, фақат кичкина қизим Севара пиқиллаб йиғлашга тушди. Назаримда, Клара ҳам, Диёраю Баҳодир, Фаррух ҳам бу гапимдан енгил тортгандек эди.

Худойим, ахир қачон мен буларга бундоқ етти ёт бегона бўлиб қолдим?

Тўғрисини айтганда, Диёранинг мени ёмон кўришга ҳаққи бор эди. Она-боланинг фикрича, мен унинг бахтига зомин бўлган эдим.

Қизим институтни битириб, Тошкентда ҳозир нима кўп, чет эл фирмаси кўп, шуларнинг бирида ишлай бошлади. У ерда нима иш қилади – ҳеч ким билмасди, сўрасак, энсаси қотиб, айтганим билан тушунмайсизлар, БАД¹ сотамиз, бўлдимиз, деб жавоб берарди. Бу БАД дегани нима экан, деб суриштирсам, доривор гиёҳга ўхшаган бир нарса экан.

Бир оқшом Қибрайдаги ишдан чарчаб келсам, Клара хушхабар айтиб, суюнчи олди: нима эмиш, Диёрамизнинг бахти очилиб, чет элдан куёв чиқибди. Интернетда танишиб, бир йилдан буён гаплашиб юришар экан, энди Родригес – бўлғуси куёвнинг оти шунақа экан – қизимиз билан кўри-

¹ БАД – (биоактивная добавка) биофаол қўшимча.

шиш учун уни Голландияга таклиф қилибди, билет ҳам юборибди. Диёра шу келаётган шанба эрталаб учиб кетар эмиш.

Бу гапни эшитиб, ҳангу манг бўлиб қолдим.

“Кимдан рухсат олиб учиб кетармиш?” – дедим жаҳлимни аранг босиб.

“Вой, визасини олган, ишхонасидан ҳам, ОВИР¹-дан ҳам рухсат бор”, деди хотиним кўзларини пир-пиратиб.

“Ота-онасидан-чи, рухсат олмайдими?” – дедим тутақиб.

“Э, ота-онаси дўпписини осмонга отсин, – деди Клара ишшайиб. – Ўхшаб қолса, маза қилиб чет элда яшайди, юрадим бу ерда судралиб? Ажабмас, кейин бизларни ҳам опкетса”.

Энди бунисига нима дейсиз? Ҳар қанча ғазабим кўзиса ҳам, гапнинг тагига етиш учун: “Ким экан ўзи топгани, суриштирдингми?” – деб сўрадим.

Кларанинг чехраси очилиб, лаби-лабига тегмай бўлажак куёвни таърифлаб кетди:

Бу Родригес асли Эквадорми, Гондурасми деган бир мамлакатдан экан, уч йилдан буён Голландияда яшаркан, кофеми, какаоми, ишқилиб, шунга ўхшаган нарсасотадиган шахсий фирмаси бор экан, уч қаватли катта вилласида ёлғиз ўзи тураркан. Диёрани жуда қаттиқ яхши кўриб қолибди, ўламан, саттор, уйланаман, деб, ҳоли-жонига қўймаётган эмиш...

“Ёши нечада экан?” – дедим гапини бўлиб.

¹ ОВИР – (Отдел виз и регистрации) хорижга чиқиш учун виза бериш ва рўйхатдан ўтказиш бўлими.

“Ёшими? Ёши... – Клара талмовсираган бўлди, – Диёрадан сал каттароқ экан, ничево, эркак киши учун айб эмас...”

“Қанча катта экан?” – деб сўрадим кўзларим ола-кула бўлиб.

“Мен аниғини билмайман-у... қизингиз, ҳар ҳолда, элликдан ошган, дегандек бўлувди”, деди Клара.

Бу гапни эшитиб, жон-поним чиқиб кетди.

“Ҳой, калланг жойидами? Йигирма беш яшар қизингни отаси тенги чолга, қари бир кофирга бермоқчимисан? Э, ўл сен, Асқархон эшоннинг авлоди бўлмай!” – деб бақриб, сўкиб-сўкиб ташладим.

Диёра ичкари хонада, парданинг орқасида ҳамма гапни эшитиб турган экан, эшикни тарақлатиб, кўзлари олазарақ чиқиб келди, на салом, на алик бор, томдан тараша тушгандек:

“Биринчидан, у сиз тенги эмас, – деди, – иккинчидан, ёши... нима қипти, энди эллик саккизга кирди, зато, сиз билан ойим топаётган сўтак куёвлардан ўлса, ўлиги ортиқ, ўзининг бизнеси, мол-дунёси бор. Умуман, мени унинг ёши мутлақо қизиқтирмайди, билдингизми, мутлақо! Мени фақат шу Родригес тушунади!”

Қарасам, бу нодон, аҳмоқ қиз билан ади-бади айтишиб ўтиришдан фойда йўқ, секин насихат қилмоқчи бўлдим.

“Ақлингни йиғ, болам, қариган чоғимизда бизларни ҳам, ўзингни ҳам шарманда қилма, мусулмон фарзандисан...” – деганимни биламан, Диёра кўзлари чақчайиб, шартта ўрнидан турдию онасига қараб: “Айтувдим-ку сизга, бу одам билан гапла-

шиш бефойда деб! – деди, кейин менга ўқрайиб: – Э, жонга тегди шу ўзбекизм! Бу менинг ҳаётим, мени ўз ҳолимга қўйинглар!” – деб бақирди-да, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Ўшанда онаси билан Диёра ҳар қанча дод-вой, дўқ-пўписа қилса ҳам юбормадим.

Орадан бирон йиллар ўтиб, Баҳодир опаси билан уришиб қолган экан, менга секин пичирлаб, бир гапни айтиб қолди: “Қизингиз топган анави Родригес деган қора маймун учига чиққан фирибгар экан, одам савдосими, наркотик савдоси биланми қўлга тушиб, олти йилга қамалиб кетибди, – деди, кейин яна сирли қилиб: – Бунингизнинг мақсади аслида эрга тегиш бўлмаган, қоравойни трамплин қилиб, бир амаллаб бугор¹га сурвориш бўлган”, деб қўшиб қўйди.

Шу-шу, мен қизимнинг ер юзидаги энг ашаддий душманига айландим.

Касалхонадан чиққан кеча ўйлаб-ўйлаб, ҳаётимдаги энг катта хатони тушундим. Бир умр болаларимнинг фақат қорнини тўйдирибман-у, бошқа нарса ҳаёлимга ҳам келмабди. Ота бўлиб фарзандларим билан бундоқ бир бафуржа ўтириб, меҳрим қониб гаплашганимни эслолмайман. Очиғи, бунга вақтим ҳам, имконим ҳам бўлмаган. Эрталаб тонг қоронғисида ишга кетаётганимда ҳаммаси ҳали уйқудан турмаган бўларди, кечқурун қора хуфтонда ишдан қайтганимда уйқуга кетган бўларди. Доим бошимда иш, пул топиш ташвиши турган. Камдан-кам уйда бўлган вақтларимда болаларимдан бирон нарсани сўрасам,

¹ Бугор – хориж, чет эл (жаргон).

номигагина жавоб қилиб, дарров хонасига уриб кетарди.

Ишонсангиз, ўттиз беш йил хотин, бола-чақамни курорт-санаторийларга, лагерларга юборишни сира канда қилмаганман, аммо ўзим бирон марта отпускаи нималигини, дам олиш нималигини билмаганман. Шулар яхши яшасин, яхши кийсин, деб бошим қора меҳнатдан чиқмаган. Лекин на Клара, на фарзандларим бирон марта лоақал кўнгил учун: “Юринг биз билан”, демаган...

“Уй-жой, ҳамма нарса сизларга қолади, – дедим ўзимни босиб, – бир сидра уст-бошимни олсам – бас. Сизларни узатиб, уйлантириб, уйли-жойли қиларман, деган ниятларим бор эди, лекин Худо бунақасига хоҳлади, ўлмасам, қўлимдан келган ёрдамимни аямайман”.

Ниҳоят, Диёра афтини буриштириб:

“Ада, қўйинг бунақа гапларни, кетиб қаёққаям борардингиз?” – деб пичинг қилган бўлди.

“Бу нима деганинг? Сиз энди кимга кераксиз, деганингми? – дедим ўзимни тутолмай. – Қўй, қизим, тилимни қичитма, мен ҳаммасини биламан, индом-пиндомда бир кунимни кўрарман...”

Диёранинг ранги бўзариб кетди. Бир амаллаб ўрнимдан турдим, ошхонанинг ёнида келди-кетдига мўлжалланган кичкина хона бор эди, шу ерга кириб, яхши ниятда ўз қўлим билан қурган, лекин менга буюрмаган уйда охирги марта бош қўйдим.

Эртасига Қўйлиқ бозори ёнидан бир қарис кампирнинг бир хонали квартирасини ижарага олиб чиқиб кетдим.

Кейин ажралиш даҳмазаси бошланди. Шу пайтда тепадан, билмадим, оилавий ажримларни

камайтирасан, деган буйруқ бўлган эканми, суд ҳеч ажратмайди-да. Бир йил сарсон қилди.

Бунинг устига, хотиним қариганда шарманда бўлишни, отаси ташлаб кетган оилага ким қиз беришию ким келин олишини ўйлаб, ажрашмайман, деб туриб олди. Лекин энди ҳеч қанақа куч мени бу оилага қайтаролмасди.

Охири, судьянинг ҳам жонига тегди шекилли, бор-э, деб, ажратиб юборди. Участкадан битта хонани менга бериш тўғрисида ҳукм чиқарди. Шунда булар, участкани сотмайлик, сизга икки хонали квартира олишингиз учун етти минг доллар берамиз, деб бояги тилхатни ёзиб берди. Мен рози бўлдим, лекин, мана, орадан уч йил ўтиб кетди, бир сўм ҳам бергани йўқ.

Бу орада очдан ўлмаслик учун қилмаган ишим қолмади. Бир пайтлар кимсан уста Маъруф бўлиб етти кентга танилган одам, бўйнимга тахта қути осиб, икки йил Қўйлиқ бозорининг дарвозаси ёнида жевачка, сигарет сотишга мажбур бўлдим. Соғлиғим сал тикланиб, қўлтиқтаёқни ташлаганимдан кейин бозорга уборшиқ бўлиб ишга кирдим. Жиянларим эшитиб, қишлоққа опкетмоқчи бўлди. Бормадим. Боролмадим. Қайси юз билан бораман? Борганда ҳам қаерга сиғаман?

Ишонсангиз, муҳтарам судья, шу уч йил ичида на хотиним, на болаларим мени бирон марта йўқлагани йўқ. Қайтага, мен Баҳодирга қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб турдим, уйсизлик, қашшоқлик жонимга тегиб кетганидан кейин, охири бетимни сидириб, тилхатдаги пулни сўрадим. Баҳодир, гап йўқ, пулни бир-икки ой ичида тўлиқ

қилиб обориб бераман, сиз квартирани топиб гаплашаверинг, деди.

Шу билан қайтиб дом-дараги бўлмади.

Охири мажбур бўлиб, мухтарам судья, ўз пушти камаримдан бўлган болаларимни судга бердим. Илгари бунақа воқеаларни фақат “Оталар сўзи”да кўрардим, кўриб ишонмас эдим, энди шу савдо ўзимнинг бошимга тушди.

Оилам, боя айтганимдек, бошда ўша лаънати пулни беришга рози эди. Лекин ўртада Хадича пайдо бўлганидан кейин булар менга ўчакишиб, тўнини тескари кийди, пулни бермаслик ҳаракатига тушди. Недирки, сен бизни, муштипар онамизни ташлаб, шу хотин билан топишиб олдинг, деган алам бор бунинг тагида, билдингизми? Ана, аризаларини ўқинг, менинг тўғримда, Хадича тўғрисида нималарни ёзмаган булар. Тағин ҳам қоғоз чидар экан бу туҳмат-бўхтонларга. Гўё мен бу фоҳиша билан олдиндан дон олишиб юрган эканман, шу доғули алвасти менинг лақмалигимдан фойдаланиб, оиламни бузиб, хотинимни бева, болаларимни етим қилибди. Энди етти минг долларга ҳам қаноат қилмасдан, Кўкорол кўчадаги уй-жойимни тортиб олиш пайига тушган эмиш.

Клара билан Диёрада макр кўп, қолаверса, мендан алдаб, ўғирлаб олган пулиям кўп, энг қирриқ адвокатларни ёллаб, Хадичани жиноий жавобгарликка тортиш пайига тушди.

Шунинг учун сизга аввал бу аёл тўғрисидаги бор гапни айтиб бермасам, ҳеч нарса тушунмайсиз.

Ҳар йили қишда мазам қочиб, ишга ярамасдан касалхонага тушиб қоламан. Бундан бир йил ол-

дин синган суякларим қақшаб, ҳеч оғриғига чида-ёлмадим, эски ТошМИда йигирма кунча ётдим.

Хадича билан шу ерда танишиб қолдим. Ёши элликлардан ошган, озғин, бошидан кўк рўмоли тушмайдиган бу аёл мен ётган бўлимда санитарка эди. Жуда меҳнаткаш, хушмуомала хотин эди, лекин бирон марта кулганини биров кўрмасди. Кейин эшитсам, икки йилча бурун эри билан “Нексия”да Чорвоққа, лагерда дам олаётган ўғлини кўргани бораётганида, буларнинг йўлига “Камаз” чиқиб кетибди. Эри мана шу бўлимда бир ойча ко-мада ётиб жони узилибди, Хадича бўлса ҳеч нарса кўрмагандек тузалиб кетибди.

Бу аёл илгари қайсидир институтда дарс берар экан, эри ҳам олим бўлган экан, авариядан кейин негадир шу касалхонага санитарка бўлиб ишга ки-рибди.

Бир куни йўлакнинг охиридаги қўл ювадиган жойда кирларимни чайиб турган эдим, эшик очи-либ, қўлида челак кўтариб Хадича кириб қолди, менга ялт этиб қаради-да, “Кечирасиз”, деб чиқиб кетди. Кирларни ёйиб, палатага қайтиб кетаётсам, йўлакда, ҳамшира пости олдидаги столда ўтирган экан, “Ака, бир минутга мумкинми?”, деб сўради. “Бемалол”, дедим. “Сиз вилоятданмисиз?”, деди у. “Йўқ, Тошкентданман, нима эди?”, деб сўрадим. “Ҳа-а... – деди ўйланиб. – Эркак одам қийналиб юрманг, кирларингиз бўлса, бераверинг, ювиб бераман”.

Ҳайрон бўлдим, кейин, муҳтожлиги бўлса, шу-нақа қилиб уч-тўрт сўм пул ишлаб юрса керак, деб ўйладим. “Безовта бўлманг, ўрганиб кетганман”, дедим.

Анча гаплашиб қолдик. Томдан йиқилиб, соғ-лигимни йўқотганимни, ёлғиз яшашимни қисқача айтиб бердим. У гапимни диққат билан эшитди, “Сиқилманг, одамнинг боши – Оллоҳнинг тоши, бу кунлар ҳам ўтиб кетади”, деб тасалли берган бўлди.

Эртаси тушлик пайти Хадича бир коса ош, иссиқ нон, мева-чева солинган елим пакетни хонамга кўтариб кирди. “Бир ўртоғингиз келган эканлар, “тихий час” бўлгани учун киролмадилар, салом айтиб кетдилар”, деди. Ҳайрон бўлиб, ўртоғимнинг отини сўрасам, “Айтмадилар, ўзлари билади, дедилар”, деб чиқиб кетди.

Бошим қотди. Бу шаҳарда мени йўқлаб келадиган бирон оғайним йўқ эди. Келса, Ирисали келиши мумкин, лекин у бундан ўн йил олдин “грин карт” ютиб, оиласи билан Америкага кўчиб кетган эди. Сездимки, бу Хадичанинг иши.

У ҳол-жонимга қўймасдан ҳар куни кирларимни ювиб, дазмоллаб бера бошлади. Пул бермоқчи бўлган эдим, капалаги учиб кетди, дуо қилиб қўйсангиз бўлди, деди.

Энг ёмон кўрган нарсам – бировдан қарздор бўлиб яшаш, ғалати аҳволда қолдим. Бегона бир аёлнинг бу мурувватига қандай жавоб қайтаришни билмасдим. Шунинг учун касалхонадан чиқаётганимда: “Синглим, хизматларингизга рози бўлинг, – дедим. – Сизга айтувдим, устачилик қўлимдан келади, деб, агар уйингизда бирон юмуш бўлса, тортинмай айтаверинг”.

Хадича зарурат туғилса, албатта телефон қилишини айтиб, хайрлашди.

Мен ҳам ғариб кулбамга қайтдим.

Бир куни Қўйликда пиёз бозорни чангитиб супуриб ётган эдим, гуруч растасининг олдида катта сумка кўтариб турган Хадичага кўзим тушиб қолди, бошидаги кўк рўмолидан танидим. Ёнида яшил футболка, оқ кроссовка кийган, ўн яшар чамасидаги бола.

Уст-бошимни қоқиб, секин олдида бордим. Ҳол-аҳвол сўрашдик, ўғлини таништирди – Сардор тўртинчи синфда ўқир экан. Анча нарса олган экан, арава чақириб, юкларини ташқарига чиқариб, таксига ортишга ёрдам бердим. Қоратош томонда турар экан, хайрлашаётганда устачилик хизматига тайёр эканимни яна эслатдим.

“Иш-ку бор эди-я, – деди Хадича ўйланиб, – лекин ноқулай бўлмасмикан...”

Қистаб қўймаганимдан кейин, “Ошхонамизнинг мебелини тузатадиган, вақтингиз бўлганда қараб берарсиз”, деди. Шанба куни вақт топиб бордим, тўққиз қаватли уйнинг олтинчи қаватида турар экан. Эшикни салом бериб Сардор очди, онаси ишда экан. Асбоблар солинган сумкани олиб ичкари кирдим. Уч хонали, тоза, озода квартира экан. Ошхонага яқинда тепа қаватдан сув ўтиб кетган бўлса керак, гарнитурнинг эшиклари қийшайиб, ёпилмайдиган бўлиб қолибди.

Ишни нимадан бошлашни мўлжаллаб турган эдим, Сардор “Амаки, олдин чой ичиб олинг”, деб қўярда-қўймай залга бошлади. Залдаги столда нонушта тайёр экан – сарёғ, асал, иссиқ нон, колбаса, пишлоқ. Сардор устига духоба қалпоқ кийдириб қўйилган гардим чойнакдан пиёлага чой қуйиб, уч марта қайтарди, кейин одоб билан менга узатди. “Мен ҳозир”, деб ўрнидан турди-да, бирпасдан кейин катта тақсимчада тухум қовурдоқ олиб кир-

ди. Қовурдоқнинг ёнида дид билан тўғралган помидор, бодринг, болгарский, қалампир, устига учтўрт бош кашнич қўйилган.

“Марҳамат, амаки”, деди Сардор тақсимчани олдимга қўйиб. “Буни ойинг тайёрлаб кетдими?” – деб сўрадим ажабланиб. “Йўқ, ўзим”, деди бола.

Бир пиёла чой ичиб, иш бошладик. Сардор балконга чиқиб, катта бир яшикни базўр кўтариб кирди. Яшикнинг ичи тўла устачилик асбоби, буни яқинда онасига айттириб олдирган экан.

“Энди уйга ўзим қарашим керак-да”, деди у. Муштдек боланинг бу гапини эшитиб, ҳам ҳайрон бўлдим, ҳам қойил қолдим. Кун бўйи ишлаб, гарнитурни, бузилган бошқа эшик-деразаларни тузатдик, Сардор ёнимдан жилмай қарашиб турди. Бир пайт индамай ичкарига кириб кетди, балкондан қарасам, лабини маҳкам қимтиб, ошхонада сабзи-пиёз тўғраб ўтирибди.

Кечга томон шошиб Хадича келди, мен билан сўрашиб овқатга уннади.

Сардор ишимни диққат билан кузатиб турарди, бир маҳал: “Амаки, агар рухсат берсангиз, сизга шогирд тушсам, майлими?” – деб қолди.

“Э, ўғлим, қўй, бу қора ишни ҳавас қилма. Сен, яхшиси, ўқигин, олий маълумотли бўлгин”, дедим.

“Мен программист бўламан, лекин ҳунар ҳам ўрганишим керак” – деди Сардор жиддий оҳангда.

Хадича ошхонадан чиқиб, овқатга чақирди. Биргалашиб ош едик, чой ичдик, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Булар асли Қўштут маҳаллалик экан, Хадичанинг ота-онаси ёшлигида вафот этиб, уни опаси тарбия қилиб узатган экан, ҳозир Фарғонада тураркан.

“Хўжайиним аварияга учраганларида бир ой ёнларида бўлдим, – деди Хадича хўрсиниб. – Етган ажал, у кишини сақлаб қололмадик. Қирқлари ўтганидан кейин бир куни туш кўрдим, ҳалиям ўша касалхонада ётган эмишлар, сен нега кетиб қолдинг, ким қилади бу ердаги ишларни, деб мени койиб бердилар. Ҳайрон бўлдим, эртасига туш эсимдан чиқиб кетди, ишимга бориб келавердим. Уч-тўрт кун ўтиб уйқумни йўқотдим, касал бўлиб қолдим, ҳеч тузалмадим. Мен ҳам кетиб қолсам, ёлғиз боламнинг ҳоли нима кечади, деб ваҳимага тушдим. Дўхтирлар кўриб, соппа-соғсиз, дейди.

Эскичага унча ишонмасам ҳам, қўшнимнинг маслаҳати билан Тахтапулдаги Мунаввар отин деган бир фолбин кампирга бордим. Кимлигимни, нима дардим борлигини ҳам сўрамасдан, ром кўриб, сизга фалон касалхонадан юк тушибди, ўшатга бориб, Худо йўлига беморларнинг хизматини қиласиз, шояд, Ўзи шифо берса”, деди.

Шу гап билан ишимдан бўшадим, касалхонага санитарка бўлиб кирдим, бир ойча ўтиб, яна хўжайинимни туш кўрдим, ўнг қўлларининг бош бармоғини кўтариб, менга кулиб қўйдилар. У киши ёш ўтиб кетдилар, шу ишларимнинг савоби зора уларгаям тегса... Ҳар куни кечқурун жонлари узилган жойга кириб тиловат қиламан. Худога шукур, ҳозир руҳим тинч, соғлиғим ҳам жойида”, деди Хадича.

Бу гапни эшитиб, яна ҳайрон қолдим. Энди, биз ишонамизми-йўқми, дунёда савоб учун етти ёт беморларга тувак тутиб, овқатини едириб, кирини ювиб ўтирадиган одамлар ҳам бор экан-да.

Шу-шу, бу хонадонга боғланиб қолдим. Бозорни супуриб оладиган ойлигим ижара пулига етса, ош-овқат, дори-дармонимга етмасди, бир-ярим эски танишларимни суриштириб, шуларнинг уйларида майда-чуйда ремонт ишларини қила бошладим. Бўш вақтларида Сардорни бирга олиб юриб иш ўргатдим, олти-етти ойда қўли тўғри бўлиб қолди. Хадича қўярда-қўймай, ўғли орқали ҳар ҳафта кир-чирларимни олдириб, ювиб, дазмоллаб қайтарарди. Бир куни фурсати келганида бошимдан ўтган кўргиликларни унга айтиб бердим, эшитиб, “Сиз ҳам ғариб экансиз”, деб кўзига ёш олди, кейин ҳар нима бўлган бўлсаям, болаларингиз етим қолмасин, оилангиз билан ярашинг, деди. Ишонсангиз, уч-тўрт марта менинг номимдан уйимга элчи бўлиб бормоқчи ҳам бўлди, мен кўнмадим.

Орадан бир йил ўтди. Эртаман нима бўлади, ўйласам, юрагимни ваҳм босади. Ахир ёлғизлик фақат Худога ярашади, ризқи-насибам битиб, шу ижара кулбада тош қотиб қолсам, биров хабар топармикан?

Охири, ўйлаб-ўйлаб, Хадичага, агар хафа бўлмаса, агар ўзи, Сардор рози бўлса, уч ғариб бир бўлсак, деган мазмундаги гапни бир амаллаб айтдим.

Ерга тикилиб, индамай эшитди, икки-уч кун жим бўлиб кетди, кейин кўришганимизда: “Опамдан сўрадим, йўқ демадилар. Болам бечора етим, сизни устам, деб жуда ҳурмат қилади, агар шу болага оталик қилсангиз... қилолсангиз...” – деди-да, йиғлаб юборди.

“Хайрият”, деб ичимдан енгил тортдим. Лекин ёшим етмишга яқинлашганда бир бева хотиннинг уйига ичкуёв бўлиб кириш – шаънимга ҳам, ғуру-

римга ҳам тўғри келмасди. Чунки бу уй Сардорга отасидан мерос қолган, унга дахл қилишга менинг ҳеч қандай ҳаққим йўқ. Қолаверса, менинг ҳам ўз бошпанам, эрта куним битса, ювиб-тараб, тобутимни кўтарадиган бир кулбам бўлиши керак эмасми?

Бу масала ҳал бўлмасдан туриб, Хадичага никоҳ тўғрисида оғиз очмасликка қарор қилдим. У оилам билан судлашиб юрганимдан ҳозир ҳам беҳабар.

Олти ой бурун Баҳодирга учраб, ваъда қилган пулни сўрадим. “Хўп”, деди-ю онаси билан эгачисини қайраб жангга солди, ўзи секин панага ўтиб олди. Бу орада улар қаёқдандир Хадичанинг дарагини эшитиб, шайтонлаб қолди, мени эзиш, қасд олишга ўтди. Адвокатлар пулнинг кучи билан қонунга чап бериб, уларнинг фойдасига йўл-йўриқ топишга тушди.

Нима эмиш, Ўзбекистон Республикасида долларда савдо-сотик қилиш қонун билан қатъий тақиқланган экан, бу – бир. Иккинчидан, нотариус тасдиқламагани учун бу тилхатнинг икки пуллик юридик қиммати йўқ экан. Учинчидан, тўртинчидан... Э, ўргилдим бунақа қонунлардан, бунча тешик-тирқиши кўп бўлмаса!..

Холназаров деган судья масалани тушуниб, адолатли кўрмоқчи бўлган эди, Диёра Прагадан туриб бир ўшқирувди, ин-инига кириб кетди. Бу ўртада Клара билан Севара олдин касалхонага, кейин маҳаллага бориб, хотинбоз Маъруф Назировни, фоҳиша Хадича Бегматова билан шармандасини чиқарамиз, деб жанжал қилиб ётибди.

Эй мусулмонлар, мен қанақа хотинбоз бўлай, уят бўлсаям айтаман – ўша томдан йиқилгандан

кейин эрлик қувватидан ҳам айрилганман, қуруқ жасадим қолган, холос.

Менинг на бойлигим, на соғлиғим, на уйим бор. Кўчада қолган қари бир дарбадарман. Мана, кўриб турибсиз, кўзимга кўзойнак эмас, лупа тақиб олганман, минус ўн олти.

Сиздан битта илтимосим, талабим бор: оиламга айтинг, менга ачиниб, азбаройи савоб учун, Худо йўлига ёрдам берган бечора Хадича билан Сардорни тинч қўйсин. Бордию тинч қўймаса, кейин мендан хафа бўлмасин.

Мана, муҳтарам судья, юрагимдаги бутун дардимни дoston қилиб бўлдим. Отангизга минг раҳмат, сабр-тоқат билан эшитдингиз, анча енгил тортдим. Энди қандай ҳукм чиқарасиз – виждонингизга ҳавола.

Маъруф Назиров,
уста, 69 ёш

КЕКСАЛАР

Арафа

– Отам 85 ёшга кириб оламдан ўтди. Умр бўйи косиблик қилган, дўсти, улфати кўп, дутор ҳам чаладиган шинаванда одам эди.

Қизиқ-қизиқ гапларни кўп биларди. Ўттиз-қирқ ёш пайти, рўза авжи чиллага тўғри келган экан, саҳарликдан кейин озгина иш тикибди, кейин ётиб анча ухлабди. Бир маҳал уйғониб, ташқарига чиқиб қараса, офтоб терак бўйи баландда турган эмиш. Ҳа, ҳали вақт кўп экан, деб яна ишга ўтирибди, тағин ухлаб дам олибди. Пешин намозини ўқиб, ташқарига чиқиб қараса, офтоб ҳалиям ўша жойда қотиб турганмиш. Устахонасига кириб яна ишини қилибди, кун иссиқ, уйнинг ичи дим, ташқарига чиқиб қараса, қуёш ҳалиям ўша бир терак бўйи жойда турганмиш. Озгина дам олган бўлибди, кейин икки-уч марта ҳовлига чиқиб қараса, офтоб ҳалиям ўша жойидан қимирламай турганмиш.

Жуда жаҳли чиқиб кетибди, қуёшга қараб кўзини олайтириб:

“Сен ҳеч ботма, илоё, шу жойингда тош қотиб қол! Сен барибир ботасан, лекин олдин мени – Носирқулни ўлдириб, кейин ботасан!” – деб дўқ қилибди.

Яна битта қизиқ гапини айтиб берай.

Совет даврида амакимнинг ўғли Толибжон акам Россияга беш йил ўқишга кетадиган бўлди. Отам жиянига қараб шундоқ деб фотиҳа қилди:

“Толибжон болам, битта бўлиб кетаётибсан – битта бўлиб қайтгин, илоҳи омин!”

Толибжон акам билан Ўзбекистондан йигирма иккита йигит ўқишга кетган экан, бири Хоразмдан, бири Бўкадан, бири Қўрғонтепадан дегандек, ҳаммаси юртига жуфт бўлиб қайтди, фақат отамнинг жияни битта бўлиб қайтди.

Отам охирги йилларда оёғи синиб, озгина зерикиб қолди.

“Ҳамма кетди, – дерди зорланиб, – укам – Собир амакинг ўтиб кетди, Рисолат опам, Зайнаб опам, Зулфи кеннойим, Миразим, Миркарим, Мирҳаким, Тожиниса, Қутбиниса жиянларим – ҳаммаси кетди. Мен тенгидан ҳеч ким қолмади – Мусавой темирчи йўқ, Абдуллатиф қозиям ўлди, Эргаш бужур аллақачон кўкариб чиқди. Мен, билмадим, Худонинг эсидан чиқиб кетдимми... Ошимни ошадим, ёшимни яшадим, энди, одам деган иззатиниям билиши керак. Бу дунёда ҳаққим қолмади”.

“Ундоқ деманг, ота, Худога шукур қилинг, ҳали кўп йил бизларга бош бўлиб юринг, – деб юпатардик биз. – Зериксангиз, чойхонага олиб чиқайлик, чоллар билан гаплашиб, ёзилиб келасиз”.

“Э, ҳаммаси ёш боллар қолган, нимани гаплашаман у қоқвошлар билан... Йўқ, Худойим тезроқ жонимни олақолсайди, Азроилни қачон юборса, мен тайёрман...”

Бу гапдан кейин биз тасаллига сўз тополмай маъюс бўлиб қолардик.

Бир куни, куз пайти, ҳаво совуқ эди, отам “Бугун арафа, мени ювинтириб қўйинглар, эртага ҳайит намозига чиқаман”, деб қолди. Укам билан бирга қушдек енгил бўлиб қолган отамни кўтариб ҳаммомга олиб кирдик, ювиб-тараб жойига ётқизиб қўйдик. Шу орада, билмадим, жиндай шамол тегиб қолдими, кечаси отамнинг мазаси қочди. Иситмаси чиқди, алаҳлаб, ўзини билмай қолди. Дўхтир чақирдик, келиб иккита укол қилди. Тонгга яқин бироз тинчиб, кўзи уйқуга илинди. Намозгайм чиқолмади.

Эрталаб акаларим, қариндош-уруғ, маҳалладан қўшнилар “Ҳайит муборак” қилиб отамни кўргани кела бошладилар. Одамларни кўриб отамнинг чеҳраси очилди, ким келса, нуқул битта гапни такрорлар эди:

“Қаттиқ мазам бўлмади, ёмон кўрқдим, ўлиб қолишимга бир баҳя қолди. Оёқ-қўлим музлаб, белимгача жонсиз бўлиб қолди. Хайрият, Ғаффорқул бор экан, дўхтир чақирди, бўлмаса кетиб қолардим...”

Зиёратчилар бош чайқаб, “Худо сақласин”, “Худо шифо берсин”, деб аста-секин тарқалишарди.

Бир пайт иккаламиз қолганимизда мен ҳазиллашиб: “Ота, кеча Азроил қачон келса, мен пионер, доим тайёрман, деган эдингиз...” – деб кулдим.

“Э, болам, мен-ку доим тайёрман. Лекин йилда бир келадиган ҳайитни азага айлантирмай, дедим-да. Аммо сен аҳволимга қараб бепарво бўлма. Шайх Саъдийда бир ривоят бор. Бир қари одам касал бўлиб табибга борибди. Табиб сўрабди: “Қаеринг оғрийди?” “Соқолимнинг учи оғрийди”, дебди касал. “Нима еган эдинг?” – деб сўрабди табиб. “Муз билан нон”, дебди бемор. Табибнинг жаҳли

чиқиб кетибди. “Э, қандай бадбахт мўйсафидсан, – дебди, – на касалинг одамнинг касалига ўхшайди, на еган овқатинг”.

Шунақа энди, болам, қариликка даво йўқ”.

Ғаффоркул,
шофёр, 43 ёш

Икки китоб – икки дунё

– Яқинда бир китоб қўлимга тушиб қолди. Номиям ажойиб: “Кексалик қуёшдир, қуёш қаримас”. Жуда чиройли китоб.

Авториям ёши улуғ одам экан. Қарилик, нуронийлик ҳақида, кексалар хонадонларимизнинг файзу фариштаси экани ҳақида кўп маъқул гапларни ёзибди. Иккинчи қисмида шу гапларни тасдиқлаш учун Шарқ мумтоз шоирлари, мутафаккирларининг шеърлари, афоризмларидан мисоллар келтирибди.

Лекин, қизиғи шундаки, бу байту ҳикматларнинг ҳаммаси қариликдан шикоят, афсус-надоматдан иборат бўлиб, биринчи қисмдаги доно гапларни рад қилади. Қисқаси, уларни ўқиган одам кексаликнинг қуёш эканига мутлақо ишонмайди, бутунлай руҳи тушиб кетади.

Энди худди шундай мазмундаги яна бир китоб бор, автори – Жеймс Тейлор, геронтолог олим, америкалик. Китоб “Кекса ёш билан боғлиқ хатарлар ва улардан ҳимояланиш” деб аталади. Унда бирортаям байту ғазал йўқ, бошдан-охиригача қари одам организмида юз берадиган физиологик ўзгаришлар содда, тушунарли тилда,

тўққиз пулдай қилиб ёзилган. Турли хатарлардан сақланиш учун аниқ, амалий маслаҳатлар берилган.

Масалан, киши кексайганида танасида кальций моддаси камайиб, суяги ниҳоятда мўрт бўлиб қолади, салга синиб кетаверади. Китоб ана шу хавфдан огоҳлантириб, жумладан, кекса эркакларга шимни доимо ўтириб кийиш кераклигини тавсия этади. Акс ҳолда, одам мувозанатини йўқотиб йиқилиш хавфи жуда кучли экан. Шу бўйича ҳам статистика бор экан. Масалан, АҚШнинг ўзида бир йилда 65 мингдан ортиқ кекса одам шим кияман, деб оёғини ёки белини синдириб оларкан. Китобда бунақа мисоллар жуда кўп. Қари одам қандай юриши, қандай овқатланиши, қандай ухлаши – қўйингки, ҳамма масала бўйича ўзини асраш чоралари кўрсатилган.

Мана шу иккита китоб Шарқ ва Ғарб тафаккури ўртасидаги тафовутни яққол кўрсатиб туради. Димоқчиманки, бизда ҳиссиёт, эмоция кучли, уларда эса – амалий иш, прагматизм кучли. Бунинг қайси бири тўғри, энди мен бир нарса деёлмайман...

Муроджон Бойбўлов,
врач-геронтолог, 38 ёш

90 яшар юбиляр

– Атоқли давлат ва жамоат арбоби, академикнинг 90 ёшга тўлиши муносабати билан зиёфатга таклифнома келди. Расмий тадбир кўзда тутилмаган бўлса-да, у кишига бир қутлов – “адрес папка” юборишга қарор қилдик.

Ёрдамчимни чақириб, топшириқ бердим:

– Устига “90 ёш” деган ёзуви бор папка топиш керак. Кейин табрик лойиҳасини тайёрлаб менга кўрсатасиз. Тасдиқлаб берганимдан кейин компьютерда чиройли қилиб кўчиртириб, имзога олиб кирасиз.

– Хўп бўлади, – деди ёрдамчи. Шу бўйи кечгача қорасини кўрсатмади. Мен ҳам ишга чалғиб, юбилей эсимдан чиқаёзибди. Кечга яқин ёрдамчимни чақирдим:

– Тайёр бўлдимми?

– Кечирасиз, хўжайин, – деди у гуноҳкор оҳангда елка қисиб, – топшириқ берганингиздан кейин эрталабдан бошлаб шаҳардаги ҳамма канцтовар магазинларга, китоб дўконларига бордим. Лекин ҳеч қаерда “адрес папка” йўқ экан.

– Йўғ-э? – дедим ажабланиб. – Шу арзимас матоҳга қирғин кептими?

– “Адрес папка” кўп, лекин шу... “90 ёш” дегани йўқ экан.

– Нега?

– Чунки 90 ёшга камдан-кам одам чиқаркан. Кейин... бу ёшда деярли юбилей бўлмас экан-да. “50”, “60”, “70”, “75” деганлари бор, лекин “90” деган папка ҳеч топилмади. Шунинг учун босмахонага алоҳида буюртма қилишга тўғри келди, Худо хоҳласа, эртага эрталаб тайёрлаб беришади.

– Улгурамизми, ишқилиб? – деб сўрадим кулиб юбормаслик учун.

– Улгурамиз, хўжайин, ўлибмизми улгурмасдан...

Илоё, ҳаммамизни “адрес папка” топилмайдиган ёшларга етказсин.

Даврон Ёркулов,
амалдор, 47 ёш

“ОТАМНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛИШИМ КЕРАК”

– Тушлик қилгани уйга келсам, эрталаб соп-па-соғ юрган отамнинг тоблари қочиб қолибди.

Етмишдан ошган одам, бирпасда қон босимлари тушиб кетибди, икки-уч марта қайт ҳам қилибдилар. Хотиним нима қиларини билмай, йиғлагу-дек бўлиб ўтирибди.

Олдиларига кирсам, ранглари бир ҳолат, бошларини оқ чит рўмол билан танғиб, шифтга тикилиб, тоқи санаб ётибдилар. Мени сезмадилар ҳам, секин йўталиб, салом бердим.

– Ҳа, ота? – деб, ёнларига тиз чўкиб, пешоналарига қўлимни тегиздим – иситмалари ҳам борга ўхшайди.

– А, Ориф, келдингми? – деб зўрға гапиряптилар.

– Нима бўлди, эрталаб отдек эдингиз-ку? – деб сўрадим.

– Бандасига ишонч йўқ, болам, етмиш – кетмиш деб қўйибди.

Шу ёшида ҳам тоғни талқон қилиб юрадиган отамдан бу гапни эшитиб, очиғи, кўнглимга ғулғула тушди.

– Эй, нима деяпсиз, ота, – дедим ёлғондан гулдираб. – Келишганмиз-ку, бир юзу йигирмага кириб, анави озарбайжон бобой – Шерали Муслимовдан ўзиб кетмагунингизча сизга жавоб йўқ. Қўйинг бунақа ваҳима гапларни.

Отам беҳол кулимсираб қўйдилар.

– Мен қўйганим билан ажал қўймаса наилож, Ориф... Энди гапга қулоқ сол: дарров Тошкентдан анави дўхтир ошналарингни бошимга тўплаб келма, хўпми? Банисага бўйнимга арқон солиб судрасанг ҳам бормайман. Нима бўлсам, тинчгина уйимда бўлай, тушундингми?

Қарасам, чоли тушмагурнинг авзойи чатоқ.

– Хўп, хўп, ота, нима десангиз – шу, – дедим. – Лекин ҳеч нарса тамадди қилмабсиз-ку. Айтинг, кўнглингиз нима тусаяпти?

Отам хўрсиниб, бош чайқаб қўйдилар.

– Майли, айтарман... бирпас ўз ҳолимга қўйинглар...

Кўнглим вайрон бўлиб кўчага чиқдим. Яқинда бу лаънати сигаретни ташлаган эдим, ҳозир шундоқ хумор қилиб, бошларим оғриб кетди.

Мен мана шу кўриб турганингиз Сўқоқ дам олиш уйида салкам ўттиз йилдан буён директорман. Катта даргоҳ, йил – ўн икки ой одам аримайди, ҳар куни ишга чиқишга мажбурман.

Идорага қайтиб келгач, негадир кабинетга киргим келмади. Эшик олдидаги ёғоч ўриндиқда ўтган-кетган билан саломлашиб ўтирдим. Рўпарамдаги тўрт туп арча ўсган майдончага ўрнатилган она-бола кийик ҳайкалига худди биринчи марта кўраётгандек, тикилиб қолдим.

Мен директор бўлиб энди иш бошлаганимда бу ерда Сталиннинг цементдан қилинган катта ҳайкали бўларди. Беш-олти йил ўтиб, Сталин шахсига сиғиниш қораланди, ҳайкали олиб ташлансин, деб райкомдан махфий буйруқ келди. Пошшо... э, кечи-

расиз, партиянинг амри вожиб, бир кечада амаллаб олиб ташладик.

Кейин унинг ўрнига ўртоқ Маленковнинг катта бир бюстини ўрнатинг, деб райкомдан очик топшириқ келди. Ўрнатдик.

Бир ярим йил ўтмасдан туриб, Маленков ишда хатоларга йўл қўйди, бюстини олиб ташланг, деб райкомдан яна махфий хат келди. Бир кечада бу кўрсатмани ҳам ўринлатиб бажардик.

Кейин тепадан, энди бу жойга ўртоқ Хрушевнинг ҳайкали қўйилсин, деган очик топшириқ келди. Бу буйруқни ҳам қулоқ қоқмасдан адо этдик. Энди ўрганиб қолган эдик, олтмиш тўртинчи йили райкомдан яна махфий хат келди – Хрушев ҳам хатоларга йўл қўйди, ҳайкалини йўқотинг, дейилган эди унда. “Есть!” деб кал бобонинг бетон жасадини бир кечада гумдон қилдик.

Бечора ҳайкаллар, дейман, бировга фойдазиёни йўқ, шу бўйрадек майдончани обод қилиб турувди, лекин, начора, катталар айтгандан кейин бир нима деб бўладими?

Ҳаммаси майли-ку, аммо тинимсиз ҳайкал ағдариш, тинимсиз ҳайкал қўйдириш идорамизга ҳар сафар жарақ-жарақ пулга тушарди.

Ўйлаб-ўйлаб, шу бўш турган жойга тагин кимдир эга чиқмасин, деб отни қамчиладим – мана шу она-бола кийикнинг ҳайкалини қўйдирдим. Ҳайкал ясатавериб, Чилонзордаги Ашот, Месроп деган армани усталар билан ошна бўлиб кетган эдим, азаматлар бир ҳафтада тайёрлаб берди. Хизмат ҳақини дам олиш уйига ўн кунлик путёвка билан тўладик.

Арманилар ижодини “парковая скульптурная композиция” дер экан, мана, йигирма йилча бўлиб

қолди, қилт этмай турибди. Райкомдан ҳеч қанақа очиқ ёки махфий буйруқ ҳам келаётгани йўқ, қулоғим ғалвадан тинчиди. Нега десангиз, эй, бу ҳайвон одамдан ақлли бўлар экан. Одам хато қилар экан, ҳайвон умуман хато қилмас экан. Қисқаси, одамга қараганда ҳайвоннинг обрўси тузук экан.

Кабинетга кириб, яна ўйланиб қолдим. Албатта, мен отамнинг айтганини қилишим керак – Тошкентдан дўхтир ошналаримни чақирмаслигим керак. Лекин шундоқ кўз ўнгимда азоб чекиб ётган падари бузрукворимнинг аҳволига томошабин бўлиб туrolмайман-ку? Ахир, мен отам олти қизнинг ичида тилаб олган ёлғиз ўғилман-ку!

Ниҳоят, бир “ҳийлаи шаръий” ўйлаб топдим. Тухфат Ҳазратов деган профессор ошнамга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирдим. У гўёки ҳеч нарсадан беҳабар, дам олиш уйига икки кунга келган бўлиб, бизникига бирров кириб чиқадиган бўлди. Ишонарли чиқиши учун хотинимни ҳам бирга олволаман, деди.

Бу айти муддао эди, чунки Ася кеннойи ҳам дўхтир, кардиолог эди.

Сал хотиржам тортиб, ташқарига чиқдим, Қиёмиддин завхозга иш буюриб бўлгач, энди уйга кетаман, деб турган эдим, ҳаворанг “ГАЗ-24”да райкомнинг учинчи котиби Гавҳар Бакировна инструктори билан келиб қолди.

Меҳмонлар бемаврид ташриф буюрган бўлса-да, сир бой бермасдан, очиқ юз билан кутиб олдим. Кабинетга кирдик.

– Ориф Одилхонович, – деб гап бошлади котиба опа, – хабарингиз бор, партиямизнинг яқинда бўлиб ўтган еттинчи пленумида КПСС Марказий

Комитетининг Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев томонларидан жуда муҳим ва долзарб бир ташаббус илгари сурилди.

– Ҳа, ҳа, – дедим талмовсираб. Ичимда эса, “Оббо! Кийик ҳайкалининг ҳам куни битибди шекилли”, деб ўйладим.

– Бу ташаббуснинг моҳияти шундан иборатки, партия жамиятимизда ленинча демократик принципларни янада чуқур қарор топтириш мақсадида бундан буён меҳнат жамоаларида, вазирлик, идора ва муассасаларда, ишлаб чиқариш бирлашмаларида биринчи раҳбарларни илгаригидек тепадан буйруқ асосида эмас, аксинча, бевосита коллективнинг хоҳиш-иродасига биноан, умумий мажлисда очиқ овоз бериш йўли билан сайлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Жудаям адолатли қарор, тўғрими, Ориф Одилхонович? – Гавҳар Бакировна менга синчиклаб қараб қўйди.

– Албатта, албатта, адолатли, – деб бош ирғаб тасдиқладим мен.

– Жамоа ўзи хоҳлаган одамини раҳбар этиб сайласа, ҳеч шубҳасиз, иш унуми ҳам ортади. Партияимизнинг ушбу қарори районимиздаги идора ва ташкилотларда катта муваффақият билан амалга оширилмоқда. Масалан, кеча “Социализм” колхозида бўлиб ўтган сайловда оддий чўпон Қултўраев раисликка сайланди. Энг қизиғи шундаки, унинг ҳатто олий маълумоти ҳам йўқ, лекин меҳнат жамоаси юз фоиз ишонч билдирди! Ана буни ҳақиқий демократия тантанаси деса бўлади!

Бу гапни эшитиб, очиғи, гангиб қолдим. Бечора Йўлдошвой ака – эски раис, бир қўли йўқ фронтовик, Москвада ижтимоий фанлар академиясида

иқтисод бўйича номзодлик ёқлаган, колхознинг бир тийин ҳақини ўзи ҳам емасдан, бошқаларга ҳам едирмасдан, хўжалиги ҳудудида социализм эмас, нақ ҳақиқий коммунизм куриб қўйган зўр раҳбар, ҳойнаҳой, инфаркт бўлиб ётгандир!

– Сайлов навбати энди Сўқоқ дам олиш уйининг меҳнат жамоасига етиб келди, – деб баланд руҳда сўзини давом эттирди Гавҳар Бакировна. – Мана, марҳамат қилиб, тегишли ҳужжатлар билан танишсангиз.

– Хўп бўлади, бажонидил, – дедим Опа узатган калин папкани қўлимга олиб. – Партиямизнинг қарори биз учун қонун. Қачон десангиз, оғишмай бажарамиз.

– Агар қарши бўлмасангиз, – деди Гавҳар Бакировна нозик, қора қошларини чимириб, – эртага куннинг иккинчи ярмида умуммажлис чақириб, сайловни ўтказсак.

– Маъқул, – дедим бош ирғаб, – ҳозироқ тайёргарликни бошлаворамиз, Гавҳар Бакировна.

– Ориф Одилхонович, агар рухсат берсангиз, бу масала билан... – Опа театрчилик институтини битирган эмасми, чуқур маъноли пауза қилиб, кейин ҳамроҳига ишора қилди, – райком инструктори ўртоқ Ҳожиматов Асрор Эшонович дам олиш уйи партия ташкилотининг секретари ўртоқ Баҳриддинов билан шуғулланишса, тўғри бўлади. Чунки сиз “заинтересованное лицо” сиз, так что...

– Бўлди, Гавҳар Бакировна, сизлар нима десангиз – шу, – деб такрорладим яна.

– Келишдик. Энди бизга рухсат, – деб райком котибаси ўрнидан турди. – Асрор Эшонович, сиз қолиб, мажлисни тайёрлайсиз.

– Э, бу қандоқ бўлди, Гавҳар Бакировна, бир пиёла чой ичмасдан? – дедим.

– Раҳмат, Ориф Одилхонович, кечкурун бюро мажлиси бор.

Опа шундай деб, машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Бошқа пайт бўлганида, шўх-шаддод, мижгонлари узун-узун бу кўҳлик аёлни **“Кипригининг соясида бир нафас жон сақладим”**, деган шеърларимдан ўқиб, хурсанд қилиб кузатган бўлардим-у, ҳозир отам бетоб бўлиб ётган пайтда кўнглимга қил ҳам сиғмас эди.

Айни вақтда ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачевнинг ҳам, унинг Гавҳар Бакировна сингари минглаб лашкарларининг ҳам бу қадар соддалигини, ҳаётни, совет халқининг психологиясини умуман билмаслигини ўйлаб ҳайрон қолар, ҳам ич-ичимдан кулгим қистар эди.

Ахир, меҳнат жамоаси дегани нима? Юз фоиз онгли, масъулиятли, давлат, жамият манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун деб биладиган одамларми? Ким шундай деса, бекорларни айтибди. Жамоа – бу ҳар қайсиси кўрпани ўзига қараб тортадиган, турли хил, аксарият ҳолларда ғаразли манфаатларни илгари сурадиган одамлар ва гуруҳлардан иборат олақуроқ бир оломон. Бундай тўда ҳеч замонда билимдон, принципиал, қаттиққўл ва талабчан, иш деганда ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам тиним бермайдиган инсонни раҳбар этиб сайлайдими? Бошимни гаровга қўйиб айтаманки, ҳеч қачон сайламайди!

Жамоага қандай раҳбар керак?

Бировнинг мушугини пишт демайдиган, ҳеч кимдан иш талаб қилмайдиган, жамоанинг ҳар қандай хархашасига чурқ этмай кўнадиган, савияси ўртамиёна, бўш-баёв бир бошлиқ керак, холос!

Наҳотки, кўрга ҳасса бўлиб турган шу оддий ҳақиқатни тушуниш учун киши Афлотун бўлиши керак?! Мия ишламаса қийин экан-да.

Энди, ўзимнинг ишхонамга келадиган бўлсак, кўнглим тўқ эди. Сўқоқ дам олиш уйида минг марта умуммажлис ўтказсангиз ҳам, меҳнат жамоаси мендан бошқа ҳеч кимни сайламайди. Одностно. Нега дейсизми? Негаки, ишчи-хизматчиларнинг тўқсон фоизи ўзимнинг қариндошларим эди-да. Лекин бунда менинг ҳеч қандай айбим йўқ, чунки қишлоғимизнинг бутун аҳолиси азал-азалдан бир-бири билан уруғ-аймоқ, қуда-анда бўлса, ҳаммамиз бир одам бўлиб кетган бўлсак, мен нима қилай? **“Шул эрур айбим, Муқимий, мардуми Фарғонаман”**. Сўқоқ, мана, кўриб турибсиз, тоғнинг тагида, тупикда жойлашган дўппидек кичкина қишлоқча, бу ердан ҳеч ким бошқа юртга кетмайди, четдан ҳам бирон кимса келиб яшамайди.

Масалан, ишхонадаги ўринбосарим Холмўмин – амакимнинг ўғли, Қиёмиддин завхоз – хотинининг укаси, Гавҳар Бакировна “ставка” қилаётган партком секретари Баҳриддинов – тоғамнинг қудаси, буғалтир Эмма опа – кўшним, завзал Саида – опамнинг келини эди.

Қоровул Содирхон акадан тортиб боғбон Шорустаму шофёр Қобилбеккача – бири она томондан, бири ота томондан хеш-ақрабо бўларди. Хуллас, Эркин акам айтганидек, “ўртада бегона йўқ”.

Энди, ўзингиз айтинг, бир марта эмас, юз марта сайлов бўлганида ҳам, булар мени сайламасдан кимни сайлайди? Нимадандир хомтама бўлиб, тамшаниб юрган анави шўртумшуқ Асрор Эшоновични сайлайдими? Кечириб қўясиз, Сўқоқ халқи жинни бўлгани йўқ!

Шу пайт уйдан хотиним қўнғироқ қилиб, Тухфат ака Ася опа билан меҳмон бўлиб келишганини айтди.

Шошиб ҳовлига келсам, Тухфат ака отам билан илгаритдан кадрдон эди, гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтирибди. Профессор ролини зўр ўйнаб берди, озиб-ёзиб бир дам олишга чиққанида яна касал кўришга тўғри келганини айтиб пича нолиди. На-чора, энди иши шунақа бўлганидан кейин... Одилхон отада ҳеч қандай касал йўқлигини, фақат шу чилланинг иссиғи у кишини бироз лоҳас қилган бўлиши мумкинлигини, уч-тўрт кун касалхонага ётиб, бир-иккита қувват дорилардан олсалар, отдек бўлиб кетишларини айтди. Бу дўхтир ошнамнинг бутун илми тилида эди, бирпасда отамни эритиб, шифохонага боришга кўндирди, боягина ўламан саттор, уйимдан чиқмайман, деб ётган одам, ҳатто қайси банисага бораман, деб сўради.

“Биринчи горбальницага, – деди Тухфат ака, – ўзим яхшилаб қарайман”.

Шундай деб, профессор қўл ювгани ташқарига чиқди.

Отам “горбальница” деган сўзни бошқача тушунди, шекилли, менга жовдираб қаради:

“Тўр банисаси нима, Ориф?”

“Тўр дегани йўқ, биринчи баниса, деяпти, ота, хавотир олманг”, дедим ва кеннойингизни чақириб, керак нарсаларни тайёрлашни буюрдим.

Айвонга чиқсам, Тухфат ака узоқдаги қорли тоғ чўққиларига завқланиб тикилиб турган экан, мени секин меҳмонхонага бошлади.

“Отахоннинг аҳволлари жуда жиддий, – деди юзимга тик қараб. – Анча чарчаб қолибдилар. Анализ натижаларини кўрмасдан туриб бир нарса дейиш қийин-у, лекин, тахминимча, ё жигар, ё ўт қопи ишламай қолган. Балки ошқозон-ичак йўлида ўсма бордир. Хуллас, клиникага зудлик билан обориш керак. Менга рухсат, бориб жой тайёрлаб турай”.

Тухфат ака кетди. Дарди дунём қоронғи бўлиб, “Тез ёрдам” машинасини чақирдим. Шом аралаш касалхонага етказиб бордим.

Профессор ошнам барака топсин, икки кишилик алоҳида палата тайёрлатиб қўйган экан, отамнинг ёнида қолдим.

Муолажалар бошланиб кетди.

Бири-биридан эшитиб, Тошкентдаги бошқа дўхтир оғайниларим ҳам етиб келишди. Буларнинг кўпчилиги ёзда дам олиш учун келадиган эски танишларим эди.

Ҳар хил анализлар олишди, ноёб аппаратларга солиб текширишди, консилиум ҳам ўтказишди, ҳатто академик Билоловни ҳам консультацияга чақиришди.

Аммо отам бечоранинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борарди.

Учинчи кунга бориб сув ҳам ичмай қўйдилар, гоҳ одамни кўрқитиб, узоқ-узоқ уйқуга кетар, ҳар замон-ҳар замонда секин инграб қўяр эдилар. Баъзан хуши ўзига келгандек бўлар, кўзларини аранг очиб, “Ориф... Ориф” деб пичирлар ва яна жим бўлиб қолар эдилар.

Ичимга чироқ ёқса ёришмасди. Ҳатто ишхонадан ўринбосарим Холмўмин келиб, умумий мажлисда бир овоздан директорликка сайланганимни айтганида ҳам зиғирдек хурсанд бўлганим йўқ.

Ўлим тўшагида ётган отамга тикилиб турган ажал қаршисида бутунлай ожиз эканимни, қўлимдан афсус-надомат чекишдан бошқа ҳеч қандай иш келмаслигини ўйлаб, дод деворгим келарди.

Бояқиш падари бузрукворим биз – саккиз жонни боқаман, деб, умр бўйи кетмон чопиб, боши қора меҳнатдан чиқмай ўтди. Эсимда, Тошкентда, институтда ўқиб юрганимда ҳар шанба уйга келар, эртаси куни шаҳарга қайтар пайтимда отам қўлимга ўн сўм пул берар, кўпинча бу пуллар бир сўмлик ё уч сўмлик қоғозлардан иборат бўлар эди. Колхоз ёлчителиб ойлик бермас, кейин билсам, отам бечора менга ҳафталик пулни топиб бераман, деб, бировларнинг боғида мардикорчилик ҳам қилар экан...

Мана энди, қўлимдан озми-кўпми иш келиб, хизмати қиламан, деб турганимда заволли отам бу бевафо дунёни ташлаб кетяпти.

Олтинчи куни эрталаб Тухфат ака мени хонасига чақиртирди.

“Ориф ака, кўриб турибсиз, қўлимиздан келган ҳамма ишни қиялпмиз, – деди кафтини кафтимга қўйиб. – Лекин Одилхон отада, афсуски, салбий ўзгаришлар кучайиб боряпти. Ўзингиз тушунасиз, хўп, десангиз, отахонни қийнамайлик, бу ёғи – Худодан. Цирроз печень, энди бу ёшда... Агарки, йўқ, чиқмаган жондан умид, десангиз, биз охиригача туриб беришга тайёرمىз”.

Индаёлмай қолдим. Билсангиз, шу тобда ҳаётимдаги энг оғир, энг мушкул қарорни қабул қилишим керакэди. Ўйлаб, ҳеч ўйимга етолмасдим.

“Нега, қандай қилиб цирроз бўлиши мумкин? Ахир отам умр бўйи ароқ-вино, попирис деган нарсалардан ҳазар қилиб ўтган бўлса, чашма булоқнинг сувидан бошқа сувни ичмаган бўлса, ўн ёшидан бошлаб беш вақт намозини, рўзаи рамазонни бирон марта канда қилмаган бўлса...”

Тухфат ака сигарет тутатиб, қуюқ тутунни қўли билан ҳайдаркан, худди ўй-фикрларимни ўқиб тургандек:

“Худонинг иши-да, Орифхон ака”, деди.

Кўз ёшларимни артиб, палатага қайтиб кирсам, отам сал ўзларига келиб қолганлар, шекилли, ҳамшира қиз Шаҳноза укол қилаётган экан.

“Ота, тузукмисиз? Хайрият-э! – дедим товушимга бардам тус бериб. – Мана, анча яхши бўлиб қолдингиз, дўхтирлар ҳам бизга жавоб беришяпти”.

Отам, чамаси, ҳамма гапни сезиб-билиб ётган эканлар, менга қараб секин кулиб қўйдилар.

“Ҳа, Ориф, дўхтирларинг мени бўлмайди, дейишяптими?”

“Йўғ-э, ота, ким айтди сизга бу гапни, – дедим шошиб-пишиб, – фақат бир ҳафтага жавоб беришяпти, озгина дам олиб, яна келар эканмиз”.

“Эй болам-а, ҳалиям ёшлигинг бор-да. – Отам мени ҳайратда қолдириб, билмадим, қаердан куч оляптилар, дона-дона, аниқ-равшан қилиб гапирардилар: – Ориф, сен сира кўрқма. Ўлим нима – уйқудек бир гап. Кейин... бу дўхтирларингнинг гапига ишонма. Мен ўлмайман, ўғлим...”

Бечора отам, умрларининг сўнгги дақиқасида ҳам мени аяб, менга далда бериб ўтирибдилар-а, деб ўйладим. Юрагим баттар эзилиб, гапиролмай қолдим. Ахир, шам ҳам сўниш олдидан бир липил-лаб, кейин ўчади-ку!

“Мен ўлмайман, ўғлим, – деб давом этдилар отам. – Нега десанг, отам – бобонг Нодирхон эшон, илоё, менинг ёшимдан ҳам ошиб кетгин, деб мени дуо қилганлар. Ўшанда бобонг икки кам тўқсон ёшда эдилар. Энди, ўзинг айт, ўғлим, мен отамнинг гапини қилишим керакми ё сени дўхтирларинг-нинг гапиними?”

Бу гапни эшитиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди, кушдек енгил бўлиб қолган қиблагоҳимни маҳкам қучоқлаб олдим.

Отамнинг ўлмасликларига чин дилдан ишондим.

Дўхтирлар билан хайрлашиб, кечки пайт эсон-омон Сўқоққа етиб келдик.

Энди, ишонмайсизлар, уйга келганимизнинг эртаси кун, кечагина “биринчи гўр баниса”да беҳуш бўлиб ётган отам, секин-аста ўзларига кела бошладилар. Бир пиёла – ярим пиёла оби ёвғон ичиб, иштаҳалари очилиб, қувватга ҳам кириб қолдилар.

Бир ҳафта деганда, қимиз ичгим келяпти, дедилар, Қирғизовулдаги ошналаримдан тозасидан олдириб келдим.

Иккинчи ҳафтага бориб, кўрпа-тўшакни йиғдириб, ўринларидан туриб кетдилар. Ҳеч нарсга кўрмагандек бўлиб, яна бурунгидек ҳаммамиз билан чой ичиб, чақчақлашиб ўтирадиган бўлдилар.

Мен ҳам Худога шукур қилиб, ишимга андармон бўлиб кетдим.

Чоршанба куни Тошкентга, Курортлар бошқармасига ҳисобот топширгани бордим. Қайтишимда кўриб кетай, деб Тухфат аканинг касалхонасига кириб ўтдим.

Профессор мени кўриб:

“Отахон... – деб анча тўхталиб турди, кейин: – Қалайлар?” – деб сўради.

Шу пайт бир шумлик қилгим келиб қолди.

“Э, сизларда ўзи одамгарчилик йўқ экан, – дедим ёлғондан башарамга мотам тусини бериб. – Уч, еттилари, мана, йигирмалариям ўтди, мундоқ бир оғиз кўнгил сўраб ҳам бормадинглар...”

“Йўғ-э? Йўғ-э? Э, Орифхон ака, бандалик, жойлари жаннатда бўлсин. Узр, ака, мутлақо беҳабар қолибмиз-да”.

“Нега беҳабар қоласизлар? – дедим қовоқ уйиб. – Газеталарда некролог ҳам чиқди-ю, ярим Тошкент фотиҳага борди”.

Тухфат ака бутунлай довдираб қолди.

“Жуда хижолатли иш бўпти-да, эшитмаганимизни қаранг... Отахонни вақтида опкетганингиз тўғри бўлган экан-да, Орифхон ака”.

“Ҳа, гўр баниса”дан вақтида опкетганим тўғри бўлган экан”, – дедим мен ҳам сўзларимга алоҳида урғу бериб.

“Ориф ака, кеч бўлсаям фотиҳага боришимиз керак. Шу якшанба куни борсак, бўлармикан?” – деб сўради Тухфат ака.

“Хўп, якшанба куни кутаман. Бошқа ўртоқларга ўзингиз хабар берарсиз?”

“Хотиржам бўлинг, – деди профессор чехраси ёришиб, – ҳаммасини ўзим бошлаб бораман”.

Сўқоққа қайтиб келсам, трансформатор куйиб, дам олиш уйи электрсиз қолибди. Ишга чалғиб, Тухфат ака билан бўлган гап эсимдан чиқиб кетибди.

Якшанба куни уйда тушлик қилиб ўтирган эдим, дарвозамиз олдига келиб тўхтаган машина овози, сал ўтиб, эшик қўнғироғининг жиринглагани эшитилди.

Йўлакка чиқиб қарасам, ташқарида оқ рангли бир “РАФ” турибди, дўхтир ошналарим ғамгин қиёфада ичкари кириб келишяпти.

“Э, келинлар, келинлар!” – деб, кулиб юбормасликка тиришиб, меҳмонларга пешвоз чиқдим.

Шу пайт десангиз, эртақда ҳам, кинода ҳам учрамайдиган, ниҳоятда ғаройиб бир воқеа юз берди.

Кун жуда ҳам исиб кетгани учун отам ҳовлининг тўридаги баланд ишком тагига қўйилган ёғоч сўрида, оқ қўйлак, оқ иштонда парёстиқларга ёнбошлаб, елпиниб ётган эдилар.

Энди, Худоё товба, бу тасодифни қарангки, меҳмонлар айна дарвозахонага қадам қўйганларида молхонага боғлаб қўйган шохсиз оқ эчкимиз ечилиб кетиб, сўрининг олдидаги узумни шипириб ея бошлади!

Ҳеч гапдан хабари йўқ отам қўлига ҳассасини олиб, ҳайҳайлаб эчкини қувлаб қолса, денг!

Энди бу манзарани бир тасаввур қилинг-да: дўхтирлар ўзи даволай олмаган, ўлди, деб таъзиясига келган Одилхон ота, оқ қўйлак, оқ иштонда, оқ эчкини олдига солиб қувганча, уларнинг қаршисидан чиқиб турса!

Бундоқ қарасам, бечора меҳмонларнинг рангикути ўчиб, бир-иккитаси шайтонлаб, дағ-дағ қалтираганча, деворга суяниб қолишибди.

Азбаройи шошганимдан, “Қўрқманглар, ўзлари... ўзлари...” – дейман нуқул.

Хулласи калом, падари бузрукворим оталарининг айтганларини қилдилар: бу воқеадан кейин яна ўн олти йил яшадилар, саксон саккиз ёшларида кулиб туриб, ҳаммамизга рози-ризолик бердилар, жилмайиб, бу ёруғ дунёни тарк этдилар.

Илоё, охиратлари обод бўлсин.

Ориф Одилхонов,
*Сўқоқ дам олиш уйининг собиқ директори,
шоир (марҳум)*

ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ ҒОЯСИ

– Мен узоқ йиллар ижтимоий фан олими сифатида ўзбек халқининг миллий ғояси ҳақида ўйладим. Кўпчилик ҳамкасбларим қатори унга илмий-назарий ифода топиш хусусида бош қотирдим. Тарихни, улуғ мутафаккирларнинг асарларини ўқиб-ўргандим, қанча-қанча доно зотлар билан гоҳ ғойибона, гоҳ юзма-юз суҳбат, баҳс-мунозаралар қурдим. Бу борада жаҳон тажрибаси ва амалиёти ҳам эътиборимдан четда қолмади.

Юсуфбек ҳожининг сўзларини бироз ўзгартириб айтсам, бу соч, бу соқол миллий ғоя қайғусида оқарди.

Айтиш мумкинки, изланишлар натижасида баъзи бир ажойиб хулосаларга келиб, кутилмаган кашфиётлар ҳам қилдим.

Совет даврида бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ эди. Карл Маркс, Фридрих Энгельс, Владимир Ленин каби доҳийлар биз учун бу масалани узил-кесил ҳал қилиб берган эдилар. Коммунизм ғояси бутун Совет Иттифоқи ва соцлагерь мамлакатлари учун ҳам сиёсий, ҳам миллий ғоя сифатида қатъий, ўзгармас постулат ўлароқ жорий этилган эди. Коммунизм. Нуқта. Тамом. Бу ғоянинг кейинги тақдири ҳақида ҳозир гапириб ўтирмаймиз.

Бугунги кунда эса кўп давлатлар ўзларини мафкурадан холи, демократик, эркин мамлакатлар қилиб кўрсатиш учун миллий ғоясини имкон қадар кўз-кўз қилмасликка интилар экан. Маса-

лан, АҚШда **“Америка манфаати – ҳамма нарсадан устун”** деган ғоя **“америкача орзу”** деган тушунчага жуда усталик билан сингдириб юборилганини англадим. Туркияда **туркчилик, яъни, пантуркизм**, Эронда **шиизм**, Саудия Арабистонида **вахҳобийлик** гоҳ ошкор, гоҳ пинҳона тарзда миллий ғоя либосида намоён бўлишини сездим. Ёки Шимолий Кореяда **“чучхе”** – яъни, **фақат ўзининг куч ва имкониятларига таяниш** фикри устувор бўлса, Хитой очикдан-очик **“Бозор коммунизми”** ғоясини илгари сураётган экан.

Беларусь давлатининг миллий ғояси ҳаммасидан ҳам ажойиб бўлиб, ушбу давлатда **“белорусы должны стать белорусами”**, яъни, **белоруслар белорусга айланиши керак**, деган тамойил бор экан. Бунда беларусь тили ва маданияти рус тили ва маданиятининг соясида қолиб кетмаслиги лозим, деган фикр мужассам бўлса, ажаб эмас.

Миллий ғоя ҳақида Ўзбекистонда юрт дарғалари ҳам, жамиятимизнинг гулу гултожлари бўлмиш олиму фозиллар, арбобу адиблар ҳам кенг мушоҳада юритдилар. Кўп изланишлар, муҳокама ва мулоҳазалардан сўнг бу мавзуда тадқиқотлар, монография ва рисоалар, дарслик ва қўлланмалар, ўқув дастурлари яратилди ва таълим-тарбия тизимига жорий қилинди.

Лекин булар мени қониқтирмас эди. Ўзимга ўзим тинимсиз савол берардим: **хўш, нима экан бизнинг миллий ғоямиз? Уни ҳеч кимда эътироз уйғотмайдиган, барчага маъқул келадиган бир мазмун ва шаклда қандай ифода этса бўларкин?**

Яъни, **“Жамиятнинг орзу-интилишлари, туб манфаатларини акс эттирадиган, бу йўлда ёши,**

жинси, миллати, ижтимоий мавқеи, билим даражаси ва дунёқараши, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, шу юртда яшайдиган барча фуқароларни бирлаштирадиган, сафарбар этадиган, мунтазам ривожланиб борадиган” қайси ғояни миллий ғоя деб қабул қилса бўларкин?

Бу саволлар менга тинчлик, ором бермай қўйди. Қанча-қанча кечаларни уйқусиз ўтказиб, фақат шу тўғрида ўйладим.

Бедор тунларнинг бирида кутилмаган, ғалати бир фикр ярқ этиб, миямда чақмоқ чақнагандек бўлди.

Ниҳоят, мен ўзбек халқининг миллий ғоясини топдим!

Бу фикр кимларгадир қанчалик ғайритабиий, ноилмий, борингки, аҳмоқона туюлмасин, лекин айтиш ҳақиқатдир. Мен бу тўғрида исталган олим, исталган муҳолиф билан баҳс-мунозарага тайёрман.

Энг муҳими, ўзбек халқининг миллий ғоясини жуда мухтасар тарзда, бор-йўғи иккита сўз орқали ифода этса бўлар экан. Яъни, асрлар синовидан ўтиб, ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, тупроқда чиримайдиган метин бир тушунча, собит бир эътиқод бўлиб шаклланган, ўзбек халқининг ҳаёт ва мамот тарзига айланган бизнинг ғоямиз **“тўй-ҳашам”** деган соддагина сўзларда мужассам топар экан.

Бу ўринда **“тўй”** сўзи фақат тўй-тантанани эмас, балки миллий одатларимиз билан чамбарчас боғланган, маржондек тизилиб келадиган бир қатор тушунчаларни – аза, маърака-маросимлар-

ни англатса, “**ҳашам**” сўзи дабдаба, намойиш, бойлиги ёки мавқеини (бор-йўқлигидан қатъи назар) кўз-кўз қилиб, шундан чуқур мамнуният ва қаноат ҳис этиб яшашни англатади.

Таъкидлаш жоизки, тўй-ҳашам – бу шунчаки анъана ёки урф-одат эмас, балки ҳаёт ва тафаккур тарзидир. Анъана ва урф-одатни ўзгартирса бўлар, аммо ҳаёт ва тафаккур тарзини ўзгартириб бўлмайди. Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихи бу ҳақиқатни яққол исботлаб беради.

Келинг, энди мана шу “тўй-ҳашам” деган тушунчани миллий ғоянинг мавжуд қоида-мезонлари нуқтаи назаридан таҳлил қилиб кўрайлик.

Демак, миллий ғоямизнинг биринчи талаби:

“жамиятнинг орзу-интилишларини, туб манфаатларини акс эттирадиган...” деган таъмоийлдир.

Ўзингиз айтинг, ўзбек миллатининг орзу-интилишларини тўй-ҳашамдан бошқа яна қайси ғоя бу даражада ёрқин, тўла ва мукамал акс эттира олади?

Ўлманг, фақат ва фақат тўй-ҳашам.

Мақоллар – халқ қалбининг кўзгуси, деймиз. Хўш, ана шу кўзгуга боқиб биз нимани кўрамыз?

“Ҳаммамизни тўйга етказсин”;

“Тўйдан бошинг чиқмасин”;

“Топган-тутганинг фақат тўйларга буюрсин”;

“Тўйга тўёна билан”;

“Ўғил уйлантирганга ўттиз йил тегма, Қиз чиқарганга қирқ йил тегма” ва ҳоказо.

Юртимизда ўтган барча улуғ алломалар, шариат пешволари, шоир ва мутафаккирлар орасида

бирон-бир зот йўқки, тўй-маъракадан “дод” демаган бўлса!

Лоақал жадидларнинг, бизнинг миллатимизни хору расво қиладиган икки нарса бор: бири – тўй, бири – азадир, деган мазмундаги шиква-шикоятларини эслайлик.

Хўш, миллий ғоя аслида нима? Миллий ғоя – миллатнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб кетган, енгилмас маънавий куч бўлиши керак. Бу ғоя учун нафақат бир гуруҳ маърифатпарварлар, балки бутун халқ ўлимга ҳам боришга тайёр бўлиши зарур.

Бизда “тўй-ҳашам” ғояси айни шундай кучдир. У динимиз арконларидан ҳам, аجدодлар ўғитларию давлат сиёсатидан ҳам доимо зўр чиқиб келади. Унга бас келадиган, уни енга оладиган биронта куч дунёда йўқ.

Юртимизда ҳукм сурган хонликлар даврию совет ҳокимияти ҳам, ҳозирги мустақил давлатимиз ҳам бу масаланинг нафақат маънавий, балки ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга эканини ҳисобга олган ҳолда, оилавий тадбир ва маросимларни ихчам, камхарж ва камтарона ўтказишга доимо катта эътибор қаратиб келган ва келмоқда. Бу борада ҳатто олий фармонлар, фармойиш ва қарорлар ҳам қабул қилинган.

Тарих саҳифаларини титкилаб ўтириб, бу фикримни тасдиқлайдиган яна бир мисол топдим.

Бухоронинг сўнгги амири Саййид Олимхон 1911 йили **“Жуда исрофли тўйларни тугатиш тўғрисида”** фармон чиқарган. Унга биноан, тўйларда паловдан бошқа овқат берганларга 75 (етмиш беш) дарра уриш жазоси тайинланган. Тўйга келган меҳмонларнинг ҳар бирига чопон бериш

одати ҳам ман этилган. Айни вақтда, суннат ва никоҳ тўйларида улоқ ва пойгалар уюштириш тақиқланган. Шундай тадбирларни ташкил этганларга ҳатто ўлим жазоси белгиланган. Лекин эл-улус ўз билганидан қолмаган.

Мана, ер юзига коронавирус деган бало келди. Ҳукумат халқ қайғусини ўйлаб, тўйларни ўттиз кишидан ошмайдиган қилиб ўтказиш тўғрисида қарор чиқарди. Лекин... лекин эл барибир “тўй-ҳашам” деган мақсад-маслагидан қайтмади. Бу тўйлар уч кунлаб давом этди, одамлар ўз жонини гаровга қўйиб, тўй-маъракаларда юрди. Қанчаси шундан ўлим топди.

Бундан уч-тўрт йил бурун собиқ шогирдларимдан бири билан кўришиб қолдим. Ўша вақтда у Ҳукуматда, масъул лавозимда ишларди.

Негадир хомуш, паришон кўринди. Сўрамасам ҳам, нима учундир дардини менга ёрди: уч қиз, бир ўғли бор экан. Иккита қизини узатибди, энди учинчисига совчи келаётган экан. Ўғли еттинчи синфни битирибди.

“Домла, – деди у йиғлагудек бўлиб, – бу “тўй” деган бало мени хароб қилди. Хотинимни танийсиз, у ҳам шогирдингиз, университетда бирга ўқиганмиз, биологиядан фан доктори, профессор. Ҳозир бир институтда проректор, хотин-қизлар фаоли. Мактабда ҳам, олий ўқув юртида ҳам русча ўқиган, аспирантура, докторантурани Москвада тугатган. Ўзбекчани қийналиб, “твоя-моя” қилиб гапиради. Лондону Парижларга илмий конференцияларга бориб, инглиз тилида шариллатиб маърузалар ўқийди. Хуллас, ўта илғор, суперзамонавий бир хоним. Лекин шундоқ аёл мана шу тўй-маърака

масаласига келганда ўқимаган, ўта жоҳил, латтапараст бир хотиндан ҳам баттар бўлиб қолади. Жон хотин, мана шу одатларни сал камайтирайлик, имконим йўқ, десам, жон-пони чиқиб кетади. Кўзини ола-кула қилиб, ҳеч нарсани билмайман, билишни ҳам хоҳламайман, деб туриб олади.

Нима, сенларнинг айтганингни қиламан, деб пора олиб қамалиб кетишим керакми, десам, хўш, бошқалар қандай қилиб эплаяпти, оталик бурчингиз, бажарасиз, тамом-вассалом, дейди занғар.

Бўлмаса, мен ўзим қудалар билан гаплашай, десам, нима, эсингизни еб қўйганмисиз, қайси куда бунга кўнади, деб мени мот қилади. Революцияни мендан бошлама, аввал бутун Ўзбекистон хотинлари шу йўлга ўтсин, кейин мен ҳам рози бўламан, дейди. Қизларим қайнонасию эрининг таъна-дашномига қолиб, кўз ёши дарё бўладиган бўлса, мен бунга сира-сира чидолмайман, дейди”.

Амалдор шогирдимнинг арзи ҳол қилишдан мақсади бор экан. Яъни, мен бу салбий иллатларни қоралаб бир китоб ёзсам, у чиқаришга ёрдам берар экан. “Домла, сизнинг обрўйингиз баланд, бутун Ўзбекистон ҳурмат қилади, шу ишни қилсангиз, савобга қолардингиз, зора бу хотин зоти сал-пал инсофга келса”, деди.

Мен албатта кўнгил учун йўқ демадим. Гарчи мендан қанча доно, қанча буюк инсонлар бу мавзуда қандай ўткир, таъсирчан китоблар ёзиб, мақсадга эриша олмаган бўлсалар-да, одамнинг юзи иссиқ, мен бир ўйлаб кўрай, деб қутулдим.

Ахир, шогирд айтган иллатлардан ўзим ҳам халос бўлмаган бўлсам, бу тўғрида китоб ёзишга менинг қандай маънавий ҳаққим бор?

Бу борада битта, фақат битта мисол келтирмоқ-чиман, лекин шунинг ўзиёқ кифоя, деб ўйлайман.

Бечора Абдулла Авлониининг қайғу-ҳасратига бир зумгина қулоқ тутинг:

“Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?” деган савол келадур. Бу саволга, **“Биринчи – уй тарбияси. Бу она вазифасидир. Иккинчи – мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидир”,** деб жавоб берсак, бир киши деюрки: **“Қайси оналарни айтасиз? Билимсиз, боши пахмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар?”** дер. Мана бу сўз кишининг юрагини эзар, бағрини ёндиради. **“Отасига нима дейсиз?”** десак, **“Қайси ота? Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзи қиймаган, замондан беҳабар оталарни айтурсизми? Аввало, ўзларини ўқитмак, тарбия қилмак лозимдур”,** дер.

Мана бу сўзни эшитгач умид қўллари қўлтиққа урилури.

Қайтиб амалдор шогирдни кўрмадим. Ҳозир, билмайман, қаерда экан, ишқилиб, қамалиб кетмаган бўлсин.

Бир ўзбек, мусулмон одам умри давомида қанча тўй-ҳашам қилиши керак, биласизми? Мана, бир санаб кўрайлик: **туғруқ тўйи, яъни, чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш, ақиқа, бешик тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи, қиз базми, келин салом, чарлар, кумуш тўй, олтин тўй, пайғамбар ёши тўйи ва ҳоказо.**

Маъракаларни оладиган бўлсангиз, уч, етти йигирма, қирқ, “пайшанбалик”, “якшанбалик”, икки ҳайит маросимлари, йил оши... Ҳаммасини ҳисобласак, яна кўп-кўп саҳифаларнинг юзини қора қилишга тўғри келади.

Миллий ғоя мезонлари билан ёндашганда, фақат мана шу одатларгина **“ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, билим даражаси ва дунёқараши, сиёсий эътиқодидан қатъи назар”**, ўзбек жамиятининг барча аъзоларини бирлаштириш ва сафарбар этишга қодир.

Фақат мана шу ғоя, яъни, тўй-ҳашам йўлида одамларимиз соғлиғини, бутун борлиғини, ҳатто азиз жонини қурбон қилишга тайёр. Шунинг учун улар мигрант деб ном олиб, Қозоғистон чўлларида, бузуқ автобусларда ёниб кул бўлишга, Сибирь тайгаларида мардикорлик қилишга, Москва кўчаларини супуриб, қаҳратон қишда қор курашга, аёллар эса оиласи, эри, болаларини ташлаб, Туркияю Дубайда оқсочлик қилишга тайёр.

Уларнинг аксарият кўпчилигида битта орзу, битта мақсад: чет элларда қандай йўллар билан бўлса-да, бир амаллаб пул топиб келиш ва... уни тўй-ҳашамга, маърака-маросимга сарфлаш.

Миллий ғоя мезонлари асосида таҳлил қиладиган бўлсак, бизда **“мунтазам ривожланиб, боийиб борадиган”** тушунча ва тамойиллар борми?

Бор, албатта, ягона бир ғоя бор. У ҳам бўлса, тўй-ҳашам.

Тан олайлик, тўй-маъракаларимизда пайдо бўлаётган янги ва янги, хилма-хил белги-аломатлар: никоҳ тўйларидаги “лав сторий” – севги қис-

салари, қайнота ва келиннинг бирга вальс тушишлари, келиннинг эрсираган дугоналарига гулдаста улоқтириши ва уларнинг буни талашиб олиши, “келин навкар”, “куёв салом” каби одатларнинг жорий этилиши, келин-куёвнинг тўйхона залига от ёки “Мерседес” миниб кириб келишлари, қуда томонга юбориладиган бўрдоқи қўйларнинг сочини причёска қилиш, шохига рангли лента тақиш, оёғига туфли кийдириб, лабига помада суриш... бунга далил эмасми?

Ёки тўйларимизда мева-чева, писта-бодом, қандолат маҳсулотларини “аренда”га олиб ёлғон дастурхон безатиш каби “ноу-хау”ларни дунёдаги биронта халқ ижод қила олганми? Бундай ишлар фақат тўй-ҳашам тушунчасини миллий ғоя даражасига кўтарган, бутун ақлу заковатини шунга бахш этган миллатнинг қўлидан келади, холос...

Водариғ, чиндан ҳам, Алихонтўра Соғуний ҳазратлари айтганларидек, агар халқимиз тўй-маъракаларга, наҳорги ошларга буюк бир сафарбарлик билан уюшиб борганидек, бугун замон талаб қилаётган, динимиз буюрган мақсадлар йўлида ҳам шундай аҳиллик билан уюшиб, шахту шиддат кўрсатса эди, ер юзида бу халқни енга оладиган куч бўлмасди, бу халқ эгалламаган марра қолмас эди. Лекин, афсуски...

Начора, бировга ёқадими-йўқми, миллатчи зиёлиларимиз бурнини жийирадими-йўқми, бундан қатъи назар, **Ўзбек халқининг миллий ғояси – бу тўй-ҳашам ғоясидир**, деб айтиш учун барча тарихий, фалсафий, руҳий-маънавий асослар мавжуд.

Де-юре бошқача бўлиши мумкин, аммо **де-факто** – айти шундай. Бу ҳолатдан қачон қутуламиз – “бу савол ҳамон жавобсиз қолмоқда”¹.

Эҳтиром Абдуллаев,
файласуф, 71 ёш

¹ “Алишер Навоий” спектаклидан.

МАНТИҚ ДАРСИ

– Салом. Қани, ўтиринглар. Танишиб олайлик, мен – доцент Мирзаҳамдамов, семестр давомида сизларга логика, яъни мантиқ фанидан маъруза ўқийман.

Олдиндан огоҳлантириб қўяй, логика жуда қизиқ, лекин жуда қийин фан. Ҳатто Қозон университетида ҳамма фанларни “аъло” баҳога топширган Владимир Ильич Ленин ҳам менинг фанимдан аранг “тўрт” олган. Афсуски, сиз – бугунги нодон талабалар Лениннинг кимлигини ҳам билмасаларингиз керак.

Алишер Навоий бобомиз нима учун буюк шоир, буюк мутафаккир бўлган? Чунки у киши болалик пайтида ўқиган биринчи китобнинг номи “Мантиқ ут-тайр” эди.

Хуллас, логика билан ҳазиллашманглар. Қолаверса, сизларнинг бахтингизга қарши, мен ўта қаттиққўл одамман – менга “танка”нгиз ҳам, “БТР”ингиз ҳам ўтмайди.

Хўш, логика – мантиқ қандай фан, у нимани ўргатади ва нима учун керак? Бу саволнинг биринчи ва иккинчи қисмларига жавоб дарсликда берилган, ўзларинг ўқиб оласизлар. Саволнинг учинчи қисмига, яъни, мантиқ нимага керак, деган гапга нима дейишни, очиғи, ўттиз йил шу фандан дарс бериб, ўзим ҳам билмайман.

Билганим шуки, ер юзида неча миллиард инсон яшаётган бўлса, ҳар бирининг ўз ҳаётий фал-

сафаси ва ана шу фалсафанинг ўз мантиғи бор. Аксарият одамлар ўзларининг энг бемаъни хатти-ҳаракатларига ҳам мантиқий тус беришга уринадилар ва шуниси ажабки, кўп ҳолларда бундан кўзлаган мақсад-муддаоларига эришадилар ҳам.

Масалан, ўн тўққизинчи асрда Бухорода ҳукмдорлик қилган Амир Насрулло тўғрисида эшитган ё ўқиган чиқарсиз. “Ўткан кунлар” романида Абдулла Қодирий ҳам бу ҳақда ёзган. Ана шу Амир Насрулло ҳеч қандай мантиқ тоғорасига сиғмайдиган мантиқ топиб, яъни, сен отангнинг хотинига уйландинг, кофир бўлдинг, деб Қўқон хони Муҳаммад Алихонга қарши юриш қилади. Хонни бола-чақаси, онаси Нодирабегим билан бирга қатл қилдиради, гўзал хотини Ойпошшахонни Бухорога – ўзининг ҳарамига опкетади.

Баъзи кишилар ўз қилмишларига шундай зўр мантиқий асос топадиларки, беихтиёр ёқангизни ушлайсиз. Аслида мантиқ илмидан менга ўхшаган ношуд домлалар эмас, балки айнан ўша одамлар дарс беришлари керак.

Мана сизларга бир мисол. Бир туманнинг ҳокими вилоятга каттакон бўлиб кўтарилиб кетди. Бу одам чорвачиликка қизиқар экан, ҳовлисида беш-ўнта зотдор голланд сигирлари ҳам бор экан. Дарвоқе, “чорва” деган сўзнинг маъносини ким билади? Кўпчилигингиз қишлоқда ўсгансиз, билишларингиз керак. Қани, тортинмасдан дадил қўл кўтараверинглар. Йўқми унақа азаматлар?

Бўлмаса, дафтарингизга катта ҳарфлар билан ёзиб олинглар: “чорва” – “чорпой” сўзининг ўзбекчада бузилган шакли бўлиб, “тўрт оёқли” деган маънони билдиради. Чорвачилик – аслида чоҳар-

пойчилик, яъни, тўрт оёқли ҳайвонни боқиш, парваришлаш маъносини англатади.

Логикани тушуниш учун аввало сўзнинг туб мазмунини билиш зарур, бўталарим.

Хуллас, ўша каттакон бир куни қараса, мол-хонасидаги сигирлар “куйлаб” қопти. Йўғ-э, куйлаб қўшиқ айтиш эмас, мол қандай ашула айтади, бошқа маънода... Қизларимиздан узр сўрайман, қисқаси, бу сигирларга буқа зарур бўлиб қолибди. Каттакон олдин ишлаган туманда зўр чорвачилик фермаси бўлиб, у ерда наслдор буқа ҳам боқилар экан. Ўша ферманинг хўжайинини чақириб, шунақа-шунақа, буқангизни бизникига икки-уч кунга командировкага юборсангиз, деб илтимос қилибди. Ферманинг хўжайини каттаконнинг шахсан ўзлари хизмат буюрганидан боши кўкка етиб, буқани ювиб-тараб, куёвболадек ясантириб, бир ҳафталик емиши билан юк машинасига ортиб, айтилган манзилга олиб келиб туширибди.

Орадан бир ҳафта-ўн кун ўтибди, бир ой ўтибди ҳамки, буқанинг қайтишидан дом-дарак бўлмабди. Бу ўртада фермадаги бошқа сигирлар ҳам “куйлаб”, э, буқаталаб бўлиб қолибди. Ферманинг эгаси юрак ютиб икки-уч марта каттаконнинг идорасига келибди-ю, лекин қабулхонадан нарига ўтолмабди. Ниҳоят, икки ойлардан кейин қандайдир йиғилишда тасодифан каттаконга дуч келиб қолиб, бир амаллаб олдига борибди. Буқанинг иши битган бўлса, энди рухсат берсангиз, фермага олиб кетсак, деб арз қилибди. Каттакон бу гапни эшитиб, ниҳоятда ҳайрон қолибди. Майли, буқани опкетсанг опкетарсан, дебди пича ранжиб, лекин ўзинг бир танангга ўйлаб кўр: эртага бу сигирлар туғади,

дунёга келган бузоқлар, бизнинг отамиз қани, деб сўраса, мен нима деб жавоб бераман? Энди, одам деган бунақа тошбағир бўлмайди-да, ука.

Агар ферма хўжайинининг ўрнида сиз бўлсангиз ва бу гапни нафақат сизнинг, балки бутун бир вилоятнинг тақдирини ҳал қиладиган одам айтиб турган бўлса, бундай темир мантиқ қаршисида нима қилган бўлардингиз? Тўппа-тўғри, буқанинг эгаси ҳам икки қўлини кўтариб, каттаконнинг ақлу заковатига тан берибди.

Ана сизга мантиқнинг кучи, ана сизга логиканинг қудрати!

Худди шунга ўхшаш яна бир воқеа. Буям мантикий тафаккурга зўр мисол бўла олади.

Тошкентдаги университетларимиздан бирида мухтарам бир домла кўп йиллардан буён ректор бўлиб ишларди. У киши ҳам ҳайвонот дунёсига, аниқроқ айтсак, зотдор отларга қизиқар эди. Унинг шу “ҳобби”сини сезган, воҳа томонларда амалдор бўлиб ишлайдиган собиқ шогирдларидан бири домланинг туғилган кунига наслдор аргумоқ совға қилибди. Тулпор ҳам, собиқ шогирднинг тасодифан шу университетга ўқишга кирган ўғли ҳам домлага жуда маъқул келибди. Лекин шаҳар жойда бу тулпорни қандай боқамиз, деган муаммо пайдо бўлибди. Бу гапдан хабар топган кафедра мудирларидан бири домланинг мушкулини осон қилибди. Унинг оҳангаронлик бир аспиранти бўлиб, отасининг тоғда йилқичилик фермаси бор экан. Маслаҳат ректор-домлага ҳам маъқул келиб, аргумоқни аспирант билан бирга юк машинасига ортиб, уюрга обориб топширишибди. Орадан бир йилча ўтиб, от жонивор домланинг эсига тушиб

қолибди. Илмий ишлари кутилмаганда тезлашиб кетган аспирантни ҳузурига чорлаб, Фалончижон, мана, Наврӯз ҳам келиб қолди, отангизга айтсангиз, шу шанба-якшанба кунлари бориб, отимиздан бир хабар олиб келсак. Ахир у болали бўлгандир, ўзидан кўпайгандир. Баҳонада табиат қўйнига чиқиб, бироз ёзилиб келармидик, дебди.

Шогирд бу гапни эшитиб, дарров отасига қўнғироқ қилибди, вазиятни тушунтирибди. Кейин домланинг олдига кириб, отам, бош устига, келаверинглар, дедилар, ҳозир барра мавсуми, қимиз-хўрлик қилиб кетасизлар, деяптилар, дебди. Лекин, домла, отингиз кўпаймабди, у айғир экан, дебди аспирант.

Агар ректорнинг ўрнида сиз бўлсангиз, нима деган бўлардингиз? Ҳа-а, шунақа эканми, деб кўяқолган бўлардингиз, чунки сиз логика ўқимангиз, мантиқий мушоҳада юритишдан бебаҳрасиз. Лекин бизнинг ректор, Фалончижон, дебди табассум қилиб, мен отимиз айғир эканини жуда яхши биламан, айғир албатта туғмайди, лекин сиз бехабарга ўхшайсиз: бизнинг тулпор уюрга борганидан кейин уйланди, ҳозир хотини, битта боласи бор. Яъни, уч жондан иборат ёш оила пайдо бўлди. Шу оилани кўриб келамиз-да.

Бундай мустаҳкам мантиқни эшитиб, бечора аспирант ва унинг йилқичи отаси қандай аҳволга тушгани менга номаълум. Ҳарқалай, илмий ишлари тезгина ёқлаб, йигирма олти ёшида кафедра мудири бўлиб олганига қараганда, ёмон аҳволга тушмаганга ўхшайди. Албатта, бунда ҳам яхшими-ёмонми, тўғрими-нотўғрими, лекин ўзининг бир логикаси бор.

Ҳурматли талабалар, энди сизлар билан бир масалага икки хил мантикий ёндашув кўринишини таҳлил қиламиз.

Мисол учун, бир тикувчи аёл фабриканинг қоровулхонасида бир ғалтак ип билан қўлга тушиб қолди. Ҳўш, унинг бу хатти-ҳаракатига маъмурият қандай баҳо бериши мумкин?

Агар шу куни корхона раҳбарининг кайфи чоғ бўлса, ҳа, энди, бу опамиз хаёл билан халатининг чўнтагига бир ғалтак ип солиб қўйибди-да, шунгайм ота гўри – қозихона қилиб ўтираминизми, қўйинглар, эшитган қулоққа уят, деб жанжални босди-босди қилиб юбориши мумкин.

Ҳўш, раҳбарнинг гапида мантиқ борми? Бор, албатта.

Агар ҳўжайин шу куни уйқудан чап ёнбоши билан турган ёки хотини билан жиқиллашиб келган бўлса, ишни урди Худо! У тахминан шундай дейиши мумкин: бу қўли эгри хотин корхонадан бир юз эллик метр ипни ўғирлаб кетишга уринган. У йигирма икки йилдан бери шу фабрикада ишлайди, ҳар куни юз эллик метрдан ип ўғирлаб юрган бўлса, бутун ўтган даврда неча юз минг метрлик давлат мулкани талон-торож қилган бўлади. Орамизда бундай нопок, ташмачи кимсаларга мутлақо ўрин бўлмаслиги керак. Шунинг учун бу ишни органга топшириб, ўғрига энг қаттиқ жазо бериш шарт, деб юбориши ҳам мумкин.

Ҳўш, бошлиқнинг гапида мантиқ борми? Албатта, бор.

Шунинг учун айтадиларки, қозончининг қўлида қайдин қулоқ чиқарса...

Ҳаётда тескари мантиқ билан яшайдиган одамлар ҳам кўп. Улар тўғри, соғлом мантиқни ҳеч қачон ақлларига сиғдира олмайдилар.

Шу хусусда яна бир мисол. Бунни менга бир танишим гапириб берди. Унинг илмга берилган, ниҳоятда тиришқоқ ўғли Жанубий Кореяда олти йил болалар кардиожарроҳлиги бўйича ўқиб келибди. Бутун ўқиш давомида медуниверситетга қарашли касалхонадан ташқарига деярли чиқмабди. Бошида фаррошлик, кейин санитарлик қилибди, ундан сўнг навбатчи дўхтир бўлиб шу ерда туну кун ишлабди. Охири дипломини аъло баҳога ёқлаб, Тошкентга қайтибди. Кореяга кетишдан олдин ўзи уч йил ишлаган касалхонага борибди. Бош врач кекса бир аёл экан, котибаси орқали вақти йўқлигини айтиб, уни қабул қилмабди. Дўхтир йигит ҳам эринмаган экан, уч ой тинимсиз опанинг ҳузурига киришга уринибди, лекин ҳеч қандай натижа чиқмабди. Ниҳоят, жонидан тўйиб, вазирликка борибди. Вазирнинг қабулига ёзилиб, икки-уч кунда унинг олдига киришга муяссар бўлибди. Вазир унинг арзини диққат билан эшитибди, зудлик билан ўша касалхонага болалар кардиожарроҳи қилиб ишга олиш ҳақида топшириқ берибди.

Йигитимиз эртасига опанинг ҳузурига кирибди. Қош-қовоғи осилиб, чимирилиб ўтирган бош врачнинг биринчи берган саволи шу бўлибди: “Сен қандай қилиб вазирнинг қабулига кирдинг? “Танка” нг ким?”

Дўхтир бечора бўғилиб, ҳеч қанақа “танка-панка” си йўқлигини, қабулга эл қатори ёзилиб кирганини тушунтиришга уввало уринармиш, қани энди, опа ишонса!

“Йўқ, – дермиш бошини сарак-сарак қилиб, – бўлиши мумкин эмас. Мени лақиллатма, “танка” нг ким?”

“Нега бўлиши мумкин эмас?” – деб сўрармиш йигит қизишиб.

“Э, нодон, ўзинг ўйла, – дермиш опа диққати ошиб, – ахир сени мен – оддий бош врач қабул қилмайман-у, қандай қилиб вазир сени қабул қилиши мумкин?!”

Ана, мантиқни кўрдингизми?

Гоҳо одамлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун баҳс-тортишувларда шундай мантиқий асосларни келтиришадики, уни эшитиб логика фанини яратган қадимги юнонлар ҳам ҳайратдан қотиб қолган бўлишарди.

Бир ҳафта бурун телевизорда, қайси канал экан, номи эсимда йўқ, ўрмончилик соҳасининг катталари билан матбуот конференцияси бўлди. Залдаги маҳмадона журналистлардан бири тўрда ўтирган раҳбарларга қараб, масалан, баъзи ўрмон хўжаликлари бошлиқларининг ёши етмишдан ошиб кетган, улар давлатдан ҳам ойлик, ҳам пенсия оладилар, лекин ёлчитиб ишламайдилар, тепса-тебранмас, лоқайд бўлиб қолганлар. Энг чатоғи, улар лавозимдан кетадиган бўлсалар, ўз ўринларига албатта ўғилларини ўтқазиб қўйишга ҳаракат қиладилар, қачон бунга чек қўйилади, деган мазмунда савол берди.

Шунда ўрмоннинг катталаридан бири қитмир мухбирга шундай боплаб жавоб бердики, беихтиёр чапак чалиб, яшавор, ўғил бола, отангга балли, онангга балли, деб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим.

“Сизнинг гапингизда албатта жон бор, – деб сўз бошлади у, – биз бундай ҳолатларга қарши кескин кураш олиб бораяпмиз. Лекин сизлар бир нарса-ни тўғри тушунишингизни истардим. Маълумки, ўрмон хўжаликларимизда ҳар йили минг-минглаб кўчат экилади. Энди, ўзингиз айтинг, ота эккан дарахтни боласи асрамаса, бегона келиб асрармиди? Ҳеч қачон! Шунинг учун биз бундай ҳолатлар билан муроса қилишга мажбурмиз”, деди ўрмоннинг каттаси ва бутун йиғилган жамоат бу гапнинг логикасига сўзсиз тан берди.

Кўряпсизларми, мантиқ илмида қандай сеҳр бор, мантиқ илмида қандай ҳикмат бор! Агар зерикиб қолмаган бўлсаларинг, мантиқий тафаккурга яна бир мисол келтираман.

Менинг ён қўшним – ички ишлар полковниги, янглишмасам, йигирма-ўттиз йилдан буён вилоят бошқармасида моддий таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари бўлиб ишлайди. Ўзи ёмон одам эмас, менга ўхшаб шахмат жинниси, гоҳ-гоҳ иккаламиз от суриб, фил ўйнатиб ўзаро жанг қилиб қоламиз. Шу киши яқинда жиғибийрон бўлиб ҳасрат қилиб қолди.

“Э, оғайни, – дейди, – ҳамма ёқни тушунмаган “ҳарфлар” босиб кетди.

“Нима бўлди”, деб сўрасам, тўлиб турган экан, гап халтаси очилиб кетди. Хуллас, бир ҳафта бурун бошқармага назорат-тафтиш идорасидан бир ревизор келибди, ўзи она сути оғзидан кетмаган сўтак эмиш-у, лекин димоғидан эшак қурти ёғармиш. Ҳамма ёқни ағдар-тўнтар қилиб текширибди, йўқ ердан бир дунё айб топиб, қўшним бечора-

нинг тоза бошини қотирибди. Айниқса, заправкага канадай ёпишиб олибди. Бензин бўйича фалон тонна камомад аниқланди, деб ғалва кўтарибди. Мана, заправкани ёзиб берди, сизнинг хотинингиз, ўғлингиз билан қизингиз шахсий машиналарига доимо шу ердан бензин қуйдириб олишаркан, шу ростми, деб полковникни “пушка”га олмоқчи бўлибди.

Бу гапни эшитиб, бояқиш кўшним ҳайрон бўлиб қолибди.

“Мен бу тупойга айтаяпман, – дейди у беғубор кўзларини пирпиратиб, – сенинг калланг жойида-ми ўзи, ахир, мен шу ерда ишлаб туриб, хотиним билан болаларим, нима, кўчадан заправка қилиши керакми, деб шунча гапирсам ҳам ҳеч тушунмайдиган-да занғар!”

Хўш, бу гапнинг мантиқ кучига нима дейсизлар?

Ҳурматли талабалар, сизлар, ҳойнаҳой, домла Мирзаҳамдамов ҳаётга фақат қора кўзойнак билан қарар экан, логика фанининг ҳам абжағини чиқариб ташлади, деб ўйлаётгандирсиз.

Бу тўғрида шуни айтмоқчиманки, айб мантиқ илмида ёки домлада эмас, айб – ҳар қандай фанининг моҳиятини ўз манфаати, ўз нафси йўлида қурбон қиладиган одамларда, сизу бизда.

Шу хусусда яна иккита мисол келтираман, кейин дарсимизни якунласак ҳам бўлар.

Бизнинг Бувайдада – мен асли фарғоналикман – мактабда бирга ўқиган Пирназар читтак деган синфдошим бўларди. Бешинчи синфни битирганимизда ҳам отини ёзолмас эди. Шу бола саккизни ҳам тугатмасдан мактабни ташлаб кетди, армияга

бориб келганидан кейин ҳам умри далада трактор ҳайдаб, вино ичиб ўтди.

Уч-тўрт йил аввал эшитиб қоламанки, Пирназар табиб бўлиб кетган эмиш... Аввалига ўртоқларимиз ҳазил-масхарага чиқарган гап бўлса керак, деб ўйладим. Йўқ, бир кун қарасам, ҳамма жойда шу овоза, “Даракчи”, “Тасвир”, “Кўзгу”, хўш, “Бекажон” деган газеталарда қуриб кетмагур читтакнинг суратию у ҳақда саҳифа-саҳифа мақолалар чиқиб турибди. Уларда ёзилишича, машҳур халқ табиби Пирназар Отақулов ер юзидаги тиббиётга маълум ва номаълум бўлган жамики касалликларни – дизентериядан тортиб катарактагача, полиартритдан тортиб СПИДгача, қон босимидан тортиб раккача – ҳамма-ҳаммасини шифобахш гиёҳлар билан даволар экан.

Яна бир куни телевизорда “Ибн Синонинг муносиб издоши” деган бир соатлик кўрсатув бериб қолди. Не кўз билан кўрайки, эгнига яшил халат кийиб олган, бағбақалари осилиб, икки бети ялтираб кетган Пирназар читтак пештоқига “Пирназар – шифои зар” деган ярқироқ лавҳа осилган уч қаватли катта хусусий клиникасининг олдида расмий медицинанинг гўрига ғишт қалаб, қарсиллатиб нутқ ирод қиларди.

Ҳеч чидаб туролмадим, қишлоқдаги ўзим ақли расо деб ҳисоблайдиган инсонлардан бирига қўнғироқ қилиб, шу гап ростми, деб сўрадим.

“Рост, – деб кулди дўстим, – бу Пирназар ўғиллари билан ҳар замонда дала-даштларга чиқиб, кўзига кўринган, қўлига илинган жамики ўт-ўлан, алафларни юлиб келади, ҳовлисида учта катта қозон бор, бояги кўкатларни қозонга ташлаб, тоза

қайнатади. Уйидан одам аримайди, буёғи бутун Ўзбекистон, буёғи – Қозоғистону Қирғизистон, Тожикистон, ҳатто Россиялардан ҳам касаллар келиб, тирбанд бўлиб туради”.

“Ахир, у ғирт саводсиз-ку, қандай қилиб одамларни даволайди?” – деб сўрадим ҳайратим баттар ошиб.

“Пирназар ишнинг ўзини билмаса ҳам, кўзини билади, – деди оғайним. – Масалан, у олдин беморнинг дарду касалини эшитади, номига бўлсаям томирини ушлаб кўради, кейин қозонда қайнаб ётган дамламалардан уч литрли банкага қуйиб беради-да, кунига уч маҳал ё икки маҳалдан бир ой ёки икки ой ичасан, деб “назначение” қилади”.

“Касал... тузаладимми?” – деб сўрадим.

“Энди, бу алаф қайнаган сувни биров ичиб тузалмайди ҳам, биров ўлмайди ҳам, – деб шарақлаб кулди ошнам, – нима бунча суриштириб қолдинг, касал-пасал эмасмисан? Агар Пирназарга келмоқчи бўлсанг, маслаҳатим, беш-ўн кун олдин қабул-ига ёзилиб қўй. Кейин ўзинг билан беш-олтита уч литрли банка олвол, ҳозир бу ерда банка дефицит бўлиб кетган”, деб дўстим хайр-хўш қилди.

Тушундимки, Пирназар мантиқ илмини сув қилиб ичворибди.

Бу мавзудаги охирги мисол. Менинг кичик укам шу атрофдаги туман прокуратурасида терговчи бўлиб ишлайди.

“Яқинда, – дейди у, – бизга бир сигнал тушди. Фалон қишлоқдаги фалон маҳаллада яшайдиган бир аёл қиш кечаси қабристонга келиб, тобутнинг ичида ётиб юрганмиш. Тонг отгандан кейин мазордан чиқиб уйига қайтиб кетармиш.

Воқеадан хабар топгач, аёлни чақиртирдик, дейди укам, суриштириб билсак, эс-ҳуши жойида, учта боласи, эри бор, туппа-тузук хотин экан. Йиғлаб, дардини баён қилди: эри пиёниста, ҳеч қаерда ишламас экан, аёл қўни-қўшниларнинг юмушларини қилиб, уч-тўрт сўм пул топиб келаркан. Эри бўлса кўчадан қарзга ичиб келиб, кечқурун рашки кўзғаб, хотинини дўппослар экан. Бечора қўрққанидан қаерга қочса, топиб келар экан-да, яна урар экан.

Бунини эшитиб, дейди укам, очиғи, жуда жаҳлим чиқди. Мелисага буюриб, оёғини ерга теккизмасдан идорага опкелтирдим. Қарасам, ичавериб афт-ангори бузилиб кетган, эгнида қўсқи бир тўн, одам сиёқидан чиқиб бўлган бир махлуқ. Рўпарамда мени еб қўйгудек бўлиб ҳўмрайиб ўтирибди.

Қани, полвон, гапиринг, дейман, нега хотинингизни дўппослаб, болаларингизнинг юрагини ёриб ўтирибсиз? Хўш, аёлингиз нима ёмонлик қилди сизга, деб сўраяпман.

Жавобгарнинг бирдан кўзлари ялтиллаб, бадиллай кетди.

“Ўртоқ прокурор, – дейди, – сиз бу мегажиннинг гапига кўпам ишонманг. Одамларнинг хотинига ўхшаб, чўнтагимга умрида бирор марта ўн сўм солиб қўйган бўлса эканки, дадаси, мана, чойхонага чиқиб, улфатларингиз билан отамлашиб келинг, деб. Шунинг учун ураман-да, урмай нима қиламан”, дейди.

Укамдан бу гапни эшитиб, азбаройи Худо, кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмай қолдим.

Укам бўлса, ўлганнинг устига тепгандек қилиб, ака, дейди, мана, сен бир умр логикадан дарс берасан, шу тўғрида қанча китоблар ёзгансан, лекин мен тушунмадим – бу эркакнинг логикасини менга тушунтириб бер, дейди.

Мана, ҳурматли талабалар, бахтимизга кўнғироқ ҳам чалинди. Агар менинг бу пароканда, фаромуш маърузамни эшитиб, мантиқ фанидан бутунлай ҳафсалангиз пир бўлмаган бўлса, кейинги дарсга келарсизлар.

Лекин огоҳлантириб қўяй: бу мантиқсиз дунёдан мантиқ изламанг.

Содирхон Мирзаҳамдамов,
доцент, 52 ёш

ОДАМ БЎЛГАН ОДАМ

– Ассалому алайкум, Хайриддинжон ака, мумкинми? Йў-йў, нега “ака” демас эканман, менинг ёшим улуғ бўлса, сизнинг амалингиз улуғ. Хўп, “ака” дейишимга хижолат бўлсангиз, “дўстим” десам, майлими? Раҳмат, отангизга раҳмат.

Энди, жон дўстим, гапнинг индаллоси, нашриётингизга бир қўлёзма топширган эдим, “Интилганга толе ёр” деган. Шуни редакторингиз Эшмурод ака ўқиб, йўққа чиқарибдилар. Йў-йў, тиббий мавзуда эмас, унақа бўлганда, ана, “Медицина” нашриётига топширадим-у. Кўрган-кечирганимни бир китоб қилган эдим, билмадим, нимаси у кишига маъқул бўлмабдийкин. “Ижтимоий аҳамияти йўқ”, деяптилар.

Биласиз, мен бир пенсионер дўхтирман, ёзувчиликка даъвойим йўқ. Лекин ёзганларимнинг ҳаммаси бўлган воқеалар. Шу қўлёзмани ўзингиз кўриб, адолат қилсангиз.

Қисқача мазмунини айтиб беринг, дейсизми? Хўп, лекин мен ҳарбий одамман, доклад қилишим учун қанча вақт берасиз? Менга, масалан, ўттиз минут етади. Бошладим бўлмаса.

Мен бир минг тўққиз юз ўн тўртинчи йили, бутун дунёда Биринчи жаҳон уруши аланга олиб ётган пайтда туғилган эканман. Ниҳоятда шўх чақалоқ бўлиб, оёқ-қўлимни тинимсиз типирчилатар эканман.

Қулоғимга азон айтгани келган маҳалламизнинг имоми Қамбар домла дадамга: “Эгамберди, буни қара, ўғлинг “зикр” тушяпти, ўлмаса, савобли ишларни кўп қилади, исми Зикруллоҳ бўлсин”, депти. Ота-онамнинг тилида бу ном Зикриллага айланиб кетибди.

Кейинчалик, Улуғ Ватан урушида ҳарбий врач бўлиб хизмат қилган давримда рус ўртоқлар, умуман, европаликлар исм-фамилиямни айтишга қийналиб Зикриллани – Закир, Эгамбердини – Богданович, деб. атай бошладилар. Шунинг учун баъзи одамлар мени ҳозиргача Закир Богданович деб чақиришади.

Сизга айтсам, шу ном кейинчалик мени турли балолардан, айниқса, миллатчи, диндор деб қамалиб кетишдан асраб қолди.

Мисол учун, қирқ тўққизинчи йили ҳарбий госпиталь бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлардим, устимдан парткомга ариза тушди. Нима эмиш, мен – коммунист Эгамбердиев “именина” деган баҳона билан ўғлим Ҳусанни суннат қилдирган эмишман.

Буни уч-тўртта қариндошдан бошқа ҳеч ким билмасди, ҳайронман, қандай қилиб ишхонага етиб келган.

Хуллас, разбор бошланди, билмас эканман, жойимга кўз тиккан душман кўп экан, ҳаммаси биргалашиб, ҳужум қила кетди.

Госпиталь бошлиғи Вацетис деган латиш хирург эди, Раймонд Павлович, ҳамманинг гапини эшитиб ўтирди-ўтирди-да, охири:

“Товарищи! Лично я не верю, что товарищ Закир Богданович совершал у себя дома какие-

то мусулманские обряды. Вы посмотрите, у него даже фамилия не узбекская! А если сделали там мальчику обрезание, то я думаю, что это с медицинской точки зрения вещь полезная. Так, давайте оставим этот х...й вопрос”, деб мени бир балодан сақлаб қолгани эсимда.

Мен дунёга келган кулба Шайхонтохур даҳаси, Ғиштамчит маҳалласида, Девонаи Бурх мазорининг шундоққина ёнида эди. Захкаш бир уйда бувим, дадам, онам бирга турардик.

Беш-олти яшар пайтимда Тошкентда вабо тарқайди. Онам оғир касал бўлиб қолади, иситмаси кўтарилиб, алаҳлайди, ҳушидан кетади. Бувим билан дадам онамни ота-онасиникига жўнатишади. Тўғрироғи, Малик тоғам келиб синглисини уйига олиб кетади. Онам у ерда бир неча ой ётиб қолади. Бир куни сал ўзига келади-да, “Зикрилла қани?” деб сўрайдию яна ҳушидан кетади. “Вабоси юқади”, деб биз томондан ҳеч ким онамни йўқлаб бормайди, мени ҳам юборишмайди.

Бобомнинг хонадонида бир ҳафтанинг ичида бувим билан холам вафот этади. Орада нима бўлган, нима қўйган – мен билмайман, лекин на бувим таъзияга боради, на дадам.

Орадан бир йил ўтиб, тузалиб қолган онамни уйидагилар Одил сўфи деган бир деҳқонга узатишади. У киши Ўнқўрғон қишлоғида турар экан, олдинги хотини ўлган, ундан икки қиз, бир ўғил қолган экан, онам уларни ўзининг тарбиясига олади. Мен шўрлик Тошкентда тирик етим бўлиб қолавераман.

Дадам ҳам кейинчалик уч-тўрт уйланди, аммо бу аёлларнинг бирортаси ҳам уйимизда узоқ тур-

мади: бири сил касал бўлиб ўлди, яна бири дадамнинг зуғумига чидамасдан кетиб қолди. Бу орада бувим ҳам бандаликни бажо келтирди, аёл киши бўлмагани учун хонадонимиздан файз ҳам, барака ҳам йўқолди.

“Онали етим – гул етим, онасиз етим – шум етим”, деган гап бор, эшитганмисиз, мен ана шунақа шўрпешона бир етим бўлиб ўсдим.

Бувим раҳматли гоҳ-гоҳ: “Сен ҳам одам бўлармикансан? Сени етим қилган ота-онанг ажрашмай ҳар бало бўлсин”, деб кўзига ёш оларди.

Эй, жон дўстим, етимнинг кўрган кунни курсин. Бир замонда ака-ука етим бўлган экан. Бечораларга раҳм қилиб, қўшни бир товоқ атала чиқарибди. Ака катта ёғоч қошиқни кўлига олиб: “Ука, ўн қошиқдан ичамиз, хўпми?” дебди. “Хўп” дебди укаси. Тўққиз қошиқ ичиб, ака аталани тамом қилибди. Буни кўрган ука йиғлаб жанжал бошлабди. Шунда ака: “Нега додлайсан? Менга бир қошиқ етмаса ҳам жим ўтирибман-ку!” деган экан.

Шунақа, жон дўстим. Нашриётингизда ўн йилдан бери лоақал ўликнинг кафтидек китобчам чиқмаса ҳам ғиқ этмай юрибман-ку.

Онам шўрлик баъзан Ўнкўрғондан ўгай қизи Хурбиби билан мени кўргани келиб қоларди, эшикнинг олдида бағрига босиб кўришарди. Кўтариб келган челақ-тугунларида шафтоли, узум, кабоб, седанали нонлар бўларди. Келганда кулиб келган онам қайтарда йиғлаб кетарди.

Кейинчалик дадамдан рухсат олиб, мени Ўнкўрғонга олиб кетадиган бўлди. Ўгай отам яхши одам эди, бир ҳафта-ўн кун она бағрида яйраб келардим.

Дадам тирикчилик важидан ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам уриб кўрган – косиблик ҳам, сартарошлик, отбоқарлик, тикувчилик ҳам қилган, бу ишларнинг ҳаммасида мен унга ёрдамчи-дастёр эдим.

Кўп касал бўлардим, аъзои баданимга ҳар хил яралар тошиб кетарди, кўзим ҳам оғриб турарди. Кинначи Фотима холанинг гапига қараганда, менга кўз теккан, катта-катта, қоп-қора кўзларимга кўп оналарнинг ҳаваси, суқи келар экан.

Йигирма бешинчи йил сентябрда Раисқўчадаги совет мактабига ўқишга бордим. Бунгача маҳалламиздаги эски мактабда икки йил ўқиб, “алиф, бе, те, се”дан нари ўтмаган эдим. Зеҳн қўйиб сабоқ олишга киришиб кетдим. Учинчи синфда ўқиб юрганимда мактабимизда қиёмат-тўполон бўлди.

Она тилидан бизга Муродилла афанди деган, Туркияда ўқиб келган муаллим дарс берарди. У ҳаммамизни “Турк ўғлон!” деб чақирарди. Шу домла бир куни доскага: “Мусулмон фарзандига шапка кийиш ярашмайди”, деган гапни ёздириб, болаларга грамматик разбор қилдиради. Бу воқеа шу заҳоти тегишли жойга етиб бориб, Муродилла афанди ишдан ҳайдалиб, қамалиб кетади, дарсга қатнашган ўқувчиларнинг ҳаммаси сўроқ-саволга тортилиб, бошқа узоқ-узоқ мактабларга тарқатиб юборилади.

Бахтимга, ўша куни кўзим оғриб дарсга келолмаган эдим, жазодан қутулиб қолдим.

Энди, у пайтлар қизиқ замон эди-да, жон дўстим. Совет ҳукумати сенга иш бераман, ош бераман, ўқитаман, уй-жойли қиламан, дерди-да, эвазига Худо йўқ, Худога ишонмайсан, деб талаб қиларди.

Кўп ўтмай, мен ҳам мана шунақанги икки ўт орасига тушдим.

Олтинчи синфни битириб, Ишчилар шаҳар-часида янги очилган медтехникумга ўқишга кирдим. Бир йил ўқиганимдан кейин комсомолга қабул қилинадиган бўлдим. Ўртоқларимдан сўрасам, комиссия ҳар бир ўқувчига дангал қилиб: “Худо борми, йўқми?” деган саволни албатта берар экан. “Йўқ”, деса, комсомол аъзолигига ўтказиб, ўқишда қолдирар экан, “Бор”, деса, шу заҳоти паттасини қўлига тутқазиб, техникумдан ҳайдар экан.

Бу гапни эшитиб, жуда хафа бўлиб кетдим, чунки ҳеч кимга билдирмасдан дадам билан рўза тутиб, қўлимдан келганича ибодат қилиб юрардим-да. Қолаверса, ўзингиз ўйланг, жон дўстим, имонимни ютиб, қандоқ бор Худони йўқ дейман? Худо уриб кетмайдими мени?

Уйга келдим, эртага бўладиган комсомол бюросини ўйлаб, хунобим ошиб кетди. Дадам ўчоққа олов ёқиб, мошхўрда пишираётган экан, автойимга қараб: “Ҳа, Зикрилла, машқинг паст?” – деб сўради. Бўлган воқеани гапириб бердим. Ўқишимни яхши кўришимни, лекин дўхтир бўламан, деб диндан чиқмаслигимни ҳам айтдим.

Дадам гапимни эшитиб индамади, қозонга сув солиб, оловни баландлатди, кейин менга қараб: “Шунга диққат бўлиб юрибсанми? Қани, бу ёққа ўтир”, деди. Супага ўтирдик.

“Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор, – деди дадам. – Ҳеч кўнглингни бузмасдан, эртага тўғри камсомонингни (комсомолни шундай деб айтди) мажлисига боравер. “Худо

борми, йўқми?” деб сўраса, калимаи шаҳодатни айтиб жавоб бер”.

“Тушунмадим, қандай қилиб?” – дедим ҳайрон бўлиб.

“Нимасини тушунмайсан? – деди дадам кулиб. – “Ло илоҳо иллоллоҳ” дегани – Худодан бошқа Худо йўқ, дегани. Сен “Худодан бошқа” деган сўзни дилингда айтасан-да, “Худо йўқ” деган сўзни комиссияга эшиттириб, тилингда айтасан. Тамом-вассалом. Худонинг олдида ҳам, комиссиянгнинг олдида ҳам гуноҳкор бўлмайсан”.

Турган жойимда қотиб қолдим. Мен жоҳил, илмсиз, золим деб юрган дадам не-не муфтию шайхлар ҳам ечиб беролмайдиган шундоқ мушкул масалани мошхўрда пиширгандек осонгина ҳал қилиб ташлаганига қойил қолмасдан илож йўқ эди!

Фақат, жон дўстим, бу Зикрилла нукул ўзининг дадасини мақтаяпти, деб ўйламанг, бунақанги доно оталар юртимизда минг-минглаб бўлса кераг-у, афсуски, биз уларни билмаймиз-да.

Эртасига дадам айтганидек қилиб бюродан ўтдим, ўқишдан ҳам, имонимдан ҳам айрилмадим.

Ўттиз учинчи йили техникумнинг охириги курсида практика ўтаб юрганимда бир куни онам паранжисини ёпиниб уйимизга кепқолди. Шу куни дадамнинг улфатлари бизникига “гап”га йиғилишган эди. Онам ҳамма билан сўрашиб: “Мен бир савоб иш билан келган эдим. Зикриллани уйлантириб қўйсак, қизим Хурбиби ҳам бўйи етиб қолди, ахир, бу уйга бир аёл керак-ку”, деди.

Оқсоқоллар бири олиб, бири қўйиб, онамнинг фикрини маъқуллашди. Дадам “Бўлмайди” деган-

дек, бошини чайқаб қўйди. Улфатлар қўярда-қўймай уни кўндиришди. Онам ҳамманинг ҳақиға дуо қилиб, ҳовлидан чиқиб кетди.

Бу гапга қизиқ устида розилик бериб қўйдиг-у, кейин ўйланиб қолдик. Тўй қилишга қурби-қурбатимиз йўқ эди. Дадамнинг косибчилиги синган, мен студент, қора қозонимизни аранг қайнатардик.

Бошимиз қотиб турган эди, эрталаб эшигимиз олдиға от-арава келиб тўхтади. Аравада сабзи, пиёз, гуруч, ун, бидон идишда ёғ, тўрт оёғидан чамбарчас боғланган катта қўчқор.

Ошна-оғайниларининг қистови билан дадам уч-тўрт қадоқ гуручни бир халтаға солиб, араваға қўйди, бошқа масаллиқлар ҳам ортилди. От-арава қайтиб Ўнқўрғонға жўнади. Эл-юртнинг назарида биз тўй бергандек кўриндик.

Эртасиға онам бир ёш аёл билан келиб, қўлидаги бўғчадан сарпо олиб менға кийдирди, Хурбиби иккимизни ЗАГСға оборди.

Шу билан тўй ҳам ўтди, мен ўшанда ўн тўққизга кирган бўлсам, Хурбиби ўн олтиға тўлган эди. Мен онамға ҳам ўғил, ҳам куёв, Хурбиби эса ҳам қиз, ҳам келин бўлиб қолдик.

Тўйдан кейин бирон ҳафта ўтар-ўтмас техникумни битириб, дипломни қўлга олдим, дори тайёрлаш фабрикасида технорук лавозимида ишлай бошладим.

Хурбиби келиб уйимизға сон кириб қолди, ҳаммаёқ чинни-чароғон, озода, дадамнинг иссиқ-совуғи ҳам муҳайё.

Менда тиббиётға қизиқиш кучли, лекин билимим етарли эмаслигини сезардим. Шунинг учун

Ўттиз тўртинчи йили ТошМЙга кириш имтиҳонларини топшириб, студент бўлдим.

Медицина техникумини битирган эмасманми, дастлаб дарслар менга таниш, осон туюлди. Ўша ўзим билган латин тили, физика, математика, анатомия, физиология, химия-да, деб, ўқишга бепарво қарабман. Лекцияларни қунт билан тинглаш, китоб ўқиш ўрнига бир зумда бир нечта карикатура чизиб ташлардим. Танаффус вақтида эса биронта кулгили воқеа ёки қиёфани доскага чизиб қўярдим.

Бир куни анатомия домламиз Содиқ Махсумов мени шу иш устида кўриб қолиб: “Вақтингни бекор кеткизма, рассом бўлсанг, рангли анатомия альбомини ишла”, деб насиҳат қилди.

Ўйин-кулги билан бир йил ҳам ўтиб кетди, имтиҳонлар бошланди. Мен “билағон” баъзи имтиҳонлардан йиқилдим. Рангли анатомия альбоми ҳам ёрдам бермади. Предметни яхши билмасам ҳам, “уч” баҳо учун ўлиб-тирилиб ҳаракат қилдим.

Физика, математикани бир амалладим, лекин ноорганик химиядан қовун туширдим. Доцент Алимов: “Эгамбердиев, доскага чиқинг”, деди, чиқдим. “Қани, озонни айтиб беринг”, деди. Комсомолга ўтишдаги ғалвалар эсимдан чиқмаган эди, ҳайрон бўлдим. “Домла, шу ерда азон айтиб бўладими?” – дедим. Муаллим: “Сен бола одам бўлмайсан!” – деб қулоғимдан чўзиб, коридорга опчиқиб қўйди. Кейин билсам, бу азон эмас, “озон” деган газ экан. Шунча ўқиб, шу нарсани эшитмаганимга ўзим ҳам ҳайрон қолдим.

Пешонам тақ этиб тошга тегди. Йўқ, бу аҳволда бўлмайди. Кутубхонага бориб, ҳамма тегишли

китобларни олдим, мук тушиб ўқишга киришдим. Натижада иккинчи курснинг учинчи семестридан бошлаб то охирги давлат имтиҳонларигача “беш” баҳони қўлдан бермадим. “Кўр ҳассасини бир марта йўқотади”, деб бежиз айтмаган, жон дўстим.

Бахтимга, зўр домлаларнинг қўлида ўқидим. Масалан, Пётр Фокич Боровский деган профессор-хирург, ҳа, ўлманг, Гоголь кўчасидаги мед-техникум шу кишининг номига қўйилган, афғон яраси – пендинкага даво топган машҳур олим эди. Оператив хирургия билан топографик анатомиядан дарс берадиган профессор Валентин Феликсович Войно-Яснецкий ҳам ёзувчи, ҳам мусиқачи эди, бунинг устига, черковда архиепископлик ҳам қиларди. Валериан Павлович Матвеев, Сергей Бондаренко деган домлаларимиз беш-олти ой ичида ўзбек тилини ўрганиб, биз билан ўз тилимизда машғулоти олиб боришарди. Кўпчилик домлалар қийналган студентларга ўз ҳисобидан ёрдам бериб туришарди, ҳаммасини шу китобда ёзганман.

Ўқишга берилиб, рўзғорга қарамай қўйибман. Стипендия ўттиз беш сўм, қарамоғимда қари дам, хотиним бор, бунинг устига, “янги меҳмон” кутяпмиз. Охири, 4-дорихонага ишга киришга мажбур бўлдим.

Кундузи ўқийман, кечқурунлари ишлайман. Шунақа қийинчилик бўлса ҳам, барча давлат имтиҳонларини “беш”га топширдим. Ўттиз тўққизинчи йил биринчи июнь куни учта ёш ўзбек дўхтир, яъни, Маҳмаджон Комилов анатомия кафедрасига, Восит Воҳидов терапия клиникасига, Зикрилла Эгамбердиев рентген клиникасига аспирант бўлиб тайинландик.

Мен Ҳожималикдаги 4-поликлиникада аввал терапевт, кейин рентгенолог бўлиб ишладим. Ишлаб туриб, Сергей Андреевич Молчанов деган профессор устозим раҳбарлигида бўлма касалига учраган ёш болаларнинг ўпкасида кечадиган физиологик жараёнлар ҳақида илмий иш бошладим.

Бир куни поликлиникада касал қабул қилаётган эдим, “Мумкинми?” деб онам кириб келди. Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин кўзига ёш олиб: “Қайнотанг оламдан ўтганигаям, мана, бир йилдан ошди, укаларинг билан қишлоқда қолиб кетдим. Мехри билан Тожи ҳам, Комил ҳам ҳали ёш, иложи бўлса, мени Тошкентга олиб келсанг”, деди.

Мен “Бўлди, шу ҳафтаёқ опкеламан”, дедиму миямга бир фикр келди. “Бизники ўз уйингиз, Хурбиби қизингиз, мен ўғлингизман, бирга яшаймиз. Ундан кейин, йўқ демайсиз, дадам билан яраштириб қўяман”, дедим. “Болам, сен кўп сир-синоатлардан беҳабарсан. Бу тўғрида аввал даданг билан яхшилаб гаплаш, кейин бир гап бўлар”, деди онам.

Ўша кунийёқ дадамга бўлган воқеани айтдим. Ҳайрон бўлиб, нима дейишни билмай қолди. Эртасига: “Ундоқ бўлса, онангдан узр сўраш керак, билмадим энди... Тагини суриштирсанг, ҳаммасига нодонлик, жоҳиллик сабаб”, деди хўрсиниб.

Бир ҳафтадан кейин уйимизда никоҳ ўқилди. Ажрашиб кетганига йигирма беш йил бўлган эру хотин қайта топишишди. Ҳаммамиз катта бир оила бўлиб яшай бошладик. Ниҳоят, менинг етим-лигимга ҳам чек қўйилди.

Ота-онам яна йигирма йил бирга умр кўришди, тагин бир фарзандли бўлишди. Афсуски, укамнинг умри қисқа экан, узоқ яшамади.

Қирқ биринчи йил ёзида илмий ишим бўйича Москвага сафарга отланаётганимда тўсатдан уруш бошланиб қолди. Энди диссертацияни эмас, Ватанни ҳимоя қилиш керак эди.

Октябрь-ноябрь ойларида ТошМининг эвако-госпиталида вақтинча ишлаб юрдим. Ўн бешинчи декабрда клиникамизнинг иккинчи аспиранти Саиднозим Носиров билан Бухоро ўзбек отлик жангчилар дивизиясига ҳарбий врач этиб тайинландик.

Қирқ иккинчи йили шошилиш равишда Сталинобод – ҳозирги Душанбе шаҳрига юборилдим. У ерда икки юзга яқин чопқир от вагонларга ортилди. Ҳар бир вагонда олтитадан отбоқар, эшелоннинг бошлиғи, офицерлари бор, мен – эшелон врач. Бизга фронтдаги жанговар кавалерия қисмларига от етказиб бериш вазифаси юклатилган.

Саратов, Воронеж деган шаҳарлардан ўтдик, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар, вайрона бўлиб ётибди.

Ўн иккинчи июлда Поварено станциясига яқинлашдик. Кун қорайган, нима учундир станция бизнинг эшелонни қабул қилмасди. Ярим кечада осмонда немисларнинг самолётлари пайдо бўлиб, бомба ташлай бошлади. Шоша-пиша вагонлардан чиқиб, ён-атрофдаги ўрмонга бекинишга аранг улгурдик. Эшелонимиз устига уч-тўртта бомба тушди.

Оҳ, жон дўстим, ана қиёмат-қойим бўлди: вагонлар ағдарилиб, отларнинг жонҳолатда типирчилаб кишнаши еру кўкни тутиб кетди. Жониворлар худди одамга ўхшаб фарёд чекарди. Қанчаси вагоннинг тагида, қанчаси бомбанинг тагида қолиб, қонига беланиб ўлди.

Зенитчиларимиз самолётларга қарши ўқ ота бошлади. Самолётлардан бири олдин қуюқ тутунга бурканди, кейин осмонда ялт этиб қуёш чарақлагандай бўлдию гумбурлаб портлаб кетди. Бошқалари бомбаларини палапартиш ташлаб, тезда кўздан ғойиб бўлди.

Бекинган жойимиздан чиқиб, вагонларнинг олдига келсак, мажақланиб кетган юзтадан кўп от кўзларини катта-катта очиб ўлиб ётарди. Ишонсангиз, жон дўстим, шу отларнинг очик кўзлари ҳалигача тушимга кириб чиқади.

Ўнтача отбоқарнинг ҳам жони узилган эди. Шок бўлиб қолдим. Ахир, бу бечоралар урушни кўрмасдан, битта ўқ отмасдан, бировни ўлдирмасдан, бегуноҳдан-бегуноҳ жувонмарг бўлиб кетди. Ёш-ёш тожик йигитлар ни за что ўлиб кетди, жон дўстим, ни за что... Уларни шу ўрмон четида гўр қазиб кўмдик.

Отларнинг бир қисми вагонлардан чиқиб қочиб кетган экан, кечаси билан югуриб, аранг тутиб келдик. Кўп қийинчилик, машаққатлардан кейин тирик қолган етмиштача отни охирги манзилга – Борисоглебскка олиб бориб топширдик.

Кейинчалик эшитсам, эшелон бошлиғи майор Афанасьев отларни сақлаб қололмади, деб трибуналга тушиб, отилиб кетибди. Бечоранинг ҳеч қанақа айби йўқ эди.

Борисоглебскда менга Москвага, Бош медицина штабига жўнаш тўғрисида буйруқ келди. Штабда бир ҳафта бўлиб, 3-Украина фронтига йўлланма олдим. Балашов шаҳридаги эвакуацион госпиталга рентген бўлимнинг бошлиғи этиб тайинландим.

Шу бўйи урушга кириб кетдик. Сталинградда, Изюм остонасида, Курск ёйи, Корсун-Шевченковск деган жойларда, Балатон кўли ёнида бўлган жангларда иштирок этдим, Руминияга, Австриянинг Баден шаҳригача бордим.

Бир куни ҳаётимдаги энг даҳшатли, энг хавфли операцияда қатнашишга тўғри келди. Госпиталга ёшгина бир аскарни олиб келишди, қаттиқ ярадор, беҳуш эди. Изюм остонасида самолётдан отилган ўқ бошига теккан экан.

Рентген нури билан жангчининг бошини текширдим. Миянинг шундоқ тагида, кўз билан устки жағлар орасида каттагина, лекин ҳали ёрилмаган снаряд ётибди. Жон ҳовучлаб иккита рентген сурат олдим. Суратларни жарроҳларга кўрсатдим. Госпиталнинг бош жарроҳи Кессель билан стоматолог-хирург Ланских операция қилиб, снарядни олиб ташлашга рози бўлишди.

Ҳар эҳтимолга қарши, операцияни рентген кабинетида ўтказадиган бўлдик. Мен дам-бадам рентген қилиб, тиғни қайси томонга йўналтиришни айтиб турдим.

Сочлари оппоқ оқариб кетган Кессель ҳар замонда: “Эй, Закир Богданович, смотри, ты у нас как сапёр – не имеешь право ошибаться!” – деб қўяди. Кўп қийинчиликлардан кейин, худди хакирдан қилни суғуриб олгандек, снаряд бош мия чуқурлигидан тортиб олинди.

Худо кўрсатмасин, агар шу вақтда снарядни портлатадиган ҳалқаси салгина сурилиб кетса борми, биз – учта врачиям, рентген кабинетиниям кули кўкка совурилиши мумкин эди. Бу снаряд-

ни кейинчалик Ленинград ҳарбий медицина музейига топширдик, ҳозир ҳам ўша ерда сақланади.

Россошь шаҳри яқинидаги жангда яна бир ғаройиб воқеага гувоҳ бўлдим. Қирқ беш ёшлардаги бир жангчи, миллати украин, кечаси қоронғида ўрага йиқилиб кетиб, пешонаси ёрилибди. Суяги синмаганмикан, деб бошининг рентген суратини олдим. Бундоқ қарасам, суяк тешилган, миянинг қоқ ўртасида эса милтиқ ўқи ётибди. “Ўртоқ жангчи, сизни отишибди-ку”, деб юбордим беихтиёр. У бўлса: “Йўқ”, деб рад жавобини беради.

Ростдан ҳам, бошидан ўқ еган одамнинг аҳволи бунақа бўлмайди-ку! Бу эса бемалол юриб, гапириб турибди.

Ҳайрон бўлдим. Бир неча кундан кейин жумбоқни ярадорнинг ўзи ечиб берди. У бир минг тўққиз юз ўн олтинчи йили, мен икки ёш бўлган пайтда, жаҳон урушида бошидан жароҳатланиб, оёқ-қўли ишламай қолган экан. Кейинчалик тузалиб кетган, лекин ҳеч рентгенда текширилмаган экан.

Шундоқ қилиб, десангиз, ана шу ўқ йигирма олти йил мияда ётган. Бирор зарар бермагани учун ўқ бу сафар ҳам ўз жойида қолдирилди.

Уруш тугаб борарди. Мен ҳарбий госпиталлар билан бирга юриб, рентген апаратини ихтиро қилган Вильгельм Конрад Рентгеннинг ватани Германияга ҳам кириб бордим.

Бахтим бор экан, тўрт йил уруш деган жаҳаннамда бўлиб, юртимга, Ҳурбиби опоқингиз, болаларимнинг олдига эсон-омон қайтиб келдим.

Тошкентдаги ҳарбий госпиталда яна салкам ўттиз йил ўз касбим бўйича ишладим. Эллик учинчи йили Москвада Марказий врачлар малакасини

ошириш институтининг ҳарбий факультетида кандидатлик диссертациясини ёқладим.

Худо таоло бешта фарзанд берди, ҳаммасини ўқитиб, уйли-жойли қилдим. Заҳро, Зарифа деган қизларим, Абдулло деган ўғлим менинг изимдан бориб дўхтир бўлишди. Фотима билан Ҳусан ҳам яхши касб-хунарларни эгаллади.

Қизим Зарифа – тиббиёт фанлари номзоди, ҳа, мен билан бирга тиббий мақолалар, китобчалар ёзадиган “З. Эгамбердиева” шу бўлади. Болаларимнинг ҳаммаси ўзидан кўпайиб, тинч-тотув яшайди, минг қатла шукр.

Ён-веримга ўгирилиб қарагунча олтмишни уриб кўйибман. Умр – бамисоли оқар сув, деганлари рост экан. Иззат-икром билан подполковник унвонида отставкага чиқдим. Пенсияда ҳам бекор юрмайман, сизга ўхшаган дўстларнинг ёрдами билан ўнтача катта-кичик китобларим чиқди.

Гоҳ-гоҳ ўйлаб қоламан. Мен ким – бир шум етим эдим, Худонинг марҳамати билан шундоқ кунларга етдим.

Менга ўхшаган бир етим бўлган экан. Бир куни учта кўшнидан уч товоқ овқат чиқибди. Буни кўриб етим бечора йиғлай бошлабди. “Нега йиғлаяпсан?” – деб сўрашса, “Раҳматли отам билан онам менинг бу давлатимни кўрмай ўлиб кетганига ачиниб йиғлаяпман”, деб жавоб берган экан.

Худога шукрки, менинг ота-онам одам бўлган кунларимни кўриб, дунёдан хотиржам ўтиб кетишди.

Менгаям ҳар куни бешта фарзандимнинг уйидан беш хил овқат келади, ўзингиз айтинг, жон дўстим, дунёда мендан бахтли одам борми?

Бўлди, доклад тугади. Энди бизга рухсат, Хур-
биби опоқингиз мошхўрдани сузиб, қатиқ солмай
мени кутиб ўтиргандир...

Қўлёзма Эшмурод акада, вақтингиз бўлганда,
бир варақлаб қўярсиз.

Зикрилла Эгамбердиев,
ҳарбий врач (марҳум)

ОТАБЕКНИНГ ЖАНОЗАСИ

– Эрталаб “Telegram” дан хабар келди: “Ўзбекистон халқ артисти Фалончи Фалончиев олтмиш беш ёшида вафот этди...”

“Э, Худо раҳмат қилсин, ёш эканлар ҳали”, деб юзимга фотиҳа тортдим.

Бирпасдан кейин бир зукко одам “Facebook” да ўзига хос изоҳ қолдирганига кўзим тушди:

“Ўзбек санъатининг Отабеги ҳаётдан кўз юмди”.

Нима учундир бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. Ваҳоланки, мен артист-партист эмас, кичкина суғурта идорасида оддий бир гумаштаман, марҳум билан танишлигим ҳам йўқ. Бир марта “Ласетти” сини бизда суғурта қилдирганида кўрганман, раҳматли европача табиатли одамга ўхшарди, ўзбекчаниям қийналиб гапирарди. Лекин, холисона айтганда, Отабек ролини на кинода, на сахнада бу кишидан ўтказиб ижро этган бошқа санъаткор йўқ, десам, адашмасам керак.

Одатдагидек, иш кўп, вақтим тиғиз эди-ю, азбаройи мухлислик, азбаройи Отабекнинг ҳурмати, шу инсоннинг жанозасига боришни ният қилдим.

Суриштириб билсам, соат ўн иккида уйидан кўтарилиб, пешинда Минор қабристонига жаноза ўқилар экан.

Соат ўн минути кам бирда қабристонга етиб келдим. Еру кўк халойиқ, кўчаларга машина сиймай кетган, жанозага одам опкелган бир хил –

яшил рангдаги ўттизтача “Мерседес” автобус қатор тизилиб турибди, ДАН ходимлари у ёқдан-бу ёққа югурган...

Беихтиёр тўлқинланиб, ғурурланиб кетдим. Қаранг, халқимиз ўзини, ўзлигини англаб боряпти! Миллий тимсолини, шу юртни деб шаҳид кетган Қодирийнинг Отабегини сўнгги йўлга кузатиш учун шунча одам келибди-я! Ёшларнинг кўплигини айтмайсизми! Бўлмаса, иш куни, тушлик вақти, бундоқ тумонатни пул бериб ҳам йиғиб бўлмайди.

Шу пайт тобут ортилган машина ҳам келиб қолди. Дарвоза олдида ичкарига қараб саф тортган минг-минг одам, ҳурмат ва тавозе билан тобутни бир-бирига қўлма-қўл узатар, ҳамма бу улуғ савобга дохил бўлишга интилар эди.

“Жойи жаннатда бўлсин”, деб ичимда пичирладим ва бир неча сония тобутга қўл теккизиш бахтига мушарраф бўлдим.

Халқ севикли актёрини – азиз Отабегини боши узра кўтариб, авайлаб-ардоқлаб, унга ўзининг сўнгги, чексиз иззат-икромини билдирмоқда эди. Ана санъатга меҳр, ана санъаткорга оқибат!

Оломон ортидан аста эргашиб, ичкарилаб боравердим.

Ҳар қадамда телевизорда, газеталарда суратлари чиқадиған казо-казоларга дуч келардим: вазиру вузаролар, ҳокиму депутатлар, формалию формасиз ҳарбийлар, энг юқори идораларнинг энг юқори амалдорлари, академигу профессорлар, кўчанинг одамлари, нуроний оқсоқоллар, ёш-яланг...

Қаранг, ғафлатда юраверган эканмиз, бу актёримиз, ўзи ҳам, бошқалар ҳам билмай, бутун халқнинг юрагидан шундоқ чуқур жой олган экан-а!

Миллатимиз халқ бўлиб ўзлигини намоён этаётган саодатли онлар эди бу.

Чамаси, икки-уч километр қўлма-қўл, елка-ма-елка узатилган тобут, ниҳоят, охирги манзилига етиб келди. Қабристон марказидаги обод, хушхаво, ён-атрофи гулу райҳонларга бурканган, салқин бир жойда гўр қазилган экан, тобут ерга қўйилди. Йўлнинг икки чети бўйлаб бир шакл, бир рангдаги минглаб курсилар одамларга мунтазир тизилиб турибди.

Пешин ибодатини адо этиб келган аҳли уламо ўртага чиқди. Уларнинг ҳам ёши, ҳам мансаби улуғи жаноза намозига ҳозир бўлишимизни сўради.

Яна тўлқинланиб, томоғимга бир хўрсиниқ тиқилиб келди. Қаранг, бош имом ҳазратларининг ўзлари келибдилар-а! Азон айтилиб, ҳамма саф тортди, мен ҳам этакрокдаги қаторга бир амаллаб суқилиб кириб олдим. Азбаройи одам кўплигидан оломоннинг ярми мозор дарвозасидан ташқарида қолди.

Барака топкур ташкилотчилар шу томони-ни ҳам ўйлаб, микрофон ўрнатиб қўйишган экан, имом ҳазратларининг мулойим овози тўрт томонга қараб таралди.

“Муҳтарам жамоат! – деб сўз бошлади у киши – Оллоҳ таоло ўзининг муборак каломида марҳамат қиладиким, “Куллу нафсин заиқатул мавт”, яъни, ҳар бир жон ўлим шарбатини тотгувчидир. Мана, бугун барчамиз улуғ инсон, қадрли биродаримиз, кўп йиллар элимизга, юртимизга садоқат билан, ҳалол-пок хизмат қилган... Эшқувват акамизни охират йўлига кузатиш учун жаноза намозига жам бўлиб турибмиз. Азизлар...”

Қулоқларимга ишонмай, ҳангу манг қотиб қолдим, ён-атрофга олазарак аланглай бошладим.

Имом ҳазратлари эса ҳамон марҳумнинг ажойиб сифатларини айтиб адо қилолмас эди.

“Муҳтарам Эшқувват акамиз кўп йиллар турли идораларда фидокорона ишлаб, бутун халқимизга танилдилар...”

Гангиб, нима қилишимни билмасдим. Жанозани бузиб, сафдан чиқиб кетиб бўлмаса... Хайриятки, охират намози қисқа, бахтимга, тезгина тугади. Лекин савол қолди: бу сирли Эшқувват ака ким экан?

Оломон яна қудратли тўлқинга айланиб, қабр томон яқинлашиб келар, марҳум билан видолашиб қолишга зўр бериб уринар эди.

Қисиниб-қимтиниб, халойиқ орасидан амаллаб четга чиқдим. Сал наридаги қабрлар орасида эски бахмал дўппи, коржома кийган, челак кўтарган бир мўйсафид кўринди. Чамаси, мозорга қараб юрадиган қоровулми, фаррошми бўлса керак. Секин ёнига бориб салом бердим. “Отахон, билмайсизми, вафот этган киши ким экан?” – деб сўрадим.

Мўйсафид ишидан бошини кўтариб, “Кимнинг жанозасига келганингни ҳам билмайсанми”, дегандек, менга ҳайрон бўлиб тикилди. “Анов... каттаконнинг қудаси-да”, деди секин, худди биров эшитиб қоладигандек, кейин ҳаммага маълуму машҳур бир одамнинг отини айтди.

Ҳа-а, мана энди ҳаммаси тушунарли.

“Бу ерда бундан бошқаям жаноза борми?” – деб сўрадим. “Ҳўв этак томонга боя бир майитни опкелишувди, ҳали жанозаси ўқилгани йўқ – домланинг бўшашини кутиб туришибди”, деди чол.

Шоша-пиша ўша ёққа югурдим.

Бориб қарасам, мозорнинг энг чеккасида, кўпдан буён супурги тегмаган бир бурчакда ўзбек-ўрис аралаш ўттизтача одам тўпланиб турибди. Йўлнинг бир четида тобут, бошини оқ чит рўмол билан танғиб олган семиз гўрков ҳансираб, қабр қазиб ётибди.

Панжарага чўнқайиб, папирос чекиб ўтирган, беретка кийиб, елкасига катта сумка осиб олган соқолдор бир кишига яқинлашиб, “артист акамизни опкелдингларми?” – деб сўрадим. “Да, да, вот муллу ждём”, деди у ва қўл телефонини олиб, рақам тера бошлади.

Ярим соатча кутиб ўтирдик.

Ниҳоят, қабр ҳам тайёр бўлди, Эшқувват аканинг дафн маросимидан бўшаган ёш, ҳали соқоли ҳам чиқмаган мулла биз томонга аста юриб келди, олақуроқ ғаройиб жамоатимизга ажабланиб қараб қўйди-да, жаноза намозига имомликка ўтди.

Туртиниб-суртиниб, сафга тизилдик.

“Ҳурматли жамоат! – деб сўз бошлади қори домла. – Қазои муаллақ, бугун мана шу кекса отахон бандаликни бажо келтирибдилар. Оллоҳ таоло муборак Қуръони каримда марҳамат қилиб айтадики...”

Беихтиёр кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Чамаси, маъҳаднинг биринчи ё иккинчи босқич талабаси бўлган бечора қори домла ҳам менга ўхшаб, кимнинг жанозасига келганини билмас эди.

Шундай қилиб десангиз, “ўзбек санъатининг Отабеги”ни дафн қилиб, изимизга қайтдик.

“Ўзбек ойим қора кийиб аза очди”.¹

Қутлуғ Турсунбоев,
суғуртачи, 37 ёш

¹ Абдулла Қодирий. “Ўткан кунлар”.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

– Менинг ёлғиз тоғам бундан эллик уч йил бурун, йигирма бир ёшида урушда бедарак йўқолган эди.

Онам бу воқеани ҳар сафар йиғлаб эсларди.

Айтишича, отаси – Умнат тақачи хотини Руқия билан ўн икки фарзанд кўрган. Болаларининг бири чечакдан, бири қизамиқдан, яна бошқалари ичтерлама, зотилжамдан ўлиб, Раҳматулла деган бир ўғил, Ҳакима, Салима, Карима (менинг онам) деган уч қиз омон қолган.

Тоғам урушдан олдин Тошкентда педтехникумни тугатиб, Наманганнинг Косонсой туманига ўқитувчи қилиб ишга юборилган экан.

Бир йил ишлаганидан кейин уруш бошланиб, армияга чақирилади. Фронтга жўнаб кетиш арасида тоғамдан бир телеграмма келади. Унда, эртага кечкурун соат еттида биз ўтирган поезд Тошкент вокзалида ўттиз беш минут тўхтаб ўтади, чиқсанглар, хайрлашиб қолишимиз мумкин, деб ёзилган экан.

Бувим бечора эрталабдан елиб-югуришга тушади, қаердандир бир кафт буғдой ун топиб, нон ёпади, боламнинг насибаси, деб бир товоқ ош дамлайди.

Бобом бувимни, иккала холами, тўққиз яшар онамни олиб, Пискентдан эшак аравада йўлга чиқади. Бахтга қарши, йўлда араванинг ўқи синиб қолади. Бир амаллаб тузатиб, вокзалга етиб келиб

қарашсаки, поезд ўн минут олдин жўнаб кетган экан.

Биринчи йили тоғамдан уч-тўртта хат келади. Қирқ иккинчи йилнинг қаҳратон қишида Сталинграддан юборилган хат охиргиси бўлади. Бу хатда тоғам, жангга кириб кетаётибмиз, деб ёзган экан. Бир ойча ўтиб, командиридан, “Бедарак йўқолди”, деган хабар келади.

Бобом, бувим, хоаларим – ҳаммалари шунга ҳам шукур қилишади. Ишқилиб, ўлди, демабди-ку, зора тирик бўлса, бир кун келиб қолар, деб, кунларни ойларга, ойларни йилларга улаб яшайверишади.

Аммо уруш тугаб, орадан ўн йил, йигирма, ўттиз, қирқ йил ўтса ҳамки, тоғамдан дом-дарак бўлмайди. Дастлаб, тоғамни кутавериб, кўзлари тешилган Уммат бобом, саксондан ошиб Руқия бувим, олтмишнинг нари-берисида Ҳакима холам билан Салима холам вафот этишди.

Ана шу катта бир оиладан ёлғиз ёдгор бўлиб қолган онам кексайган чоғида акасини йўқлаб тинимсиз йиғлайдиган одат чиқарди.

– Мана, телевизорларда кўрсатяпти, тоғангга ўхшаб бедарак кетганларни бола-чақаси излаб топаётган экан. Сен ҳам у ёқ-бу ёққа ёзиб суриштирсанг-чи, ахир. Ўзим ёзай десам, ўрисчани билмасам...

Бу вақтда мен энди университетни тугатиб, тумандаги “Пахтакорлар овози” газетасида ишлаётган эдим. Майли, кейинчалик армон бўлиб қолмасин, деб суриштиришга аҳд қилдим.

– Тоғамдан қанақа хужжатлар қолган ўзи? – деб сўрадим.

Онам бечора, худди ҳозир акаси топилиб, эшикдан ўз оёғи билан кириб келадигандек, суюниб кетди.

– Умрингдан барака топ, болам. Ҳамма қоғозлари Салима холангнинг уйида турарди. Абулқосимдан сўрасанг, топиб берса керак. Ўша “Бедарак йўқолди” деган хат ҳам шу холангнинг номига келган. Чунки Салима опам у пайтда сельсоветда секретарь бўлиб ишларди. Конверти йўқ, устида иккита думалоқ печати бор, учбурчак хат эди, мен ҳам кўрганман. Акамнинг командири бизга, Раҳматулла дўстимни албатта қидириб топамиз, лекин сизлар ҳам яхши ишланглар, ҳам яхши ўқинглар, деган гапларни ёзган эди.

“Э, сен қандай журналист бўлдингки, шу пайтгача оилавий тарихингга бир қизиқиб қўймаган бўлсанг”, деб ўзимни ўзим қойиб, Салима холамнинг уйига жўнадим.

Холаваччам Абулқосим акани танийсиз, моли-яда ишлайди, хат-хужжатга пухта одам. Гапимни эшитиб, мени тўғри уйининг подвалига олиб тушди. Ўрин-кўрпа, эски яшиқлар, майда-чуйда нарсалар қалашиб ётган подвалнинг бурчагида Салима холамдан қолган кўҳна бир сандиқ турарди. Абулқосим акам қаердандир калит топиб, сандиқни даранглатиб очди, ичидан сарғайиб, тўкилай деб турган бир папкани олиб, қўлимга тутқазди. Ишга шошаётган экан, кейин гаплашармиз, деб жўнаб кетди. Ёлғиз қолдим.

Папканинг чангини қоқиб, ичидаги қоғозларни синиқ хонтахта устига ёйиб, кўздан кечири бошладим. Нималар йўқ эди буларнинг ичида! Хо-

ламнинг саккизта боласининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалари, раҳматли Афзал поччамнинг ҳарбий билети, эски заёмлар, қирқинчи йилларга оид яна қанақадир қоғозлар, ҳар хил оқ-қора суратлар...

Униқиб кетган бир фотосуратдан сержант формасидаги, дўнг пешона, қийғоч кўзлари чарақлаган, барваста бир йигит тик қараб турибди. Суратнинг орқа томонига кўк сиёҳқалам билан: ***“На долгую память любимой сестренке Салиме от брата Рахматуллы. 23 ноября 1941 года”*** деб ёзилган эди.

Суратга узоқ тикилиб қолдим.

Онам эллик йилдан буён зор-интизор кутаётган, бедарак йўқолган тоғам мана шу одам эканда...

Чамаси, фронтдан жўнатиладаган ҳар қандай хат-хабар ҳарбий цензура назоратидан ўтказилган бўлса керакки, тоғам олис Сталинграддан Пискентдаги синглисига юборган суратига рус тилида дастхат битган эди.

Қоғозларни титкилашда давом этдим.

Папканинг тагидан яшил духобага ўралган бир қоғоз чиқди. Секин очиб қарадим.

Бу ўша – онам айтган, конверти йўқ, устида иккита думалоқ печати бор, учбурчак хат эди. Ўқидим-у, лолу ҳайрон бўлиб қолдим. Кўзларимни ишқалаб, яна ва яна ўқидим. Кейинчалик ҳам қайта-қайта ўқийверганимдан, ишонсангиз, хатда аниқ-равшан қилиб битилган сўзлар нуқта-вергулигача менга ёд бўлиб кетди.

“Уважаемая Салима Умматова! – деб ёзилган эди хатда. – С глубоким прискорбием со-

общаю Вам о том, что Ваш брат, сержант Рахматулла Уматов героически погиб при штурме 489-й высоты под Сталинградом. Я с моими боевыми товарищами собственноручно похоронил его с воинскими почестями.

Сержант Рахматулла Уматов был мужественным, храбрым бойцом, настоящим патриотом Родины. Он с честью выполнил свой воинский долг. Мы самым решительным образом будем отомстить за его смерть. Память о боевом друге Рахматулле Уматове всегда сохранится в наших сердцах.

Желаю Вам и Вашим близким терпения и стойкости. Крепитесь. Учитесь хорошо, трудитесь во имя нашей победы.

С уважением,

Командир 283-го стрелкового батальона
майор Погорелов В. П.

18.02.1942. Сталинград”.

Дувиллаб ёш оқаётган кўзларимга ишонмасдан, хатни яна такрор ўқидим:

“С глубоким прискорбием сообщаю...”

Демак, Раҳматулла тоғам қирқ иккинчи йил февраль ойида ҳалок бўлган экан-у, биз шу пайтгача...

Наҳотки, шунча йиллар мобайнида бу ҳақиқатни биронта одам билмаган бўлса?! Дейлик, Салима холам дастлаб буни бобом билан бувимдан яширган бўлиши мумкин, лекин нега кейинчалик Ҳакима холам билан онамга бор гапни айтмаган?

Ёки бу машъум хатни олиб келган почтальон (унинг кимлигини энди мутлақо аниқлаб бўл-

майди) саккиз фарзандини қора тупроққа берган, ёлғиз ўғлидан ҳам жудо бўлган чол-кампирга азбаройи раҳми келганидан мактуб мазмунини ўзича “таржима” қилиб берганмикан?

Надоматлар бўлсинким, энди буни билгувчи бирон кимса йўқ. Фақат акасининг урушда бедарак кетганига ишониб, умр шомини ҳамон умидворлик билан ўтказаётган менинг кекса онам бор, холос.

Абулқосим акамнинг нимқоронғи подвалида танҳо ўтирганча, қўлимдаги қорахатга тикилиб узоқ ўйладим.

Ярим асрдан зиёд пинҳон бўлиб келган бу ҳақиқатни ошкор этиш – кекса онамнинг умидини сўндириш билан баробар эди. Одам сўнгги умиди сўнгганда ўлади.

Тоғамнинг урушда бедарак йўқолгани – Умат тақачи хонадониди туғилган, йиллар оша сайқал топиб, милтиллаган учқуни билан неча-неча дилларга умид бахш этиб келган бир афсона эди. Бир афсонаки, ҳақиқатдан кўра юз марта кучли, ҳақиқатдан кўра юз карра қадрли эди. Бас, эллик йил бардавом яшаган бу афсонани ёлғонга чиқаришга менинг ҳаққим борми?

Қорахатни костюмимнинг чўнтагига авайлаб жойладим.

Абулқосим акамнинг ишхонасига бордим.

– Сиз тоғамнинг бедарак йўқолгани ҳақидаги хатни кўрганмисиз? – деб сўрадим.

Холаваччам столи устидаги ҳужжатлардан бош кўтариб, менга ҳорғин тикилди.

– Шахсан мен кўрган эмасман. Лекин онам раҳматлидан ҳам, отам раҳматлидан ҳам кўп эшитган-

ман, қирқ иккинчи йили шунақа хат келган экан. Нимага керак бўлиб қолди?

– Мақола ёзмоқчиман, – деб гапни қисқа қилдим.

Авлодимиз серуруғ – холаваччаларнинг ўзидан ўн саккизта. Ҳаммадан сўраб чиқдим – ҳаммаси тоғамнинг бедарак йўқолганини тасдиқлади. Ҳайратим баттар ошди. Наинки, уларнинг бирон-таси шу хатни кўрмаган, ўқимаган бўлса?

Урушдан кейин орган ходимлари бедарак йўқолган жангчиларни сўраб-суриштириб, уларнинг уйларига, қариндош-уруғлари олдига келиб юрганлиги яхши маълум. Бироқ Раҳматулла Умматовнинг хонадонига бу масала бўйича ҳеч ким келмаган. Демак, ҳукумат идоралари унинг урушда ҳалок бўлгани тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлишган.

Кечкурун онамнинг ҳузурига кирдим.

– Ойи, тоғамнинг ҳамма ҳужжатларини кўриб чиқдим. “Бедарак йўқолди”, деган хат ростдан ҳам келган экан... – дедим тутилиб. – Охирги хизмат қилган ҳарбий қисмининг адресини ҳам топдим. Москва атрофида Подольск деган шаҳарча бор, шу ерда СССР Мудофаа вазирлигининг марказий архиви бор. Ана шу архивга хат ёзаман. Қани, бир суриштириб кўрайлик-чи.

Онам яна кўзига ёш олиб, мени узоқ дуо қилди.

– Топилармикан, ишқилиб? – деб сўради илинж билан.

– Эй, ойи, бу урушда нималар бўлмаган дейсиз, – дедим кўзимни олиб қочиб. – Биров ярадор бўлган, биров асир тушиб қолган. Кимдир урушдан кейин бошқа мамлакатга ўтиб кетган. Кўпчилиги

ўзининг дарагини билдиришга кўрққан. Совет ҳукумати уларни “сотқин” деб қамаб юборган. Энди, оғир йиллар, ҳар хил воқеалар бўлган-да, ойи.

– Чиқмаган жондан умид, зора дараги топилса, – деди онам. – Майли, кўрми, чўлоқми, ўрис ё немисга уйланганми, ишқилиб, омон бўлса, бас.

Юрагим эзилиб, бош ирғаб қўйдим.

Орадан ойлар, йиллар ўтди.

Онамнинг саволларига жавобан ҳар сафар турли баҳоналар тўқирдим. Бир гал: “Подольскдан хат келди. Улар менинг сўровимни, Сталинградни ҳозир Волгоград дейди, ўша ёққа юборибди”, десам, кейинги сўраганида, “Тоғам хизмат қилган ҳарбий қисмнинг архиви урушдан кейин Украинага бериб юборилган экан, қидиришяпти”, деб қутулардим.

Бошқа бир сафар: “Тоғамнинг ҳужжатларини чет давлатлардаги элчихоналаримизга юбориб суриштиришмоқчи”, деган гап-сўзлар билан овутардим.

Охири, бундай ёлғончилик жонимга тегиб, Волгоградга бориш, сержант Раҳматулла Уматов жанг қилган жойлардан унинг қабрини излаш фикрига келдим. Жуда бўлмаганда, у ердан бир кафт тупроқ олиб келиб, онамга ростини айтмоқчи ҳам бўлдим. Аммо бу орада СССР тарқаб кетди, йўллар бекилиб қолди, тирикчилик оғирлашиб, ниятимни амалга оширишнинг иложи бўлмади.

Ниҳоят, “бедарак йўқолган” ёлғиз акасини кута-кута, онам бу фоний дунёдан кўз юмди.

Лекин жон бераётганида ҳам умидини узмади. Рози-ризалик тилаш учун сўнгги бор олдига кирганимда кўзларини катта-катта очиб менга термилди. Унсиз нигоҳидан **“Тоғанг келдими?”** деган бир саволни уқдим.

Онамни чиқаришдан олдин қариндош-уруғимизнинг катталари, мачитимизнинг имомига бор ҳақиқатни ошкор қилдим.

Маслаҳат билан, онамга қўшиб, бундан эллик уч йил бурун урушда ҳалок бўлган тоғамга ҳам жаноза ўқитиб, таъзия очдик.

Мухтор Баҳодиров,
журналист, 65 ёш

ИККИ КАРРА ҚАҲРАМОН

– Менинг бир учувчи дўстим бор. Қаҳрамон. Йўқ, оти Қаҳрамон эмас, ўзи ҳақиқий қаҳрамон.

Исми Муҳаммадкамош, лекин кўпчилик Камол деб чақиради.

Ана шу дўстим Ўзбекистонда биринчи бўлиб “Боинг” ҳайдаган. Фақат ўзи ҳайдамасдан, ёш учувчиларга ҳам ўргатган. Уларнинг авиакомпаниясида махсус парвозга тайёрлаш маркази бор, ўша ерда бош инструктор бўлиб ишлаган.

Энди, сизга бир сирни айтсам, Камол ўн йил “литер” самолётни бешикаст бошқарган. “Литер” – буларнинг тилида давлат раҳбари учадиган самолёт дегани.

Хўжайинларга суйкалиб қаҳрамон бўлиб олган экан-да, деб ўйлаётган бўлсангиз, хато қиласиз.

Олий тоифали учувчи Муҳаммадкамош Отабоев экстремал шароитда ҳаво кемасини бошқариш чоғида кўрсатган катта жасорати учун Қаҳрамон бўлган. Бу ҳақда газеталарда ёзилган, киноям ишланган, балки кўргандирсиз. Фақат кинода дўстимнинг номи Акбар деб олинган, қолган ҳаммаси юз фоиз рост гаплар.

Ўшанда Камол эрталаб Тошкентдан “Боинг-757”да учиб, ёқилғи қуйиш учун Англияга, Бирмингем аэропортига қўниб ўтади. Ярим кечаси самолёт Нью-Йоркка яқинлашиб қолганида кутилмаганда Жон Кеннеди номидаги маҳаллий аэропорт диспетчери йўналишни кескин ўзгартириб,

Канаданинг Нью-Фаундленд оролидаги Гандер шаҳарчаси яқинидаги халқаро аэропортга қўнишни буюради. Энг қизиғи, ҳеч қандай изох бермайди.

Шу орада осмонда АҚШнинг ҳарбий-қирувчи самолётлари пайдо бўлади. Улар фақат Камолнинг эмас, осмондаги барча самолётларни таъқиб қилиб, ортга қайтишга мажбур қилади.

Хўш, нима қилиш керак? Тошкент узоқ, Нью-Йорк ёпиқ.

“Ўн минг метр баландликда, соатига саккиз юз километр тезликда учиб бораётган эдик, – деб, кейинчалик гапириб берган эди Камол. – Остимизда бепоён океан қоп-қорайиб ётибди. Соҳил бўйлаб учишга қарор қилдик. Ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, секин учиб боряпмиз. Бўлмаса, рўпарадан, ён-атрофимиздан шувиллаб ўтаётган бошқа самолётларга урилиб кетишимиз ҳеч гап эмас.

Дунёнинг ҳамма жойидан келаётган самолётлар Канада осмонида тирбанд бўлиб кетган, маҳаллий аэропортларнинг қўниш йўлаклари банд, фақат ёқилғиси тугаб бораётган самолётларга биринчи галда қўнишга рухсат бериляпти. Қолганлар осмонда навбат кутиб туриши керак.

Яқин-атрофдаги аэропортлардан қўнишга рухсат сўраб, тинимсиз алоқага чиқамиз. Барчаси ё банд, ё рухсат бермайди. Излаб-излаб, ниҳоят, Канаданинг АҚШ билан чегараси ёнидаги Хэппи-Вэлли шаҳри атрофида жойлашган Гус-Бей ҳарбий аэродроми билан гаплашиб, бир амаллаб қўнишга ижозат олдик.

Лекин дард устига чипқон дегандек, ҳаво жуда ёмон, кучли шамол, момақалдиروق бўлиб, тинимсиз чақмоқ чақарди. Йўқ, хайрият, Худога айтга-

нимиз бор экан, самолётни эсон-омон қўндирдик. Ойнадан ташқарига қарасам, на қутқарув хизматлари, на ўт ўчириш машиналари кўринади.

Боя қизигида сезмаган эканман, баданимдан жиққа тер куйилиб, кўйлагу кителларим шалаббо бўлиб кетибди. Жунжика бошладим.

Ўрнимдан туришга мажолим йўқ. Стюардесса Наташа қўнганимизни эълон қилиши билан ва-жоҳатли бир киши югуриб келиб, “Қани командир? Командирни чақир бу ёққа!” – деб бақира кетди. “Мен кема командири Отабоев, эшитаман”, десам, кўлини пахса қилиб, рус тилида “Сиз кимдан сўраб бошқа жойга қўндингиз? Бу қанақа ўзбошимчалик?! Мен Нью-Йоркка билет олганман, тушун-япсизми, Нью-Йоркка!” – деб дўқ ура бошлади.

Қарасам, ўзимизнинг ўзбеклардан, юзи ҳам та-ниш кўринади, Чорсу атрофларида турса керак.

“Ока, ўзингизни босинг, Нью-Йорк ёпиқ, қабул қилмаяпти”, десам ҳам тушунмайди, баттар бақи-риб: “Ҳеч нимани билмайман, билишни ҳам иста-майман! Ҳозироқ Нью-Йоркка учасан! Қани, уч-май кўргин-чи, битта қўнғироқ қилиб, жойингдан учирвораман!” – дейди. Куласизми, ўласизми бу гапга? Тирик қолганимизга шукур қилиб, ади-бади айтишиб ўтирмадим...

Самолётдан тушиб, аэродром залига кирсак, ҳамма қотиб қолган, барчанинг кўзи девордаги экранда: террорчилар бир ярим соат бурун иккита “Боинг” самолётини олиб қочиб, Нью-Йоркдаги Бу-тунжаҳон савдо марказининг осмонўпар биносига опкелиб урган экан... Ҳа, ўша 11 сентябрдаги воқеа...

Бир маҳал қарасам, ёнимда боя самолётда менга дўқ урган амалдор акамиз дир-дир титраб

турибди. “Мени кечиринг, ока, – дейди, – мен билмасдан... Худойим ҳаммамизни бир ўлимдан асрабди-я!”

Нимаям дердим, “Майли, соғ бўлинг”, деб қўя қолдим”.

Ана шу парвоз чоғида бир юз тўқсон йўловчи ва ўн бир нафар экипаж аъзосининг ҳаётини ва самолётни омон сақлаб қолгани учун Камол қаҳрамонлик унвони билан, иккита шериги орден билан мукофотланди.

Дўстимнинг бунақа ишлари кўп. Мисол учун, яқинда коронавирус тарқаган пайтда ҳаётини хавф остига қўйиб, Питердан юзлаб одамларни самолётда Ўзбекистонга олиб келди. Йўловчиларга қўшилиб, ўзи ҳам бир ой карантинда ўтириб чиқди.

Менга қолса, мана шу тоғдай баҳайбат самолётни ҳавога кўтариб, осмони фалакда неча минг километр йўл босиб, яна эсон-омон ерга қўндиришнинг ўзи ҳар сафар қаҳрамонлик, тўғри эмасми?

Шунинг учунми, билмадим, Камол жуда оилапарвар, аёли, бола-чақаси учун жонини беради. Хотини Сафура педиатр, ўғли Бобур автозаводда инженер, қизи Маъмура дизайнерлик ўқишини битирган, ўтган йили Шерали деган болага турмушга чиққан, чақалоқ қизчаси бор, ҳозир уйда ўтиради.

Пешона экан, яқинда дўстимнинг бошидан оғир бир воқеа ўтди. Бечора, дардини ичига сиғдиролмасдан, менга ҳасрат қилган эди. Мен ҳам азбаройи ишонганимдан сизга айтяпман, битта-яримтага дoston қилиб юрманг яна, илтимос, хўпми? Энди, сал нозикроқ, интим масала-да.

Хуллас, Камол бир куни Бангкокдан Тошкентга учиб келаётган экан. Об-ҳаво яхши, парвоз маро-

мида ўтаётган, кайфияти ҳам тузук экан. Дўстим бир кечаю бир кундуз “Ле Меридиан” меҳмонхонасида ҳордиқ чиқарибди, қайтишда одатдагидек, биринчи галда иккита набирасига, кейин бошқаларга совға-салом олибди. Фирмасининг ишлари билан Москвага кетган арзанда куёвни ҳам унутмабди – яқинда туғилган куни бўлади, деб итальянча костюм-шим олибди. Маъмурага телефон қилиб сўраса, бир размер кичкина олиб қўйган экан. Қайтадан ўша савдо марказига бориб, алмаштириб ҳам келибди.

Умуман, дўстим шу куёвини, назаримда, ўғлидан ҳам яхши кўради. Қачон қараманг, оғзидан бол томиб мақтагани мақтаган. Бир марта ҳазиллашиб, бунча энди, шу Шералидан ой кўрганмисиз, куёв барибир куёв – ёв-да, деган эдим, балого қолдим.

“Э, ўртоқ, – деди қизишиб, – сиз буни тушунмайсиз, чунки ҳали қиз узатмагансиз. Биттаю битта қизим шу хонадонда, шу боланинг қўлида “заложница” бўлса, мен нима қилай?”

Қарасам, жиддий хафа бўладиган.

“Тўғри қиласиз, куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган”, дедим дарров ён бериб.

“Ўлманг”, деди дўстим юзи ёришиб.

Худога қараб айтганда, Шерали куёв ҳам гапирса гапиргулик, ҳар қанча мақтаса арзигулик бир йигит эди: кўркам, хушқомат, тадбиркор, бадавлат, қўли доим кўксиди – таъзим-тавозеда. Камтару камсуқумлигини кўриб, ҳеч ким уни бутун Ўзбекистон танийдиган катта бир амалдорнинг ўғли эканига ишонмас эди.

Агар мен режиссёр бўлсам-у, “Ўткан кунлар”ни қайтадан кино қилишни менга ишониб топширса,

Отабек ролига сира иккиланмасдан мана шу Шералини танлаган бўлардим.

Узр, бироз чалғиб кетдим шекилли, гап Камол ҳақида эди-ку.

Хулласи калом, Бангкокдан кечаси осмонга кўтарилган самолёт икки соатча учгач, Камол автопилотни ёқиб қўйиб, бир зарурат билан салонга чиқибди. Салоннинг ичи нимқоронғи, тўйиб овқатланиб олган йўловчиларнинг аксарияти уйқуга кетган, бизнес-классда иллюминатор томонга қараб, бир-бирига чирмашиб, ачомлашиб ўтирган йигит билан қизни ҳисобга олмаганда, бошқа одам йўқ экан.

Камол бошда буларга эътибор бермабди, балки, келин-куёвдир, деб ўйлабди, қолаверса, энди Таиландга кимлар бориб, кимлар келмайди, дейсиз.

Қисқаси, дўстим самолёт этагига ўтиб, бизнес-класс орқали кабина томон қайтаётиб қараса, бояги ошиқ-маъшуқлар энди... нима деса бўлади, жуда ўзларини қўйвориб, ўзларини йўқотиб, ҳансирашиб ётган эмиш-да...

Бу, Камол, бир умр ўрисча ўқиб, ўрислар билан ишлаб юрган бўлсаям, ўзи жуда покиза, бетаҳорат юрмайди, бунақа ҳаром-ҳариш ишларни кўрса, жон-пони чиқиб кетади. Шармандаи шармисор бу нусхаларни тартибга чақирмоқчи бўлиб турса, бирданига таниш овозни эшитиб, турган жойида тахтадек қотиб қолибди.

“Не кўз билан кўрайки, ўртоқ, – деб кейин менга йиғлагудек бўлиб гапириб берди у, – йигит... арзанда куёвим Шерали экан!

Бир беш минутча доводи раб турдим, кейин шартта чироқни ёқиб юбордим, “Ҳа, Шерали?” – деб

башарасига тикилдим. Қандай қилиб бу ифлосни пачоқлаб ташламадим, ҳозиргача ҳайронман.

Уям мени кўриб бақа бўлиб қолди, апил-тапил ёпинчиқни бошига тортиб, ўриндиқ тагига бекиниб олди. Нима қиларимни билмайман, титрайман, холос. Ёнидаги мегажин бўлса, яланғоч кўкрагини ёпишни ҳам ўзига эп кўрмасдан, “Ҳа, ока, тинчликми? Нима проблема создавать қияпсиз?!” – деб пишқиради. Башарасига қараб бўлмайди, бетига чаплаган шпаклёвкаси суйкалиб, оқиб ётибди, билмадим, ичволганми, чекволганми... Бундоқ қарасам, юзи танишга ўхшайди. Эсладим, Тошкентда номи чиққан бир яллачи жувон.

Вижиллаган қон товонимнинг учидан бошлаб тепага кўтарилаётганини, миямга бориб урилганини, чакка томирларим ҳозир ёрилиб кетишини сезиб-билиб турибман. Қулоғим чиппа битиб, кўз олдим қоронғилаша бошлади.

“Э, Худо, ўзинг шарманда қилма! – дейман ичимда. – Шарманда қилма, Худо!”

Энди шу тобда миямга қон қуйилибми, юрагим ёрилибми кетса, ўн бир минг метр баландликда, соатига саккиз юз километр тезликда учиб келаётган, бортида уч юзга яқин одам бўлган баҳайбат самолёт учувчисиз қолса...

Шуни ўйлаб турибман-у, лекин баданим қизиб, ичимдаги шайтон, авария эшигини очгин-да, бу наҳс босганларни самолётдан улоқтириб ташла, аламингдан чиқ, деб тинимсиз гижгижлайди. Раҳмон бўлса, ҳушингни йиғ, жинни бўлишга ҳаққинг йўқ, чидайсан, дейди.

Жуда қаттиқ хўрлигим келди, ўртоқ. Бечора бахтсиз қизим, ўлсам ҳам шу болага тегаман, деб

туриб олган аҳмоқ қизим, олти ойлик бегуноҳ на-
бирам кўз олдимдан ўтаверди.

“Нега? Нега бундай қилдинг, итвачча? Биздан
нима ёмонлик кўрган эдинг, ифлос? – деган алам
миямни, юрагимни ўйиб, чидаб бўлмайдиган
оғриқ берарди.

Ҳеч ўзимни тутолмадим, бир маҳал: “Менга
қара, эй муттаҳам!” – дедим жаҳл билан шартта
устидаги ёпинчиқни тортиб: “Туф бетингга, ҳаро-
ми!” – деб башарасига тупурдим.

Яллачи ўйнаши бўлса, “Эй, что ты себе позво-
ляешь, тварь?! Шерик, кто он такой, охренел что
ли?” – деб чийиллаганча қолаверди.

Кабинага кириб келишим билан иккинчи
пилот Сергей аҳволимни кўриб, кўрқиб кетди.

“Командир, нима, мазангиз бўлмаяптими? –
деб сўради ва жавобимни ҳам кутмасдан, стюар-
дессага буюрди: – Марина, тез сўра, йўловчилар
орасида врач бормикан?”

Бир амаллаб ўзимни қўлга олдим, микрофонга
қараб бораётган Маринани тўхтатдим.

“Ҳеч қанақа врач-прачнинг кераги йўқ, – дедим
базўр. – Бир стакан сув беринглар”.

Кителимнинг ички чўнтагида “қора кунга”, деб
олиб юрадиган дориларим бор, кетма-кет учтаси-
ни ичдим.

Қоп-қора бепоён осмонга тикилиб узоқ ўйла-
дим.

Энди мен ҳамма нарсани, аввало, юрак-бағрим-
ни куйдираётган алам, қасос туйғусини унутишим
керак. Ҳа, унутишим керак! Унутишга мажбурман!

Кемага тушганнинг жони бир. Мен мана шу уч
юзта одамни, шулар қаторида анави иккита ювуқ-

сизни ҳам манзилга эсон-омон элтиб қўйишим шарт. Мажбурман! Бошқа йўлим йўқ менинг...

Худойим яна куч берди. Сабр-бардош берди – штурвални қўлга олдим. Мижжаларим ёшланганини кўриб ҳайрон бўлган Сергейга, кўзимни шамоллатиб қўйибман, дедим. Ишонди шекилли, қайтиб савол бермади.

Мен Бангкок–Тошкент йўналиши бўйлаб жуда кўп учганман. Лекин етти ярим соатлик йўлнинг бунчалик узоқ эканини ҳеч қачон сезмаган эканман. Сизга айтсам, мана шу 26 март мен учун 11 сентябрдан ҳам оғир бўлди-да...”

Камол дўстимнинг ҳикоясини эшитиб, оғиз очолмай қолдим.

Анча вақт иккаламиз ҳам чурқ этмай ўтирдик.

“Да ты настоящий герой! – дедим ниҳоят русча-лаб. – Дважды Герой”.

Дўстим ғамгин кулимсиради.

“Да, пожалуй, – деди хўрсиниб, – но, второй раз – посмертно”.

Камол айтган бу гапнинг маъносини кейин тушундим.

Шарманда куёв нима бўлди, дейсизми? Нима бўларди, ота-онасига бориб йиғлаб арз қилди.

Қайнотаси айтаётган гаплар ғирт туҳмат экан, у фирманинг иши билан Москвадан Таиландга бориб қайтаётган экан, чарчаб, бизнес-классда тинчгина ухлаб келаётган экан. Ҳеч қанақа қиз-пизни кўрмабди у. Ўзи, қайнотасининг “кришаси кетиб қолган” эмиш, учувчиларда бунақа ҳолатлар бўлиб турар экан, так что, буларнинг ҳаммаси уюштирилган провокация экан. Ўзи, шу ойтовоқ хотини ҳам жонига тегиб кетибди, аллақачон кетига те-

пиб ҳайдаш керак экан-у, тағин ҳам у чидаб юрган экан.

Камол бу гапларни эшитиб, жинни бўлиб қола-ёзди. Рост-да, исбот-далили йўқ, гувоҳи йўқ, юзсиз одамларга ўхшаб, куёвини ўйнаши билан телефон-да видеога олмаган бўлса, додини кимга айтади?

Қудалари арзанда ўғилларининг кўнғиздан ҳам оппоқ, типратикандан ҳам юмшоқ эканига ишониб, бир ҳафтадан кейин Маъмурани қўлида боласи, кўзида ёши билан отасининг уйига элтиб ташлашди.

Ҳозир қуда хола Шералига онаси ўпмаган қиз обериш учун бутун Тошкентни кезиб юрибди.

Элёр Искандаров,
археолог, 57 ёш

ҲАР ИШ БЎЛСА – ХУДОДАН

– Мана шу халқаро илмий экспедицияни тузиб, бутун дунёда Заҳириддин Муҳаммад Бобур изларини излаб юрганимизга, насиб этса, ҳадемай ўттиз йил тўлади. Биринчи сафаримиз 1992 йили бўлган эди.

Шундан буён десангиз, бу ёғи Туркманистондан то Ироққача, бу ёғи Мисрдан тортиб Мьянмагача тўрт юз минг километрдан кўпроқ масофани автомобилда босиб ўтдик. Уруш бораётган Афғонистонда ўн беш маротаба бўлдик. Машинада етиб бориш қийин бўлган Америка Қўшма Штатлари, Япония сингари мамлакатларга сафарларимизни самолёт орқали амалга оширдик.

Мендан кўпинча, бу сафарлар хатарли эмасми, деб сўрашади. Ҳатто, баъзан орқаваротдан бу авантюрист чол нафақат ўзининг, балки экспедиция аъзоларининг ҳам ҳаётини хавф остига қўйиб юрибди, деган таъна-дашномларни эшитиб қоламан.

Бунақа гапларга менинг жавобим битта: албатта, сафар бехатар бўлмас, лекин ҳар иш бўлса – Худодан. Яратганнинг ўзига таваккал қилиб, Ўзидан мадад сўраб, холис ният билан бошланган ҳар қандай иш хайрли бўлади.

Мен бунга мана шу ўттиз йиллик сафарлар давомида қайта-қайта ишонч ҳосил қилганман. Энди, авантюра масаласига келсак, жаҳон тарихидаги энг буюк ихтиро ва кашфиётлар ҳам ўз

вақтида одамларга авантюра бўлиб туюлган. Агар озгина авантюрист бўлмаганида Колумб ҳеч қачон Американи кашф қилмаган, Гагарин космосга учмаган бўларди.

Бир куни эрта баҳор пайти “Жип” машинасида беш киши навбатдаги экспедиция сафари билан Афғонистоннинг Ғазна шаҳрига қараб кетаётган эдик. Бомбаю снарядлар тушавериб абжағи чиқиб кетган йўлдан “атак-чечак” қилиб, аранг юриб борардик.

Бир маҳал кимсасиз йўлнинг нариги бошида, дўнг тепалик ортидан баҳайбат танк ўрмалаб чиқди, гулдираганча тўппа-тўғри устимизга бостириб кела бошлади. Капалагимиз учиб кетди, нима қиларимизни билмай қолдик. Изимизга бурилиб қочай десак – ортимиздан варанглатиб отади, тўғрига бораверсак, бизни янчиб-мажақлаб кетиши турган гап.

Ҳайдовчимиз Аҳмаджонга “Тўхта!” деб буюрдим. Бизнинг тўхтаганимизни кўриб, танк ҳам йўлнинг ўртасида таққа тўхтади.

Кеча Кобулдан Фарид деган бир пуштун йигитини йўлбошловчи – далил қилиб ёллаган эдик. Ҳайдовчининг ёнида ўтирган далилга қараб, “Энди нима қиламиз?” – деб сўрадим. Таржимонимиз Ғайратбек унинг гапини онтариб¹ турибди.

Бу орада танкнинг тепасидаги замбарак у ёқбу ёққа қараб ҳаракат қила бошлади. Чамаси, машинамизни мўлжалга олаётган бўлса керак. Бундоқ разм солсам, барака топкур ҳамроҳларим, жонширин, ўриндиқларнинг тагига ётиб олишибди.

¹ Онтариб – “таржима қилиб” маъносида (шева).

“Қани, мен бир гаплашиб кўрай-чи”, деди Фарид ва лип этиб машинадан тушди.

Буни кўриб, танкдагиларнинг асаби бузилди, шекилли, ишқилиб, замбарак яна бежо ҳаракат қилиб, бизни мўлжалга ола бошлади.

Фарид танк томон уч-тўрт қадам секин юриб, овозининг борича нимадир деб бақирди. Бирпасдан кейин танкнинг қопқоғи очилиб, қора кўйлак устидан қўнғирранг нимча кийган, бошида чамбарак нусха шапка, кетмон соқол бир афғоннинг ярим белигача қомати кўринди.

Далил билан танкчи уч-тўрт минут пуштун тилида бир-бири билан қичқириб гаплашди. “Нима деяпти?” – деб таржимондан сўрамоқчи эдим, қарасам, азамат энг орқадаги ўриндиқ тагига кириб, бошини адёл билан ёпиб олибди.

Ниҳоят, Фарид танкчига қараб, “Худо ҳофиз!” – деганини эшитиб қолдим. Танкчи ҳам унга жавобан нимадир деб хитоб қилди ва танкнинг ичига тушиб кетди.

Далилимиз келиб жойига ўтирди, унинг юз-кўзидан бирон нарсани тушуниш қийин эди.

“Пул-мул талаб қилган бўлса гўрга эди”, деб ўйладим ўзимча, кейин “Ҳа, нима гап?” – деб сўрадим. Бу орада Ғайратбек ҳам сал ўзига келиб қолди, қизариб-бўзариб вазифасини бажаришга киришди.

“Машрабуф соҳиб, – деди далил ишшайиб, – кўрқманг, танк бизга тегмайди. Бу мардум ҳарбий эмас, шудгор қилгани кетаётган деҳқон экан”.

“А, танк ҳайдаб юрибди-ку?” – дедим ҳайрон бўлиб.

“Ҳа, бу... ўзининг шахсий танки, ичида хотини, бола-чақалари ҳам ўтирибди экан”.

“Бўлмаса, нега тўхтади бизни кўрқитиб?” – деб сўрасам, далил тушмагур:

“Уям бизни кўриб кўрқиб кетибди, Толибон деб ўйлабди”, дейди.

Кўрққанга қўш кўринар, деб шунга айтади-да. Кула-кула йўлимизда давом этдик. Танк ҳам гуриллаб жойидан қўзғалиб, бизга йўл бўшатди, унинг ёнидан ўтаётганимизда Аҳмаджон танкчи – деҳқонга ҳурматини билдириб, сигнал чалиб қўйди.

Бир гал бундан ҳам ажойиб иш бўлди. Бу воқеа экспедиция ҳақидаги китобларда ҳам ёзилган, лекин кўпчилик ўқимаган бўлиши мумкин.

Пешовар орқали Афғонистон ҳудудига ўтиб, “Тойота” микроавтобусида Жалолобод шаҳрига яқинлашиб келардик. Атрофда вайрона иморатлар, томлар тепасида тўп, пулемётлар. Гоҳ-гоҳ тиш-тирноғигача қуролланган аллақандай одамлар йўлимизни тўсади, аланглаб машинамиз салонини кўздан кечиради. Ўқтин-ўқтин узоқ-яқиндан ўқ товушлари эшитилади.

Вазиятни кўриб, мен экспедиция аъзолари билан “инструктаж” ўтказдим.

“Ҳаммамиз ниҳоятда хушёр бўлишимиз керак. Ким сўраса, Ҳаждан келаётганимизни айтасизлар. Бу одамлар советларга нисбатан аламзада. Бизни ҳам шўравий деб ўйлашади. Огоҳлантириб қўяй, ўзаро гаплашганда ҳам жуда эҳтиёт бўлинсин, оғзимиздан ўрисча гап чиқиб кетмасин”, деб роса тайинладим.

Шом аралаш Жалолободга кириб келдик. Шу пайт кўнгилсиз бир воқеа рўй берса, денг: машинамизнинг олдинги баллони ёрилиб кетди. Бўша-

шиб, машинадан тушдик. Атрофимизни бир тўда одам ўраб олди, ичида қуроллиси ҳам талай.

Ҳайдовчимиз Баҳромжон ғилдирак тагига домкрат қўйиб кўтармоқчи бўлди. Ўчакишгандек домкрат ҳам ишдан чиқди. Атрофдан ғишт топиб келиб, машинани тагига қўйиб, ҳаммамиз олд томонидан кўтаришга ёпишдик.

Мен эса, бояги айтган гапларим эсимда йўқ, “Қани, давай, раз, два, взяли!” деб команда берибман. Вазият қалтислигидан у пайтда бунга эътибор қилмабмиз, кейин йўлда кетаётганимизда эслашиб тоза кулдик.

Яна бошқа бир сафар Кобулдан чиқиб, Бомиён орқали Ҳиротга – ҳазрат Навоийнинг қабр-мақбараси ҳолатини ўрганиш учун кетаётган эдик. Бир манзилга етганимизда толибларнинг қўлига тушиб қолдик. “Толибон”нинг дала қўмондонларидан бирининг қароргоҳига олиб кетишди. Бориб қарасак, ҳаммаёқ ваҳима. Бизни машинадан тушириб, залга ўхшаган бир хароб ҳужрага қамаб қўйишди. Шом, хуфтон намозларини шу ерда ўқидик, шунинг учунми, бизга тегишмади. Ярим кечага яқин қўмондон пайдо бўлди. Эгнида қора камуфляж форма, бошида қора салла, бир қўл, бир оёғи йўқ, сарғиш соқолли одам экан. Важоҳат билан бизни тергов қила бошлади, қайси давлатнинг жосуси эканимизни айтишни талаб қилиб, дўқ ура бошлади.

Мен иложи борича ётиқлик билан биз сиёсатдан йироқ одамлармиз, улуғ уламолар, хусусан, Ҳиротдаги Абдулла Ансорий, Алишер Навоий каби азиз зотларнинг қабрларини зиёрат қилишга ке-

таётганимизни айтдим. Зора, таъсир қилса, деб афғон Абдулла Ансорийнинг номини биринчи бўлиб тилга олдим.

Қўмондон бўлса, пинагини бузмасдан, чақчайиб турибди. Гапимни давом эттириб, биз мана шу Кобул шаҳрида дафн этилган Бобуршоҳнинг юрти – Ўзбекистондан, Андижондан келганимизни, тарихга оид маълумотларни ўрганишдан бошқа ниятимиз йўқлигини билдирдим.

“Андижон” деган сўзни эшитиб, қўмондоннинг кўзи чақнаб кетгандек бўлди, кутилмаганда илжайиб, “Андижан... Фергана... Карашо”, деб уч оғиз русча сўз айтди. Кейин таржимонга юзланиб, ниманидир тез-тез гапира кетди.

Маълум бўлишича, у урушдан олдин боксчи бўлган экан, Афғонистон терма жамоаси таркибида 70-йилларда СССРга келиб, Тошкент билан Андижонда мусобақаларда қатнашган экан. Бир куни Андижонда кечаси тиши қаттиқ оғриб қолганида, Зайниддин деган дўхтирга обориб кўрсатишгани ҳам эсида экан, шуларни гапириб берди. Лекин у Бобурнинг туғилган жойи Андижон эканини мутлақо билмас, уни афғон деб юрар экан, биздан бу гапни эшитиб, жуда ҳайрон бўлди.

Вазият биров юмшади.

Мен сумкамни очиб, қўмондонга пахта гулли чойнак-пиёла билан гулдор нақшлар солиб ишланган шаҳрихон пичоғини совға қилдим.

Чойнак-пиёлани қўлига олиб, хурсанд бўлиб кетди. Андижонга борганида унга шундай ҳадя беришган экан, уруш тўполонларида йўқолиб кетганини айтиб, афсусланган бўлди.

Пичоқни эса қинидан суғуриб, диққат билан томоша қилди, тиғининг дамини текшириб кўрди, кейин бирданига:

– Худо ҳаққи, қасам ичаманки, мен бу пичоқ билан жамики ислом душманларини сўяман! – деб қолса бўладими!

Азбаройи кўрққанимдан:

– Ҳай-хай, ундай деманг, бу пичоқ билан фақат кўй сўйинг, новвос сўйинг, – деб юбордим, кейин баттолнинг феъли айнаиб қолишидан чўчиб, йўлга рухсатнома ёздириб беришини илтимос қилдим. Хатни қўлга олганимдан кейин, бизга ижозат беришини сўрадим.

Қўмондон бизни зиёфат қилмоқчи бўлди, аммо ҳозир томоғимиздан сув ҳам ўтмас эди. Минг хил важ-корсонни баҳона қилиб, ижозат олдик ва йўлга равона бўлдик.

Бу воқеани кейинчалик Тошкентда ёзувчи укамиз Хайриддин Султонга айтиб бердим. У ҳам экспедициямиз аъзоси бўлган, биринчи сафаримизда қатнашган. Гапимни эшитиб, у киши нима дейди, денг?

“Зокиржон ака, шу пайтгача бутун дунё мамлакатларининг разведкалари “Толибон”га ким қурол-яроғ етказиб берапти, деган жумбоқ устида бош қотириб ётган эди, мана, энди уларга ким қурол “поставка” қилаётгани аниқ бўлди”, деб кулади.

Хирот томон кетаётганимизда бир гуруҳ ҳарбийлар автомобилимизнинг орқасига автомат қўндоғи билан уриб, тўхтатди. Бизни машинадан тушириб, похол тўшалган хароба бир хужрага қамаб қўйди. Боя қўмондон берган хатни бизни асир олган аскарга кўрсатсак, парво ҳам қилмади. То

бошлиғи келгунича тўрт-беш соат ўтиб кетди. Бир маҳал елкасида юлдузли поғони бор, чўққисоқол офицер келиб, биз берган хатни ўқиб кўрди ва бирданига бизнинг соқчимизга қараб ўшқира кетди. Аскар бечора унга жавобан: “Мен эсимни таниганимдан буён урушдаман, умуман ҳарф танимайман”, деди. Ҳам кулгили, ҳам ачинарли ҳолат эди бу.

Ўн йиллар олдин Англияга бордик. Биласизлар, у ердаги музей, кутубхоналарда Бобурга, бобурийларга оид манбалар жуда кўп. Нодирбек Қаландаров билан шуларни ўрганиб юрган эдик, билмадим, қаердан эшитишган, кечқурун бир радиостанциянинг Лондондаги ўзбек бўлимидан-миз, деб, бир йигит меҳмонхонага кўнғироқ қилиб қолди. Салом-аликдан кейин мен билан студияда суҳбат уюштириш учун рухсат сўради.

Рози бўлдим, эртаси тушга яқин таксида айтган манзилига етиб бордим. Дарвоза олдида кутиб турган экан, танишдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Абдусамад асли ўзимизнинг водийдан экан, ўн тўрт йилдан буён мана шу ўзбек бўлимини бошқарар экан. Студияга олиб кирди, микрофонларини ёқиб, қулоғига наушникларини тақди, кириш сўзини айтиб, кейин “Начали!” деб менга навбат берди.

Мен қаерда сўзга чиқсам, радио ёки телевидениега интервью берадиган бўлсам, гапни одатда бир фактдан, яъни, “Бобур халқаро фонди давлатимиз, муҳтарам Президентимизнинг яқиндан қўллаб-қувватлаши билан ташкил этилган бўлиб...” деб айтишдан бошлайман.

Бу сафар ҳам шундай дейишимни биламан, бошловчи: “Стоп-стоп!” деб ўрнидан туриб кетди,

наушнигини қулоғидан олиб, менга қараб кулимсиради.

“Зокиржон ака, бу ер Ўзбекистон эмас, – деди “Ўзбекистон” деган сўзга урғу бериб, – бу Буюк Британия, эркин мамлакат. Шунинг учун ўзингизни чекламасдан, рост гапни айтаверинг, келишдикми?”

“Келишдик”, дедим.

“Бошқатдан ёзамиз”, деди бошловчи ва менга қараб ишора қилди.

“Бобур халқаро фонди, – деб бошладим мен, – давлатимиз, мухтарам Президентимизнинг яқиндан қўллаб-қувватлаши билан...”

“Тўхтанг! Тўхтанг! – деб сапчиб тушди Абдусамад. – Домла, ҳозир келишдик-ку, ахир?”

“Нимани келишдик?” – деб сўрадим. Ўлай агар, мендан нима хоҳлаётганини тушунган бўлсам.

“Айтдим-ку, бунақа ёлғон, хушомад гапларнинг кераги йўқ. Қўрқманг, Зокиржон ака, сиз Лондондасиз, бу ерда сўз эркинлиги – олий қадрият”.

“Абдусамад ука, – дедим ҳайрон бўлиб, – бу гаплар сираям ёлғон ёки хушомад эмас. Кўриб турибсиз, мен хушомад қиладиган ёшдан аллақачон ўтиб кетганман”.

“Яшанг, мен ҳам шуни айтаман-да, – деди бошловчи қувониб. – Шунинг учун кўнглингизда борини гапирсангиз, илтимос энди”.

“Кўнглимда бори – шу-да, – дедим баттар таажжубланиб. – Бу фондни тузганимда давлат менга қаршилиқ қилмаган, аксинча, ҳар томонлама ёрдам бериб келади. Мана, ўтган даврда ўттизга яқин мамлакатга бемалол бориб келдик. Президентнинг топшириғи билан фондимиз солиқдан озод

қилинган, Андижонда уч юз гектарли боғ бизнинг тасарруфимизга бериб қўйилган, бунинг устига...”

“Э, Зокиржон ака, қўйинг бу гапларни, – деди Абдусамад ҳафсаласи пир бўлиб, – ахир, ҳамма билди-ку, Ўзбекистонда сўз эркинлиги, демократия йўқ...”

“Сиз Ўзбекистонда охириги марта қачон бўлган-сиз ўзи?” – деб сўрадим мен ҳам қизишиб.

“Бунинг аҳамияти йўқ, – деди бошловчи, – Ўзбекистонга бормасам ҳам, у ердаги аҳволни жуда яхши биламан. Келинг, қўйинг бу гапларни, нима қилдик, бошқатдан ёзамизми?”

“Ихтиёрингиз”, дедим. Очиғи, собиқ ҳамюртимизнинг беадаблигидан пича ранжидим.

“Қани, бошладик”, деди у.

Мен кар эшитганини, кўр тутганини қўймайди, дегандек, яна бояги гапдан бошладим:

“Бобур халқаро фонди давлатимиз, мухтарам Президентимизнинг яқиндан қўллаб-қувватлаши...”

Абдусамад бошини чангаллаб қолди:

“Бўлмайди, Зокиржон ака”.

“Ҳа, нега бўлмайди? Энди тўғрими-нотўғрими – бу менинг фикрим-ку, бераверинг-да”.

Шунда Абдусамад секин уҳ тортиб:

“Буни беролмайман... Ўтказолмайман”, деди.

Бу гапни эшитиб қотиб қолдим.

“Беролмасангиз, ўтказолмасангиз... Лондон-даям сўз эркинлиги йўқ экан-да? – дедим, кейин “Майли, ука, омон бўлинг”, деб ўрнимдан турдим.

Баъзи одамлар мени Бобурнинг фанати, деб аташади, шундай гаплар ҳам қулоғимга чалиниб туради. Мен ўйлайманки, кимки Мирзо Бобур бобомизнинг асарларини шунчаки ўқимасдан, маъ-

носини уққан бўлса, бу инсоннинг юрагини англаган бўлса, ўз-ўзидан унинг фанати бўлиб қолади.

Кейин мени бу масалада кўп ўйлантирган бир ҳолат ҳам борки, униям айтмасам бўлмайди. Биласизлар, Бобур Мирзо Ҳиндистонда тузган империя дунёдаги энг қудратли салтанатлардан бўлган – худди Буюк Британия, Испания ёки, олайлик, Япония империясига ўхшаб. Энди қарангки, бу империяларнинг ворислари неча асрлар мобайнида бардавом бўлиб, ҳозир ҳам давру даврон суриб келади. Бобурийлар сулоласи эса 1858 йили сўнгги подшоҳ Баҳодиршоҳ Иккинчи – Зафарнинг Бирмада қатл этилиши билан тугайди.

Мен олтмишинчи йилларда Сурхондарё вилоятининг нефть-газ бошқармаси раҳбари бўлиб ишлаганман. Жўркўрғонда, унинг атрофида нефть конлари очилишига озми-кўпми ҳисса қўшганман. Бу юртда мен ҳурмат қиладиган дўстларим, биродарларим ҳозир ҳам бор. Қисқаси, шу ерда ишлаб юрганимда Шерободга бир танишимизнинг тўйига борган эдик. Тўйга машҳур бир бахши ҳам келган эди, афсуски, отини унутибман. Шу бахши гулхан атрофида дўмбира чертиб бир ашула айтган эди, сўзлари ҳозир ҳам қулоғимда жаранглаб турибди:

Чамбил элдан от қочирдим – изи йўқ,

Гўрўғлига ош пиширдим – тузи йўқ,

Гўрўғлининг ўғли тугул қизи йўқ,

Ўғли йўқнинг, қизи йўқнинг ўзи йўқ.

Қаранг, “ўғли йўқнинг, қизи йўқнинг ўзи йўқ...”

Мен бир қатор мамлакатларда бобурийларнинг бугунги авлодларини топиб, улар билан кўришишга муяссар бўлдим. Уларнинг айримла-

ри ўта ночор, айримлари ўртаҳол одамлар. Бобур Мирзонинг шон-шуҳратини у зот муносиб бўлган даражага кўтариш, улуғлашга уларнинг қурби етмайди. Юртимизда эса бобурийларнинг ҳаёт бўлган ҳақиқий авлодларини, афсуски, учратмадим.

Шунинг учун ҳам Бобур бобомизнинг изи йўқолиб кетмасин, деб биз – ўзбек халқи ҳаммамиз ҳаракат қилишимиз керак, деб ўйлайман.

Тўқсонинчи йилларнинг бошида Бобур Мирзога атаб Андижонда ҳайкал ўрнатадиган бўлдик. Биласиз, у пайтда ҳамма нарса тақчил, етишмовчилик. Ҳайкалга бронза керак эди. Шунини топиш катта бир муаммога айланди. Шунда мен вилоятимизнинг ҳамма туман-шаҳарларини кезиб, қаерда Лениннинг олиб ташланган бюсти ёки ҳайкали бўлса, қидиришга тушдим. Бир амаллаб ўнтачасини топдим.

Раҳматли ҳайкалтарош укамиз Равшан Миртожиев билан Бобур Мирзо монументини Андижонда илк бор бронзадан қуйишга қарор қилдик. Бюстларни эритиб, бобомизнинг ҳайкалига ишлатдик. Лекин барибир озгина етмай қолди. Шунда таажжубланиб: “Эй тавба, ўнта Лениндан битта Бобур чиқмади-я”, деб юборибман.

Равшан Миртожиев бу гапга роса завқ қилиб кулди, кейин ҳамма жойда гапириб юриб, нақлга айлантириб юборди: “Ўнта Лениндан битта Бобур чиқмади”.

Энди сизлар яхши ўтиринглар, менга рухсат. Эрталаб саҳарда аэропортга чиқадиғанман – Германияда Бобур Мирзога бағишланган халқаро конференцияда иштирок этишим керак, бобуршунос олим Клаус Шониг таклиф этган.

Йўқ, у ерда кўп бўлмайман, индинга қайтиб келаман. Ундан кейин ўн бешинчи мартда экспедиция аъзолари билан Афғонистонга жўнаб кетамиз. Ҳиротдаги Алишер Навоий бобомизнинг мақбараси атрофига ер қотиб қолмасидан икки минг туп кўчат обориб экишимиз керак.

Афғонистонда уруш бўляпти-ку, дейсизми? Ҳа, Афғонистонда қирқ йилдан буён уруш давом этяпти, наилож. Таваккал, деб йўлга чиқаверамиз, ҳар иш бўлса – Худодан.

Зокиржон Машрабов,

Бобур номидаги

халқаро жамоат фонди раиси,

87 ёш

БИР ДОЛЛАРЛИК ҲИКОЯ

– Бизни бу ғаройиб мамлакатга анча йиллардан бери шу ерда турғун бўлиб қолган бизнесмен дўстимиз таклиф қилди.

Ўзимизнинг Эски шаҳар ўзбекларидан бўлган бу одам ўн-ўн беш йилдирки, Бангкокда савдо-тижорат ишлари билан шуғулланар, ўзига тўқ, ортиқча ғам-ташвиши йўқ, хушфеъл, хушчақчақ, яқин ўтмишда эл қатори яшаб юрганини эсидан чиқармаган, яъни, “давлатқа етиб, меҳнат элин унутма”ган¹ бир киши эди.

Хуллас, ана шу қадрдонимиз эр-хотин иккаламизни ниҳоятда улкан, олам денгизидек гувиллаб ётган Суварнабхуми аэропортида кучоқ очиб кутиб олди, лоақал бир зум чакаги тинмаётган қўл телефонига гоҳ инглиз, гоҳ тай, гоҳ яна аллақандай нотаниш тилларда жавоб берар экан, йўл-йўлакай биз билан сўрашиб-аҳволлашиб ҳам улгурди. Орада Бангкокда уч кундан буён тинимсиз ёмғир ёғаётганию бугун кечаси бизнинг пойқадамимиз ёқиб ҳаво очилиб кетганини ҳам айтиб, лутф қилиб қўйди.

Дўстимиз олийҳиммат кўрсатиб, шаҳарнинг кўркам, хушманзара мавзеларидан бирида, бой-боёнлар вақтичоғлик қиладиган гольф-клуб ҳудудида савлат тўкиб турган “Ле Меридиан” меҳ-

¹ Бобур Мирзо сатри.

монхонасидан люкс-номер буюриб қўйган экан, келиб жойлашдик.

Шу тариқа “Табассум ўлкаси” деб ном олган ушбу мамлакатда “оқ одам” сифатидаги бир ҳаф-талиқ сайру саёҳатимиз бошланди.

Ҳар бир турист кўриши лозим бўлган “диққат-га сазовор жойлар” билан танишиб, икки кундан кейин мамлакат шимолидаги Ко Чанг оролига жўнаб кетдик.

Олижаноб дўстимиз бизни яна бир бор қойил қолдириб, ўзи шофёрлик қилди.

Оролгача тўрт соатлар чамаси машинада бордик. Табиатнинг таърифига тил ожиз: агар ер юзида жаннат бўлса, айти шу ердадир.

Мени ҳайратга солган яна бир нарсаси бу бўлдики, бу халқ замонавий цивилизация қуриш билан бирга, атроф-муҳитни бу қадар бокира, табиий ҳолда сақлашга қандай эришган экан?

Қаршимизда сокин мавж уриб ётган Андаман денгизи ва ям-яшил, кўм-кўк, яхлит бир ўрмондан иборат Ко Чанг ороли намоён бўлди. Пирсда машинамизни ҳам паромга ортиб, орол томон сузиб кетдик.

Орол мўъжазгина, дўстимизнинг айтишича, бу четидан у четигача олтмиш беш километрни ташкил қилиб, бир соатда бошдан-оёқ кезиб чиқса бўларкан.

Қалин, қуюқ дарахтзорлар оралаб ўтган, идеал даражадаги текис йўл тепаликка ўрлаб борар, унинг икки томонида маржондек қатор тизилган дўкончалар, кичик-кичик ошхонаю устахоналар.

Хийла юриб, “Нест Сенсе” деган меҳмонхоналар мажмуасига келиб жойлашдик. Ўнга яқин ихчам коттежлардан иборат бу мажмуа шундоққина

денгиз қирғоғида, одамни кўрқитадиган даражада сувга яқин эди.

Умрида денгиз кўрмаган, пешонасига битган ягона денгиз – кўлини ҳам қуришиб битирган шўрлик бир эл вакиллари ўлароқ биз баҳри муҳит қаршисида яна лолу ҳайрон қолдик.

Меҳрибон дўстимиз биз билан бир кунни бир-галикда ўтказиб, ўзининг айтишича, бизнинг баҳонамизда бир кун дам олиб, сўнг минг бор узр сўраб, Бангкокка қайтиб кетди.

Бегона юртда, бегона бир оролда, етти ёт одамлар орасида эр-хотин ёлғиз қолдик. Лекин Интернет замонида инсон асло ёлғиз ва бегона қолиши мумкин эмас. Ҳатто она тилингиздан бошқа бирон тилни билмасангиз ҳам, Интернет бор жойда ҳеч қачон дар қолмайсиз.

Биз ҳам Гуглдан автомат таржимонни ёқиб олиб, тайлар ўлкасида бемалол гердаиб юрдик.

Гапимизнинг даромади чўзилиб кетди – эски ровийлар айтганларидек, “энди келдик мақсудимизга”.

Оролда қолган кунимизнинг биринчи кунини ёқ менинг, яъни, ёзувчининг энг асосий иш қуролли – дафтар-қаламнинг жомадонга солинмагани маълум бўлди. “Ким айбдор?” деган азалий саволни муҳокама қилишдан фойда йўқ, шунинг учун “нима қилмоқ керак?” деган саволга жавоб топиш лозим эди.

Кечқурун овқатланиб қайтар эканмиз, меҳмонхонамиз яқинидаги мини-маркетга кирдик ва ҳозир мана шу сатрлар ёзилаётган қирқ саккиз ва-рақли, бир чизиқли дафтар билан оддий шарикли ручка сотиб олдик.

Хотиним қорамағиз тай сотувчи аёл билан калькулятор орқали ярим соатча талашиб-тортишиб савдолашганига қарамасдан, у дастлабки нархдан бир батт ҳам тушмади. Охир-оқибат 30 батт – 1 долларга ушбу ручка ва дафтар сотиб олинди.

“Ўлсин энди, битта дафтар ўн минг сўм турса”, деб жаврай кетди хотиним.

Аёлларга ҳақиқатан ҳам қийин, айниқса, бир тийин бўлса ҳам уйимга, бола-чақамга қайирай, деб яшайдиган, умрида заҳмату меҳнатдан бошқа нарсани кўрмаган ўзбек аёлларига чет элда юриш осон эмас. Арзиган-арзимаган матоҳнинг баҳосини миллий ва хорижий валюта курсларига хаёлан конвертация қилавериб ҳолдан тойиш ва ниҳоят, “Вой, ўлсин!” деб юбориш – энди, буни билган одам билади, билмаган одам – бахтли бўлади.

Хусусан, умр йўлдошингизнинг гулдек умри ривожланган социализм давридаги “очиратлар”-да, бир бўлак колбаса ёки сарёғ, бир банка сув қўшилган сут, бир жуфт пайпоқ учун магазинларда навбат кутиб сарғайиб ўтиб кетган бўлса, сиз муштипар аёлингизнинг қандай қилиб дипломсиз иқтисод фанлари докторига айланиб қолгани, нима учун ҳар бир тийин, ҳар бир цент ёки батт устида титраб-қақшашининг сабабларини албатта тушуниб етасиз, деб ўйлайман.

Хуллас, дафтар-қалам олинди, ёнимда жавраб-койиб турган бўлсаям, илҳом париси муҳайё, ҳаммаёқ тинч-осуда, ижодга халақит берадиган ҳеч нарса йўқ. Фақат энди энг арзимаган, энг майда иш, яъни, ёзиш қолди, холос.

Лекин мана шу арзимаган ишнинг нақадар азобу машаққат эканини етти ярим миллиарддан

зиёд одам яшайдиган бу бепоён сайёрада фақат санокли инсонгина билади, англайди, ҳис қилади.

Бир пайтлар бир шоир дўстим мақтаниб айтган эдики, кўзим тушган нарсга ҳақида шу онда шеър ёза оламан, деб. Худойим, афсуски, менга бундай иқтидор ато этмаган, лекин шунга бир уриниб кўрсам-чи?

Шундай хаёл билан деразадан ташқарига тикилиб, нимани кўрдинг, денг?

Уч оёкли мотоцикл ҳайдаб кетаётган паст бўйли, қиёфасига қараб ёшини аниқлаб бўлмайдиган қоп-қора бир одамни кўрдим. Таиланддаги машиналарнинг рули Буюк Британия таомилига кўра ўнг томонда жойлашган бўлиб, бу мотоцикл ҳам бундан мустасно эмас, шу сабабли ўрганмаган кўзга бироз ғалати кўринар эди. Кажаваси олиб ташланган ушбу улов илгари қишлоқ жойларимизда кўп учрайдиган, кейинчалик йўқолиб кетган “Урал”, “Иж-Юпитер” деган мотоциклларнинг, халқона тил билан айтганда, “пат-пат”ларнинг айнан ўзи эди.

Ёшлик пайтимда Ирисмат ака деган бир қариндошимиз шунақа мотоцикл миниб юарди. У киши колхозда зоотехник бўлиб ишлар, тагидаги “пат-пат”ни ҳам ишхонаси берган эди.

Ирисмат ака – ота-онам учун мен келажакда етиб боришим лозим бўлган идеал – улгу-намуна эди. Содда, камтарин, меҳнаткаш, меҳрибон ота-онам менинг мактабни битириб, Ирисмат ака сингари мол дўхтири бўлишимни орзу қиларди.

“Ёгани – олдида, емагани – кетида, тагида “пат-пат”и, кимдан ками бор Ирисматни? Фермага

борса, бир қоп емми, кунжарами – молбоқарлар матасекилига ўзи ортиб беради; далага борса – битта қўйми, қўзими сўйиб, чўпоннинг ўзи кажавасига солиб беради”, деб тинимсиз зоотехник қариндошимизни мақташарди.

Аммо Ирисмат ака мен учун “кўргазмали қурол”га айланганидан беҳабар, мотоциклини патиллатиб, фермама-ферма, отарма-отар кезишдан бўшамас эди.

Ота-онамнинг бундай даъват-маслаҳатларини эшитар эканман, очиғи, кўнглим озиб кетар, дод деб бақириб юборгим келар эди.

Чунки, эсимни танибманки, мол-ҳолнинг ичида, шаҳарлик баъзи такаббур кимсаларнинг таъбири билан айтганда, молнинг кетида ўсган эдим, оғил ва гўнг ҳиди, сомон-пичаннинг талх иси димоғ-димоғларимга ўтириб қолган эди.

Ўзбек қишлоғида тирикчилик қилиш ҳеч қачон осон бўлмаган, ҳозир ҳам осон эмас, балки бундан кейин осон бўлар, аммо менинг ёшлигим кечган ўтган асрнинг олтмишинчи-етмишинчи йилларини эсласам... беихтиёр “Мен одам эдим-ку, инсон фарзанди!”¹ деб йиғлагим келади.

Тахминан етти яшар қишлоқ боласини онаси эрталаб, тўрт-бешларда, “Кун чошгоҳ бўлиб кетди, ётаверасанми ғафлат босиб, ана, қўшнининг боласи аллақачон молига қараб бўлди, тур ўрнингдан, ярамас!” – деган “ширин” сўзлар билан уйғотади. Бола апил-тапил юз-қўлини ювиб, молхонага югуради: молларнинг тагини тозалайди, охурига пичан солади, қўйга ем беради, сомон ювиб, тоғора-

¹Ғафур Ғулом сатри.

да терт қоради. Соат саккиз бўлганида бир бурда нонни бир пиёла куруқ чой билан ютиб, мактабга равона бўлади.

Бола ўн ёшга етганида тонг-саҳарда эшакка миниб, қишлоқдан ўн-ўн беш километр узоқдаги яйловга бориб, дала қоровулининг қўлига тушиб қолмаслик учун юраги така-пука бўлиб, тўрт боғ ўт ўриб келиш мажбурияти зиммасига юкланади.

Ҳар куни – қишин-ёзин, неча йиллар давомида яккаш шу ҳолат такрор бўлаверади: оғил тозалаш, молга ем бериш, суғориш, ўтга бориш, пичан ўриш, сомон янчиш... Жониворлар сони гоҳ кўпаяди, гоҳ озаяди, лекин мол боқишнинг тартиб-қондаси, азоб-уқубати асло камаймайди, ўзгармайди.

Боланинг хаёли эса... оҳ, унинг хаёллари осмону фалакларда парвоз қилади! У тонг ёришиб келаётган шафақни, кун ботиб бораётган ғуруб пайтини томоша қилишни, гулларнинг очилишини, бир кунлик капалакларнинг ипак қанотини силкитиб учишларини, япроқ узра қўнган шабнам томчиларида қуёш нурларининг сирли товланишини кузатишни, сукунатнинг товушини тинглашни яхши кўради.

Китоб, ўқиш – унинг жони-дили, аммо бу очофат, мечкай сигир-бузоқлар, ебтўймас қўй-эчкилар, бу қари эшак уни бир зум ўз ҳолига қўймайдилар – улар бўкириб, маъраб, ханграб, муттасил ем-хашак талаб қиладилар, боланинг тинка-мадорини қуритадилар.

Бола бу ғурбат ҳаётдан аллақачон тўйган, қандайдир ички савқи табиий билан ундан халос бўлишга интиларди, аммо тирикчилик гирдобини кундан-кунга ўз қаърига тортиб кетаверади.

Бунинг учун у ҳеч кимни – на ота-онасини, на бошқаларни айблар, зинҳор шиква-шикоят қилмас, чунки мурғак онги билан ўзи ва оиласи муттасил ва мунтазам равишда оддийгина, жўнгина, лекин ниҳоятда муҳим, ҳал қилувчи бир мақсад учун – бир амаллаб жон сақлаш, очдан ўлмаслик учун тинимсиз ҳаракат қилишлари шартлигини тушунарди.

Айни пайтда у мавжуд турмуш қаъридан рўшнолик, ёруғлик сари элтадиган ягона бир йўл борлигини билар, гарчи у пайтда Имом Бухорийнинг номини ҳам, у зот ривоят қилган “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деган ҳадисни эшитмаган бўлса-да, инстинктив тарзда, бутун жону жаҳони билан шу гирдобдан чиқиб кетишга уринар, шароити қанчалар оғир бўлмасин, ўлиб-тирилиб ўқир эди.

Бахтига ота-онаси жоҳил одамлар эмас эди, унинг билим олишга бўлган иштиёқини тушунчалари, имконлари етганича қўллаб-қувватлашарди.

Қирқ биринчи йилда, ўн етти ёшида Россия деган бегона мамлакат тупроқларига – жанг майдонига ташланган отаси, ёшлиги, бутун соғлиғи фронт учун, ғалаба учун хазон бўлган онаси ҳаммаша бир гапни такрорларди: “Ўқи, ўқисанг – одам бўласан”.

Лекин ўқиб одам бўлишнинг чинакам ва юксак намунасини улар ёлғиз Ирисмат ака сиймосида, унинг “пат-пат”и мисолида кўришарди. Бола учун эса бу истиқбол шу ёшгача кўрган-кечирган аянчли, ночор, уқубатли ҳаётнинг яна ўттиз-қирқ йиллик диққинафас давоми бўлиб туюлар эди, холос.

Ўзбек қишлоғида ана шундай умргузаронлик қилган минглаб болаларнинг бири мен эдим.

Шунинг учун ҳам, ота-онам хафа бўлишадими-йўқми, касб, яъни, ҳаёт йўлини танлашнинг узил-кесил вақти келганида мен уларга Ирисмат ака бўлолмаслигимни аниқ-равшан айтдим. Улар ич-ичида мендан ранжиган бўлсалар, ажаб эмас, лекин Тошкентга – ўзим танлаган ўқишга бораман, деганимда товушлари титраб, тўлқинланиб, оқ фотиҳа берганларини кечагидек эслайман.

Орадан ойлар, неча ўн йиллар ўтди.

Қаламкашнинг нони қаттиқ, Тошкентнинг тош кўчаларида ризқ-насиба топиш – осон эмас. Мана шундай машаққатли, оғир дамларда, болам учун ҳатто дори олишга пул тополмаган пайтларимда, тирикчилик ўтмай қолиб, кутубхонамдаги ноёб китобларни бекатларда ўтириб сотишга мажбур бўлган кунларимда ўзимнинг худбин ҳою ҳавасларим учун аҳли аёлим, фарзандларимни қурбон қилмаяпманми, деган шубҳа-гумонлар юрагимни қиймаларди. Шунда, балки ўз вақтида ота-онамнинг гапига кириб, Ирисмат акамга ўхшаб мол дўхтири бўлганимда, еганим – олдимда, емаганим – ортимда, маза қилиб яшаган бўлармидим, деган хаёлларга ҳам борардим.

Лекин орадан вақт ўтиб, битта-яримта ёзган нарсам у ер-бу ерда босилиб, арзон-гаров шуҳрат билан бирга очдан ўлмасликка етадиган уч-тўрт танга пул ҳам келтирганида тақдирнинг ўша бурилиш палласида тўғри йўл танлаганимга ишонч ҳосил қилар, акс ҳолда, қишлоқда тўртта чўпондан бошқа биров танимайдиган мол дўхтири бўлиб қолиб кетишимни ўйлаб, ҳаётимга шукрона айтар эдим.

Айни вақтда бошқа бир фикр ҳам менга тинчлик бермас эди: ахир, Чингиз Айтматовнинг касби ҳам мол дўхтирлик эди, лекин у қандай буюк ёзувчи бўлиб, бутун дунёда шуҳрат қозонди.

Менинг касбим эса ёзувчилик, ёшим олтмишдан ошди, уч-тўртта китоб ҳам ёздим, лекин мендан ҳеч қандай Айтматов чиқмади...

Чиндан ҳам, банда тадбир қиларкан, Оллоҳ тақдир қилар экан.

Мана, деразам олдидан ўтиб кетган уч оёқли, кажавасиз мотоциклни кўриб, шу гаплар эсимга тушиб кетди ва бу паришон битикларимни ниҳоясига етказдим.

Энди уни бирон-бир газета, журнал ёки нашриёт босиб чиқарадиган бўлса, ноширлардан курс бўйича 1 (бир) доллар миқдорида гонорар тўлашларини илтимос қилган бўлардим. Яъни, менга мана шу нарса ёзилган дафтар билан ручканинг пули чиқса, кифоя.

Сиз сўрашингиз мумкин: буни арзимаган пулга сотиб, қандай наф кўрасиз, деб?

Наф шуки, русча айтганда, “навар остаётся”.

Бу ўринда “навар” – ёзувчининг юрагидаги дардини тўкиб солганидан иборат, десам, ўйлайманки, сиз, азизлар ҳам фикримга қўшиласиз.

Исроил Қаландар,
ёзувчи, 60 ёш

СИЁСАТ

– Мактабни битириб, институтга кирадиган бўлдим, дадамга маслаҳат солдим.

Дадам: “Қани, ўзинг нима дейсан, ҳалиям артист бўлмоқчимисан?” – деб киноя қилди. Бу вақтга келиб, бўжама тошган, ғадир-будур башарамни ойнада кўравериб, мендан артист чиқмаслигига ниҳоят иқрор бўлиб, фикримдан қайтган эдим.

Шунинг учун дадамнинг саволига жавобан:

“Тошкентда учта тузук ўқиш бор, бири – дипломатия, бири – юридик институт, бири – нархўз, қолган ҳаммаси туфта”, деб билафонлик қилдим.

Дадам гапимни эшитиб, кўзлари қисилиб кулди, кейин: “Сенга бу гапни ким айтган бўлса ҳам, бекор айтибди, бошқа зўр ўқишлар ҳам кўп, – деди. – Ҳайронман, ўнинчини битириб, аттестат олибсан-у, ҳалигача қаерга ҳужжат топширишингни билмайсан. Мен, масалан, бешинчи синфдаёқ мана шу ТошДУнинг тарих факультетига ўқишга киришимни аниқ билардим”, деди.

“Энди, сизнинг замонингиз бошқа эди-да”, деб айтолмадим. Дадам ёшлигидан сиёсатга қизиққан, комсомол лидери бўлиб, шу йўлдан кетган, бир умр раҳбар лавозимларда ишлаб, оти газета-журнал, телевидениеда “давлат ва жамоат арбоби” деб тилга олинадиган даражага етган савлатли, ниҳоятда принципиал бир одам эди.

Ўқишга киришим учун ҳеч қанақа ёрдам бермаслигини билардим, чунки бу гап биринчи синф-

дан бошлаб қулоғимизга қуйиларди. Шу сабабли акам бечора икки йил ТошМИга топшириб киролмади, ҳозир Чилонзордаги автосервисда чилангарлик қилади.

Шундоқ экан, нега дадангга маслаҳат солиб ўтирибсан, деб сўрашингиз мумкин. Энди, аввало, аям “Ота рози – Худо рози” деб йўл кўрсатди, қолаверса, дадам ҳамма нарсани билади, деб ўйлардим.

“Одам бошқа масалада адашса ҳам, касб танлашда адашмаслиги керак, – деди дадам. – Пешонангда бўлса, балки дипломат бўларсан, балки юрист, лекин... дипломат бўлишга сенинг характеринг тўғри келмайди – тўғрисўзсан, бунинг устига, жуда қизиққонсан. Дипломат қандай одам, биласанми? Дипломат – бу дилида бир гапни ўйлаб, тилида иккинчи гапни айтадиган, амалда учинчи гапни қиладиган одам. Юристлик ҳам тахминан шунақа. Хуллас, менинг маслаҳатим шуки, сиёсатдан нарироқ касбни танлаганинг маъқул”.

“Нега?” дедим ажабланиб.

“Негаки, сиёсат доим вазиятга қараб ўзгариб туради, виждонингга, ҳаётий принципларингга тўғри келадими-йўқми, сен ҳам турланиб-тусланиб яшашга мажбур бўласан. Агар ўғлим бўлмганингда эди, бу гапни сенга айтмаган бўлардим. Лекин келажакда мендан домангир бўлишингни истамайман, тушундингми?”

“Нима қилай бўлмаса?” – деб сўрадим.

“Шундоқ бир соҳани танлагинки, сиёсатга умулман алоқаси бўлмасин. Масалан, математика, физика, химия...” – деди дадам.

“Қизиқмайман-да уларга”, дедим бошимни қашиб.

“Қизиқмасанг, қандай қилиб шу қийин фанлардан “беш” олдинг?” – деди дадам қўлидаги аттестатимга тикилиб.

“Нимаси қийин, озгина каллани ишлатса бўлди-да”, дедим.

“Бўлмаса, гап бундоқ, – деди дадам, – давлатимиз яқинда авиация институтини очди, шунга ҳаракат қилиб кўр. Самолёт ҳар қанақа тузумда ҳам учиши керак. Лекин менга умид қилма, ҳеч қандай ёрдам беролмайман, фақат репетиторга пул беришим мумкин”, деб яна ўзининг принципиаллигини писанда қилиб қўйди.

Авиация институтига биринчи марта қабул бўлаётгани учунми, талабгор кам экан, тестларни топшириб, имтиҳондан ўтиб кетдим. Фақат тиббий комиссия “ясситовон” деб топгани учун учувчилик факультетига қиролмадим, авиапарвозларни бошқариш бўлимига қабул қилиндим.

Бир ҳафта ўқиганимдан кейин дадамдан: “Танишларингиз кўп, менга ўзимнинг соҳамдан иш топиб беринг, кундузи ўқиб, кечаси ишлайман, сиздан пул сўраб бошингизни оғритмайман”, деб илтимос қилдим.

Дадам қош чимириб қўйди-ю, индамади. Эртасига аэропорт каттасининг олдида юборди, “Интеркарго-сервис” деган бир ташкилот бор экан, шу ерда кечаси компьютер оператори бўлиб, институтни битиргунча ишладим. Ўқишни тугатганда беш йиллик стажим бор эди.

Кейин аэропортда ўн йил транзит агенти, юк ташувлари бўйича менежер, тижорат департаментининг бош мутахассиси деган вазифаларда хизмат қилдим. Бу орада уйландим, орадан бир

йил ўтиб, авиакомпаниянинг Куала-Лумпурдаги ваколатхонасига аввал бошлиқ ёрдамчиси, кейин вакил этиб тайинландим.

Ишим қизиқ, ўзимга ёқади, энг муҳими, дадам айтганидек, сиёсатга алоқаси йўқ. Мени сиёсий янгиликлар эмас, об-ҳаво янгиликлари кўпроқ қизиқтиради.

Рейсларни вақтида кутиб олиб, вақтида кузатсам, молиявий ҳисоботни тўғри юритсам – бас.

Лекин нимадан қочиб юрсангиз, шу нарса албатта ёпишар экан – ишлаб юрганимнинг учинчи йили сиёсатга дуч келдим.

Бир куни Малайзияга қўшни юртдан... келинг, уни Катта давлат, деб атайлик, бир мусулмон одам транзит йўловчи сифатида учиб келди. Қўлида Катта давлат – Малайзия – Ўзбекистон ва унинг ёнида жойлашган давлатга, майли, уни Қўшни мамлакат, дейлик, шу йўналиш бўйича авиабилет бор эди. Тартиб-қоидага риоя этиб, бошқа пассажирлар қатори уни ҳам Тошкентга учуриб юбордик.

Бу одам эсон-омон Тошкентга етиб бориб, Қўшни мамлакат пойтахтига учиб кетади. У ердаги аэропортда менга номаълум сабабга кўра, унга мамлакатга кириш учун ижозат берилмайдиган келган жойига қайтариб юборишга қарор қилинади. Транзит парвозлар ҳақидаги халқаро Монреаль конвенциясига биноан, бундай вазиятларда йўловчи дастлаб қайси давлатдан учган бўлса, ўша ерга қайтариб юборилиши керак. Лекин нима учундир Қўшни мамлакатдаги тегишли хизматлар пассажирни Тошкентга қайтариб жўнатиш ҳақида буйруқ беради.

Бу киши ўз юртидаги сиёсатдан норози бўлиб юрган ашаддий диссидент экан, депортация бўлишидан ваҳимага тушиб, Интернет орқали шовқин-сурон кўтаради, журналистлар, блогерларни аэропортга йиғади. У этник жиҳатдан Қўшни мамлакатнинг туб миллатига мансуб экан.

Уни ўз юртига таклиф этган, билет олиб берган маҳаллий нодавлат ташкилот дарров гапидан тониб, “Знать не знаю”га ўтиб олади. Чамаси, бечораларга яхшигина босим ўтказилган бўлса керак-да.

Бирпасда тўс-тўполон бошланди. Ўзимизнинг ишхона бир четда қолиб, ички ишлар, ташқи ишлар ва бошқа ишлар ташкилотларидан ҳар турли сўровлар ёғилиб кетди: яъни, бу шубҳали шахс қандай қилиб бизнинг самолёт билан учди? Қандай қилиб бизнинг мамлакатимизга кириб келди?

Шу тўғрида дарҳол тушунтириш бериш талаб қилинади.

Мен, шунақа-шунақа, бу одам Катта давлат – Малайзия – Ўзбекистон – Қўшни мамлакат йўналиши бўйича транзит йўловчи сифатида учган, биз унга билет сотмаганмиз, ҳеч қандай қондани ҳам бузмаганмиз, деб уввало тушунтириш беряпман, қани энди, тушунадиган одам топилса! Савол устига савол: бу шундай хавfli шахс экан, нима учун текширмагансиз? Нима учун уни самолётга ўтқазиб юборгансиз? Мана энди, сизнинг касрингизга Қўшни давлат бизга норозилик нотаси юбормоқчи ва ҳоказо гаплар.

Ҳой мусулмонлар, тушунинглар ахир, транзит йўловчини текшириш бизнинг ваколатимизга кирмайди, қолаверса, у бўйича Тошкентдан бирон-бир кўрсатма келмаган, ҳатто базада ҳам ҳеч

қандай салбий маълумот бўлмаган, шунинг учун Тошкентдан бемалол учиб кетган, деб жаврайман. Бунга жавобан: “Сиз ўзингизни оқламанг, бу – сиёсат, тушундингизми? Мана энди уни депортация ёки экстрадиция қилиш масаласи бизнинг бўйнимизга тушиб турибди. Майли, сиёсий томонини қўйиб турайлик, хўш, билетнинг пулини сиз тўлайсизми?” – деган дағдаға.

“Нега биз тўлашимиз керак, ким уни чақирган бўлса, ўшалар тўлаши керак”, деб айтаман – ҳеч ким тушунмайди, энг ёмони, тушунишни ҳам истамайди.

Бунинг устига, Интернет: “Инсон ҳуқуқлари фаоли Фалончи Тошкентга асоссиз равишда депортация қилинмоқда”, деган мазмундаги гаплар билан “ёниб” ётибди.

Шу ўртада Қўшни мамлакат пойтахтида ўтирган менинг ҳамкасбим Жасур Валиаҳмедов шошганми, ҳаяжонланганми, бир хатога йўл қўяди: маҳаллий нодавлат ташкилотнинг ўзи чақирган меҳмонига фақат Тошкентгача билет олиб бера оламиз, деган таклифига рози бўлади. Ҳолбуки, билетни Қўшни мамлакат – Ўзбекистон – Малайзия – Катта давлат йўналиши бўйича расмийлаштириш керак эди.

Яна ғавғо, яна жанжал – Тошкентдан Малайзиягача бўлган авиабилетнинг пулини ким тўлайди?

Бу муаммо ҳал бўлмасидан яна бир ишқал бошланади. Бояги “персона нон грата”, яъни, “номатлуб шахс” Тошкентга учиб келгач, “Юртимга қайтмайман, чунки у ерда мени қийноқ ва ўлим жазоси кутяпти”, деб ижтимоий тармоқларда тағин тўполон кўтаради. Катта давлатнинг мухолифи бўлган иккинчи бир Катта давлатнинг элчиси аэропортга келиб, транзит зонада у билан учрашмоқчи бўлади. Албатта, бунга рухсат берилмаганидан кейин

у: "Ўзбекистон инсон ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларини бажармасдан, Катта давлатга ёқиш учун машҳур диссидент Фалончини экстрадиция қилмоқда", деб чет эл оммавий ахборот воситаларига баёнот беради. Би-Би-Сидда ҳам, Си-Эн-Энда ҳам, Эн-Эйч-Кэйда ҳам фақат шу гап.

Бошим балога қолди, ҳамма мендан хафа – гўёки бу одамни шахсан ўзим унинг мамлакатидан олиб келганману мажбурлаб Ўзбекистонга юборганман. Эй, агар у ёмон бўлса, нега ўз юртидан чиқиб кетишига рухсат беришган, деган саволга жавоб йўқ. Умуман, бу саволни берадиган марднинг ўзи йўқ.

Энг ёмони кейин бўлди: Тошкент аэропортида у соқчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, чўнтагидаги авторучкасини олиб, томоғига тиқиб, жонига суиқасд қилмоқчи бўлади. Аранг ушлаб қолишади, лекин жароҳати жиддий бўлгани учун касалхонага ётқизишади. Ишқилиб, бахтимизга ўлиб қолмасин, деган бошқа бир муаммо пайдо бўлади. Икки-уч кун ўтиб, сал ўзига келгач, ёнига соқчи қўйиб, бир амаллаб Тошкентдан Куала-Лумпурга учуриб юборишади.

Ғалванинг каттаси энди бошланди.

У Катта давлатдан Малайзия авиакомпанияси орқали Куала-Лумпурга учиб келган эди. Демак, уни яна шу авиакомпания орқали юртига қайтариб юбориш керак эди. Лекин Малайзия ҳам икки ўт орасида қолди: Катта давлатга мухолиф бўлган иккинчи Катта давлатнинг бу ердаги элчиси ҳам югуриб аэропортга келди, маҳаллий ҳукуматдан диссидентни қийноқ ва ўлим жазоси кутаётган мамлакатга топширмасликни талаб қилди. Уни

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ОБСЕ деган яна бир ташкилотнинг вакили қўллаб-қувватлаб чиқди.

Диссидентнинг ватани бўлган Катта давлат бўлса, сукут сақлаб, қани, ким ўзини қандоқ тутаркин, деб кутиб турибди.

Маҳаллий амалдорлар қаттиқ босим остида қолди. Ҳамма буларнинг барчаси учун мени айбдор деб топди, кечагина кулиб-саломлашиб юрган аэропорт раҳбарлари ҳам мени кўрса, хўмрайиб ўтадиган бўлди.

Жонидан тўйган одамнинг кўзига ҳеч нарса, ҳатто ўлим ваҳимаси ҳам кўринмас экан. Диссидент бечора ҳам шундай аҳволга тушди. У аэропортнинг транзит зонасидаги кичкина бир хонага қамаб қўйилган эди, яна пайт пойлаб туриб, ўзини ўлдиришга уринади – югуриб келиб, жон-жаҳди билан бошини деворга уриб ёради, ҳушидан кетади. Дўхтир, полиция, телерепортёрлар, қий-чув...

Бу бахтиқаро одамнинг аҳволи кундан-кунга оғирлашиб борарди, лекин бу можаронинг иштирокчисига айланган манфаатдор томонларнинг биронтаси унга ёрдам беришни, ўз сиёсий амбицияларидан воз кечишни истамас эди.

Бир ҳафтадан кейин Катта давлатнинг Малайзиядаги элчихонаси чалажон диссидентни конвой билан ўз мамлакатига олиб кетди.

Сиёсий конфликт гўёки ҳал бўлди. Кўпчилик энгил нафас олди.

Дадам мени огоҳлантиргани билан, бу дунёда сиёсатдан нари яшаб бўлмас экан.

Дониёр Шаропов,
авиатор, 37 ёш

БАЙРУТ ХОТИРАСИ

– Байрутда бўлганмисиз? Йўқми? Э, унда бу дунёга келмабсиз, биродар. Аслида ер юзидаги жами одамларни икки тоифага ажратиш мумкин – Байрутни кўрганлар ва Байрутни кўрмаганлар. Худойим сизга тезроқ биринчи тоифага киришни насиб этсин.

Байрутни “иккинчи Париж” дейишади. Лекин менга қолса, Парижни “иккинчи Байрут” деган бўлардим, ўлай агар.

Бу гўзал шаҳарда умримнинг олтин дамлари ўтди. Шу ерда иккинчи ўғлим туғилди, отини Байрут қўйдим.

Қаранг, бирпасда эллик йил ўтиб кетибди-я! Ўшанда мен – ёш дипломат Ал-Жумҳурия ал-Лубнания, русча айтганда, Ливан Республикасининг пойтахти Байрут шаҳридаги совет элчихонасига референт бўлиб ишга келган эдим.

Биринчи марта кўргандаёқ дунёдаги энг қадимий бу шаҳарга мафтун бўлиб қолдим. Тўрт минг йиллик тарихи бор бу шаҳар ўзида ҳам Шарқ, ҳам Ғарбни, ҳам ўтмиш, ҳам бугунги замонни мужассам қилиб турарди.

У пайт Байрутнинг айнаи гуллаб-яшнаган даври, фуқаролар уруши бошланишига ҳали беш йил бор, тинч, фаровон, беғам ҳаёт қайнаб-тошарди. Бу космополит шаҳарда йўқ миллатнинг ўзи йўқ, маҳаллий халқ уч тилда – араб, француз, инглиз тилларида булбул бўлиб сайрарди. Бутун дунё-

нинг пули шу ердаги етмишта халқаро банкда айланарди, лекин биронта молиявий сир, худди қудуққа тушгандек, ҳеч қачон ошкор бўлмасди. У ёғини сўрасангиз, Байрутнинг исмиям жисмига монанд, “қудуқ” деган маънони англатади.

Ҳар қадамда музейлар, театру концерт заллари, тунги клублар, ресторону казинолар... Шаҳарнинг кўчаю майдонлари туну кун нурафшон, дунёнинг бор мусиқаси янграб ётади. Бир кун Гугуш, бир кун Азнавур, индинига Аль-Бано, яна бир кун Вена симфоник оркестрининг концертлари...

Байрут фақат шоду хуррамлик учун, бу ўткинчи дунёнинг ғам-ғуссасини бутунлай унутиб, бахтиёр яшаш учун яратилган макон, шаккоклик бўлмасин-у, жаннатнинг ер юзидаги кичкина бир макети эди.

Мен шаҳарнинг тош қасрлардан иборат тарихий қисмида – Ашрафия мавзесида уч хонали квартирада турардим. Уйимнинг шундоқ рўпарасида маронит насронийларининг Муқаддас авлиё Георгий ибодатхонаси бўлиб, тилларанг қуббалари остидан жом садолари эшитилиб турарди.

Кейинчалик унинг қаршисида Ливаннинг энг бадавлат одами, марҳум Бош вазир Рафиқ ал-Ҳарири ўз ҳисобидан Муҳаммад ал-Амин масжидини қурдирди. Шу тариқа Худонинг бу иккита уйи девор-дармиён қўшни бўлиб қолди. Афсуски, шундоқ инсонни икки мингинчи йилларда портлатиб ўлдириб юборишди.

Эрталаблари, кун қизиб кетмасидан, кедр дарахтлари қуюқ соя ташлаб турган Ҳамра маҳалласига чиқардим, ундан ўтиб, Верден кўчасидан пиёда юриб, ишга борардим.

Тинч, бир маромдаги иш куни қандай ўтганини кўпинча билмай қолардим.

Кечқурунлари баъзан оилам билан соҳилдаги портга борардик, очиқ равонда қатор тизилган қаҳвахоналардан бирида кускус¹ тамадди қилиб, қуёшнинг қип-қизил бўлиб денгиз ортига ботишини соатлаб томоша қилардик. Шанба-якшанба кунлари шаҳар атрофидаги Жейка деган икки қаватли қадимий ғорларга, Биби Марямнинг ўттиз метрли ҳайкали ўрнатилган мавзеларга чиқиб, табиат бағрида дам олардик.

Бу осойишта ҳаёт икки йил – элчихонамизга янги раҳбар келгунича давом этди.

Ўша давр совет ташқи сиёсатида ислом дунёси мамлакатларига миллий республикалардан муслмон динига мансуб раҳбарларни элчи қилиб юбориш қандайдир сиёсий анъана тусига кирган эди. Шу сабабли етмишинчи йилларда Яқин Шарқ минтақасидаги учта муҳим давлатда СССРнинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси лавозимини ўзбеклар эгаллаган эди.

Масалан, Сурия Араб Республикасида КПСС Марказий Комитетининг собиқ секретари, ўзбеклардан биринчи бўлиб Сиёсий бюро аъзолиги даражасига кўтарилган Нуриддин Акрамович Муҳиддинов, Иордания Ҳошимийлар Қироллигида эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари Рафиқ Нишонович Нишонов элчи бўлиб хизмат қиларди.

Шу йилларда буларга қўшимча қилиб, илгари Ўзбекистонда катта лавозимда ишлаган яна бир

¹ Кускус – ливан миллий таоми.

раҳбар Ливан Республикасига элчи этиб тайинланди.

Эсимда бор, шу муносабат билан Москвадаги Ташқи ишлар вазирлигида айрим одамлар: “Ўзбеклар Тамерландан кейин Яқин Шарқни яна забт этди”, деб пичинг ҳам қилишарди.

Миллатдошим, ҳамюртим элчи этиб тайинланганини эшитиб, гарчи у кишини шахсан танимасам ҳам, хурсанд бўлдим. Мен ўн етти ёшимда туғилган юртимдан чиқиб кетган, МГИМОни битириб, Москвада, Ташқи ишлар вазирлигида ишга қолдирилган эдим. Икки йил Болгариядаги элчихонада ишладим, шунинг учун Ўзбекистондаги расмий шахсларни яхши билмасдим.

Ниҳоят, белгиланган муддатда янги Элчи Байрутга келди, иш фаолиятини бошлади.

Элчихона жамоаси байналмилал эди – руслар ҳам, арманию украинлар, битта грузин ҳам бор эди. Раҳбаримиз уларнинг ҳаммаси билан қандай расмий-қуруқ муомала қилса, мен билан ҳам шундай муносабатда бўлди. Икки йил бирга ишлаган бўлсак, ўзаро бирон марта бир оғиз ҳам ўзбекча гаплашмадик.

Албатта, мен унинг аҳволини тўғри тушунардим. Агар менга озгина ортиқча эътибор кўрсатса, эртага маҳаллийчиликда, ундан ҳам ёмони, миллатчиликда айбланиши мумкин эди. Элчихонада тўлиб-тошиб ётган “қулоқлар” фақат шунақа вазиятни пойлаб юришарди.

Лекин ҳар қандай шароитда ҳам одам, айниқса, мусофир юртда ўз қавмини учратиб қолса, ўртада қандайдир ҳиссиёт пайдо бўлиши керак-ку? Бу кишига бундай туйғулар мутлақо бегона эди. У

– амалнинг шоири, мансаб, лавозим – унинг стихияси эди. Иш бошланганидан кейин идорада шундай тартиб ўрнатдики, ҳамма ходимлар Элчи келишидан бир соат олдин жой-жойларини эгаллаб, ҳужжатларни тахт қилиб, ўқланган милтиқдек, докладга шай бўлиб туришлари керак эди. Лекин кун бўйи докладга чақирилмасликлари ҳам мумкин эди.

Бир-икки ойдан кейин янги тартиб жорий этилди – энди элчихонада иш куни Москвада, Кремлда иш тугаганидан кейин бир соат ўтиб якунланадиган бўлди.

Бундай янгиликлар қаторига кейинчалик жума оқшомлари партия-ҳукуматимизнинг доно сиёсатини мадҳ этишга бағишлаб ўтказиладиган сиёсий машғулотлар ҳам қўшилди.

Энг қизиғи, ҳар ўн беш кунда ишхонамизда коммунистик шанбалик уюштириладиган бўлди. Бунга ҳатто партком секретари Звягинцев ҳам ҳайрон эди, чунки коммунистик шанбалик СССРда йилига бир марта – доҳий Ленин туғилган 22 апрелда ташкил этилишини у яхши биларди.

Идорамиздаги шанбаликда қиладиган ишнинг тайини бўлмаса-да, барча ходимларнинг иштирок этиши мажбурий эди.

Элчихонанинг бўйрадек ҳовлиси бўлиб, у ерда икки туп қандайдир баланд бута ўсарди. Шанбалик куни эрталабдан ҳаммамиз ҳовлида тўпланиб, Элчининг чиқишларини кутар эдик. Раҳбарнинг ёрдамчиси – ленинградлик Сергей Панкратов, ўттиз ёшлардаги, тепакал йигит, ичкаридан катта столни ҳўжалик мудирига кўтартириб, ҳовлига олиб чиқиб қўярди. Кейин стол устида бирин-ке-

тин оппоқ сочиқ, салфетка, бир жуфт оқ резина қўлқоп, токқайчи, “Мальборо” сигаретаси, зажигалка, кулдон, бир шиша минерал сув, биллур стакан пайдо бўларди.

Серёжа буларнинг ҳаммасини жуда катта иштиёқ ва ихлос билан стол устига жойлаштирарди, дам-бадам буюмларнинг ўрнини алмаштирар, салфетка билан артар, хуллас, типирчилаб, бир дақиқа ҳам тинч турмас эди. Бизлар эса гўё фокусчининг сеҳрли бармоқларига тикилгандек, ёрдамчининг ўлиб-тирилиб қилаётган бу ғалати ҳаракатларидан кўз узолмасдик. Очиғи, антик давр Рим ҳуқуқи бўйича бутун дунёга танилган машҳур академик Панкратовнинг ўғли бўлган бу бечорага раҳмим ҳам келарди.

Раҳбаримиз, қойил қолиш керак, сиёсий паузанинг ҳақиқий устаси эди. Бир соатча ҳаммани мунтазир куттирганидан кейин, ниҳоят, эшиклар очилиб, Элчининг бошдан-оёқ расмий протокол бўйича бенуқсон кийинган, вазмин-салобатли қиёфаси намоён бўларди. Ҳаммамиз ўрнимиздан турардик, беихтиёр уст-бошимизни тузатиб, салом берардик.

У киши бамисоли бу норасо дунёнинг бор дарду ташвишини ҳал қилиш бошига тушган одамдек, чуқур хаёл оғушида чиқиб келарди, қаршисида уймалашиб турган биз бечора чумолиларни умуман пайқамасди, бироздан кейин шарпамизни сезгандек бўлиб, билинар-билинемас бош ирғаб қўярди.

Бир актёр театри бошланарди.

Раҳбаримиз бояги икки туп бутанинг олдига келиб, худдики Мичуринга ўхшаб, уларни ниҳоятда диққат-эътибор билан кўздан кечирарди,

кейин олдин ўнг қўлини, сўнг чап қўлини салгина тепага кўтарарди. Унинг орқасида ҳайкалдек қотиб турган Сергей Панкратов шу заҳоти резина қўлқопларни хўжайиннинг нозик қўлларига авайлаб кийдириб қўярди. Бироз паузадан сўнг у киши энди ўнг қўлини юқорига кўтарарди – Сергей эпчиллик билан тоққайчини тутқазарди.

Элчимиз шошилмасдан, оғир-вазминлик билан бутанинг тепасидан ёки ён-атрофидан икки-учта шохчани чилпиб ташларди. Сергей дарҳол қирқилган шохчаларни териб олиб, қўлидаги елим пақирчага соларди. Иккинчи бутанинг устида ҳам худди шундай чеканка ишлари амалга ошириларди.

Боғбонлик фаолиятини тугатиб, Элчи жаноблари тагин қўлини кўтарарди. Сергей югуриб келиб, хўжайиннинг қўлидан аввал тоққайчини оларди, кейин қўлқопларни оҳиста ечиб оларди-да, оппоқ сочиқни узатар эди.

Шу тариқа жисмоний меҳнатдан кейин раҳбар чекишга майл билдирарди – иккита бармоғини жуфтлаштириб, орасини очиши билан ёрдамчи сигарет қистирарди-да, зажигалка билан уни ўт олдиарди.

Сигаретни секин-аста тортиб, Элчимиз нари-бери юриб сайр қилган бўларди, Серёжа кулдон кўтариб, орқасидан шарпадек изма-из борарди.

Тамаки ҳам чекиб бўлингач, хўжайин яна қўлини салгина юқорига чўзарди, бу сафар Панкратов унинг кафтига салфетка қопқоқ ёпилган биллур стаканда вижирлаб турган минерал сув тутқазарди.

Шу билан коммунистик шанбалик ҳам, бир актёр театри ҳам якунига етарди. Бу ғаройиб томо-

шани кимдир ҳайрат, кимдир яширинча кулги билан, яна кимдир ичида “что за барские замашки?” деб кузатиб турарди.

Очиғини айтсам, Раҳбаримизнинг бундай ноҳуя қилиқларидан мен хижолат тортардим, кап-катта одам нега бундай қиларкин, ахир, бу ер Ўзбекистоннинг чекка бир қишлоғию бу ходимлар содда чўпонлар эмаслигини, балки ҳаммаси бурганинг кўзини кўрган, қитмир дипломатлар эканлигини наҳотки билмаса, деб ўйлардим.

Қанчалик ғалати туюлмасин, юксак дипломатик мақомга эга бўлса-да, Элчи биронтаям чет тилини билмасди. Билишга ҳаракат ҳам қилмасди. Чунки рус тили – бутун жаҳоннинг тили, деб ҳисобларди. Холисона айтганда, дипломатик соҳага ишга ўтказилган барча партия-совет кадрларининг аҳволи шундай эди.

Лекин, тан олиш керакки, у киши тилни билмаса ҳам ишни биларди.

Мисол учун, ҳар куни эрталаб ишхонага бир даста газета-журнал келарди. “Правда” билан “Известия”ни ўзига олиб қолиб, Элчимиз қолган хорижий газеталарни ёрдамчиси орқали ходимларга бўлиб берарди. Газеталарнинг устига “Подготовить дайджест. Срок – 1 час” деган кўрсатма ёзилган қоғозча қистириб қўйилган бўларди.

Ҳаммамиз апил-тапил газеталар шарҳини тайёрлашга киришардик. Мен кўпинча “Лубнан ньюз”, “Халиж таймс”, “Байрут лайф” деган инглиз тилида чиқадиган газеталар билан бирга, арабча “Ҳайъат” газетасининг обзорини тайёрлардим. Айниқса, “Халиж таймс”да таҳлилий мақолалар кўп босиларди. “Халиж” деб араблар кўрфазни айтади,

шу масалада ихтилоф бор эди. Бу кўрфазни улар “Араб денгизи” деса, эронийлар “Форс кўрфази” деб атарди.

Бирон соатда ҳаммамиз ишни бажариб, жонсарақ Панкратовга топширардик. Кейин мажлислар залига йиғилиб, Элчи жанобларини мунтазирлик билан кутиб ўтирардик. Бу орада Серёжа тўрдаги президиум столига минерал сув, биллур стакан, сигарет, кулдон, зажигалкани тартиби билан тегиб чиқарди. Уларнинг ёнига хорижий газеталар билан бирга боягина биз таржима қилган материалларни тахлаб қўярди.

Ниҳоят, Раҳбар, ерни ҳам миннатдор бўлсанг босаман, деган важоҳат билан оҳиста кириб келарди. Ҳушига келса – саломга алик оларди, ҳушига келмаса – йўқ. Девордаги Брежнев суратига бир разм солиб олгач, секин хўрсиниб жойига ўтирарди-да, ташвишли оҳангда: “Коммунистик партиямиз ва совет давлатининг барча тинчликсевар саъй-ҳаракатларига қарамасдан, империалистик кучларнинг айби билан бутун дунёда кескинлик ва эскалация кучайиб бормоқда”, деб гап бошларди.

Кейин олдида турган газеталарни бирма-бир қўлига олиб, уларнинг ичига Панкратов авайлаб солиб қўйган, боягина ўзимиз таржима қилиб топширган мақолалар мазмунини ўзимизга шарилла-тиб ўқиб берарди:

“Мана, масалан, “Гардиан” газетаси бугунги бош мақоласида шундай деб ёзади...”

Биз оғзимиз ланг очилиб, қотиб ўтирардик.

“Ёки бўлмаса, “Халиж таймс” газетаси Яқин Шарқдаги вазият хусусида эълон қилган таҳлилий мақолани олайлик”, деб сўзини давом эттирарди.

Бир соатча чет эл империалистлари ва буржуа сиёсатчиларини, уларнинг югурдаги бўлган сотқин журналистларнинг пўстагини қоқиб бўлгач, Элчимиз бугунги “Правда” газетасининг бош мақоласини мароқ билан сўзлаб беришга тушарди.

Умуманолганда, уҳақиқий ортодокс коммунист бўлиб, эртаю кеч жаҳон революциясининг ғалаба қозонишини кутиб яшарди. Сиёсий амбициялари баланд эди, сезишимча, бутун фикри-ёди Ўзбекистонга биринчи раҳбар бўлишдан иборат эди. Шу боис Ливандек кичкина бир мамлакатга элчи қилиб тайинланишини ҳеч ҳазм қилолмас, ўзини сиёсий фитна қурбони бўлган, деб ҳисобларди, лекин, табиийки, бу тўғрида ҳеч кимга чурқ деб оғиз очолмасди.

Мана шундай эҳтиёткор одам бир марта билиб-билмай, нафақат Лубнон, балки бутун араб дунёсининг сиёсий ҳаётида катта шов-шувга сабаб бўлган бир воқеанинг қаҳрамонига айланди.

У киши матбуот аҳлини хуш кўрмас, очиғини айтганда, улар билан ҳар қандай мулоқотдан қўрқар эди. Шунинг учун ҳам элчихонадаги бундай тадбирлар пресс-конференция шаклида эмас, балки журналистларнинг савол бериши кўзда тутилмайдиган брифинг тарзида ўтказиларди. Элчимиз матбуот конференциясида муқаррар равишда қандайдир провокация юз беради, деб ҳисобларди. Энди ўша вақтда социалистик ва капиталистик дунё ўртасидаги сиёсий таранг муносабатларни инобатга оладиган бўлсак, бундай хавотир албатта бежиз эмас эди. Лекин дипломат шунинг учун ҳам дипломатки, у ҳар қандай шароитда, ҳар қандай қалтис саволга муносиб жавоб бера оладиган

етук шахс бўлиши лозим. Айниқса, СССРдек қудратли давлатнинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси бунга сўзсиз қодир бўлиши керак.

Ҳар ҳолда, мен ёшлик шижоати билан шундай деб ўйлардим. Одам бир оғиз сўз учун отилиб кетган Сталин замонининг даҳшатлари қон-қонига сингиб кетган Элчи сингари раҳбарлар эса бошқача ўйлаши табиий эди.

Хуллас, элчихонамизда навбатдаги брифинг ўтказилмоқда эди. Зал тўла маҳаллий “қалам наҳанглари”, минбарда Элчи қоғоздан бош кўтармасдан, ўн марта муҳокама қилиниб, чиғириқдан ўтказилган тайёр матнни шариллатиб ўқиб берарди. Таржимон – Реваз Константинович Чиргадзе қора терга тушиб, баёнотни пешма-пеш арабчага таржима қилиб борарди.

Бир маҳал раҳбаримиз ўзининг энг яхши кўрган “шоҳбайти”ни, яъни **“Империалисты всего мира пытаются сделать из мухи слона”**, деган жумлани алоҳида таъкидлаб, кўзойнагини қўлига олди-да, таржимонга синчиклаб тикилди. Реваз Константинович Қоҳира университетининг араб тили ва адабиёти факультетини битирган, кўп йиллар Миср, Ливия, кейинчалик Яманда таржимон бўлиб ишлаган тажрибали дипломат эди. Мулойим, ўта беозор бу одам охирги пайтда астма бўлиб қолган, қийналиб нафас оларди, Раҳбардан нима учундир ўлгудек қўрқарди, ҳозир ҳам Хўжайиннинг қаттиқ, қаҳрли нигоҳига дош беролмади-да, бирданига гапини йўқотди, “слон” деган сўзнинг таржимасини тополмасдан тутилиб қолди, қизариб-бўзариб, икки-уч марта ночор оҳангда “слон... слон” деб такрорлади.

Элчимиз унга чексиз нафрат ва афсус билан анча тикилиб турди, кейин худди сўккандек қилиб: “Фил!” деди.

Ишончим комилки, арабчанинг “а” ҳарфини ҳам билмайдиган бу одам ихтиёрсиз равишда “слон”нинг ўзбекча муқобилини айтиб юборган эди. Чиргадзе дастрўмоли билан юз-кўзини артиб, “Да, да... фил”, деди ва Хўжайинга миннатдорлик билан боқди. Журналистлар кулиб, қарсак чалиб юборишди.

Бироздан кейин брифинг тугади.

Эртасига наинки Лубнондаги, балки Халиж минтақасидаги барча газеталар “Совет Иттифоқининг Байрутдаги элчиси жаноб Фалончи араб тилини мукаммал билади, лекин рус тилида гапиришга мажбур”, деган мазмундаги хабарлар билан тўлиб чиқди. Ҳатто айрим нашрлар бунга янада чуқур маъно беришга уриниб, “Жаноб Фалончи мусулмон фарзанди ўлароқ, ўз нутқида Қуръони каримнинг “Фил” сурасига нозик бир ишорат қилди”, деб ёзишгача борди.

Бу можаро элчихонада анча гап-сўзга сабаб бўлиб, бояқиш Чиргадзега ҳайфсан эълон қилиш билан тугади.

Икки йилдан кейин сафарим қариди – хизмат муддати битиб, жазирама Байрутдан совуқ, рутубатли Москвага қайтдим. Бу вақтда Элчимиз меҳнат таътилида – Карлови Варида даволанишда эди, у киши билан хайрлашиб кетиш, умуман, кейинчалик қайта кўришиш насиб этмади.

Мен кетгандан кейин икки йил ўтиб, бир минг тўққиз юз етмиш бешинчи йили Лубнонда ўн етти йил давом этган фуқаролар уруши бошланди.

Кейин вайрон бўлган мамлакат аста-секин қайта тикланди.

Ўтган йили Байрутда ўтказилган халқаро бир конференцияда иштирок этишимга тўғри келди. Байрут ниҳоятда обод, фаровон бўлиб кетибди, кўчалар, майдонлар – ўша, иморатлар – ўша, одамлар – ўша, аммо шаҳар мутлақо бегона эди. Шунда, биласизми, биз қачондир яшаган шаҳар-қишлоқлар ҳам биз билан бирга қариб, биз билан бирга ўлар экан, деган фикр хаёлимдан ўтди, маҳзун бўлиб қайтдим.

Мен кейинчалик Америкадаги Ўзбекистон элчихонасида ҳам тўрт-беш йил ишладим. Совет зулмидан қочиб шу ерга келиб қолган муҳожир ватандошлар, уларнинг авлодлари билан танишдим. Улар мустақилликдан олдин баъзан ўзаро йиғилишиб, “Гўзал Туркистон, санга на бўлди?” деган қўшиқни айтишар экан. Сўзларини Чўлпон ёзган, жуда таъсирли.

Куни кеча Байрутда даҳшатли портлаш бўпти, эрталаб Интернетда кўриб, қотиб қолдим: юз элликдан ортиқ одам ўлибди, олти мингга яқини жароҳат олибди, уч юз минг киши уй-жойидан айрилибди...

Байрутдаги фожиани эшитиб, бояги қўшиқнинг икки мисрасини сал ўзгартириб айтдим, шоирнинг руҳи мени кечирсин:

*“Ай, гўзал Байрут, санга на бўлди,
Саҳар вақтида гулларинг сўлди...”*

Аббос Матлабов,
дипломат, 70 ёш

МАКТУБ

– Ассалому алайкум, Хайриддин ака!

Қобил акамга бағишлаб ёзган хотира сатрларингизни ўқиб, ҳаммамиз жуда таъсирландик. Оиламиз барча аъзоларининг самимий миннатдорчилигини қабул қилинг.

Эсимда, 1974 йили, ёз кuni, Паркентнинг бозоридаги темирчилик дўконимизда ўтирганимизда акам раҳматли билан бошлашиб келиб, бувамдан бир нарсаларни сўраб кетдингиз. Бир муддат ўтиб, “Суръат” газетасида “Уста Шоназар ва унинг фарзандлари” деган очеркингиз босилиб чиқди. Газетани бувамга ўқиб берганимизда, раҳматли кўзига ёш олиб, сизни дуо қилган эдилар, “Илоҳим, иқболи баланд бўлсин”, деб. Шунда у киши етмиш тўрт ёшда эдилар. Ким ўйлабди, орадан қирқ уч йил ўтиб, сиз акам ҳақида “Дўст хотираси”ни ёзасиз деб. Наиллож, тақдир...

Суҳбатлашиб қолсак, акам доим: “Хайриддин ҳозир давлат хизматида банд, лекин мен ишонаман, ижод қилиб юрибди, ҳали кўрасан, кўп ажойиб асарлар эълон қилади”, дер, сизга катта умид билан қарар эди.

Бугун Шоназар отанинг фарзандлари, неварая эваралари сизни яна ожизона дуо қиламиз: илоҳим, Парвардигор сизни соғ-саломат асрасин, болаларингизнинг роҳатини, камолини кўринг, кеннойим билан узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечиринг.

Адам раҳматли сиз билан фахрланар эдилар. Онам ҳам телевизорда кўриб қолсалар, уйимизга акам билан бирга кириб келган пайтларингизни эслаб, сизни дуо қилардилар.

Мен сизнинг мактабни битириб, ТошДуга хужжат топшириб, имтиҳонга тайёргарлик кўраётган пайтларингизни яхши эслайман. У пайтда бувамининг уйида туриб, пичоқчи уста амакиларимга қарашар эдим. Ўша вақтда уйингиз олдидаги Горький номли истироҳат боғида, ҳозирги ҳазрати Саид ота мақбарасининг ёнида эртаю кеч китоб ўқиб ўтирардингиз.

Бир хабар олгани борганимда сўнгги имтиҳонингиз немис тилидан бўлиб, университетга кириш учун албатта “беш” олишингиз шарт эканини айтиб берган эдингиз. Имтиҳонга кирганда фақат немисча гапириб жавоб берганингиз ва охир-оқибат “аъло” баҳо олганингизни эшитиб, роса қувонган эдим. Бутун Ўзбекистон бўйича атиги йигирма бешта талаба қабул қиладиган журналистика факультетига ўқишга кирганингиздан биз оиламиз билан жуда суюнган эдик.

Бизнинг уйда адабиёт фанидан тутган, акам раҳматлига берган бир дафтарингиз бўларди. Унда ҳар хил эпиграфлар жамланган бўлиб, ўқиганларимдан Пётр I нинг **“Ким бахтсиз – бахтсизликини енга олмаган киши бахтсиз”**, деган жумла ёдимда қолган. Бу дафтардаги ёзувингиз бир томонга ёнбошлатиб ёзилган эди, ҳали ҳам кўзим олдида туради.

У пайтларда билимдон битирувчилар ёшлар учун ўрнатилган, намуна ҳисобланарди. Акаси олийгоҳга кирган бола чин маънода бахтиёр эди. Ўша

йилларда биз уч ака-ука ва бир сингил кетма-кет институтларга кириб кетдик. Буни кўрганлар, адам раҳматлининг олдига келиб, ўғил-қизларини ўқишга киритишга ёрдам беришни илтимос қилар эканлар. Адам бўлса, “Менинг танишим йўқ, ишонганимиз – болаларнинг китоби, китоб ўқитинг”, дер эканлар...

Биласиз, адам касалхонада шифокор, онам ҳам-шира эди. Ҳар ҳафта бизнинг қўлимизга пул бериш учун улар кундузи ишлашар, яна кечалари кетма-кет навбатчиликда қолишар эди. Кўпинча пул етмай қолса, қўшнилардан қарз олинарди. Оилада етти ака-ука, икки сингил эдик. Орамиздаги фарқ икки ёшдан бўлгани учун, онам раҳматли хавотирга тушиб, “Намунча булар кетма-кет ўқишга кириб кетмаса, бунақада қолганларига қандай пул топиб берамиз”, деб айтган эканлар. Кейинчалик, шу гапларидан ўзлари афсус қилиб юрдилар, фаришталар омин деган эканми, деб. Нимагадир, укаларим мактабда яхши ўқиса ҳам, институтга кира олмади...

Акам раҳматли бизлар учун ҳамиша ўрнат ва йўлбошчи эдилар. Ҳаммамиз акамга ўхшашга ҳаракат қилардик, унга ўхшаб кийинардик, тўғрироғи, у кийган кийимларни киярдик, унга ўхшаб гапиришга ҳаракат қилардик. Раҳматли жуда ҳам меҳрибон дўст эди. Дўстлари ҳам кўп эди. Иккита мактабда ўқиган, бувамизнинг маҳалласидаги сиз каби ўртоқлари билан ҳам апоқ-чапоқ эдилар.

Касбини ниҳоятда севарди, ардоқларди, қадрларди. Интернатурани машҳур 16-шаҳар касалхонасида ўтаган эди. Шунда домлалари ақлли, қўли енгил, деб ёқтириб қолиб, янги ТошМИга, хирургия кафедрасига ишга олмоқчи бўлишди. Лекин йўлланма Ички ишлар вазирлиги госпиталига

бўлгани учун рухсат берилмади. Қариндошимиз, кинорежиссёр Элёр Эшмуҳамедовнинг отаси раҳматли Муҳиддин амаки Госпланда ишларди, кўп ҳаракат қилиб, у киши ҳам ёрдам беролмаган эди.

Шу сабаб акам умрининг охиригача битта жойда – шу госпиталда ишладилар.

Сўнгги иш куни шу йил 9 июль куни бўлди, кеч соат саккизларда иситмаси чиқиб, тоби қочгани учун укам Ғайрат бориб, акамни навбатчилигидан қайтариб олиб келди. Ўн кун ўтгач, 19 июль кечаси ўша шифохонада жон таслим қилдилар.

Акам ҳақидаги хотираномангизда ёзган бир фикрингиз қалбларимизни ларзага солди: “Балки бемор Қобил Шоназаровнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун шу касалхонада врач Қобил Шоназаров етишмагандир?..”

Акам бу ерга ишга кирган вақтларида ички ишлар вазири Ҳайдар Яхёев эди, орада қанча вазирлар, госпиталь бошлиқлари алмашди, қанча-қанча орган ходимлари акамнинг қўлида даволанди. 1986 йили бўлса керак, у кишини вазирликнинг тиббиёт бошқармаси бош жарроҳлигига таклиф қилишган эди, кабинетда ўтираманми, деб рози бўлмади. Ўтаверинг, давлат квартира беради, десам ҳам кўнмаган эди. 1989 йили Фарғона воқеалари юз берганида водийга юборилди, жонини гаровга қўйиб, ярадор мелисаларга ёрдам берганлар сафида бўлди.

Паркент воқеалари содир бўлганда ҳам ўз ихтиёри билан дарҳол қишлоғимиз касалхонасига етиб келган, операция хонасидан охирги ярадор чиқмагунча бу ердан кетмаган эдилар...

Акам чин маънодаги, катта ҳарфлар билан ёзиладиган шифокор эди. Шу она юртимизни телбалар-

ча, юрак-юрагидан севадиган, давлат қийналса, дилидан куйиб, бирон яхшилик бўлиб қолса, болаларча беғубор севиниб кетадиган, соатлаб тарихимиз ҳақида гапириб, фахрланадиган ватанпарвар эди...

Ҳаётда бирон-бир адолатсизликни кўрганида, унга қарши курашар, лекин бизларга: “Кўп сиқилма, ҳаммасини Яратганнинг ўзи кўриб турибди, аваламбор инсофини берсин, бермаса, бу дунёда бўлмаса, у дунёда жазосини албатта олади”, дер эдилар.

Акамнинг яшаш тарзи сўзда эмас, амалда адолату инсофга асосланган эди. Давлат берган ойлигига қаноат қилиб яшарди. Етмаса, даладан ер олиб, картошка, жўхори экарди, ўзи қийналарди, бизларни ҳам қийнардди, лекин беморларнинг қўлига қарамас эди.

“Ҳали Ўзбекистон шундай ривожланиб, жаннатдек юрт бўлади, мана, кўрасизлар”, деб астойдил ишонарди. Бу ишонч акамни бирон сония тарк қилмади.

Охирги пайтлар меҳрибончилиги, оқибати жуда кучайиб кетган эди. Укаларимни, қариндошларимизни тез-тез йўқлаб, боролмаса, соатлаб телефонда гаплашадиган бўлиб қолган эди. Карантин баҳона соқол кўйиб, фариштали мўйсафидга айланган эди.

Рўза пайти кичик даврада ифторлик қилдик. Хатми Қуръон буюрилган бўлиб, Обид ҳожи домла ҳам келган эдилар. Домла акамнинг соқолини кўриб, муборак бўлсин, деган эдилар, у киши: “Ёшим олтимиш тўртга яқинлашди, энди бу ёғига ота-бобомизнинг қилганини қилайлик”, деб жилмайиб жавоб берди. Ҳожи домла: “Бу ёғи суннатга мувофиқ бўлибди”, деб табриклаган эдилар.

Энди ўйлаб қарасам, акам ўзи билиб-билмай, охираат сафарига тайёргарлик кўраётган эканми...

Сизга ёрдам сўраб телефон қилган куним раҳматли камгап бўлиб қолдилар, Ғайрат укам, “Бардам бўлинг, ака, ҳали ҳаммаси яхши бўлади”, деса, “Бу ёғи Оллоҳга таваккал, пешонада бори бўлади”, дебди...

Раҳмат, қўлингиздан келган ҳамма ёрдамни қилдингиз. Аксига олиб, “Тез ёрдам” машинаси кеч келди. Госпиталга тунги соат иккиларга яқин ўтказишди. Ўпка етишмовчилиги устига қанд касали ҳам қийнаб қўйди. Оллоҳнинг тақдири баҳоналари билан бирга келар экан.

Биз – ака-укалар ҳаммамиз коронавирусга чалиниб, қаттиқ карантин назоратида эдик, умрининг сўнгги дамларида акамнинг ёнларида бўла олмадик, рози-ризолик айтолмадик. Мана шу нарса армон бўлиб қолди.

Акамнинг жасадини қора қопда олиб келишганда юрагим узилиб тушди. Хаёлимда фақат бир фикр: шундоқ акам-а, шундоқ акам-а... Начора, Яратганнинг буйруғи шу бўлса, сен нима қила оласан, эй ожиз банда... Кўндим. Кўндик.

Фақат жаноза ўқиган домла-имомнинг: “Вабодан ўлган одам шаҳидлар мақомида кетади”, деган гапю тинимсиз кўнғироқ қилиб таъзияга келадиган ҳамқишлоқларимизнинг, акангиз раҳматли яхши инсон эди, яхши шифокор эди, акангни яхши кўрардим, ҳурмат қилардим, акангизга ўхшаганлар кам бўлади, менга фалон пайт ёрдам берган эди, даволаган эди, жойи жаннатда бўлсин, деган ҳамдардлиги кўнгилга тасалли бўлди, холос...

Илоҳим, уларнинг дуою тилаклари ижобат бўлсин!

Ё мағфиратининг чеки йўқ Раббим, акамнинг амалларини ҳаммасини ўзинг биласан – яхшисини

ҳам, ёмонини ҳам, ошкорасини ҳам, махфийсини ҳам, аввалгисини ҳам, охиргисини ҳам, каттасини ҳам, кичигини ҳам. Ҳеч бир банда жаннатингга раҳматинг бўлмаса, фақат яхши амали билан киролмайди. Ўзинг раҳматинг билан акамни марҳаматингга ол, мағфират қил, билиб-билмай қилган барча гуноҳларини кеч, қабр ва дўзах азобидан паноҳ бер, яхши амалларига савобингни кўпайтириб бер, улуғ жаннатингдан жой ато эт, охиратини обод қил, эй раҳматининг чеки йўқ Раббим!

Эй ўхшаши йўқ, шериги йўқ Оллоҳим, ўз жонини гаровга қўйиб, акам раҳматлини даволаганларни, машинада касалхонага кўчирганларни, ёрдам қўлини чўзганларни, бизга ҳамдард бўлганларни, жанозада қатнашганларни, қабрини тайёрлаганларни, ювиб-тараб, кафанлаганларни, дуо қилганларни, эслаганларни, барча хайрихоҳ дўст-яқинларни, барча мўмин-мўминаларни, муслим ва муслималарни икки дунё саодатига етказ, икки дунё ёмонлигидан ўзинг асра, омин!

Эл-юрт бошига келган бу вабони ўзинг кўтар, барча беморларнинг дардига шифои комил ато эт, ё Раббим! Сенинг шифоинг ҳар қандай дардга чин шифодир, эй яратган Эгам!

Ҳамид Шоназаров,

врач-рентгенолог, 62 ёш.

2020 йил, 5 август,

Паркент

P.S: 2020 йил, 15 октябрь кунини Ҳамид Шоназаров коронавирус касаллигидан вафот этди. Оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин...

МУНДАРИЖА

Сирожиддин Саййид. Бир сатр ва бир китоб таассуроти (Сўзбоши).....	3
Омад	13
Монолог	18
Миллатчининг жазоси	37
Уй сотилади	54
Шодиёна	70
Мастона.....	81
Фожиёна.....	90
Ички ишлар вазирининг ошга боргани	102
Қишлоқ хўжалик вазирининг таъзияга боргани.....	111
Мудофаа вазирининг жанозада имомлик қилгани.....	118
Ашъвий далил	140
Ҳақиқатчи	148
Биринчи миллион	159
Таржимаи ҳол	170
Валижон касал бўлди	220
Судда	229
Арафа	260
Икки китоб – икки дунё.....	263
90 яшар юбиляр.....	264
“Отамнинг айтганини қилишим керак”	266
Ўзбек халқининг миллий ғояси	282
Мантиқ дarsi	293
Одам бўлган одам	307
Отабекнинг жанозаси	324
Бедарак йўқолган	329
Икки карра қаҳрамон	338
Ҳар иш бўлса – Худодан	348
Бир долларлик ҳикоя	361
Сиёсат	371
Байрут хотираси	379
Мактуб	392

Адабий-бадиий нашр

Хайриддин СУЛТОН

ОДАМЛАРДАН ТИНГЛАБ ҲИКОЯ

Ҳикоялар

Масъул муҳаррир *Икром Искандар*

Муҳаррир *Дилрабо Мингбоева*

Бадиий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*

Мусахҳиҳ *Элмурод Нишонов*

Саҳифаловчи *Азамат Қайимов*

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

«ADABIYOT-NASHRIYOTI» МЧЖ

Нашриёт лицензияси: № АА 0043. 27.01.2020

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

Тел: (90) 900-75-77.

Босишга 2020 йил 30 октябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма. «Cambria» гарнитураси.

Шартли босма табағи 18,9. Нашриёт босма табағи 22,5.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 288

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонасида чоп қилинди.

100097, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

тел: (90) 9061902



Хайриддин Султон,

1956 йили Тошкент вилоятида туғилган. 1978 йили ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тугатган.

Нашр этилган китоблари:

“Қуёш барчага баробар” (1980)

“Бир оқшом эртаги” (1983)

“Онамнинг юрти” (1987)

“Умр эса ўтмоқда” (1988)

“Бобурнинг тушлари” (1992)

“Бобурийнома” (1997, 2019)

“Тўқчилик ва йўқчилик” (2002)

“Саодат соҳили” (2005)

“Триста шестьдесят четыре дня” (2013)

“Уч юз олтмиш тўрт кун” (2019)

“Қўнгул озодадур” (2019)

“Ҳақиқат жамоли” (2019)

Киносценарийлар:

“Чангак” (1989)

“Тушларимда кўриб йиғлайман” (1990)

“Мозийдан бир саҳифа” (1991)

“Меҳробдан чаён” (1998)

“Ёлғиз ёдгорим” (1998)

“Улуғ амир ва донна Мариа” (2019)

ISBN 978-9943-6472-1-3



9 789943 647213